

657  
с 83

657  
А. С. Сотиволдиев  
Ю. М. Иткин

121

# Замонавий бухгалтерия ҳисоби

II том

20336925  
ЧИТАЛЬНИЙ ЗАП

КУТУБХОНА  
ТЕАИ



Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар

Миллий Ассоциацияси

Тошкент 2002

А. С. Сотиволдиев, Ю. М. Иткин

«Замонавий бухгалтерия ҳисоби» икки томли, II том

Олий ўқув юрти талабалари, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассислар учун.

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқлари Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясига тегишли. Китобнинг матнидан тижорат мақсадида ҳар қандай фойдаланиш фақат Ассоциация билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Китобнинг муаллифлик ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳимоя қилинади

Тошкент, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг нашриёт маркази, 2002 й. 1000 нусха  
1999 й. 24 марта берилган 10-405- сонли лицензия

Маълумот учун телефон: 34-01-87, факс: 137-61-58

137-61-49 }  
137-61-50 } доб. 2-58, 2-16  
137-61-53 }  
137-61-54 }

E-mail: account@ishonch.uz

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ) ЛАР ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **7.1 МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ТАСНИФИ ВА ТАРКИБИ**

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш 1999 йил 5 февралда тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» га (бундан буён низом деб айтилади) асосланган.

Бу Низом бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича амалдаги қонунчиликни инобатга олган ҳолда хўжалик субъектлари бўлган (ўз фаолиятини банкда ҳисоб - китоб счетини очиб олиб борадиган) юридик ва jisмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган харажатларни бир хил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади харажатларни ҳисоблаш ва бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш учун, улар фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Лекин солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия ҳисобидаги фойда орасида фарқ бор, чунки давлатимизнинг солиқ қонунчилигига биноан корхона томонидан қилинган барча харажатлар ҳам солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

Шунинг учун солиққа тортиладиган базани аниқлаш мақсадида Низом иккита иловага эга. Бу иловаларда харажатлар таркибида ҳисобга олинадиган, лекин амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича ҳисоблаш йўли билан солиққа тортиладиган базага қўшиладиган моддалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир вазирликлари, идоралари, давлат органлари ва хўжалик бошқарувлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси билан келишилган ҳолда мазкур Низом асосида харажатлар таркибини ҳисобга олиш хусусиятларини аниқлаб оладилар.

Низом қуйидаги имкониятларни беради:

- корхона фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш ва бозорда рақобатдошлигини аниқлаш учун бухгалтерия ҳисоби счетларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида

вужудга келган барча харажатлар туғрисидаги аниқ ва тўлиқ ахборотни шакллантириш;

- солиққа тортиладиган базани туғри аниқлаш.

Низомга асосан барча харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар;

- ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар;

- 96 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар» суратларининг бевосита дебетда ҳисобга олинмайдиган корхонанинг молиявий фаолият бўйича харажатлари;

- 9720 «Фавқулотдаги зарарлар» суратида ҳисобга олинмайдиган фавқулотдаги зарарлар.

Шу муносабат билан харажат моддалари қуйидагича гуруҳланади:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар:

1) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

2) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

3) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

2. Давр харажатлари:

1) сотиш харажатлари;

2) бошқариш харажатлари (маъмурий харажатлар);

3) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

1) фоизлар бўйича харажатлар;

2) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

3) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

4) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

4. Фавқулотда зарарлар

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Ишлаб чиқариш таннархига қўшилаётган харажатлар - булар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот (ишлар ва хизматлар) ни қайтадан ишлаш жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом ашёлар, материаллар, ёқилғилар, энергиялар, асосий воситалар, меҳнат ресурслари, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларнинг қиймат баҳосидир.

Буларга бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар киради.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- 1) ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- 2) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- 3) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
- 4) асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- 5) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатлар маҳсулот таннархига қўшилади. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби бўйича қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имкониятини беради: ишлаб чиқаришга қилинган ҳақиқий харажатларни ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли акс эттириш, ҳар бир маҳсулот ва хизматлар ҳақиқий таннархини калькуляция қилиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ва оқилона фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Шу вазифалар муносабати билан ва ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш ва назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- таннархга нисбатан (тўғри ва устама (билвосита);
- маҳсулот, ишлар ва хизматлар турлари бўйича;
- харажатларни вужудга келиш жойлари (ишлаб чиқаришлар, цехлар, участка ва ш. қ.) бўйича;
- харажат турлари (элементлари ва моддалари) бўйича.

Дастлабки ҳужжатларга асосан маълум бир маҳсулот, ишлар, хизматларга ўтказиш мумкин бўлган харажатлар (материаллар, ишчиларнинг иш ҳақлари ва б.) тўғри харажатлар ҳисобланади. Устама, ёки эгри (билвосита) харажатлар (ёритиш, иситиш, машина ва ускуналарнинг ишлари ва бошқалар) бир вақтнинг ўзида барча ишлар, хизматлар ва маҳсулотларга тегишлидир. Улар ишлар, хизматлар ва маҳсулотларга ой охирида маълум кўрсаткичларга муносиб тақсимлаб ўтказилади.

Иқтисодий элементлари бўйича харажатларга моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қийматини чиқариб ташлаган ҳолда), меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта ва пенсия фондига ажратмалар, мажбурий тиббиёт суғуртасига ажратма, асосий фондлар амортизацияси ва бошқа харажатлар қиради.

Бу элементларнинг ҳар бири бўйича харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда) тўғрисидаги маълумотлар тегишли счетларда гуруҳланади. Чунончи, материаллар 10 «Материаллар» смети бўйича очилган тегишли счетлар (1010 - 1090- счетлар) нинг кредитида акс этирилиб, тегишли счетлар дебетланади. Бу сарфланган материалларни хўжалик жараёнлари ўртасида тақсимлаш имкониятини беради, меҳнат ҳақи харажатлари эса - корреспондентланувчи счетлар бўйича 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» смети нинг кредитида акс этирилади.

Ижтимоий ва тиббиёт суғуртаси ва пенсия фондига қилинган ажратмалар суммаси 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» смети нинг кредитида кўрсатилади, асосий воситаларнинг эскириши эса - асосий воситаларнинг турларига қараб 02- счет бўйича очилган тегишли счетлар (0211 - 0299- счетлар) нинг кредитида акс этирилади ва корреспондентланувчи счетлар бўйича хўжалик жараёнлари ўртасида тақсимланади; бошқа харажатлар суммаси 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Ҳисоб - китоб смети», 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар», 44 «Ходимларга берилган бўнақлар ҳисоби» смети бўйича очилган тегишли (4410 - 4490) счетлар ва бошқа счетларнинг кредит оборотлари маълумотлари бўйича аниқланади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг счетлар тизими барча харажатларни иқтисодий элементлари бўйича ҳисобга олиш ва уларни хўжалик жараёнлари орасида тақсимлашни таъминлайди. Лекин харажатлар содир бўлган жойлари бўйича харажатлар таркиби устидан назорат қилиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш учун ишлаб чиқариш жараёнида фақат нима сарфланганини эмас, балки бу харажатлар қандай мақсадларга (қаерга, нимага) қилинганлигини билиш зарур, яъни харажатларни йўналиши бўйича, уларни технология жараёнлари бўйича ҳисобга олиш зарур. Харажатларни бундай ҳисобга олиш таннархни таркибий қисмлари бўйича ва маҳсулотнинг айрим турлари бўйича таҳлил қилиш имкониятини беради. Шу мақсадда ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар асосий, ёрдамчи ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчиларга бўлинади. Ишлаб чиқаришга хизмат

кўрсатувчи харажатлар таркибида алоҳида ягона моддалар бўйича машина ва асбоб - ускуналарни ва улардан фойдаланиш харажатлари, цехларни бошқариш харажатлари (умум ишлаб чиқариш харажатлари) ва бошқалар ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, режалаштиришда, маҳсулот таннархини ҳисобга олиш ва калькуляция қилишда маҳсулот, ишлар, хизматлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қуйидаги харажат моддалари бўйича гуруҳланади:

- материаллар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда), сотиб олинган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар, чет корхоналарнинг ишлаб чиқариш характериға эга бўлган хизматлари (қайтариладиган чиқитларни чиқариб ташлаган ҳолда);

- бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар бажариш) билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;

- ижтимоий суғурта ва пенсия фондига, тиббий суғуртаға, бандлик фондига ажратмалар;

- машина ва асбоб - ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари;

- умум ишлаб чиқариш харажатлари.

**Изоҳ.** Саноатнинг айрим тармоқлари моддалар номенклатурасига режалаштириш, ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бўйича тармоқлар йўриқномасида назарда тутилган ўзгаришларни киритишлари мумкин.

Калькуляция моддалари бўйича харажатлар ўз таркиби бўйича харажат элементларига қараганда кенгроқ, чунки харажат моддаларида ишлаб чиқаришнинг характери ва структураси ҳисобга олинади. Бунда таҳлил учун етарли база ташкил қилинган.

Мазкур корхонада барча белгиланган таннарх моддалари бўйича қилинган харажатлар ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади.

Бу харажат моддалари бўйича маҳсулот таннархи калькуляция қилинади, шунинг учун ҳам бу моддалар калькуляция моддалари дейилади.

Юқорида айтганимиздек, ишлаб чиқариш харажатлари улар содир бўлган жойлари бўйича гуруҳланади, яъни улар қайси ишлаб чиқаришға (асосий, ёрдамчи) тегишли эканлиги, қайси цех ёки қайси участкада содир бўлганлик белгиси бўйича гуруҳланади.

Харажатларни алоҳида технологик жараёнлари бўйича назорат ва таҳлил қилиш ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисоблаб чиқиш учун у ёки бу буюмларнинг таннархига

ўтказиладиган харажатлар суммасидан алоҳида жараён ва операцияларга ўтказиладиган харажатлар ажратилади.

Чунончи, техник - иқтисодий омилларга ва асосан ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлик жиҳатидан харажатларни шартли - ўзгарувчан ва шартли - доимийга бўлиш мумкин.

Шартли ўзгарувчан харажатлар маҳсулот бирлигига нормаллаштирилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмига қараб уларнинг миқдори кўпайиши ёки камайиши мумкин (масалан, асосий материаллар харажатлари, ишлаб чиқариш ишчиларининг ишбай иш ҳақлари ва ҳ.к.).

Шартли - доимий харажатларга мутлоқ миқдори цех ёки корхона бўйича лимитлаштириладиган, ишлаб чиқариш дастурини бажарилиш ҳажмига боғлиқ бўлмаган (масалан, биноларни иситиш ва ёритиш харажатлари, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақлари) харажатлар кирди.

Календар даврлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари жорий (ҳар кунлик), бирйўла (бир марталик), ёки бир ойда кўпи билан бир марта содир бўладиган харажатларга бўлинади. Ишлаб чиқаришда содир бўладиган харажатларни жорий (мазкур ойга тегишли) ва бирйўла (бир қанча кейинги ойлارга тегишли) га ажратиб олиш ҳар ойда маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблашда катта аҳамиятга эга.

## **7.2 ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СЧЕТЛАР ТИЗИМИ**

Ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги, корxonанинг хўжалик фаолиятида унинг аҳамияти, харажатларларнинг ҳар хиллиги бутун бир гуруҳ ишлаб чиқариш харажатлари счетларидан фойдаланишни талаб қилади: 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2320 «Бошқа ишлаб чиқаришлар», 2510 «Умумишлаб чиқариш», 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак», 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи», 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи», 3190 «Бошқа бўнак харажатлар», 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви».

Ишлаб чиқариш харажатларини элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ҳисоб юритишни таъминлаш учун асосий ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетида тайёрланаётган маҳсулот турлари бўйича гуруҳланади. Бу тайинланиши бўйича калькуляцияон счет, иқтисодий мазмун бўйича хўжалик жараёнларини таърифлайди, балансга нисбатан - активдир.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулоти ёки хизматлари таннархини аниқлаш учун тегишли харажатлар 2310 ёки 2320-счётларда гуруҳланади. Бу счётлар тайинланиши, иқтисодий мазмуни ва балансга нисбат жиҳатидан 2010 счетига ўхшаган.

Тўлаш вақтидан қатъий назар - олдиндан тўланадими (ижара ҳақи, абонент ҳақи ва б.) ёки кейинчалик тўланадими (ортикча қилинган ҳисобдор суммаларнинг тўланиши ва б.), корхона харажатлари қилинган пайтда маҳсулот таннархига ўтказилиши керак. Қайси калькуляция даврига ўтказиш имконияти бўлмаган харажатлар, шунингдек мавсумий тармоқларнинг айрим харажатлари маҳсулот, ишлар, хизматлар таннархига смета харажатларига биноан ўтказилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сечетидан харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари;

- қурилиш - монтаж, геология - қидирув ва лойиҳа - қидирув ишларини бажариш бўйича пудрат, геология ва лойиҳа қидирув ташкилотлари;

- хизматлар кўрсатиш бўйича транспорт ва алоқа корхоналари;

- илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича илмий тадқиқот корхоналари;

- ўз маҳсулотларини чиқариш бўйича умумий овқатланиш корхоналари;

- автомобил йўлларини асраш ва таъмирлаш бўйича йўл хўжаликлари.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сечетининг дебетида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, брақдан қурилган йўқотишлар ва асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар акс эттирилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сечети дебетланганда қуйидаги сечетлар кредитланиши мумкин:

0211 - 0299 - сечетлар - маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашган асосий воситаларнинг эскириш суммасига;

0510 - 0590 - сечетлари - номоддий активларнинг эскириш суммасига;

1010 - 1090 - сечетлари - сарфланган материал қийматликлари суммасига;

1210, 1310 сечетлари - сарфланган арзон ва тез эскирувчи буюмлар қийматиға;

1610 - сечети - материаллар қийматидаги оғишишлар ҳисобдан чиқарилганда (сторно ёки қўшимча ёзув);

2110 - сечети - ўзида ишлаб чиқариладиган ярим тайёр маҳсулотлар сарфланса;

2310 - счети - ёрдамчи цехлар харажатлари ҳисобдан чиқарилганда;

2510 - счети - умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилганда;

2610 - счети - брақдан кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилганда;

3110 - 3190 - счети - келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилганда;

6710 - счети - ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига;

6520 - счети - ижтимоий суғурта ва таъминотга ҳисобланган суммага;

4630 - счети - материал қийматликларнинг камомоди (жумладан табиий камайиш) асосий ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилса.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетининг кредитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақиқий (ҳисобот даври ичида - режа) таннархи суммаси акс эттирилади. Бу вақтда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счети кредитланиб қуйидаги счети дебетланади:

2810 «Тайёр маҳсулот» - омборга топширилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий (режа) таннархи суммасига;

9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счети - сотилган маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархи суммасига;

1010 - 1050 - счети - ишлаб чиқаришдан қайтариб омборга топширилган материаллар қийматига;

1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счети - ҳайвонлардан олинган насли киришга олиниши, ўстиришдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонларни ўстириш харажатларини ҳисобдан чиқарилиши;

2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счети ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни омборга қабул қилиниши;

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счети - тузатиб бўлмайдиган брақни ҳисобдан чиқарилиши;

9439 «Бошқа операцион харажатлар» счети - бекор қилинган буюртмалар харажатларини ҳисобдан чиқарилиши.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетида ой охирига қолган қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини кўрсатади.

**«Умум ишлаб чиқариш харажатлари» ҳисоби.** Ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари алоҳида ҳисобга олинади. Улар маҳсулот таннархига алоҳида калькуляция моддаси бўлиб қўшилади. Умумишлаб чиқариш харажатлари номенклатураси бўйича харажатлар сметаси тузилади. Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида бу сметаларнинг

бажарилиши назорат қилинади. Бундай харажатларни ҳисобга олиш учун 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» йиғувчи - тарқатувчи сметида фойдаланилади. Бу смети актив бўлиб, иқтисодий мазмуни бўйича хужалик жараёнлари ҳолатини таърифлайди. Бу сметида, хусусан, қуйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин: машина ва асбоб - ускуналарни асраш; ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситаларни тўла тиклашига ажратилган амортизация; таъмирлаш харажатлари; ишлаб чиқариш мулкларини суғурта харажатлари; ишлаб чиқариш хоналарини иситиш, ёритиш ва асраш харажатлари; ишлаб чиқариш хоналари, машина ва асбоб - ускуналари ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа ижарага олинган воситалар учун тўланган ижара ҳақи; ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи; тайинланиши шунга ўхшаган бошқа харажатлар.

Корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан харажат элементлари бўйича смети очиб юритилиши мумкин.

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» смети дебетланганда қуйидаги смети кредитланади:

0220 - 0260, 0290, 0290, 0299- смети - асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланганда;

1010 - 1050, 1090, 1210, 1310- смети - материаллар ва АТБ нинг сарфланиши;

2310 - 2320- смети ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хизматларини ҳисобдан чиқарилиши;

6010- смети - мол юборувчиларнинг кўрсатган хизматлари (энергия, сув, газ, алоқа ва ш. қ.) учун смети ҳисобларини акцептланиши;

6710- смети - ҳисобланган иш ҳақи суммасига;

6520- смети - ижтимоий суғуртага ҳисобланган суммага;

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» смети дебитида йиғилган харажатлар суммасини ҳисобот даври охирида алоҳида ҳисоб смети орасида тақсимлаш тегишли норматив хужжатлари билан тартибга солинади. Бу вақтда 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» смети кредитланиб, қуйидаги смети дебетланади:

2010, 2110- смети - асосий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотларга умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ўтказилганда;

2310- смети - ишлар ва хизматлар таннархига умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ўтказилганда;

2610- смети - умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми брак маҳсулотини тuzатишга ўтказилганда;

3110-3190-смети-умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми келгуси давр харажатларига ўтказилганда.

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счетининг аналитик ҳисоби корхонанинг ҳар бир бўлинмалари ва харажат моддалари бўйича юритилади.

**Нокапитал ишлар ҳисоби.** Бу счет нокапитал ишлар (вақтинчалик титулли ва титулсиз иншоотларни қуриш ва б.) ни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар туғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счет пудрат ташкилотлари, шунингдек қурилиш хўжалик усулида олиб борилаётган қурувчи корхоналарда қўлланилади.

Нокапитал харажатларнинг ҳисоби қуйидаги счетларда юритилади:

2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларни қуриш»

2720 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни қуриш»

2790 «Бошқа нокапитал ишлар»

Бу счетлар актив бўлиб дебетда нокапитал ишлар учун қилинган харажатлар, кредитда эса уларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Қурилиш майдонини жиҳозлаш, материалларни, иншоотларни конструкция ва қисмларини синаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ўз ва ижарага олинган бино ва иншоотлар (жумладан титулсиз) ни таъмири ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган харажатлар нокапитал ишлар счетларида ҳисобга олинмайди; улар 23 «Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар», 94 «Давр харажатлари» ва бошқа счетларда ҳисобга олинади.

2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларни қуриш» счетида вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни қуриш билан боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек қурилишга хизмат қиладиган бошқа бино ва иншоотларни қайтадан жиҳозлаш ва мослаштириш бўйича бажариладиган ишлар ҳисобга олинади. Бунда юқорида кўрсатилган харажатлар 2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларни қуриш» счетида фақат қурилиш ташкилоти қурувчи билан қурилиш - монтаж ишлари сметасига ва объект сметаларига қўшилган вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни қуриш харажатлари қўшилган ҳолда, бутунлай бажарилган комплекс (тайёр қурилиш маҳсулоти) бўйича ҳисоб - китоб олиб борилганда ҳисобга олинади.

Башарти вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни қуриш билан боғлиқ бўлган харажатлар қурилиш - монтаж ишларнинг смета қийматига ва объектлар сметаларига қўшилмаган бўлса ва улар бўйича ҳисоб - китоблар алоҳида олиб борилса, бундай объектлар харажатларининг ҳисоби қурилиш корхоналари томонидан 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетида умумий тартибда алоҳида қурилиш объектлари бўйича юритилади. Бундай объектлар фойдаланишга қабул қилингандан сўнг қурувчининг балансида

акс эттирилади ва улар қурувчи томонидан қурилиш корхонасига ижарага берилиши мумкин.

2720 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни қуриш» сметида вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мослама ва қурилмаларни (объект олди омборлари, ишлар бажарувчининг идоралари, бостирмалар, иш зоналарида буғ, ҳаво ва электр таъминоти тарқатувчилари ва ш. қ.) қуриш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобга олинади.

2790 «Бошқа нокапитал ишлар» сметида бошқа нокапитал ишларни бажариш (қурилиш тўхтатилган объектларни бузиш, демонтажлаш бўйича ва ҳ. к.) билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади.

Нокапитал харажатлар счетларининг дебетида нокапитал ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади. Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилишларни қуриш билан боғлиқ бўлган нокапитал ишлар бўйича фақат тўғри харажатлар (устама харажатлар ҳисобланмасдан), ва қолган нокапитал ишлар бўйича тўғри харажатлар ва объектлар орасида тўғри харажатларга мутаносиб тақсимланадиган устама харажатлар ҳисобга олинади.

Нокапитал ишларни битиши (вақтинчалик) титулли ва титулсиз иншоотлар, мосламаларни фойдаланишга қабул қилинишига қараб уларни қуриш харажатлари қуйидаги счетларга утказилади:

- асосий воситаларга тегишли вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотлар бўйича - тегишли асосий воситаларни ҳисобга оладиган счетларнинг дебетига. Шу билан бирга бу бино ва иншоотлар бўйича ҳисобланган эскириш асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга оладиган счетларнинг кредитига акс эттирилади;

- асосий воситаларга тегишли бўлмаган вақтинчалик (титулли) иншоотлар бўйича - арзон ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга оладиган тегишли счетлар дебетланади. Шу билан бу иншоотлар бўйича ҳисобланган эскириш 1310 «Арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши» сметининг кредити ва давр харажатларини ҳисобга олувчи счетларнинг дебетида акс эттирилади;

- вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар бўйича - 1210 «Омбордаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» сметининг дебетига;

- тўхтатилган қурилиш объектларини бузиш ва демонтажлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўйича пудрат корхоналари томонидан - 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» сметининг дебетига; қурилишни ҳужалик усулида олиб бораётган қурувчи корхоналар - капитал қўйилма

харажатларини ҳисобга олувчи тегишли счетларнинг дебетига ўтказилади.

Нокапитал ишлар учун қилинган харажатлар қуйидаги счетлар билан корреспондентланган ҳолда 2710, 2720 ва 2790-счетовнинг дебетига ҳисобга олинади:

0710, 0720- счетовлари - титулли ва титулсиз бино, иншоот, мослама ва қурилмаларни қуриш учун ўрнатиладиган ускуналар сарфланса;

1010 - 1050, 1090, 1210- счетовлар - материаллар ва АТБ лар сарфланса;

2310- смети - ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари қиймати ҳисобдан чиқарилса;

6710- смети - ходимларга иш ҳақи ҳисобланса;

6520-смети-ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратма қилинса.

Нокапитал ишлар бўйича қилинган харажатларни ҳисобга оладиган счетовларнинг дебетига йиғилган харажатлар нокапитал ишларни битишига қараб ҳисобдан чиқарилганда 2710, 2720 ва 2790- счетовлар кредитланиб қуйидаги счетовлар дебетланади:

0112- смети - асосий воситаларга тегишли вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни қуриш бўйича капитал ишлари харажатларини акс эттирилиши;

1010, 1210- счетовлар - вақтинчалик иншоотларни бузиш ва тугатишдан олинган материал ва АТБ лар суммасини акс эттириш;

9430- смети - асосий фаолият учун бажарилган нокапитал ишларни давр харажатларига ўтказилиши;

4010- смети - харидор ва буюртмачилар учун бажарилган нокапитал ишлар (уларга счет тақдим этилган).

Ишлаб чиқариш харажатлари счетовларининг тизими харажатлар ҳисобини қуйидаги кетма - кетликда гуруҳлашни тақозо этади:

а) ой давомида харажат элементлари (материал, иш ҳақи, амортизация ва ҳ. к.) ишлаб чиқариш счетовларини дебетига акс эттирилади;

б) мазкур ой харажати келгуси давр харажатлари ўтказилади ва келгуси давр харажат ва тўловлари ташкил этилади;

в) ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ишлари ўртасида машина ва асбоб - ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш ва умум ишлаб чиқариш харажатлари тақсимланади;

г) асбоб - ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш, асосий цехларнинг умум ишлаб чиқариш харажатлари жамланиб тақсимланади;

д) брақдан қурилган зарарлар аниқланиб маҳсулот таннархига ўтказилади;

е) асосий ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулларини куриб чиқишдан олдин бу харажатларнинг аналитик ҳисоби қандай ташкил этилиши ва юритилишини аниқлаб олиш зарур.

### 7.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ АНАЛИТИК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби буйича регистрлар.** Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни ташкил этиш услубий асоси Молия вазирлиги ва Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Аналитик ҳисобни туғри ташкил этиш ва ўз вақтида юритиш муҳим аҳамиятга эга. Аналитик ҳисоб маълумотлари – корхона хужалик фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш, режалаштириш, бошқариш ва раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган ахборотлар базаси бўлиб ҳисобланади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ва 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счетлари буйича аналитик ҳисоб ҳар бир буюртма, ишлар тури, маҳсулот тури, калькуляция моддалари ва ишлар бажарилган жой (цех) ни курсатиб алоҳида юритилади. Бунинг учун аналитик ҳисоб карточкаси (ведомости) ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш карточкаси

Корхона		Иил, ой		Обдон брак қилин- ган буюм- лар номи	Товар чиқариш буйича кальку- ляция бирлиги	Ой охири- га қолган тугаллан- маган иш- лаб чиқа- риш миқдори
Кальку- ляция модда- лари	ой бошига тугаллан- маган ишлаб чиқариш	ҳисобот ойи ха- ражат- лари (дебет)	тугал- ланмаган ишлаб чиқариш камомади			
Матери- аллар						
1 – цех	70000	430000			450000	50000
2 – цех	30000	270000		2000	278000	20000
Ҳами	100000	700000		2000	728000	70000

Харажатлар ҳисоби норматив усулда олиб борилганда келтирилган кўрсаткичлар, нормалар, нормадан оғишишлар, нормаларнинг ўзгаришлари буйича расшифровка қилинади.

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» смети буйича аналитик ҳисоб 12- ведомоста юритилади. Бу ведомост ҳар бир цехга ҳар ойда 2010, 2310, 2610- счетларнинг дебет синтетик кўрсаткичлари буйича ва 2510- счетнинг кредитидан корреспондентланувчи счетлар буйича очилади. Аналитик ҳисобнинг маълумотлари Типовой услубий тавсиялар томонидан назарда тутилган типовой харажат моддаларидир. Чунончи, 2510- сметиға қуйидаги моддалар киритилган:

ускуналар ва транспорт воситаларининг амортизацияси, ускуналардан фойдаланиш, ускуна ва транспорт воситаларининг жорий таъмири, юкларни завод ичида бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, АТБ ларнинг эскириши, бошқа харажатлар. Қуйида 12-ведомостнинг шаклини келтирамиз

12 - ведомост

Ишлов бериш жадвали ва ведомостлар номи	Харажатлар таркиби (счетларнинг кредити)	Счетларнинг дебети	Регистрлар	
			аналитик ҳисоб	синтетик ҳисоб
1	2	3	4	5
1. Ишлов бериш жадвали	1010, 1210	2010	Буюртмалар бўйича карточкалар (ведомостлар)	10- журнал-ордер (12- ведомост маълумоти бўйича)
Ҳисоб баҳоси бўйича материал харажатларини тақсимлаш		2310	Шунинг ўзи ишлар, хизматлар турлари бўйича	Шуни ўзи
		2510	12-ведомость цехлар ва харажат модалари бўйича	Шуни ўзи
		2610	Шуни ўзи ва браkning калькуляция ведомости	Шуни ўзи
		3010	Шуни ўзи	Шуни ўзи
		3110	Шуни ўзи	Шуни ўзи
2. Сарфланган материалларнинг ҳисоб қийматига тегишли транспорт - тайёрлов харажатларини тақсимлаш ведомости	1010,1210	2010	Буюртмалар бўйича карточкалар (ведомостлар)	10 - журнал-ордер
3. Қайтарилган чиқиндиларни тақсимлаш ведомости	2010	10	Шуни ўзи	10/1 - журнал-ордери
4. 1 - ишлов бериш жад-вали иш ҳақи, мукофот, таътил резервини ташкил этиш, ижтимоий сугурта ажратмаларини тақсимлаш	6710,6520, 8910	2010	Шуни ўзи	10 - журнал-ордер (12- ведомост маълумотлари бўйича)
		2310	Шуни ўзи ишлар, хизматлар турлари бўйича	
		2510	Цехлар ва харажат	Шуни ўзи
		2610	модалари	Шуни ўзи
		3010	бўйича 12-	Шуни ўзи
		3110	ведомост	Шуни ўзи
		8910		Шуни ўзи

1	2	3	4	5
5. 6 - ишлов бериш жад-вали - асосий воситалар амортизация-сининг ҳисоб-китоби	0212-0290	2510	Шуни ўзи	Шуни ўзи
6. 8 - ишлов бериш жадвали- АТБнинг эскириш ҳисоб-китоби	1310	2010	Шуни ўзи	Шуни ўзи
		2310	Шуни ўзи	Шуни ўзи
		2510	Шуни ўзи	Шуни ўзи
		3110	Шуни ўзи	Шуни ўзи
7. 9 - ишлов бериш жад-вали - ёрдам-чи ишлаб чи-қаришлар хизматларини тақсимлаш ведомости	2310	2010	Цехлар ва харажат мод-лари бўйича 12 - ведомост	10 - журнал-ордер (12-ведо-мост маълумот-лари бўйича)
		1210	10- ведомост материаллар ҳисобининг ом-бор карточкаси	10/1 - жур-нал-ордери
		9110 9130	11- журнал - ордернинг аналитик ҳисоб маълумотлари, буюртмалар бўйича карточкалар	Шуни ўзи
8. Келгуси давр харажат-ларини тақсимлаш тўғрисида маълумотнома - ҳисоб-китоби	3110	2010	буюртмалар ва ишлар бўйича карточкалар (ведомостлар) цехлар бўйича 12 - ведомост	10- журнал-ордер (12 ве-домост маълумотлари бўйича)
		2510	Цехлар ва ха-ражат модда-лари бўйича 12- ведомост	Шуни ўзи
9. 13 - ишлов бериш жадвали - расшировка варақалар	5010,6010, 4420-4490 4810-4890 ва бошқалар	2310	Буюртмалар ва иш турлари бўйича карточ-калар, ведомост-лар, цехлар бўйича 12-ведом	Шуни ўзи
			2510	2510

ЧИТАБЎЛЫЙ ЗАЛ

KUTUBXONA  
TEAI

1	2	3	4	5
10. Машина ва ускуналарни асраш ва фойдаланиш бўйича харажатларни тақсимлаш ведомости	2510	2010 2310	Буюртмалар ва ишлар бўйича карточкалар, ведомостлар, цехлар бўйича 12- ведомост	10- журнал-ордер (12- ведомост маълумоти бўйича)
		2610	Бракнинг калькуляция ведомостлари ва цехлар бўйича 12- ведомост	Шунинг ўзи
11. Умумиш-лаб чиқариш харажатлари-ни тақсимлаш ведомости	2510	2010 2310 2610	Шунинг ўзи	Шунинг ўзи
12. 14 - ведомост ёки бракнинг норматив таннархини калькуляция ведомости	2610	2010	Буюртмалар ва ишлар бўйича карточкалар (ведомостлар) цехлар бўйича 12-ведомостъ	Шунинг ўзи
		1010	10-ведомост, материаллар ҳисобининг омбор карточкаси	Шунинг ўзи
		6710	ҳисоблаш ведомости	Шунинг ўзи

Юқорида келтирилган моддалар бўйича харажатлар режалаштирилади, демак бухгалтерия ҳисоби ҳам ташкил этилади. 12- ведомост шахмат шаклида бўлиб тегишли графаларига счетлар бўйича хўжалик муомалаларининг суммаси ёзилади.

1- модда 2510- счетнинг дебети фақат 02- счетнинг кредити билан корреспондентланади; 2 - модда - 10, 6520, 6710, 8910, 2310 ва бошқа счетларнинг кредити билан; 5 - модда - фақат 1310 «АТВ нинг эскириши» смети билан корреспондентланади. Ведомостнинг бундай тузилиши харажатлар таркибини таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишини назорат қилиш имкониятини беради. Қуйидаги кўрсаткичларнинг мавжудлиги 12- ведомостнинг афзаллигини кўрсатади: 2510 - смети бўйича «Ой бўйича жами», «Смета бўйича ойлик», «Йил бошидан ҳақиқийси», «Смета бўйича чорак (йиллик)». Бу кўрсаткичларни таққослаш маҳсулот таннархини пасайтириш учун резервларни қидириб

топиш, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик имкониятини яратади. «Йил бошидан ҳақиқийси» курсаткичининг маълумоти ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат курсатишни таҳлил қилиш учун фойдаланилади.

Цехлар ва завод бошқаруви бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ҳисоби 12 – ведомост курсаткичлари билан чекланади, бутун корхона бўйича эса 10-журнал – ордердан фойдаланилади. Бу журнал – ордер уч бўлимдан иборат: I- «Ишлаб чиқариш харажатлари», II- «Иқтисодий элементлари бўйича харажатлар расчети», III- «Товар маҳсулотининг таннархи».

Ишлаб чиқариш счетларининг кредити бўйича пировард оборотлар суммаси ҳар ойда 10/1- журнал – ордеридан ҳисоблаб чиқарилади.

#### **7.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ**

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усуллари қуйидагича таснифланади:

- технология жараёнига нисбатан – буюртма, жараёнлар бўйича;

- калькуляция объектлари бўйича – детал, узел, маҳсулот, бир турдаги маҳсулотлар гуруҳи, жараён, ишлаб чиқариш, буюртма;

- харажатларни назорат қилишни таъминлаш усули бўйича – олдиндан назорат қилиш усули – норматив усули ва кейинги назорат билан харажатларни жорий ҳисоби.

**Буюртма усулидаги ҳисоб.** Бу усулдан қуйидаги хусусиятларга эга бўлган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади: деталлар ва узелларни йиғиш йўли билан маҳсулот тайёрланса; технологик жараён цехлар орасида узвий боғланган бўлса; тайёр маҳсулотни технологик занжирдаги охириги цех чиқарса. Ишлаб чиқариш харажатлари олдин цехлар бўйича йиғилади, кейин бутун корхона бўйича жамланади ва барча цехларда қилинган харажатлар суммаси бўйича маҳсулот бирлигининг таннархи ҳисобланади.

Буюртма усулида бухгалтерия ҳисоби ва калькуляция объекти бўлиб маълум миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш буюртмаси ҳисобланади. Аналитик ҳисобда ишлаб чиқариш харажатлари буюртма бўйича белгиланган калькуляцион харажат моддалари доирасида гуруҳланади.

Ишларни бажариш учун ўта муҳим ҳужжат бўлиб буюртмачи (тўловчи) ва ишлаб чиқарувчи (мол юборувчи) ўртасида маҳсулот ишлаб чиқариш (жўнатиш) учун тузилган шартнома ҳисобланади. Бунда қуйидагилар ойдинлаштирилади:

шартнома (буюртма) объекти, унинг сифат таърифи, маҳсулотнинг ҳажми (миқдори), юклаб жўнатиш муддати, шартнома баҳоси, махсус шартлари (хом ашё, меҳнатга ҳақ тўлаш нархлари ўзгарганда бошқа ҳолларда харажатларни индексация қилиш), ҳисоб – китоб шакллари ва бошқалар.

Буюртма усулида ҳисоб юритиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш якка ва майда серияли ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Кемалар қуриш, турбиналар тайёрлаш, оғир транспорт воситаларини таъмирлаш ва шунга ўхшаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш якка ишлаб чиқаришга киради.

Якка ишлаб чиқаришда бир маҳсулотни тайёрлаш ёки майда серияли (5-10) маҳсулот ишлаб чиқариш учун буюртма очилади. Шундай қилиб, буюртма усулида ҳисоб ва калькуляция объекти бўлиб номери белгиланган буюртма ҳисобланади.

Буюртмачи билан тузилган шартномага асосан буюртма очилади. Бундан ташқари, корхонанинг бир цехи иккинчи цехи ёки бўлимига маҳсулот тайёрлайдиган ёки хизмат бажарадиган завод ичидаги буюртмалар ҳам мавжуд. Завод ичидаги буюртмалар бир марталик ва йиллик бўлиши мумкин (масалан таъмирлаш цехига асосий ишлаб чиқариш асбоб – ускуналарини таъмирлаш буюртмаси). Айрим йирик серияли ва кўплаб ишлаб чиқарадиган машинасозлик ва енгил саноат ишлаб чиқаришларида буюмлар ва деталлар бўйича ҳисобга олиш учун йиллик буюртмалар қўлланилади.

Буюртмада қандай буюмлар тайёрланиши, қанча ва қайси цехлар томонидан қайси муддатга тайёрланиши кўрсатилади. Буюртма махсус бланкаларда расмийлаштирилиб, буюртмани бажаришда нечта цех қатнашадиган бўлса, шунча нусха ёзилиб бухгалтерияга юборилади. Маълумки, ҳар бир буюртмага тартиб номер белгиланади ва у барча тўғри ишлаб чиқариш харажатлари бўйича тузиладиган ҳужжатлар (лимит – забор карталар, талабномалар, маршрут варақалари ва буюртмани бажариш бўйича бошқа ҳужжатлар) га ёзиб қўйилади.

Харажатлар буюртмалар бўйича материалларни, иш ҳақини ва шунга ўхшаганларни тақсимлаш жадвалларида гуруҳланади.

Буюртманинг таннархи буюртма очилган кундан бошлаб битганга, ёпилганга қадар қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг йиғинди суммаси билан аниқланади.

Демак, буюртма усулида ҳисоб юритилганда ҳисобот калькуляцияси буюртма бўйича барча ишлар бажарилгандан сўнг тузилади. Бу эса буюртма усулида ҳисоб юритишнинг камчилиги ҳисобланади, айниқса, агар буюртма бир неча ой давомида бажариладиган бўлса, ва бу вақтнинг ичида бир қанча машина, станоклар ва бошқаларда буюртмалар қисман

бажарилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қисман бажарилган буюртманинг таннархи аниқланади. Қисман бажарилган буюртмаларнинг таннархи шартли равишда, техник шароитлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда, шунга ўхшаган олдин ишлаб чиқарилган буюмларнинг режа ёки ҳақиқий таннархида белгиланади. Буюртма бўйича ишнинг тугатилиши бажарилган тайёр буюмлар ва ишларни топшириш ҳужжати (накладной, далолатнома) да акс эттирилади.

**Мисол.** 1) 256 – буюртма бўйича 100 дона вентиляторларни тайёрлаш учун март ойида 53800 сўм сарфланган (карточкадан кўришиб турибди). Шунинг учун 1-апрелга тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи калькуляция моддалари бўйича 300 сўм, чиқиндилар қийматини олиб ташлаганда 53800 сўмни ташкил этади.

2) Механик ва йиғув цехлари бўйича апрел ойида материаллар, иш ҳақи, умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш жадваллари ва ведомости ҳамда брактдан кўрилган йўқотишлар расчётига асосан 256 – буюртманинг карточкасида 1 – цех бўйича 126000 сўм, 2 – цех бўйича 144700 сўм, жами 270700 сўм кўрсатилган.

3) Ой бошига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ҳисобдан чиқарилган чиқиндилар қийматини инобатга олган ҳолда вентиляторлар сериясини таннархи 323700 сўмни ташкил этди. 256 – буюртманинг ишлаб чиқаришни ҳисобга оладиган карточкаси маълумоти бўйича («Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи» графаси) ҳисобот калькуляцияси тузилади.

Бир дона буюртманинг таннархи (3237 сўм) буюртма бўйича қилинган харажатлар суммасини ишлаб чиқарилган буюмлар миқдорига бўлиш йўли билан топилади.

Ҳар бир калькуляция моддаси суммасини ишлаб чиқарилган буюмлар миқдорига бўлиш йўли билан бир дона буюртмага тўғри келадиган харажат моддалари суммаси аниқланади. Ҳақиқий таннарх билан режа таннархини таққослаш йўли билан оғиши аниқланади. Бизнинг мисолимизда бир дона вентиляторнинг ҳақиқий таннархи 194 сўмга камайган (271 сўм 77 тийин). Бу 5,99% ни ташкил этади. Калькуляциянинг ҳар бир моддаси бўйича режа нормадан оғишишини аниқлаш керак. Шу йўл билан таннархга ижобий ва салбий таъсир этувчи сабаблар аниқланади. Лекин, бу ишлар фақат буюртмаларни ишлаб чиқариши тугагандан сўнг бажарилади ва шунинг учун ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш бўйича бу усул самара бермайди. Бу ҳол ишлаб чиқаришда харажатларни норматив усулида ҳисобга олиш йўли билан буюртма усулида ҳисоб юритишни такомиллаштиришни тақозо этади.

Қуйида 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» смети бўйича ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш карточкасини келтирамиз (23-бетга қаралсин).

Завод бўйича вентиляторларнинг ҳисобот калькуляцияси

200 – йил  
декабр ойи учун

256 – буюртма

сўм

Калькуляция моддалари	100 дона вентилятор-га сарфланган харажатлар	1 дона вентиляторга сарфланган харажат		Натижа	
		ҳисобот бўйича	режа бўйича	тежалган	ортиқча харажат
Асосий материаллар	142300	1423	1500	73	-
Қайтарилган чиқитлар	-800	-8	-10	-2	-
Чиқитдан ташқари материаллар	141500	1415	1490	75	-
Ердამчи материаллар	500	50	50	-	-
Транспорт-тайёрлов харажатлари	5900	59	64	5	-
Ишлаб чиқариш ишчилари иш ҳақи	87700	877	918	41	-
Бракдан йўқотишлар	7700	77	-	-	71
Умум ишлаб чиқариш харажатлари	75900	759	909	150	-
Жами	323700	3237	3431	271	77

Дастлабки ҳужжатларга ишлов беришда электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилганда ишлаб чиқариш ҳисобининг карточкаси юритилмайди, чунки 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» смети бўйича алоҳида ёпилган ва ҳаракатдаги буюртмаларга машинограмма – оборот ведомости тузилади.

**Жараёнлар бўйича харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усули.** Бу усул ишлов берилаётган хомашё изчиллик билан бир неча алоҳида, мустақил ишлов бериш жараёнларни ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот бўладиган тармоқларда қўлланилади.

Охирги жараёндан ташқари ҳар бир жараён ниҳоясига етказилган хомашёга ишлов бериш фазаси бўлиб, унинг натижасида корхона пировард тайёр маҳсулот эмас, балки ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот олади. Олинган ярим тайёр маҳсулот нафақат ишлаб чиқаришнинг кейинги жараёнларида фойдаланилади, балки бутловчи буюм ва ярим тайёр маҳсулот сифатида бошқа корхоналарга сотилиши ҳам мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг карточкаси  
 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» смети  
 Буюртма 200\_йил 20-мартда очилди  
 Буюртма 200\_йил 15-апрелда ёпилди

Миқдори – 100 дона  
 256 буюртма

сум

Калькуляция моддалари	Дебет						Кредит			
	ишлаб чиқариш харажатлари						ҳисобдан чиқарилиши			
	март		апрел		жами хара- жат	ой бўй- ича	қайтарили- ши, чиқит, брак	ой	қайтарили- ши, чиқит, брак	тайёр маҳсулот таннархи
	1-цех	2-цех	1-цех	2-цех						
Материаллар:										
асосий	16400	-	35200	90700	142300	03	300	04	500	141500
ёрдамчи	-	-	-	5000	5000	-	-	-	-	5000
Транспорт-тайёрлов харажатлари	800	-	1500	3600	5900	-	-	-	-	5900
Ишлаб чиқариш ишчилари иш ҳақи	18900	-	45800	23000	87700	-	-	-	-	87700
Харажатлар:										
Умумишлаб чиқариш	17700	-	35800	22400	75900	-	-	-	-	75900
Бракдан йуқотишлар	-	-	7700	-	7700	-	-	-	-	7700
Жами	53800	-	126000	144700	324500		300		500	323700

Жараёнлар буйича харажатларни ҳисобга олиш усули кўпинча металлургия, тўқимачилик, ёғочга ишлов бериш ва саноатнинг шунга ўхшаш бошқа тармоқларида қўлланилиши мумкин.

Бу ишлаб чиқаришларнинг қилган харажатлари бир турдаги буюмлар, калькуляция моддалари ва жараёнлар буйича ҳисобга олинади. Чунончи, қора металлургияда жараёнлар бўлиб чўян эритиш (домен цехи), пўлат эритиш (пўлат эритиш цехи), прокат (прокат цехи) – пировард маҳсулот ҳисобланади. Ёғочга ишлов бериш саноатида – ёғочга ташқи ишлов бериш (арралаш, тахта, брускалар), тайёр буюмлар (эшик, дераза ва ш. қ.) тайёрлаш.

Харажатларни жараёнлар буйича ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш тартиби барча корхоналарда бир хил эмас. Айрим корхоналарда тўғри харажатлар бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳар бир жараён буйича акс эттирилади, хомашёнинг дастлабки қиймати эса фақат биринчи жараён маҳсулоти таннархига киритилади. Пировард маҳсулотнинг таннархи барча жараёнлар харажатлари суммасидан иборат бўлади (маҳсулот қиймати оралиқ жараёнларида калькуляция қилинмайди).

Цехлар (жараёнлар) ичида ва улар орасидаги ярим тайёр маҳсулотлар ҳаракати устидан назоратни тезкорлик ва натура шаклида счетларга ёзмасдан бухгалтерия бажаради. Харажатларни жараёнлар буйича ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулининг бундай вариантини ярим тайёр маҳсулотсиз дейилади.

**Мисол.** Корхона уч жараёндан ташкил топган. Режалаштирилган ва ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми – 400 дона. Белгиланган норма буйича 1- цехга жўнатилган хомашё ва материаллар қиймати 30000 сўм, иккинчи жараён томонидан ишлов бериш учун 14000 сўм, учинчи жараён томонидан эса – 20000 сўм сарфланган.

Жараёнлар буйича таннарх қуйидагича:

$$1\text{- жараён} - 46000:400 = 115 \text{ сўм}$$

$$2\text{- жараён} - 14000:400 = 35 \text{ сўм}$$

$$3\text{- жараён} - 20000:400 = 50 \text{ сўм}$$

---

$$\text{жами } 80000:400 = 200 \text{ сўм}$$

Маҳсулотнинг бир бирлигининг ҳақиқий таннархи 200 сўмга тенг (80000 : 400).

Ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни счетларда акс эттирилиши (ярим тайёр маҳсулотсиз вариант), сўм

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (01 - цех)		2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
1) Хомашё ва материаллар - 30000	5) Биринчи жараённинг харажати утказилди		
2) Ишлов бериш харажати - 16000	46000 →	46000	
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (02 - цех)			
Д-т	К-т		
3) 2-жараённинг ишлов бериш харажати - 14000	5) 2-жараённинг харажати утказилди		
	14000 →	14000	
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (03 - цех)			
Д-т	К-т		
4) 3-жараённинг ишлов бериш харажати - 20000	5) 3-жараённинг харажати утказилди		
	20000 →	20000	
Жами 80000			

80000 сўм тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи

Ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни счетларда акс эттирилиши (ярим тайёр маҳсулот варианты)

а) 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» сметида фойдаланилган ҳолда, сўм

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (01 - цех)		2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
1) Материаллар қиймати -30000	3) Ярим тайёр маҳсулот омборга утказилди	4) 2-цехга утказилган ярим тайёр маҳсулот таннархи-46000	
2) Ишлов бериш қиймати -16000	46000 →		
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (02 - цех)			
Д-т	К-т		
4) Омбордан олинган 1-жараённинг ярим тайёр маҳсулотнинг таннархи -46000	6) Ярим тайёр маҳсулот омборга утказилди	7) 3-цехга утказилган ярим тайёр маҳсулот таннархи 60000	
5) Ишлов бериш харажати -14000	60000 →		

Д-т	К-т	Д-т	К-т
7) Омбордан олинган 2-жараённинг ярим тайёр маҳсулотининг таннархи 60000	9) Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди 80000		
8) Ишлов бериш харажати -20000		80000	

Жараёнлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулида ярим тайёр маҳсулотли варианты ҳам қўлланилади. Бунда нафақат пировард маҳсулотининг, балки ҳар бир жараён маҳсулотининг таннархи ҳисобланади. Бундай ҳолларда 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счѳтини қўллаб (биринчи усул) ва бу счѳтни қўлламаздан (иккинчи усул) ҳисоб юритиш мумкин.

Биринчи усулда ҳар бир жараёнда (охирги жараёндан ташқари) ишлаб чиқарилган маҳсулот (2110 счѳтига) омборга топширилиб, иккинчи жараён учун омбордан сарфланади. Иккинчи усулда 2110- счѳти қўлланилмайди.

2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счѳти қўлланилмаганда бир жараённинг харажатлари кейинги жараёнга берилганда биринчи жараён бўйича ишлаб чиқариш харажатлари счѳти кредитланиб иккинчи жараён харажатларини ҳисобга оладиган асосий ишлаб чиқариш счѳти дебетланади. Аналитик ҳисобда олувчи ва ўтказиб берувчи цехларнинг номи кўрсатилган бўлади.

Ярим тайёр маҳсулот варианты ҳисобини қўллаётган корхоналарда тайёр маҳсулотнинг таннархи олдинги жараёнлардаги ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи ва охирги жараённинг харажатларидан ташкил топади, яъни бир хилдаги харажатларнинг ўзи ярим тайёр маҳсулотнинг таннархида бир неча марта такрорланади. Корхона харажатларни ҳисобга олишдаги бундай қатламланиш завод ичидаги айланма дейилиб, харажатларни корхона бўйича жамлаб чиқишда чиқариб ташланиши керак. Бизнинг мисолимизда 2010 – синтетик счѳти бўйича харажатлар 186000 сўмни (46000 + 60000 + 80000) ташкил этади, завод ичидаги айланма эса – 106000 сўм (46000 + 60000). Бу ишлаб чиқариш харажатларини ярим тайёр маҳсулотли вариантини камчилиги бўлиб ҳисобланади. Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, у алоҳида жараёнлар бўйича маҳсулот таннархини аниқлаш имкониятини беради, маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан режа ёки норматив таннархи орасидаги огишиш қайси жараёнда содир бўлганлиги ва унинг сабабларини аниқлаш

мумкин бўлади. Ҳар бир жараён маҳсулотини четга сотувчи корхоналар харажатлар ҳисобининг ярим тайёр маҳсулотли вариантини, қолганлари эса - ярим тайёр маҳсулотсиз вариантини қўллайди.

б) 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» сечитдан фойдаланмасдан ҳисоб юритиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усули

2010-сечети (01-сеч)		2010-сечети (02-сеч)		2010-сечети (03-сеч)		2810-сечети		
Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т	
1)Ма- тери- аллар- нинг кий- мати 30000	3) 2- сечга берилган ярим тайёр маҳсу- лотнинг таннархи	3) 1- сечдан олинган ярим тайёр маҳсу- лотнинг таннар- хи	5) 3- сечга берилган ярим тайёр маҳсулот нинг таннархи	5) 2- сечдан олинган ярим тайёр маҳсу- лотнинг таннархи	7)Ом- борга топши- рил- ган маҳсу- лот- нинг ҳақи- қий тан- нархи	7)Ом- борга қабул қил- линган маҳсу- лот- нинг ҳақи- қий тан- нархи		
	46000 →	46000	60000 →	60000	6) Ишлов бериш харажати 20000	80000 →	80000	
2)Иш- лов бериш хара- жати 16000		4)Иш- лов бериш хара- жати 14000						
46000	46000	60000	60000	80000	80000	80000		

Шундай қилиб, ҳар бир корхонада технологик жараён ва калькуляция объектлари технологик ҳужжат ва смета билан олдиндан белгиланган бўлади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда ишлаб чиқариш тўғрисидаги ахборотни йиғиш усулини танлаб олиш алоҳида аҳамиятта эга. Маҳсулотнинг сермеҳнатлилигини пасайтириш, замонавий техника ва технологияларни қўллаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, режалаштиришни такомиллаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг илғор шакллари қўллаш вазифаларини бажариш ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг норматив усулидан фойдаланишни тақозо этади.

**Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг норматив усули.** Хўжаликда материал, меҳнат ва молия ресурсларидан нораціонал фойдаланишни ўз вақтида олдини олиш, ишлаб чиқаришдаги ички резервларни қидириб топиш, ички хўжалик ҳисоби натижаларини аниқлаш, ишлаб чиқариш харажатларини норматив усулида юритишнинг вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Бу усулнинг асосида маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг бир бирлигига сарфланадиган, техник жиҳатдан асосланган иш вақтини, материал қийматликларни ва пул маблағларини харажат нормаси ётади. Ишлаб чиқариш харажатларининг нормалари – бу бошқаришнинг асосий қуролидир. Улар корхонанинг техник ва ташкилий ривожланишини акс эттиради, унинг иқтисодиётига ва фаолиятини пировард натижасига таъсир қилади. Нормалар ҳаракат қилиш муддатига ва ҳисоблаш вақтига қараб жорий ва режали бўлади.

Сменали ишлар режасини тузиш, иш жойларига материалларни жунатиш, бажарилган ишлар учун меҳнат ҳақи тулаш жорий ва ҳозир (ҳар бир ҳисобот оyi давомида) фойдаланилаётган нормаларга асосан амалга оширилади. Улар асосида детал, узел ва маҳсулотлар бўйича ҳар ойда норматив таннархи тузилади.

Режали нормалар чораклик ва йиллик режаларда назарда тутилиб, ташкилий – техник тадбирларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан кўриладиган самараларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган даврда кутилаётган нормалар асосида (корхонанинг техпромфинпланини, бизнес режасини тузишда) ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нормаларнинг афзаллиги кўриниб турибди. Шунинг учун уларни узлуксиз қайтадан кўриб чиқиш, корхонанинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш ва хом ашё, материал, ёқилғи, электроэнергия, шунингдек ускуналар, машина ва механизмлардан фойдаланиш нормативларини такомиллаштириш йўли билан фан ва техниканинг охириги ютуқлари даражасида сақлаб туриш керак.

Ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларини тасдиқланган жорий нормативлар билан таққослаб корхона фаолияти таҳлил қилинади, ички ишлаб чиқариш резервлари аниқланади, улардан фойдаланиш йўллари белгиланади, навбатдаги ҳисобот йили учун харажатларнинг янги нормативлари ишлаб чиқилади. Шу боисдан маҳсулотнинг бир бирлигига туғри келадиган жорий норма харажатларидан ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларини ўзгаришини ҳисобга олиш зарурияти вужудга келади. Жорий норма харажатлари қўйидаги сабабларга кўра ўзгариши мумкин: янги технология жорий этилганда, рационализаторлик таклифлар амалга оширилганда, ташкилий – техник тадбирлари амалга оширилганда, конструкциялар, деталлар, узеллар ва маҳсулотлар сифати оширилганда, шунингдек технология операциялари қисқариши натижасида, меҳнат унумдорлиги ошганда, қиммат материаллар арзон материаллар билан алмаштирилганда ёки зарур материаллар бўлмай қолса, уларни қимматроқ материал

билан алмаштирилганда. Бу фактлар қуйидагилар кўрсатилган ҳолда махсус ҳужжат (нормаларни ўзгариши тўғрисидаги хабарнома) да акс этирилади: ўзгаришларнинг сабаби ва айбдорлари, харажат моддалари, цехлар, технологик операциялар, узеллар, буюмлар номерлари, уларнинг фоиз ва сумма кўрсаткичлари. Кўпинча бу норма ўзгаришлари янги ҳисобот даври бошида содир бўлади, шунинг учун ой бошига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажат моддаларининг қолдиқлари албатта қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Норма ўзгаришларини тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиш корхона раҳбарларига ташкилий – техник тадбирлари, янги техника ва технологияни тадбиқ этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш режаларини бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, агар ўзгариш харажатларни ошиши томонига содир бўлса, бу камчиликларни бартараф этиш имкониятини беради.

Нормаларни ўзгариш хабарномаси қуйидаги бўлимлар томонидан расмийлаштирилади:

- а) материал харажатлари бўйича – технология бўлими;
- б) моддий ресурсларнинг нархларини ўзгариши бўйича – режа бўлими;
- в) иш вақти нормасини ишлаб чиқариладиган буюм учун белгиланган нормасини, хизмат кўрсатиш ва нархлар ўзгариши бўйича – меҳнат ва иш ҳақи бўлими;
- г) детал, узел, ярим тайёр маҳсулотларни ишлатиш ўзгаришлари бўйича – конструкторлик бўлими;
- д) ёқилғи ва энергия харажатлари нормаларини ўзгариши бўйича – бош энергетика хизмати.

Нормаларнинг ўзгариши технологик ва техник ҳужжатларига хабарнома келиб тушган вақтда киритилади, норматив таннархига эса хабарнома олингандан кейинги ойнанинг бошига киритилади. Ўзгаришларнинг сабаблари маҳсулот таннархини пасайтириш топшириқларини ҳисоблаб чиқишда қўлланиладиган техник – иқтисодий омилларининг асосий гуруҳлари бўйича кодланади:

- I. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш.
- II. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш.
- III. Ишлаб чиқариш ҳажми ва структураларини ўзгариши.
- IV. Табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш.
- V. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Корхонада норматив калькуляцияни ишлаб чиқиш учун режа – иқтисод бўлими қошида норматив бюро (гуруҳ) ташкил этилади. Бу ерга тегишли бўлинмалардан норма ва нормативлар келиб тушади, норматив ахборотлар фонди тузилади, норматив калькуляция, нормаларни ўзгариши

тўғрисида ҳисобот, нормалардан оғишиш расчети ва ҳисоботи тузилади.

Норматив калькуляция детал, узел ва маҳсулотлар бўйича тузилиб, уларнинг маълумотлари қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади: буюмларнинг аниқ турлари бўйича ҳақиқий таннарх ҳисоблаш учун, тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш ва брак маҳсулотини таннархини ҳисоблаш учун.

Детал, узеллар бўйича норматив таннарх фақат тўғри харажатлар (материаллар, иш ҳақи) бўйича тузилади, маҳсулот учун эса — ишлаб чиқариш таннархининг барча моддалари бўйича тузилади.

Ишларни ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини норматив усулида юритганда корхона бўлимлари орасида бурчларни тақсимлаш намунали рўйхатини келтирамиз:

1. Конструкторлик бўлими. Деталлар ва йиғмалар чизмаларини ишлаб чиқади: деталларни ўзаро алмашиш карталари; детал ва узелларни махсулаштириш.

2. Технология (техник) бўлими. Деталларни ўтиш маршрутларини ишлаб чиқади: ускуналари турлари; кесиш режими; инструмент ва назорат — ўлчов асбоблари; хомашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг харажат нормалари, ишлар разряди; донали ва тайёрлов — хотима вақтини белгилайди; технологик карталари ва бичиш карталари (лимити) ни тузади. Бу бўлим қошида метал прокат харажатлари нормаларини ишлаб чиқадиган, буюмлар бўйича харажатлар нормаларини белгиладиган, турли материал ва ярим тайёр маҳсулотга бўлган эҳтиёжни белгиладиган, нормадан оғишиш ва уларни ўзгариши сабаблари, айбдорлари ва ташаббускорлари кодини ишлаб чиқадиган бюро ташкил қилинади.

3. Меҳнат ва иш ҳақи бўлими. Вақт ва ишлар разряди, баҳолари, ходимлар сони ва штатлар бўйича операцион — нормалаштирилган карталар ишлаб чиқади. Бу бўлим қошида меҳнат нормативлари бюроси ташкил этилиб, у деталлар, буюмлар ва бутун маҳсулотлар бўйича нормативлар ва ўзгаришлар ва оғишишлар бўйича кодлар ишлаб чиқади.

4. Маркетинг бўлими. Зарур ҳажмдаги ва турдаги товар — материал қийматликлари билан узлуксиз ва бир меъёрда таъминлаб туради. Лимит — забор карталар ёзади. Омборларни нормал ишлашини, ўлчаш — тортиш ускуналари билан таъминланишини назорат қилади. Материаллар бўйича номенклатура — ценник ишлаб чиқади.

5. Техник назорат бўлими. Брак маҳсулоти классификаторини ишлаб чиқади, детал, узел ва маҳсулотлар тайёрлашда назорат (текшириш) нуқталарини ўрнатади. Қабул

қилинаётган хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар устидан назорат қилади, бракнинг сабаблари ва айбдорлари коддини ишлаб чиқади.

6. Режа – иқтисодий бўлим. Маҳсулот бўйича режа калькуляциясини (бухгалтерия ва моддий техника таъминоти бўлими билан бирга) материалларга номенклатура – ценник тузади, эгри харажатлар фоизини ҳисоблаб чиқади. Бу бўлим қошида йиғма нормативлар бюроси тузилиб, у калькуляция моддалари бўйича калькуляция нормативларини ишлаб чиқади; нормадан оғишиш ва нормаларнинг ўзгариш суммаларини, уларни сабабларини таҳлил қилади; корхонанинг бошқа бўлимлари билан биргаликда келгуси ҳисобот оий учун норматив калькуляциясини тузади.

7. Бош механик ва инструментал бўлими. Ёқилғи ва барча турдаги энергия харажатлари нормасини ишлаб чиқади; инструментлар харажатлари нормасини ишлаб чиқади; норманинг ўзгариш сабаблари коддини ишлаб чиқади.

8. Ишлаб чиқарувчи цехлар. Техник ҳужжатлар, барча турдаги хомашё, товар – моддий қийматликлар, инструментлар, норма бўйича ускуналар, штатлар ва норма бўйича иш ҳақи, эгри харажатлар бўйича харажатлар нормалари билан таъминланади. Корхона бухгалтериясига ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳисобланган иш ҳақи бўйича ҳужжатларни топширади, материал ҳисоботини тузади.

9. Бухгалтерия. Дастлабки ҳужжатларга асосан норма, нормадан оғишиши ва нормани ўзгариши бўйича бухгалтерия ҳисобини юритади. Нормадан оғишиши ва нормани ўзгариши индексларини ҳисоблаб чиқади. Материаллар бўйича калькуляция тузишда қатнашади, шунингдек таннархни таҳлил қилади (32-бетга қаралсин).

Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини норматив усулида юритганда режа, норматив ва ҳисобот калькуляцияларидан фойдаланилади. Ўз таркиби бўйича улар бир хилда бўлиб режалаштириш ва таннархни ҳисобга олиш бўйича тармоқлар йуриқномаларида назарда тutilган намунали номенклатурасига мос келиши керак. Маҳсулот ишлаб чиқаришда белгиланган нормалардан фойдаланиш устидан назоратни бухгалтерия ҳисоби амалга оширади. Харажатларни норматив усулида ҳисобга олишнинг хусусияти харажатлар устидан жорий ва олдиндан назорат қилиш имкониятидир. Айнан бир ҳужжатлар бўйича хомашёлар, материаллар, ёқилғилар жунатилади, белгиланган харажат нормалари бўйича иш ҳақи ҳисобланади (лимит – забор карталари, маршрут карталари, нарядлар; уларда лимит, материал харажатларининг нормалари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича вақт нормаси, нархи қўйилади); бошқа харажатлар

1- чизма. Норматив усулида корхона бўлимларининг ўзаро алоқасини чизмаси



бўйича – омордан материал қийматликларни жўнатиш расмийлаштирилади, амалдаги нормалардан ошиб кетганда иш ҳақи ҳисобланади («нормадан оғишиши» белгиси билан талабномалар, нарядлар ёки иш ҳақи бўйича қўшимча ҳақ тўлаш варақалари). Муомалалар амалга ошмасдан туриб бу ҳужжатлар ишлаб чиқариш жараёнини, унинг харажатларини назорат қилувчи шахслар (цех бошлиғи, бош инженер) томонидан имзоланиши керак. Бу ҳужжатларда албатта нормадан оғишишлар сабабларининг коди ва айбдорлари кўрсатилади. Нормалардан оғишиш натижасидаги тежалган суммани бухгалтерия лимит – забор картаси ёпилгандан кейин, ҳисобланган иш ҳақи суммасини, ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ бўлган умумийлаб чиқариш ва бошқа харажатларни тақсимлашда аниқлайди.

Нормалардан оғишиши маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига, хомашёлар, материаллар меҳнат харажатлари ва шу қабилар нормаларига қандай итоат қилаётганлигини кўрсатади.

Бу оғишишлар ижобий, харажатлардан тежалганини кўрсатадиган ва салбий-харажатларни ортишини кўрсатадиганга бўлинади.

Ижобий оғишиш – бу металлларни кесиб ишлатишда, хомашёлардан чиқит чиқармай тўлиқ фойдаланишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, деталларга ишлов бериш вақтини камайтиришда ва уларни йиғишда эришилган тежалдир.

Салбий оғишиш – бу дастлабки ишлов беришда хомашё ва материаллардан нормадан ортиқча сарфлаш, чиқитларни кўпайиши, нормативларда назарда тутилмаган технологик

ишларни бажариш натижасида ортиқча сарфланган меҳнат ҳақи ва бошқалардир.

Нормалардан оғишиш ҳужжатларида оғишишларнинг сабаблари ва ташаббускорлари кодини мавжудлиги бухгалтерияга ой давомида белгиланган муддатларда корхона раҳбарларига нормалардан оғишишлар тўғрисида рапорт тузиб топшириш имкониятини беради. Корхона раҳбарлари ортиқча харажатларни бартараф қилиш ва тежаш сабабларини тарғибот қилиш чораларини кўради.

Норматив калькуляциясига, жорий ойда нормалардан оғишиш харажатларига ва ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори тўғрисидаги ахборотга эга бўлган бухгалтерия, ҳисобот оғи ҳақиқий харажати ҳисоблаб чиқаради.

Ҳақиқий таннарх ҳисобини қуйидаги формула буйича топади:  $XТ = Нт \pm Но \pm Нў$ , бу ерда

$XТ$  - ҳақиқий таннарх;

$Нт$  - норматив таннарх;

$Но$  - нормадан оғишиши;

$Нў$  - норманинг ўзгариши (купайиш ёки камайиш

томонга).

**Мисол.** Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- маҳсулот бирлигининг норматив таннархи - 120 сўм;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот - 50 дона;

- ҳисобот ойида 1200 сўмга ортиқча сарфланган;

- ҳисобот ойида 90 сўмга тежалган;

- ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш 10 дона;

- 1 дона тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг норматив

таннархи 122 сўм.

Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ва маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархини аниқлаш талаб қилинади.

Бунда:

1. Норматив таннархи 6000 сўм (120 сўм х 50 дона)

2. Нормалардан оғишиши: тежалган 90 сўм, ортиқча харажат 120 сўм

3. Норманинг ўзгариши + 20 сўм, чунки тугалланмаган ишлаб чиқариш эски нормалар буйича 1220 сўм (122х10), янги нормалар буйича 1200 сўм (120х10).

4. Шундай қилиб, ишлаб чиқарилагн маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 6050 сўм (6000+120-90+20).

Маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун нормалардан оғишиш ва нормаларнинг ўзгариш индексини ҳисоблаб топиш зарур.

$$\text{Индекс (\%)} = \frac{\text{Нормалардан оғишиш суммаси ёки нормаларнинг ўзгариш суммаси} \times 100}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг норматив таннархи}}$$

Тежаш индекси – (-) 1,5% [(90 сўм x 100) : 6000 сўм]

Ортиқча харажат индекси – (+) 2% [(120 сўм x 100) : 6000 сўм]

Ўзгариш индекси – (+) 0,33% [(20 сўм x 100) : 6000 сўм]

Маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархи 121 сўмни ташкил этади [120 сўм + (120 сўмдан 2%) – (120 сўмдан 1,5%) + (120 сўмдан 0,33%)]=120 сўм + 2с. 40т. – 1с. 80т. + 40т.]

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш харажатлари норматив усулининг қуйидаги асосий элементларини аниқлаш мумкин: жорий ойнинг бошига бўлган нормативлар ўзгаришларини инобатга олган ҳолда маҳсулотлар бўйича норматив калькуляцияларини тузатиш; ишлаб чиқариш харажатларини нормалари ва нормалардан оғишишлари бўйича алоҳида ҳисобга олиш; нормалар ўзгаришини ҳисобини, ҳисобот калькуляцияларини тузиш.

Норматив усулидаги ҳисоб тезкорликни ва ишлаб чиқариш харажатларини олдиндан назорат қилишни таъминлайди ва бошқарув ҳисоби талабларига тўлиқ жавоб беради. Норматив усули ғарбда кенг қўлланилаётган «стандарт – кост» тизимига тўғри келади. Бу тизим материал, меҳнат харажатлари, устама харажатлари стандартлари ва уларнинг асосида тузилган калькуляция стандартлари (нормалари) дан иборат. Ҳақиқий таннархни шаклланиши устидан назорат қилиш ва бу жараёни фаол бошқариш мақсадида ҳақиқий харажатлар суммаси стандартларга ва стандартлардан оғишишга бўлинади. Бу ахборотлар ички хусусиятга эга ва улар чоп этилмайди.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатлари, молиявий фаолияти устидан алоҳида назорат ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби харажатлар туғрисидаги махсус Низом билан тартибга солинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг кейинги тартиби норматив усули шароитида кўриб чиқилади.

### **7.5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА САРФЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ**

Ишлаб чиқариш харажатларида материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг салмоғи катта. Шунинг учун уларнинг нормаларга нисбатан ортиқ ва кам сарфланиши маҳсулот таннархига катта таъсир қилади.

Шу боисдан ишлаб чиқаришда материалларнинг фойдаланиши устидан чинакам назорат ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил қилиш лозимки, унда ҳақиқий харажатларни белгиланган нормалар билан узлуксиз таққослаб тезкорлик билан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган нормалардан оғишишини аниқлаш имконияти бўлсин.

Ишлаб чиқаришга материаллар вазни, ҳажми, майдони ёки сонини кўрсатиб корхонада амал қилаётган нормаларга биноан, буюртмалар, буюмлар, маҳсулотнинг турлари ёки гуруҳлари, ишлар, хизматлар кодларини кўрсатиб тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатларга асосан жунатилади.

Материаллар сарфи бўйича дастлабки ҳужжатлар материаллар ҳисоби гуруҳида ишлов берилади. Материаллар сарфини харажатлар йўналиши бўйича ҳисобга олишда инвентар ва партион усулларда ҳужжатлаштириш қўлланилади.

Инвентар усулида бухгалтерия дастлабки ҳужжатлар (лимит - забор карталари, талабномалар) га асосан, нормалардан оғишишни инobatга олган ҳолда, (махсус талабномалар ёки қизил чизиқ тортилган лимит - забор карталарга асосан рамийлаштирилган ҳолда) бухгалтерия сарфланган материаллар қийматини ҳисоблаб чиқади.

Агар цехларда доим ой бошига ва охирига фойдаланилмаган материаллар қолса, материаллар харажатини инвентар усулида ҳисоблаб топиш зарур. Демак, ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммасини ҳисоблаб топишда уларнинг қолдиқларини инobatга олиш керак. Бунинг учун ҳисоб даврининг (смена, ҳафта, ой) охирида фойдаланилмаган материаллар қолдиғи инвентаризация қилинади, шундан кейин материаллар харажати аниқланади:

бошланғич қолдиққа жунатилган материаллар қўшилиб охириги қолдиқ олиб ташланади.

Материаллар (метал, газлама ва ш. қ.) харажатини ҳисобга олиш учун партион усули қўлланилади. Бунда материаллар ҳар бир бичилган партия ва бичиб бўлгандан кейин тежалган ёки ортиқча харажат аниқланади ва уларнинг сабаблари ҳамда айбдорлари белгиланади.

Бичувчиларга материаллар буюртма учун белгиланган норма бўйича берилади. Буюртма бажарилгандан сўнг сарфланган материаллар миқдори ва бичилган деталлар ҳар бир партия учун тузиладиган бичиш актга ёзиб қўйилади. Бу топшириқ бажарилгандан кейин сарфланган материалларни бирданига ҳисоблаб чиқиш имкониятини беради. Ҳақиқий сарфланган материалларни нормативлар билан таққослаб бичилган партия бўйича нагига тежалган ёки ортиқча

харажат) аниқланади. Шундай қилиб харажатлар устидан кундалик назорат ўрнатилади. Бунда бичиш натижаси ҳар бир бичувчи, ҳар бир бичиш партияси ва ой бўйича жами суммаси аниқланади. Бу, ўз навбатида, меҳнатга ҳақ тулашнинг рағбатлантириш тизимини қўллаш имкониятини беради.

Норматив усулида материаллар харажати ҳисобини батафсилроқ қўриб чиқамиз. Материаллардан рационал фойдаланиш устидан назоратни цехнинг режа - диспетчерлик хизмати бажаради. Бунинг учун цех бўйича ой давомида материаллардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тузади.

Норма бўйича сарфланган материаллар миқдорини ишлаб чиқаришга киритилган буюмларга ҳар бири учун белгиланган материаллар нормасини кўпайтириш йўли билан топилади. Масалан, 101- буюм (электродвигател) га 4Б - 50 мм лик пулатдан белгиланган норма харажати - 700 кг, 10 донаси учун харажат 7 тоннани (700 кг x 10 дона) ташкил этади. Бундан ташқари, цехнинг режа - диспетчерлик хизмати томонидан ишлаб чиқаришда фойдаланилган сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар тўғрисида ҳисоботлар тузилади. Бу қуйидаги имкониятларни беради: ишлаб чиқаришда материал қийматликлар ҳаракатини тартибга солиш; бичиш далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар бўйича амалдаги нормалардан оғишишни назорат қилиш; цехларни детал ва материаллар билан таъминлашда содир бўладиган номутаносибликларни бартараф этиш чораларини кўриш бир цехни бошқа алоқадор цехлар билан алоқасини белгилаш ва материаллардан ортиқча фойдаланишга олиб келадиган сабабларга барҳам бериш. Ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланиш тўғрисидаги цехларнинг ҳисобот маълумотлари материал харажатларини тақсимлаш ведомостига қўшилади. Бу ишлов бериш жадвалининг 1- шакли бўйича тузилади (37, 38-бетларга қаралсин).

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фойдаланилган материаллар қийматини ҳисобдан чиқаришнинг бошқа усуллари ҳам фойдаланиш мумкин. Булар АВЕКО, ЛИФО ва ФИФО усуллари.

АВЕКО усулида материаллар ўртача тортилган баҳода сарфланади (4- андаза «Товар - материал заҳиралари»).

ЛИФО усулида материаллар охириги кирим баҳосида сарфланади.

ФИФО усулида материаллар биринчи кирим баҳосида сарфланади.

Афзалроғи ФИФО ва АВЕКО усуллари.

ФИФО усули корхонага сотиб олинган материаллар қийматини камроқ зарар билан қоплаш имкониятини беради.

01 - механик цехи буйича материал харажатларини тақсимлаш  
200\_ йил март оyi учун

Дебетланувчи счет		Буюртма, буюм, модда	10 - Материаллар» сечининг кредитидан					
№	номи		1010 «Хомашё ва материаллар»			1090 «Бошқа материаллар»		
			норма буйича	оғи-пиш	ҳақи-қий	норма буйича	оғи-пиш	ҳақи-қий
2010	Асосий ишлаб чиқариш	101 - электродвигател	45000	-106	44894	-	-	-
		102 - бошқалар	682	-40	692	320	-20	300
		жами	45682	-146	45536	320	-20	300
2510	Машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш	2 - модда				40	-	40
		3 - модда				160		160
		жами				200		200
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари	4 - модда				80		80
		5 - модда				120		120
		жами				200		200
2610	Ишлаб чиқаришдаги брак	Бракни тузатиш электродвигатель - 101				60		60
		жами				60		60
		Ҳаммаси	45682	-146	45536	780	-20	760

01 - механик цехида материаллардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот  
200 йил март ойи учун

Харажат

Номенклатура номери	Материаллар	Улчов бирлиги	Ҳисоб баҳоси, минг сўм	Ой бошига қолдиқ		01-омбордан кириш		Электродвигатель (11-чиқиши)				Бошқа буюмлар			
								норма бўйича		ҳақиқий		норма бўйича		ҳақиқий	
				со-ни	сум-маси, минг сўм	со-ни	сум-маси, минг сўм	со-ни	сум-маси, минг сўм	со-ни	сум-маси, минг сўм	со-ни	сум-маси, минг сўм	со-ни	сум-маси, минг сўм
203001	Пулат														
	4Б-50 мм	т	50	20	100	6	300	7	350	6,8	340				
	Бошқа матер.				6		15		0,7		0,6		1,0		0,9
	Жами				106		315		350,7	6,8	340,6		1,0		0.9

жадвалнинг давоми

Номенклатура номери	Материаллар	Жами асосий ишлаб чиқаришга (2010) натижа								Счетлар бўйича бошқа харажатлар, м. с.					Ой охирига қолдиқ	
		норма бўйича		ҳақиқий		норма бўйича		ҳақиқий		2510		2510	2610		норма бўйича	
		сон	сум-ма м. с.	сон	сум-ма м. с.	сон	сум-ма м. с.	сон	сум-ма м. с.	4-мод-да	5-мод-да	2-мод-да	3-мод-да	10-буюрт-ма	сон	сум-ма м. с.
203001	Пулат															
	4Б-50 мм	7	350	6,8	340	0,2	10								1,2	60
	Бошқа		1,7		1,5		0,2		80	120	40	160	60			19
	Жами		351,7		341,5		10,2		80	120	40	160	60			79

**Чиқиндилар ҳисоби.** Материалларга ишлов беришда ишлаб чиқариш чиқиндилари вужудга келади. Уларга технологик ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган ва мазкур материалга ҳос сифатини тулиқ ёки қисман йўқотган материал қолдиқлари киради.

Асосий маҳсулот тайёрлаш учун ёки сотиш учун ёрдамчи цехларда фойдаланса бўладиган чиқиндилар қайтарилган ёки қимматли чиқиндилар дейилади.

Ҳеч қандай истеъмол қийматига эга бўлмаган чиқиндилар (хўжалик эҳтиёжи учун ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган, четга сотилмайдиган, шунингдек қуринмайдиган чиқиндилар: парланиш, қуриш, куюнди) қайтарилмайдиган дейилади.

Қайтариладиган чиқиндилар ишлаб чиқариш харажатлари суммасини камайтиради, шунинг учун улар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» счегининг кредитига ва 10- счег буйича тегишли счегларнинг дебегига ёзилади. Чиқиндилар топширилганлиги тўғрисидаги накладнойларга асосан гуруҳлаш ведомости тузилади.

Асосий ишлаб чиқаришнинг механик цехидан қабул қилинган чиқиндилар ведомости  
200\_\_йил март ойи учун

Цех	Чиқиндилар қаердан келди		Дебетланувчи счеглар
	Кредитланувчи счеглар	Буюртма, харажат моддалари	
01.	2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	101 - буюртма электродвигатель	1010 «Хомашё ва материаллар» 172
	2010- счегининг жами		172

**Нормалардан оғишиш ҳисоби.** Маҳсулот таннархи буйича режа бажарилишини назорат қилиш учун оғишиш ҳажмини, оғишиш сабабларини ва ким сабабли улар содир бўлганлигини билиш керак. Норматив усулида ишлаб чиқариш харажатларини йиғма ҳисоби ҳар бир буюм ёки бир хилдаги бир гуруҳ буюмлар буйича ташкил этилади. Бу ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш ишлар ҳажмини анча қисқартиради.

Ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб корхоналарда нормалар буйича ва нормалардан оғишиш ишлаб чиқариш харажатлари ҳар хил ҳисобга олинади. Бу материал харажатларини аниқлаш усулига боғлиқ.

Оғишишлар сабаблари ва айбдорлар кодлари буйича ҳисобга олинади. Кодларда биринчи рақам сабабини, иккинчи рақам эса оғишишлар айбдорини кўрсатади.

Қуйида нормалардан оғишишлар коддини келтирамыз

Оғишишлар сабаби		Оғишишлар айбдорлари	
номи	код	номи	код
Материаллар алмашиши	0	Бажарувчи ишчилар	0
Материалларни бичиш	1	Технология	1
Материалларни чиқиндилар билан алмашиши	2	Конструкторлар, чизмачилар	2
Материалларни ўлчамсизлиги	3	Маъмурий - техник ходимлар	3
Ускуна ва мосламаларни тўғри келмаслиги	4	Мол юборувчилар	4
Ускуналар таъмирини кечикиши	5		
Бракни тузатиш	6		
ва ҳ. к.	7		

Оғишишлар кодлари сабаб коддини айбдорлар кодига қўшиш йўли билан топилади, масалан 03 коди маъмурий - техник ходимлари айби билан материаллар алмашишини билдиради, 22 коди эса конструкторларнинг ташаббуси бўйича материалларни чиқиндилар билан алмашишини билдиради ва ҳоказо.

**Ҳужжатлаштириш усули бўйича оғишишлар ҳисоби.**

Башарти технология билан назарда тутилган материаллар ўрнига ҳақиқатдан бошқа бир ўрнини босувчи материал ишлатилса, оғишишлар вужудга келади. Шунингдек белгиланган нормадан ортиқ материаллар жўнатилиши ҳам мумкин. Иккала ҳолларда ҳам тегишли рухсат бўлиши керак.

Бунинг учун тегишли хизмат ходимлари томонидан алмашиш ёки ортиқча харажатни қоплаш бўйича «нормалардан оғишиши» белгисини қўйиб талабнома ёзиб берилади.

**Партион бичиш усули бўйича оғишишлар ҳисоби.**

Ҳисобнинг бу усули ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ бўлиб қуйидагилар аҳамиятга эга: материалларни буюмлар ишлаб чиқариш учун тайерлаш қўл билан бажариладими, ёки пресс - автоматларда штамповка қилинадими; ишлаб чиқарилаётган буюмлар номенклатурасига - буюмлар биргина дастлабки материалдан ишлаб чиқариладими ёки бир неча материалларданми ва ҳ. к. Буларнинг ҳаммаси турли бичиш акт шаклларини ва уларни автоматларда турлича ишлаб чиқишни тақозо этади. Актларга тегишли оғишишлар киритилгандан сўнг ишлов беришга ўтказилади. Уларнинг маълумотларига асосан иш бажарувчилар, оғишиш сабаблари ва айбдорлари бўйича материал харажат машинограммаси тузилади.

**Инвентар усулидаги оғишишлар ҳисоби.**

Инвентар усулида нормалардан оғишишлар участкалар, бригадалар бўйича қилинган ҳақиқий харажатларни норматив калькуляцияси асосида ҳисобланган норма харажатлари билан таққослаб топилади.

**Транспорт - тайёрлов харажатларини тақсимлаш.** Сарфланган материаллар йўналишлари бўйича ҳисоб баҳоларида (бизнинг мисолимизда ҳисоб баҳолари бўлиб шартнома баҳолари ҳисобланади) ҳисобдан чиқарилади.

Демак, сарфланган материалларни ҳақиқий таннархида акс эттириш учун уларнинг шартнома қийматига транспорт - тайёрлов харажатларини қўшиш керак. Транспорт - тайёрлов харажатлари икки босқич билан аниқланади: олдин тақсимланадиган транспорт - тайёрлов харажатлари аниқланади, кейин уларни тақсимлаш ведомости тузилади. Ҳақиқий транспорт тайёрлов харажатлари суммаси сарфланган материаллар гуруҳлари ва 10- ведомостда ҳисобланган уртача фоиз бўйича аниқланади. Масалан, 1010 «Хомашё ва материаллар» смети бўйича транспорт - тайёрлов харажатлари 4% ни, 1090 «Бошқа материаллар» бўйича 8% ни, 1030 «Ёқилги» бўйича 17% ни ташкил этган. Ҳисоблашни осонлаштириш ва ёзувларни қисқартириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш, умумишлаб чиқариш, бракни тузатиш ва бошқалар учун сарфланган материалларга тегишли транспорт - тайёрлов харажатларини тулиғича 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сметига ўтказишга рухсат қилинади. Ҳисоблаб топилган транспорт - тайёрлов харажатлари 10- журнал - ордерга алоҳида қатор билан 2010- сечтини дебетлаб, қайси сечларга тегишли бўлса, шу сечларни кредитига ёзиб қўйилади.

**Мисол.** Қуйидаги жадвалда 200\_й. март ойида ҳисобдан чиқариладиган транспорт - тайёрлов харажатларини ҳисоблаш келтирилган.

Корреспондентланувчи сечлар номери	Харажатлар номи	Ҳақиқий материаллар харажати		
		1010	1010	1030
		асосий	ёрдамчи	ёқилги
2010	Асосий ишлаб чиқариш	340000	1500	
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар		300	200
2510	Машина ва ускуналарни асраш харажатлари		200	
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари		200	
2610	Бракни тузатиш		60	
	<b>Жами</b>	<b>340000</b>	<b>2260</b>	<b>200</b>
	Транспорт тайёрлов харажатлари, %	4	10	17
	<b>Сумма</b>	<b>13600</b>	<b>226</b>	<b>34</b>

**Ёрдамчи материаллар харажати ҳисоби.** Ишлаб чиқаришнинг тўғри харажатлари таркибига кирадиган ёрдамчи материаллар ҳам асосий материаллар қатори ҳисобга олинади. Бинолар, ускуналарни асраш учун сарфланадиган ёрдамчи материаллар машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш, умумишлаб чиқариш бўйича тегишли харажат моддаларига ёзилади.

**Ёқилғи харажатлар ҳисоби.** Ёқилғи харажатлари ҳисобининг хусусияти шундан иборатки, у технологик мақсадлари ва ҳўжалик эҳтиёжи учун сарфланади. Эритиш агрегатлари, мартен печлари, доменлар, штамповка – темирчилик, прокат, пресслаш ва бошқа цехларда металлларни қизитиш учун, пойафзал, туқимачилик, трикотаж ва бошқа корхоналарда ярим тайёр маҳсулотларни намини қочириш калорифер ўрнатмалари учун, ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланган буюмларни синаш ишлари учун сарфланган ёқилғилар технологик мақсадларга сарфланган дейилади. Бундай мақсадлар учун ёқилғилар сарфланса, «Технологик мақсадлар учун сарфланган ёқилғи ва энергиялар» моддаси бўйича 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счетлари дебетланиб, 1030 «Ёқилғи» смети кредитланади. Бу харажатлар калькуляция объектлари орасида режа тузишда ҳисоблаб топиладиган смета ставкаларига мутаносиб тақсимланади.

Ҳўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган ёқилғилар йиғувчи – тарқатувчи счетларга ўтказилади. Масалан, асбоб – ускуналарни асраш учун сарфланган ёқилғилар 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» сметиға ўтказилади.

Ўзида ишлаб чиқарилган барча турдаги энергия ва четдан олинган энергиянинг сарфи бир хилда ҳисобға олинади.

### **7.6. ИШ ҲАҚИ, МУКОФОТЛАР, ТАЪТИЛ ҲАҚИ РЕЗЕРВИНИ ТАҚСИМЛАШ**

Иш ҳақи, мукофотлар ва таътил ҳақи резервини тақсимлаш деганда дебетланувчи счетларға тўғри олиб бориш деб тушунилади. Айрим меҳнат ҳақи харажатларини тайинланиши бўйича маҳсулот таннархига тўғри олиб бориш иложи бўлмаса, улар иш ҳақи нормаларига мутаносиб тақсимланади.

Ҳисобланган иш ҳақи 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб – китоблар» сметининг кредитида ҳисобға олинади.

Ишчиларнинг ишбай иш ҳақлари калькуляциянинг тўғри моддалари тарзида маҳсулот (буюртма) бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳўжжатлар (нарядлар, маршрут варақалари ва бошқа харажатлар) га асосан 2010 ва 2310- счетларнинг дебетига ёзилади. Башарти ишлаб чиқариш ишчилари бўйича вақтбай иш ҳақи ҳисобланса, у буюртмалар ва иш турлари ўртасида ишбай иш ҳақиға мутаносиб тақсимланиб 2010 ва 2310 счетларига ўтказилади.

Асбоб – ускуналарни созлаш, уларни мойлаш, тозалаш, таъмирлаш бўйича ёрдамчи ишчиларға ҳисобланган вақтбай иш ҳақи харажат моддалари бўйича 2510- сметининг дебетига

ўтказилади. Шунингдек цехларнинг мутахассисларига, хизматчиларига ҳисобланган иш ҳақи ҳам 2510- сўтнинг дебетига алоҳида ҳисобга олинади.

Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг барча категориялари бўйича ҳисобланган бир йўла мукофотлар суммасига 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» ва 2510 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари» сўтлари дебетланиб 6710- «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» сўти кредитланади.

Ишчиларнинг тунда ва ишдан ташқари вақтда ишлагани учун ҳисоблаган иш ҳақи буюртмалар ва иш турлари орасида ишбай иш ҳақига мутаносиб тақсимланиб 2010 ва 2310 сўтларнинг дебетига ёзилади. Ишчиларга ҳисобланган қўшимча (боласини боқиш учун сарфланган вақтга, давлат ва жамоат ишларини бажарган вақтга, ўсмирларнинг енгиллик соатлари ва шунга ўхшаганларга) ҳисоблаган қўшимча иш ҳақлари буюртма ва ишлар ўртасида асосий иш ҳақига мутаносиб тақсимланиб 2010 ва 2310- сўтларнинг дебетига ўтказилади. Ишчиларнинг иш ҳақларини тақсимлаш билан бир вақтда ишчиларнинг таътил ҳақлари бўйича таътил ҳақи резерви ташкил этилади. Унинг суммаси корхонада ҳисоблаб чиқилган режали фоизига ва ҳисобот даврида ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи ҳажмига боғлиқ.

Резерв суммаси маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархига киритилиб ишчиларга ҳисобланган иш ҳақлари қайси сўтларда акс этирилган бўлса, шу (2010, 2310, 2510) сўтларнинг дебетига ёзилиб 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» сўти кредитланади.

Иш ҳақлари, мукофотларни тақсимлаш, таътил ҳақи резервини ташкил қилиш билан бирга ҳисобланган иш ҳақи суммасидан белгиланган фоизда ижтимоий, тиббий суғурта ва пенсия фондига ажратма қилинади. Ажратмалар суммаси маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархига қўшилиб, иш ҳақлари қайси сўтларда акс этирилган бўлса, шу сўтлар дебетланиб, 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» сўти кредитланади.

Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан белгиланган фоизда бандлик фондига ҳам ажратма ҳисобланади. Бу ҳисобланган сумма ҳам ижтимоий суғуртага ажратма каби маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархига киритилиб 6530 «Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар» сўти кредитланади. 12- ведомостга ёзиш учун асос бўлиб ишлов бериш жадваллари ҳисобланади.

**Мисол.** Қуйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди:

а) асосий ишлаб чиқариш ишчиларига - 50000 с.

б) асбоб - ускуналардан фойдаланишда банд бўлган ишчиларга -10000 с.

в) цех бошқарув ходимларига - 4000 с.

г) яроқсиз маҳсулотни тузатишда банд бўлган ишчиларга - 2000 с.

Бу муомалаларга қуйидаги проводкалар берилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 50000 с.

Д-т 2510 «Асбоб - ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш» смети - 10000 с.

Д-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» - 4000 с.

Д-т 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» - 2000 с.

К-т 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» смети - 66000 с.

Кейин шу ёзувлар асосида цехлар бўйича 12- ведомостга (2010, 2310, 2510, 2610- счетларнинг дебетига), 15- ведомостга (31, 8910- счетларнинг дебети);

10/1 - журнал - ордерига (6520 счетининг кредитига) ва маҳсулот гуруҳлари ва турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ведомостига ёзиб қўйилади.

### **7.7. КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР РЕЗЕРВИ**

Маҳсулот таннархини тартибга солиш мақсадида корхоналарда келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервини ташкил этиш эҳтиёжи туғилади (ишчиларнинг таътил ҳақи резерви, асосий воситаларни таъмири бўйича резерв ва шунга ўхшаганлар). Шунинг учун яна бир ҳисобот - тақсимловчи 8910 «Келгуси харажат ва тўловлар резервлари» смети очиш керак. Бу счет ишлаб чиқариш ёки муомала сарфларига харажат ва тўловларни бир меъёрда қўшиш мақсадида белгиланган тартибда резервланган суммаларни ҳолати ва ҳаракати тўрисидаги ахборотни умумлаштиради.

Бу счет пассив бўлиб ҳужалик жараёнлари ҳолатини таърифлайди ва уни юритиш учун Молия вазирлиги рухсатини олиш зарур.

8910- счетда, хусусан, қуйидаги суммалар акс эттирилиши мумкин:

- келгусида ишчиларга таътил ҳақи тўлаш (ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмалари қўшилган ҳолда);

- саноатнинг мавсумий тармоқларида тайёргарлик ишлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари;

- асосий воситаларнинг таъмири бўйича келгусидаги харажатлар ва шунга ўхшаганлар.

Ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисобидан суммаларни резервлаш тартиби тегишли қонун ва бошқа норматив ҳужжатлари, шунингдек «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг

таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» билан белгиланади.

Резервлар ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муомалалар 20, 23, 25, 94 - счетларнинг дебетида ва 8910 «Келгуси харажатлар ва туловлар резерви» счетининг кредитида акс эттирилади.

Ташкил этилган резерв ҳисобидан қопланган харажатлар суммасига 8910 «Келгуси харажатлар ва туловлар резервлари» смети дебетланиб, 2310 «Ёрмачи ишлаб чиқариш», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» счетлари кредитланади.

Амалда кенгроқ тарқалган резервлар таътил ҳақи резерви бўлганлиги туфайли уни батафсилроқ қуриб чиқамиз.

Одатда ишчиларга таътил йил давомида бир текисда берилмайди. Демак, ишчиларнинг таътил вақти учун ҳисобланган иш ҳақиси айрим ойлар бўйича ўзгариб туради. Бу, ўз навбатида, маҳсулот таннархини бузиб қурсатади. Таътил ҳақини йил давомида бир текисда бермаслик туфайли маҳсулот, иш ва хизматлар таннархида тебраниш бўлмаслик учун ишчиларга келгусида туланидиган таътил ҳақи суммасини ижтимоий суғуртага ажратмалар билан бирга резерв қилинади, яъни белгиланган нормада таътил ҳақи суммаси ҳисобланиб корхона тасарруфида қолдирилади. Бухгалтерия томонидан ишчиларга ҳар ойда ҳақиқий ҳисобланган суммадан белгиланган фоиз миқдоридида таътил ҳақи резерви ташкил этилади. Фоиз режа маълумотлари бўйича аниқланади.

**Мисол.** Режа бўйича ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди 200000 сўм бўлса, таътил вақти учун туланидиган иш ҳақи ижтимоий суғуртага ажратмалар билан - 16000 сўмни, яъни йиллик иш ҳақи фондининг 8% ини ташкил этади.

Агар ҳисобот ойида ишчиларга 19000 сўм иш ҳақи ҳисобланган бўлса, таътил ҳақи резервига ажратиладиган сумма 1520 сўмни ( $19000 \times 8 : 100$ ) ташкил этади.

Бу суммага қуйидагича проводка берилади:

Д-т Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган (2010, 2310) счетлар

К-т 8910 «Келгуси харажатлар ва туловлар резервлари» смети.

Фараз қилайлик, мазкур ойда таътилга чиққан ишчига 900 сўм таътил ҳақи ҳисобланиб, 324 сўм ижтимоий суғуртага ажратма қилинган бўлса (жами 1224 сўм), қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8910 «Келгуси харажатлар ва туловлар резервлари» смети - ҳисобланган таътил ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратилган суммага - 1224 сўм

К-т 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» смети - ҳисобланган таътил ҳақи суммасига - 900 сўм ва

К-т 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» смети - ижтимоий суғуртага ажратилган суммага - 324 сўм.

Ташкил этилган резерв фонди ва ундан фойдаланиш вақти - вақти билан (йил охирида албатта) смета маълумотлари бўйича текшириб турилади ва зарур бўлса тузатиш киритилади.

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» скетининг аналитик ҳисоби алоҳида резервлар бўйича 15-ведомостда юритилади.

### **7.8. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА САРФЛАНГАН БОШҚА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА УЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ**

Асосий воситаларнинг амортизация ажратмалар суммаси уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счетларига ўтказилади.

Ҳисобот оyiда ҳисобланган амортизация суммасини тегишли счетларга ўтказиш учун асос бўлиб 6- «Асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш» ишлов бериш жадвали ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш асбоб - ускуналари ва цех ичидаги транспортлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси 2510-скетининг алоҳида аналитик ҳисобини дебетида «Ускуна ва транспорт воситаларининг амортизацияси» моддаси бўйича акс эттирилади, бошқа асосий воситалар бўйича эса - 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» скетининг дебетида алоҳида ҳисобга олинади.

**Арзон ва тез эскирувчи буюмлар (АТБ) эскириши ҳам** фойдаланиш жойига қараб тегишли (2010, 2310, 2510) счетларида акс эттирилади. Машинасозлик корхоналарида ихтисослаштирилган махсус инструментлар ва мосламаларнинг эскириши қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайинланган бўлса, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади.

АТБ бўйича ҳисобот оyi учун ҳисобланган эскириш суммасини тегишли счетларга ўтказиш учун асос бўлиб 8-ишлов бериш жадвали ҳисобланади. 13 «АТБ лар эскириши» скетининг кредити бўйича ёзувлар 12 ва 15-ведомостларда амалга оширилади.

**Четдан кўрсатилган хизматлар.** Корхоналар чет ташкилотларнинг турли хизматлари (электроэнергия, газ, сув, пар ва шу кабилар) дан фойдаланади. Бу хизматларнинг барчаси истеъмол жойлари ва тайинланиши бўйича бош механик маълумотларига асосан тақсимланади. Бу

маълумотларга асосан бухгалтерия счетлар, харажат моддалари, иложи бўлса, калькуляция объектлари орасида тақсимлаш жадвалини тузади.

Мол юборувчиларнинг счетлари билан бирга тақсимлаш жадваллари 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счетлар» четининг кредити ва 2010, 2310, 2510 ларнинг дебетига ёзиш учун асос бўлиб ҳисобланади

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар 6010- четининг кредити бўйича 6- журнал - ордерда юритилади.

**Бошқа пул харажатлари.** Корхонанинг айрим харажатлари кассадан нақд пул билан ёки ҳисоб - китоб четидан пул ўтказиш йўли билан, ёки бевосита ҳисобдор шахслар томонидан туланади ва тегишли счетларнинг кредити бўйича 1, 2, 7 журнал - ордерларда харажатларни ҳисобга оладиган счетларнинг дебети билан корреспондентлашган ҳолда ҳисобга олинади. Бу харажатлар суммаси харажат ведомостларига ой бўйича жамлаб ёзилади. Шунинг учун уларни дебетланувчи счетлар ва харажат моддалари бўйича гуруҳлаш расшифровка - варақаларида олиб борилади.

### **7.9. ЁРДАМЧИ ВА БОШҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ**

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар асосий ишлаб чиқариш ёки корхонанинг асосий фаолияти учун ёрдамчи (кўмакчи) бўлган ишлаб чиқаришлар бўлиб, улар қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

2320 «Бошқа ишлаб чиқаришлар»

Бу счетлар актив бўлиб, дебетда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича қилинган харажатлар, кредитида ишлаб чиқариши тугатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннарх суммаси акс эттирилади. Бу счетларнинг дебети ҳисобот даври бошига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари суммасини кўрсатади.

2310 ва 2320 - счетларидан харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги ёрдамчи ишлаб чиқаришлар фойдаланади:

- турли хил энергиялар, электроэнергия, газ ва бошқалар билан хизмат кўрсатиш;
- транспорт хизматини кўрсатиш;
- асосий воситаларни таъмирлаш;
- инструментлар, штамплар, қурилиш деталлари, конструкциялар тайёрлаш ёки қурилиш материалларини бойитиш (асосан қурилиш корхоналарида);
- тош, шағал, қум ва бошқа рудасиз материаллар қазиб олиш;
- ёғоч тайёрлаш ва ёғоч арралаш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тузлаш, қоқи қилиш ва консервация (асосан савдо корхоналарида);

- махсус кийимлар ва махсус пойафзалларни таъмирлаш ва тикиш ва бошқалар.

Бундан ташқари, бу счетларда корхона балансида турган илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик бўлинмалар харажатлари ҳам акс эттирилиши мумкин.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар корхона фаолиятини асосий ҳалқаси бўлиб ҳисобланади, чунки яхши ҳозирги замон инструментал цехи, ривожланган таъмирлаш хизмати, аниқ ҳаракат қилувчи транспорт хўжалиги, электроэнергия, пар, сиқилган ҳаво билан бир текисда таъминлаш – бутун корхона жамоасининг бир текисда ва сифатли ишлашининг гаровидир. Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар фаолиятининг турлича бўлиши уларнинг харажатлари ҳисобига таъсир этади.

Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бир типдаги технологик жараёнга эга бўлиб бир турдаги маҳсулот (парқозон цехи, энергодех, компрессорлар ва бошқалар) ни ишлаб чиқаради. Бу ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари бирлигининг таннархи калькуляция моддалари бўйича жами харажат суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлиш йўли билан топилади.

Мураккаб ёрдамчи ишлаб чиқаришлар – инструментлар, таъмирлаш цехлари ва транспорт цехлари турли ишларни бажаради, кўп технология операцияларидан иборат маҳсулотлар тайёрлайди ёки хизматларни кўрсатади.

Ҳар бир маҳсулот ва ишлар бўйича режалаштириш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш буюртмалар ва калькуляция моддалари бўйича олиб борилади.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2320 «Бошқа ишлаб чиқаришлар» счетларининг дебитида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, ёрдамчи ишлаб чиқаришни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва бракдан кўрилган йўқотишлар акс эттирилади.

2310 ва 2320 – счетлар дебетланганда қуйидаги счетлар кредитланиши мумкин:

0211 – 0290 – счетлари – ёрдамчи ишлаб чиқаришларда фойдаланилаётган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммасига;

1010, 1070, 1090 – счетлари – ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланган материаллар суммасига;

1210, 1310 – счетлари – сарфланган арзон ва тез эскирувчи буюмлар суммасига;

1610 «Материаллар қийматидаги оғишиш» смети – материаллар қийматидаги оғишишлар ҳисобдан чиқарилганда (сторно ёки қўшимча ёзув);

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» смети – умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ёрдамчи ишлаб чиқаришларга ўтказилганда;

2610 – смети – браддан кўрилган йўқотишлар ёрдамчи ишлаб чиқаришларларга ўтказилганда;

3110,3190 – сметилари – келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилганда;

6710 смети – ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига;

6520 – ижтимоий суғурта ва таъминотга ҳисобланган суммага;

4630 – смети – материал қийматликларнинг камомати (жумладан табиий камайиши) ёрдамчи ишлаб чиқаришларга ўтказилганда.

Ёрдамчи хўжаликлар ва ишлаб чиқаришлар бўйича аналитик ҳисоб қуйидагича ташкил этилади:

1 – калькуляция объектлари доирасида ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш карточкаларида – буюртмалар ва калькуляция моддалари бўйича;

2 – цехлар бўйича (2510 – сметининг моддалар номенклатураси бўйича 12 – ведомостда);

3 – харажат суммалари бўйича (тўғри ва эгри). Ҳар бир цех бўйича ҳар ойда алоҳида 12 – ведомости юригилиб, унда ҳисобот оyi ва йил бошидан жамланиб келинаётган смета ва ҳақиқий харажат маълумотлари кўрсатилади. Смета ва ҳақиқий маълумотларни солиштириш йўли билан цех жамоасининг иши таҳлил қилинади. Қуйида 12 – ведомост шаклини келтирамиз (51-бетга қаралсин).

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар томонидан тайёрланган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

- накладнойлар – оморга топширилган тайёрланган инструментлар миқдорини кўрсатиб;

- таъмирланган объектларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси – бажарилган ва топширилган таъмирлаш ишларига;

- йўл варақалари – транспорт цехининг ташиган юк ҳажмига;

- бош энергетик, бош технолог, бош механикларнинг берган маълумотлари (справкалари) – оддий ишлаб чиқаришлар томонидан бажарилган ишлар хизматлар ҳажмига. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, маҳсулотлари хизмат ва ишлари корхона ичида асосий ва ёрдамчи цехлар, завод бошқармаси томонидан истеъмол қилиниши ва четга сотилиши ҳам мумкин.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320 «Бошқа ишлаб чиқаришлар» сметиларининг кредитида, илгари айтилгандек, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий (ҳисобот даври ичида режа) таннархи суммаси акс эттирилади.

2310 ва 2320 – сметилари кредитланганда қуйидаги сметилар дебетланади:

1010, 1070, 1090 – счёта – ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар ва ишлаб чиқаришдан қайтарилган чиқитлар киримга олинганда;

1210, 1220 – счёта – ёрдамчи ишлаб чиқаришлардан АТБнинг киримга олинishi;

2610 – счёта – тузатиб бўлмайдиган бракни ҳисобдан чиқиши;

2320 – счёта – ёрдамчи цехлар харажатларининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришга ўтказилиши;

9450 – счёта – ёрдамчи цехлар харажатларини хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ўтказилиши;

2810 – счёта – тайёр маҳсулотни оморга қабул қилиниши;

9410 – счёта – маҳсулот сотишга кўрсатилган хизматлар харажатларини ҳисобдан чиқарилиши;

9110, 9130 – счёта – четга жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар суммасига;

9210, 9220 – счёта – асосий восита ва номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар қийматига;

4630 – счёта – камомад ва нобудгарчиликларни акс эттирилиши.

Ёрдамчи цехларнинг бири – иккинчисига кўрсатган хизматлари муқобил хизматлар дейилади. Бу хизматларни асосий истеъмолчиси бўлиб, асосий ишлаб чиқариш цехлари ва завод бошқармаси ҳисобланади.

Муқобил хизматлар цехнинг режа таннархида ёки олдинги ойнинг ҳақиқий таннархида ҳисобга олинади. Асосий истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларининг ҳақиқий таннархида ҳисобга олинади. Ўз асбоб – ускуналарининг капитал (обдон) таъмири учун кўрсатилган хизмат, транспорт воситаларининг четга бажарилган ишлари ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоланади.

Мураккаб ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатларининг ҳисоби харажатларни маҳсулот турлари ёки айрим бажарилган ишлар ва таъмирлар бўйича гуруҳлашни талаб қилади. Мураккаб ёрдамчи ишлаб чиқаришларда хизматлар завод ичидаги буюртмалар бўйича қилинадиган калькуляция ёрдамида тақсимланади. Бунинг учун калькуляция ведомости тузилади. Буюртмалар бўйича маҳсулот таннархи ҳисобланганда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобланган иш ҳақи ва материаллар қиймати бевосита буюртмаларга ёзилади, қолган харажатлар эса 2310 ва 2510 – счёталарида йиғилиб буюртмалар орасида тўғри харажатлар (материаллар ва иш ҳақи суммаси) га мутаносиб тақсимланади.

12- «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар буйича харажатлар» ведомости

Дебетланувчи счетлар			Кредитланувчи счетлар											
Счет- пинг номери	Модда- лар коди	Моддалар номи	10		6710	6520	8910	2310	ва х. к.	0210	ва х. к.	2510	2510	жа- ми
			1010	1030										
А	Б	В	1	2	3	8	9	10	11-12	13	14-17	18	19	20
2510	1	Ускуналар амортизацияси								74				74
	3	Ускуналар жорий таъмири	600		400	56	24	150						1230
		Счет буйича жами	600		400	56	24	150		74				1304
2510	1	Бошқарув аппаратини асраш												912
	3	Биолар, иншоотлар ва инвентарлар эскириши			800	112				70				70
	5	Биоларнинг жорий таъмири	40											40
		Счет буйича жами	40		800	112				70				1022
2320		Ишлаб чиқариш харажатлари		2000	1724	241	104					1304	1022	6345
		Цех буйича жами	640	2000	2924	409	128	150		144		1304	1022	8721

## **7.10. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ЖАМЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБИ**

Ҳисобот даврида қилиниб келгуси ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи»

3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»

3190 «Бошқа бўнак харажатлар»

Бу счетлар актив бўлиб, дебетида, хусусан, рўзнома ва ойномаларга йиллик обуна харажатлари, мулкларнинг йиллик суғурта суммасини тўлаш, келгуси даврлар учун олдиндан тўланган ижара ҳақи ва маҳсулот таннархига келажакда қўшиладиган бошқа харажатлар акс эттирилади. Кредитида бу харажатларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Бу счетларда ҳисобот даври бошига қолдиқ қолиши мумкин.

3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» сметида ҳисобот даврида келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган тўланган ижара ҳақлари ҳисобга олинади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект йиллик ижара ҳақини йил бошида тўлаб қўйса, бу харажат суммасига 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» смети дебетланиб пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар кредитланади.

3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи» сметида ҳисобот даврида келгуси ҳисобот даврига тегишли бўлган тўланган хизмат ҳақлари ҳисобга олинади. Хусусан, рўзнома ва ойномаларга йиллик обуна харажатлари, корхона ходимлари учун олдиндан йўл патталарини сотиб олиш ва шу кабилар акс эттирилади.

3190 «Бошқа бўнак харажатлар» сметида юқоридаги счетларда ҳисобга олинмайдиган келгуси давр харажатлари ҳисобга олинади.

Келгуси давр харажатларининг аналитик ҳисоби счетлар, харажат моддалари ва харажат объектлари бўйича юритилади.

Ҳисобот йилининг охирида келгуси йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна булиш ва йўл патталари учун тегишли органларга пул ўтказиб берилса, 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи» смети дебетланиб, 5110 «Ҳисоб – китоб смети» кредитланади.

3190 «Бошқа бўнак харажатлар» смети дебетланганда қуйидаги счетлар кредитланади.

0211 – 0290, 0510 – 0590 ва 1310 – счетлар – келгуси давр харажатларига алоқадор асосий воситалар, номоддий активлар ва АТБ ларнинг эскириш суммасига;

1010 – 1090, 1210 – 1230 – счетлар – келгуси давр харажатлари учун сарфланган материаллар ва АТБ лар суммасига;

2310 - счети - келгуси давр харажатларига доир ишларни бажаришда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар томонидан кўрсатилган хизматлар суммасига;

2510 - счети - умумишлаб чиқариш харажатларининг тегишли қисми келгуси давр харажатларига ўтказилганда;

Келгуси давр харажатлари счетининг дебетида ҳисобга олинган харажатлар суммаси белгиланган муддат ичида бир текисда ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ёки миқдорига мутаносиб тақсимланиб жорий харажатларга ўтказилади. Бу вақтда қуйидаги провонкалар берилади:

1. Капитал қуйилмаларга тегишли келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилса

Д-т 0810-0890 - счетлари

К-т 3190 - счети

2. Нокапитал ишларга тегишли келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилса

Д-т 2710 - счети

К-т 3190 - счети

3. Натижа бермаган ёки табиий офат натижасида йўқотишларга олиб келган келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилганда

Д-т 9410 - 9439, 9720 - счетлари

К-т 3190 - счети

4. Навбатдаги ҳисобот даври келганда келгуси давр харажатларининг бир қисми тегишли харажатлар счетида ўтказилганда

Д-т 2110, 2310, 2510, 9410 - 9430 - счетлар

К-т 3110 - 3190 - счетлар

5. Обуна харажатларининг бир қисми ҳисобот даври харажатларига ўтказилганда

Д-т 9410 - 9439 - счетлари

К-т 3120 - счети

6. Узоқ даврга корхона ходимлари учун сотиб олинган йўл карточка ва патталари харажатларининг бир қисми ҳисобот даври харажатларига ўтказилганда

Д-т 9439 - счети

К-т 3120 - счети

Тақсимланмаган келгуси давр харажатлари балансда алоҳида модда билан кўрсатилади.

### **7.11. АСБОБ - УСКУНАЛАРНИ АСРАШ ВА УЛАРДАН ҲОЙДАЛИНИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЖАМЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБИ**

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг навбатдаги боғичи бўлиб 2510 - счётда алоҳида ҳисобга олинадиган

«Асбоб – ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари» ва «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётларида гуруҳландиган харжатларни жамлаш ва ҳисобдан чиқариш ҳисобланади.

Ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари 2510 – счёти бўйича очилган 12 – ведомоста юритилади. Бу харажатлар корреспондентланувчи счётлар бўйича (тиккасига) ва моддалар бўйича (горизонталига) жамланади. Ведомостнинг бундай тузилиши смета бажарилишини назорат қилиш имкониятини беради.

Машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлари таннархига киритилади: мазкур турдаги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда ускуналарнинг иш соатлари ва уларнинг ишлаш давомийлиги ҳажмига қараб турли буюмлар ўртасида тақсимланади. Бунинг учун ҳар бир калькуляция объекти бўйича ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш смета (норматив) харажатлар ставкаси ҳисоблаб чиқилади.

Смета (норматив) ставкаси қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:  $H = CP$ , бу ерда  $H$  – смета (норматив) ставкаси,  $C$  – ускуналарнинг бир соатлик ишини смета харажатлари суммаси, ва  $P$  – ускуналарнинг ишлаган машина – соат миқдори. Ускуналарнинг ишлаган машина – соат миқдори бир турдаги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда фойдаланилган турли гуруҳ ускуналарининг машина – соатларини тузатувчи коэффицентга кўпайтириш йўли билан топилади.

Тузатиш коэффицентлари бир хилдаги ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ускуналар гуруҳлари бўйича аниқланади, масалан деталларни пресслаш учун штамповкалар, токар станоклари, фрезер станоклари ва ш. қ.

Норматив иш ҳақи суммасининг рўпарасига фоизларда харажатларнинг смета ставкаси қўйилиб, норматив харажатлар суммаси ҳисоблаб топилади.

Масалан, 01 – цех бўйича 01107 – сонли буюмга 24910 сўмлик ишчиларнинг иш ҳақиси ўтказилган. Иш ҳақиға фоиз ҳисобида смета харажатлар ставкаси 31,66 фоизни ташкил этса, норматив харажатлар суммаси 7887 сўм ( $24910 \times 31,66 : 100$ ) бўлади. Бошқа барча буюм турлари бўйича норматив харажатлари суммаси айнан шу тартибда ҳисоблаб топилади. Жами ҳақиқий харажатлар суммаси билан солиштирилади. Масалан, 01 – цех бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси 13873 сўмни ташкил этган, норма бўйича эса харажатлар 13547 сўм эди. Оғишиш – 326 сўм ортиқча харажат маҳсулотга (бракни тузатишдан ташқари) ўтказилади. Бракка чиқарилган

маҳсулотнинг таннархига ва бракни тузатишга бу харажатлар норматив суммаларда қўшилади. 02 – цех норма бўйича харажатлар 2178 сўм бўлган. 159 сўм ортиқча харажат норма харажатларига мутаносиб равишда маҳсулотларга ўтказилган. Қуйида ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ведомостларини келтирамиз (56, 57-бетларга қаралсин).

Шуни эътиборга олиш керакки, ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари калькуляция объектлари бўйича, смета (норматив) ставкаларини қўллаган ҳолда, ишлаган машина вақтига мутаносиб тақсимланади ва ишлаб чиқариш ишчиларнинг иш ҳақлари ҳажмига боғлиқ эмас. Шунинг учун, фоизлар ҳисобида ишлаб чиқариш ишчиларнинг иш ҳақидан ҳисобланган, бу харажатларнинг смета (норматив) ставкалари харажатларни маҳсулот таннархига тақсимлаш ва қўшишда фақат техник усул бўлиб ҳисобланади.

Тақсимланган харажатлар 2510 сўмининг «Машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш» аналитик сўти 13873 сўмга кредитланиб 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сўти – 13813 сўмга ва 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» сўти – 60 сўмга дебетланади.

Машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари ялпи маҳсулот таннархига қўшилади, яъни товар маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқаришлар орасида тақсимланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми озгина (ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан) бўлган ишлаб чиқаришларда бу харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқаришларга норма бўйича ўтказилиб, оғишиш суммасининг ҳаммаси товар маҳсулот таннархига киритилади.

Бир хил маҳсулот тайёрлайдиган ёрдамчи ишлаб чиқаришларда машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари асосий ишчиларнинг иш ҳақларига мутаносиб тақсимланади.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби 12 – ведомостда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатларини ҳисоби каби юритилади. Бу ведомост бир ойга очилади. Бу харажатларнинг барча суммалари 12 – ведомостда акс эттирилгандан сўнг номенклатура моддалари ва корреспондентланувчи сўтлар бўйича харажатларнинг жами чиқарилади.

Ведомостнинг бундай тузилиши ҳар бир модда бўйича харажатларни умумишлаб чиқариш харажатлар сметаси билан таққослаш имкониятини беради, яъни смета бажарилишини назорат қилиш ва (моддалари бўйича харажат элементларини таҳлил қилиш йўли билан) ҳар бир моддалар бўйича оғишиш сабабларини аниқлаш мумкин.

Машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш  
харажатларини тақсимлаш ведомости  
01 ва 02 - цехлар бўйича 200- й март ойи учун

Дебет			Тақсимот базаси		Машина ва ускуналардан фойдаланиш харажатлари		
счёт	буюртма	цех	норма бўйича ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи	смета (иш ҳақи- дан норматив фоиз ставкаси)	норма бўйича, сўм	нормадан оғишиш	жами, сўм
2010	107	01	24910	31,66	7887	+2,417%	8078
2010	108	01	20690	27,07	5600	+191	
						+135	8735
Счёт бўйича жами		01	45600		13487	+326	13813
2610	107	01	200	30	60	-	60
Цех бўйича жами			45800		13547	+326	13873
2010	107	02	12800	25,33	3242	+1,73%	3298
	108	02	18780	31,61	5936	+56	
						+103	6039
Цех бўйича жами		02	31580		9178	+159	9337
Ҳаммаси			77380		29725	+425	23210

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ведомости  
200- й март ойи учун, 01 ва 02 – цехлар бўйича

Дебет		Тақсимот базаси				Умумишлаб чиқариш харажатлари			
счёт	буйрт- ма	цех	ишлаб чиқариш ишчилар- нинг норма бўйича иш ҳақиси	норма бўйича ускуналар- ни асраш харажат- лари	жами, сўм	норматив фоиз ставкаси	норма бўйича сўм	нормадан оғишиши	жами, сўм
2010	107	01	24910	7887	32797	31,61	10367	+2,616%	10638
2010	108	01	20690	5600	26290	32,11	8442	+271	8663
								+221	
Жами			45600	13487	49087		18809	+492	19301
2610	107	01	200	60	260	31,61	82	-	82
Цех бўйича жами		01	45800	13547	49347		18891	+492	19383
2010	107	02	12800	3242	16042	40,84		+1,214%	
2010	108	02	18780	5936	24716	39,49	6552	+80	6632
							9760	+118	9878
Цех бўйича жами		02	31580	9178	40758		16312	+198	16510
Ҳаммаси			77380	22725	90105		35203	+690	35893

Кореспондентланувчи сётлар буйича жами 2510 «Умуишлаб чиқариш харажатлари» счтетининг дебетига ёзиллади.

Бу харажатларнинг жами чиқарилгандан сунг улар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ва 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» сётларига ўтказилади.

Бир хил махсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек оддий ишлаб чиқаришларда умуишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш зарурияти йўқ. Бундай ишлаб чиқаришларда умуишлаб чиқариш харажатлари суммасига 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счтети дебетланиб, 2510 «Умуишлаб чиқариш харажатлари» счтети кредитланади.

Турли ва мураккаб махсулотлар ишлаб чиқарадиган ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлган корхоналарда бошқачароқ. Бундай ҳолларда умуишлаб чиқариш харажатлари тайёр махсулот турлари ва қолган тугалланмаган ишлаб чиқаришлар орасида тақсимланади. Бундан ташқари, бу харажатлар брак махсулоти таннархига ва бракни тузатиш харажатларига ҳам киритилади.

Умуишлаб чиқариш харажатлари махсулот турлари орасида, одатда, ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақлари суммаси плус машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари суммасига мутаносиб тақсимланади.

Айрим ҳолларда (масалан, химия саноати корхоналарида) умуишлаб чиқариш харажатлари ишлов бериш харажатлари (хомашё, материаллар ва ярим тайёр махсулотлари қийматисиз асосий харажатлар) суммаларига мутаносиб тақсимланади. Корхоналарда харажатларни тақсимлашда юқорида келтирилган усулларнинг бирини қўллаш ишлаб чиқариш хусусиятига боғлиқ бўлиб, корхонанинг ҳисоб сиёсатида ва тармоқлар йуриқномаларида назарда тутилади.

## **7.12. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР ҲИСОБИ**

Ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришдаги (бракдан ва бекор туришдан кўрилган) йўқотишлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ҳисоби йўқотишлар ҳажмини, айбдорларни ва қопланадиган суммаларни аниқлаш имкониятини беради.

**Ишлаб чиқаришдаги брак ҳисоби.** Корхонанинг унумсиз харажатлари ичида ишлаб чиқаришдаги бракдан кўрилган йўқотишларнинг салмоғи кўп.

Аниқланган жойларига қараб брак ички ва ташқига бўлинади. Ички брак деб махсулотлар харидорларга жўнатилганга қадар аниқланган бракка айтилади. Харидорлар томонидан аниқланган брак эса ташқи брак дейилади.

Яроқсиз маҳсулот (брак) ни тузатиш харажатлари ва батамом бракланган (тузатиб бўлмайдиган) маҳсулотга сарфланган маблағлар ҳисоби 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» калькуляцион ҳисобида ҳисобга олинади. Бу ҳисоб актив бўлиб хўжалик жараёнлари ҳолатини таърифлайди. 2610 – ҳисобнинг дебитида аниқланган брак бўйича харажатлар, шунингдек нормадан ортиқ кафолатланган таъмирлаш харажатлари акс эттирилади. Кредитида – бракдан кўрилган зарарни камайтирувчи суммалар, шунингдек бракдан кўрилган зарар сифатида ишлаб чиқаришга утказиладиган сумма акс эттирилади. 2610 – ҳисоби бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг цехлари, маҳсулот турлари, харажат моддалари ва брак учун айбдорлар бўйича юритилади.

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобнинг дебити кўйидаги ҳисобларнинг кредити билан корреспондентланади:

1010 – 1050, 1090 – ҳисоблари – брак маҳсулотни тузатиш учун сарфланган материал қийматликлар суммасига;

2010, 2310 – ҳисоблари – асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги тузатиб бўлмайдиган браклардан йўқотишлар суммасига;

2810 – ҳисоби – харидорларга брак маҳсулотини ўрнига жўнатилган тайёр маҳсулот таннархига;

6010 – ҳисоби – брак маҳсулотни тузатиш ва кафолатланган таъмирлаш ишларини бажарганлиги учун мол юборувчиларнинг ҳисоблари акцептланганда;

6710 – ҳисоби – бракни тузатишда банд бўлган ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасига;

6520 – ҳисоби – ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратилган суммага;

6890 – ҳисоби – сотиб олган брак маҳсулотини туғрилаш харажатларини қоплаш учун истеъмолчиларга ҳисобланган суммасига.

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобнинг кредитида брак маҳсулотидан кўрилган зарарларни камайтирадиган (яроқсиз маҳсулотни фойдаланса бўладиган баҳодаги қиймати, брак маҳсулотлар учун айбдорлардан ушлаб қолишга тегишли сумма, сифатсиз материаллар ёки ярим тайёр маҳсулотлар юборилганлиги натижасида брак маҳсулоти ишлаб чиқаришга йўл қўйилганлиги учун мол юборувчилардан ундириб олишга тегишли сумма ва ш. қ.), шунингдек брак маҳсулотидан кўрилган зарар сифатида ишлаб чиқариш харажатларига утказиладиган сумма акс эттирилади.

Бу вақтда 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисоби кредитланиб кўйидаги ҳисоблар дебетланади:

1010, 1210 – ҳисоблари – брак маҳсулотни бузишдан фойдаланса бўладиган баҳода баҳоланиб киримга олинган материал ва АТБ лар қийматиغا;

2010, 2310,2320 – счєтлари – браќдан кўрилган йўќотишлар суммасини маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархига ўтказилиши;

6710 – счєти – йўл қўйилган брак учун айбдор шахсларнинг иш ҳаќларидан ушлаб қолиниши;

9439 – счєти – олдинги йилларда йўл қўйилган браќдан қопланмаган йўќотишларни зарарга ўтказилиши (жумладан ташќи брак ҳам).

Браќни ҳисобга оладиган счєтнинг аналитик ҳисоби айрим цєхлар, маҳсулот турлари, харажат моддалари, сабаблари ва айбдор шахслар бўйича юритилади.

**Браќни тузатиш харажатлари.** Ички тузатса бўладиган браќдан кўрилган йўќотишлар ҳисоби брак маҳсулотини тузатиш билан боғлиќ бўлган қуйидаги харажатларни гуруҳлашдан иборат: браќни тузатиш учун сарфланган материал, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар, ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳаќлари ажратмалари билан, умум ишлаб чиқариш ҳамда машина, асбоб – ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатларининг бир қисми. Барча харажатлар қилинганда 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счєти дебєтланиб тегишли счєтлар кредитланади.

Браќланган маҳсулот тузатиб бўлгандан сўнг 2610 – счєтида ҳисобга олинган харажатлар суммаси асосий ишлаб чиқаришга (2010) ўтказилади. Тузатиб бўладиган браќнинг таннархи 2010 – счєтида қолади.

**Тузатиб бўлмайдиган браќдан кўрилган йўќотишлар.** Бундай брак маҳсулотининг ҳисобини хусусияти шундан иборатки, браќланган маҳсулот (буюм) лар ишлаб чиқаришдан олинади. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг умумий харажатларидан браќланган маҳсулотга тегишли қисмини топиб 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счєтидан харажат моддалари (материал, иш ҳаќи, машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари, умум ишлаб чиқариш харажатлари) бўйича чиқариб 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счєтига ўтказиш керак. Бунинг учун браќланган маҳсулот (буюм) ларнинг таннархи харажат моддалари бўйича қуйидагича ҳисобланади:

- материаллар қиймати норма бўйича улгуржи баҳо қийматида баҳоланади ва унинг устига транспорт – тайёрлов харажатлари қўшилиб қайтариладиган чиқиндилар қиймати олиб ташланади;

- брак аниќланганга қадар бажарилган операциялар ҳам қўшилган ҳолда асосий ва қўшимча иш ҳаќи, ижтимоий суғуртага ажратмалар норма бўйича аниќланади;

- машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари ҳамда умумишлаб чиқариш харажатлари

норматив калькуляциясида кўрсатилган норма бўйича аниқланади.

Давр харажатлари, ихтисослашган инструментлар ва мосламалар ва бошқа махсус харажатлар бракланган маҳсулот таннархига қўшилмайди.

Мисол. 01 – буюртма бўйича механик цехида 3 донa детал (коди 01019) ишчиларнинг айби билан охириги (5-чи) операцияда брак бўлган.

Норма бўйича 01019 – буюртмага қуйидаги харажатлар қилинган:

1) 45–160 мм лик тўғарак пулат, 1030 кг	– 721 – 00
2) Транспорт – тайёрлов харажатлари (5%)	– 36 – 00
3) Жами материаллар таннархи чиқиндилар қийматидан ташқари	– 754 – 00
4) 4- операция ҳам қўшилган ҳолда иш ҳақи	– 80 – 00
Юқоридаги маълумотларга асосан тузатиб бўлмайдиган брак маҳсулотининг таннархи қуйидагича аниқланади:	
асосий материаллар	– 2262 – 00
асосий иш ҳақи	– 240 – 00
қўшимча иш ҳақи (6,5%)	– 15 – 60
ижтимоий суғуртага ажратма (14,5%)	– 37 – 00
машина ва ускуналардан фойдаланиш харажати (иш ҳақига 31,66%)	– 81 – 00
умумишлаб чиқариш харажатлари (31,61%)	– 106 – 40
2010 счeтидан 2610 – счeтининг дебeтига утказиладиган бракнинг таннархи	– 2742 – 00

Тузатиб бўладиган брак бўйича айбдор ишчилардан брак маҳсулотини тузатиш қиймати ушлаб қолинади, тузатиб бўлмайдиган брак учун эса – бракланган маҳсулотни бузиш натижасида олинган яроқли материал ва темир – терсақлар қиймати сотса ёки фойдаланса бўладиган баҳода баҳоланиб киримга олинади, қолган суммаси айбдорлардан ундирилади. Айбдор ишчилардан чиқиндилар қийматини олиб ташлаган ҳолда материаллар қиймати ва асосий иш ҳақи суммаси ушлаб қолинади.

Юқорида келтирилган мисолда брак темир – терсақ тарзида 8 сўмга баҳоланиб омборга қабул қилинган. Брак учун айбдор бўлган ишчидан 2421 сўм (2262+240-81) ушлаб қолиш керак. Лекин меҳнат қонунчилиги билан ишчилардан брак учун ушлаб қолиш чегараси белгиланган. Қонунчилик бўйича ишчиларнинг бракка йўл қўйилган ойдаги иш ҳақининг 2/3 қисмини (66,6%) ушлаб қолиш мумкин. Чунончи, ишчининг ойлик иш ҳақиси 1800 сўм бўлган тақдирда брак учун ушланадиган сумма 1200 сўмни ташкил этади. Бундай ҳолда бракдан кўрилган йўқотиш суммаси 1461 сўмга (2742-81-1200) тенг бўлади. Бу суммага 2010 – счeти дебeтланиб 2610 – счeти кредитланади.

**Бекор туришдан кўрилган йўқотишлар.** Бекор туришлар ташқи ва ички сабабларга кўра содир бўлиши мумкин.

Ташқи сабабларга кўра бекор туришларга четдан олинадиган электр энергия, материаллар ёки ёқилгилар ва шу кабилар билан нотекис таъминланиш киради. Бундай бекор туришлар корхона директори имзолаган далолатнома (далолатнома) билан расмийлаштирилади. Далолатномада бекор туришнинг таърифи, унинг бошланган ва тугаган вақтини кўрсатиб кун ёки соатдаги давомийлиги, бекор туришдан бўлган йўқотишлар ҳисоблаб чиқилади, бекор туришнинг сабаблари ва айбдорлари кўрсатилади.

Ташқи сабабларга кўра бекор туришдан кўрилган харажатлар ишчиларнинг бекор туриш вақтидаги асосий ва қўшимча ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратма, шунингдек бекор туриш вақтида унумсиз сарфланган ёқилғи ва энергия қийматидан иборат.

Бекор туришлар вақтида сарфланган суммага айбдор ташкилот номига даъво расмийлаштирилади. Бунда кўрсатилган суммага қўшимча қилиб машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш ҳамда умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси ҳисоблаб қўшилади. Даъво бўйича қоплама олинмагунча тақдим этилган даъво суммаси ҳисоб регистрларида акс этирилмайди.

Ички сабабларга кўра (цех ичида вужудга келган) бекор туришдан кўрилган харажатлар ишчиларнинг асосий иш ҳақлари, сарфланган ёқилғи ва энергия қийматидан иборат. Бундай харажатлар содир бўлганда 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счегининг «Бекор туришдан йўқотишлар» моддаси дебетланиб тегишли счеглар (6710, 6520, 2310) кредитланади.

### **7.13. ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИ ВА УНИ БАҲОЛАШ**

Ишлов беришнинг барча босқичларини ўтмаган, техник назорат бўлими томонидан қабул қилинмаган, буюртмачилар томонидан олинмаган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳисобланиб, уларга тегишли харажатлар эса тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Ишлаб чиқарилиб омборга топширилган маҳсулотлар харажатларини аниқлашдан олдин бу харажатларни тугалланмаган ишлаб чиқаришлар харажатларидан ажратиб олиш керак, чунки ой давомида бу икки хил харажат бирга ҳисобга олиб борилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳажмини аниқлаш учун детал, узел ва шу кабиларни қолдиқлари ҳаракати ҳисобини юритиш лозим. Ишлов беришнинг ҳар бир босқичида вақти- вақти билан мавжуд тугалланмаган ишлаб

чиқаришларни текшириш, ҳисоб маълумотларини инвентаризация маълумотлари билан таққослаш керак.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ҳаракатини миқдорий тезкорлик ҳисоби цехларнинг диспетчерлик бюро ходимлари томонидан олиб борилади. Лекин тугалланмаган ишлаб чиқаришлар харажатларнинг қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни фақат тугалланмаган ишлаб чиқаришларни инвентаризация қилиш йўли билан аниқлаш мумкин.

**Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш.** Доим бир ойдан иккинчи ойга ўтадиган тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларига эга бўлган ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотга тегишли харажатларни аниқлаш учун уларни ҳар ойда баҳолаб туриш керак. Бунда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш учун ой бошига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларига ой давомида қилинган харажатларни қўшиб ҳисобдан чиқарилган, қайтарилган ҳамда ой охирига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари суммасини олиб ташлаш керак. Шунинг учун тугалланмаган ишлаб чиқаришлар қолдиқларини тўғри аниқлаш ва уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар қолдиқларини аниқлаш ва баҳолашдаги ноаниқликлар ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини нотўғри аниқлашга олиб келади.

Буюртма усулида ҳисоб юритувчи якка ва майда серияли ишлаб чиқаришларда тугалланмаган ишлаб чиқаришлар, одатда баҳоланмайди. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати тугалланмаган буюртма харажатига тенг.

Йирик серияли ва кўплаб ишлаб чиқарадиган корхоналарда тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳар ойда баҳоланади. Баҳолаш усулидаги фарқ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулига боғлиқ.

**Мисол.** Машинасозлик заводида станоклар тайёрлов ва йиғув цехларида ишлаб чиқарилади. Демак, буюмлар ҳар хил ишлаб чиқариш босқичида ва ҳар хил миқдорда цехларда тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлиб қолади. Инвентаризация далолатномаси бўйича ой бошига қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- тайёрлов цехида 6 – операцияда – 10 дона
- йиғув цехида 2 – операцияда 2 дона

Тайёрлов цехида тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш учун маълумотлар:

- бир станок учун материал харажатлари – 340 сўм,
- тулиқ ишлов бериш учун иш ҳақи – 100 сўм,
- олтита операциялар бўйича – 80 сўм.

Йиғув цехида бир станок учун материал харажати – 300 сўм, тулиқ ишлов бериш бўйича иш ҳақи – 70 сўм, инвентаризация вақтига эса – 50 сўм сарфланган.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда юритилганда тўғри харажатлар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қуйидагича аниқланади:

Тайёрлов цехи	сўм
Материаллар 340 х (10+15)	8500
Иш ҳақи (80х10)+(100х15)	2300
Йиғув цехи:	
Материаллар (300х15)	4500
Иш ҳақи (50х15)	750
<b>ЖАМИ</b>	<b>16050</b>

Ишлаб чиқариш ҳисоби ярим тайёр маҳсулотли вариантда юритилганда бу мисолни маълумотлари қуйидаги кўринишда бўлади:

Йиғув цехи	сўм
Материаллар:	
Тайёрлов цехи бўйича (340х15)	5100
Йиғув цехи бўйича (340х15)	4500
Иш ҳақи:	
Тайёрлов цехи бўйича (100х15)	1500
Йиғув цехи бўйича (50х15)	750
<b>ЖАМИ</b>	<b>11850</b>
<b>ҲАММАСИ</b>	<b>16050</b>

Иккала ҳолда ҳам тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати бир хилда (16050 сўм). Демак ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи тўғри ҳисобланган. Цехлар бўйича натижалар ҳар хил бўлади. Масалан, ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда барча буюмлар, инвентаризация пайтида қайси цехда бўлишдан қатъий назар, фақат маълум цех харажатлари бўйича баҳоланади. Шундай қилиб, тугалланмаган ишлаб чиқариш ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда баҳолашда тайёр маҳсулот таннархидаги цех харажатлари улушини бутун корхона бўйича аниқлаш мумкин, лекин мазкур цех томонидан ишлаб чиқарилган буюмларнинг цех таннархини аниқлаш мумкин эмас.

Цех маҳсулоти таннархини аниқлаш учун шу цехнинг тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини фақат мазкур цех харажатлари бўйича баҳолаш керак. Шу мақсадда тугалланмаган ишлаб чиқариш баҳоланади ва «ўз цех харажатлари бўйича», яъни биринчи вужудга келган цех харажатлари бўйича деб кўрсатилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш бўйича юқорида келтирилган ҳисоблардан кўриниб турибдики, асосий мақсад тўғри харажатларни аниқлашдан иборат. Тўғри харажатлар (материаллар, асосий иш ҳақи) ҳар бир калькуляция объекти (буюм, детал ва ш. к.) бўйича амалдаги нормаларга асосан ҳисоблаб топилади. Қолган харажатлар тўғри харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида топилади:

- транспорт – тайёрлов харажатлари ва қайтариладиган чиқиндилар материалларнинг норматив қийматига нисбатан;

- норматив калькуляциясида белгиланган фоиз ҳисобидаги ишлаб чиқариш ишчиларнинг қўшимча ҳақлари – норма бўйича асосий иш ҳақига нисбатан;

- ижтимоий сугуртага ажратма – норма бўйича асосий ва қўшимча иш ҳақларига нисбатан;

- машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари – ускуналарни бир соатлик ишининг смета ставка (харажат)лари ва ускуналарнинг сарфланган нормалаштирилган иш вақти миқдори бўйича, лекин кейинчалик уларни норма бўйича асосий иш ҳақи суммасига нисбатан ҳисоблаш йўли билан;

- умумишлаб чиқариш харажатлари – норма бўйича иккита кўрсаткич суммасига нисбатан (иш ҳақи ва машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари).

Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолашнинг соддалаштирилган усули ҳам қўлланилади:

иш ҳақи суммасини операциялар бўйича ҳисобламасдан, олдинги цех бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришлар турган цехнинг ўртача 50% тўлиқ иш ҳақисини олади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризациясини таркибида диспетчерлик буюроси, бухгалтерия ва участка мастерлари ходимлари бўлган инвентаризация комиссияси ўтказди. Инвентаризация натижалари далолатнома билан расмийлаштирилиб, унда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари деталлар, узеллар ва уларга ишлов бериш босқичлари бўйича акс этирилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш далолатномаси фақат яроқли детал, узел ва шу кабилар бўйича тузилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар бўйича инвентаризация далолатномалари бухгалтериянинг ишлаб чиқариш гуруҳига топширилади ва у ерда улар ишлаб чиқилади, яъни агар фарқи бўлса, таққослаш ведомости тузилади, тугалланмаган ишлаб чиқаришлар баҳоланади ва аниқланган оғишишлар (ортиқча ёки камомад) ҳисоб регистрларида тегишли ёзувлар билан тартибга келтирилади. Амалда бу ҳисоблар калькуляция ведомости ёки ишлаб чиқариш аналитик ҳисоби ведомостларида буюмларнинг гуруҳлари ёки турлари бўйича бажарилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига бракдан кўрилган йўқотишлар, ихтисослашган махсус арзон ва тез эскирувчи буюмлар қиймати қўшилмайди. Бу харажатлар фақат тайёр маҳсулотлар таннархига қўшилади. Агар бракдан кўрилган йўқотишлар ой охирига хали тугатилмагани маълум буюртмага тегишли бўлса, улар тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига қўшилади.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЯНГИ ОБЪЕКТЛАРИ****8.1. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ**

Номоддий активлар корхона активларининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Моддий шаклга эга бўлмаган, жисмоний хусусияти йўқ объектлар номоддий активларга киритилади. Улар корхонага узоқ вақт ёки корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати давомида устав вазифаларини бажариш учун зарур. Хўжалик маблағларининг бу гуруҳига қуйидагилар киради: табиий ресурслардан, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ихтиролар, патентлар, лицензиялар, савдо маркалари, товар белгилари, сотиб олинган дастурий маҳсуллар қиймати, брокерлик ўринлари ёки брокерлик ўринларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, фирмани рўйхатдан ўтказгунга қадар таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва реклама харажатлари ва бошқа интеллектуал (ақлий) мулк, жумладан «биламан қандай» деб таржима қилинадиган «Ноу-хау».

Бухгалтерия ҳисобида барча номоддий активлар дастлабки қиймати бўйича баҳоланади, яъни сотиб олиш ёки тайёрлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган маслаҳатлар олиш харажатлари, маркетинг тадқиқоти харажатлари қўшилган ҳолда ҳақиқий харажатлар суммасида баҳоланади. Таъсисчилар томонидан устав капитали (фонди) га қўшилган номоддий активлар келишилган баҳода баҳоланади, бепул олинганда эса – эксперт баҳоси бўйича киримга олинади.

Номоддий активларнинг дастлабки қиймати ҳар ойда амортизация ҳисоблаб харажатлар таркибига қўшиш йўли билан қопланади. Ҳар ойда ҳисобланадиган амортизация суммаси корхона томонидан мустақил белгиланадиган норма бўйича аниқланади. Амортизация нормасини ҳисоблашда номоддий активларнинг дастлабки қиймати ва улардан фойдаланиш муддати айнан номоддий активларни корхонага фойда келтириш муддати инobatга олинади. Фойда келтириш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормаси беш йил ҳисобидан, лекин корхонани фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаган муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш нормасини ҳисоблаб топиш бўйича мисол келтирамиз. Фараз қилайлик, номоддий активнинг қиймати 620 минг сўм. Номоддий активни фойдали ишлатиш муддати маълум эмас, лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати 5 йилдан ортиқ. Бунда йиллик амортизация суммаси 124 минг сўмни ташкил этади (620:5). Йиллик амортизация суммасини қуйидаги формулада

топамиз:  $H=A:D$ , бу ерда  $H$ - йиллик амортизация нормаси,  $A$ - йиллик амортизация суммаси,  $D$ - объектнинг дастлабки қиймати. Натижада йиллик амортизация нормасини 20% эканлигини топамиз ( $124:620 \times 100\%$ ). Ойлик амортизация нормаси 1,67% ни ташкил этади (20:12).

Номоддий активлар кирими тегишли ҳужжатларга асосан расмийлаштирилади: патентлардан фойдаланиш ҳуқуқининг гувоҳномаси, ишлаб чиқилган дастурий таъминот ишларини қабул қилиш (акти) далолатномаси, таъсисчилар томонидан активларни қўшганлиги ва уларни қийматини келишиб олганлиги тўғрисидаги протоколлар ва таъсис шартномалари ва бошқа ҳужжатларда объектнинг таърифи, унинг дастлабки қиймати, фойдаланиш тартиби, фойдаланиш муддати, олдинги эгаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Номоддий активлар қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- сотилса шартнома баҳосида;
- бошқа корхоналарга бепул берилса;
- эскирса ва даромад келтириш хусусияти йўқолса;
- қўшма ёки шўба фирмалар, акционер ёки бошқа корхоналар устав капиталига номоддий активлар улуш сифатида қўшилса.

Номоддий активлар ўтказиб бериш далолатномаси, ҳисобдан чиқариш далолатномаси, акционерлар мажлисининг баённомалари ва бошқа ҳужжатларга асосан ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича аналитик ҳисоб карточкаларида (АВ-6 шакл) ва 17 - ведомостда юритилади.

Номоддий активлар ҳолати ва ҳаракатининг ҳисоби 04 - «Номоддий активлар» актив инвентар сметида юритилади. Сальдоси дебетида бўлиб, корхона тасарруфидаги номоддий активларнинг дастлабки қийматини кўрсатади. Дебет обороти 4710 - «Устав капитали (фонди) га улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари», 5110, 5210, 6010 ва бошқа счетлар билан корреспондентланган ҳолда сотиб олинган, қабул қилинган номоддий активларнинг дастлабки қийматини кўрсатади. Кредит обороти 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши турли чикими» смети билан корреспондентланган ҳолда ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар қийматини кўрсатади.

Номоддий активлар турларига қараб 04 - счетнинг қуйидаги счетларида ҳисобга олинади:

0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»

0420 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»

0430 «Дастурий таъминот»

0440 «Гудвил»

0450 «Ташкилий харажатлар»

0460 «Франчайзлар»

0470 «Муаллифлик ҳуқуқлари»

0480 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари»

0490 «Бошқа номоддий активлар»

Объектларни номоддий активларга ўтказиш ва уларнинг таркиби 7 – «Номоддий активлар» бухгалтерия ҳисобининг Миллий андазаси билан тартибга солинади.

Номоддий активларнинг амортизацияси 0510 – 0590 счетларининг кредитида ҳисобга олинади.

Бу счетлар пассив, тартибга солувчи счетлар бўлиб, уларнинг сальдоси кредитида бўлади. Бу счетларнинг кредит сальдолари ҳисобланган амортизация суммасини, яъни номоддий активлардан фойдаланиш даврида қопланган харажатлар суммасини кўрсатади; дебет обороти 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа турли чиқимлар» смети билан корреспондентланган ҳолда ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар амортизация суммасини кўрсатади; кредит обороти 2010, 2510, 94, 31 ва бошқа счетлар билан корреспондентланган ҳолда ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммасини кўрсатади.

Номоддий активлар ва уларнинг амортизацияси бўйича жорий синтетик ҳисоб 13 – журнал-ордериди юритилади.

**1 – Мисол.** Корхона ЭХМ учун техник ҳужжатлари билан бирга дастурий таъминот сотиб олди – 50000 сўм

Бу муомала счетларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш»

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар» ёки 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар». Шу билан бирга 0430 «Дастурий таъминот» смети дебетланиб 0830- смети кредитланади.

**2 – Мисол.** Таъсис ҳужжатларига биноан таъсисчиларга сотилган акциялар учун акционер жамияти бинодан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бинонинг таъсисчи билан келишилган қиймати – 230000 сўм

Бу муомала счетларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0490 «Бошқа номоддий активлар» – 230000 сўм

К-т 4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзи» – 230000 сўм

**3 – Мисол.** Маъсулияти чекланган жамият таъсисчиларнинг биридан экспертлар томонидан 200000 сўмга баҳоланган маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган патентни бепул олди. Бу муомала счетларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»

К-т 8523 «Бепул олинган мол-мулк»

**4 – Мисол.** Фойдаланиш муддати икки йил бўлган дастур таъминоти объекти бўйича амортизация ҳисобланди. Ҳар ойга амортизация суммаси – 2083 сўм

Д-т 9426 «Умуммаъмурий номоддий активларнинг амортизацияси бўйича харажатлар»

К-т 0530 «Дастурий таъминотнинг амортизацияси»

Юқорида айтганимиздек, номоддий активларни сотиш, бепул бериш ёки ҳисобдан чиқариш бўйича натижаларни аниқлаш учун 9220 – операцион натижавий счет қўлланилади. Бу счетнинг дебетида тугатилган, ҳисобдан чиқарилган активларнинг дастлабки қиймати ва уларни тугатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, масалан, бозорни ўрганиш бўйича харажатлар, шунингдек сотилган номоддий активлар учун харидорлардан олинган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) йиғиб борилади. 9220 – счетнинг кредитида номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация, ҚҚС суммаси қўшилган ҳолда сотишдан тушган тушум акс эттирилади.

9220 – «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счетининг дебет ва кредит оборотларини солиштириш, номоддий активларни тугатиш ва сотиш муомалалари билан боғлиқ бўлган фойда ёки зарарни аниқлаш имкониятини беради. Фойда суммаси 9320 – «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа турли чиқимидан олинган фойда» счетининг кредитида, зарар суммаси 9432 – «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими бўйича зарарлар» счетининг (Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.3.15.11. банди) дебетида акс эттирилади.

Барча сабабларга кўра номоддий активлар ҳисобдан чиқарилганда 9220 – «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» сечтидан фойдаланишнинг сабаби шуки, номоддий активларни тугатишдан содир бўладиган молиявий натижани аниқлаш зарур, қўшилган қиймат солиғини акс эттириш ва фойда (даромад) дан ажратма солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани аниқлаш керак бўлади.

Ўзбекистон Адлия Вазирлиги томонидан 383 – сонли 1997 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилган ЎР Молия вазирлигининг 47 – сонли, ДСК нинг 97 – 105 – сонли 5 декабрдаги «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тулаш тўғрисида» ги йўриқнома ва 1999 йил 3 августда унга қилинган қўшимчада номоддий активлар ва асосий фондларни сотиш нархи билан қолдиқ қиймати орасидаги фарқни қўшилган қиймат солиғига (ҚҚС) тортиш тартиби тушинтирилган.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, сотиб олинган асосий фондлар ва номоддий активлар бўйича ҚҚС суммаси қўшилган

қиймат солиғини ҳисоблашда қайтарилмайди (зачет қилинмайди).

Қуйида номоддий активларни ҳисобдан чиқариш муомалаларини кўриб чиқамиз

**5 – Мисол.** ЭЎМ учун дастурий таъминот сотилди:

а) дастлабки қиймати	–	50000 с
б) фойдаланиш жараёнидаги амортизация	–	50000 с
в) сотиш билан боғлиқ бўлган харажат (маркетинг хизмати)–		10000 с
г) ҚҚС ставкаси қўшилган ҳолда олинган пул	–	150000 с
д) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди	–	25000 с
е) ЭЎМ дастурий таъминотини сотишдан олинган фойда	–	115000 с

Бу хужалик муомалалари қуйидаги проводкалар билан расмийлаштирилади:

а) Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	–	50000 с
К-т 0430 «Дастурий таъминот»	–	50000 с
б) Д-т 05 «Дастурий таъминотнинг амортизацияси»	–	50000 с
К-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	–	50000 с
в) Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	–	10000 с
К-т Турли счетлар	–	10000 с
г) Д-т 5110 «Ҳисоб – китоб смети»	–	150000 с
К-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	–	150000 с

Башарти пулини тўламаган бўлса, 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» дебетланади.

д) Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	–	25000 с
К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»	–	25000 с
е) Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	–	115000 с
К-т 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа турли чиқимдан олинган фойда»	–	115000 с

## **8.2. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗ ТУРЛАРИ**

Бозор муносабатларига ўтиш бўйича Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохот теран ва кенг миқёсда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига, акционер жамиятлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва шунга ўхшаганларни ташкил этишга асосланган. Бу жараёнлар қуйидаги инфратузилмалар билан чамбарчас боғланган: тижорат банклари, инвестиция ва суғурта фондлари,

биржалар, молия – саноат гуруҳлари, лизинг компаниялари, маслаҳат ва аудиторлик фирмалари ва ш. к. Капитал бозорини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда фонд биржалари мавжудлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тегишли норматив ҳуқуқий базага асосланган, шу жумладан: 1993 йил 2 сентябрдаги 918 – сонли Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» ги Қонун; Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 1994 йил 1 июлда тасдиқланган «Акционер жамиятларининг капиталидаги акциялар бўйича давлат улушини бошқариш учун ваколатли органларга бошқариш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги Низом»; Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 1994 йил 4 июлда тасдиқланган «Пай ва акцияларни қайтадан тақсимлаш, ҳақиқий мулкдорларни аниқлаш тартиби»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июлдаги VII – 1164 сонли «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги фармони; 1991 йил 15 июлдаги 221 – сонли «Давлат корхоналарини очиқ типдаги акционер жамиятларига айлантириш бўйича ташкилий чоралар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори; 1995 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлатмулкқўмитаси томонидан тасдиқланган «Давлат корхоналарини қайтадан ташкил этиш натижасида вужудга келган очиқ типдаги акционер жамиятлари томонидан муомалалага чиқариладиган акцияларни рўйхатга олиш тартиби» тўғрисидаги кўрсатма; 1995 йил 7 сентябрдаги VII – 1270 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида» ги фармони; 1995 йил 7 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш ва янада ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида» ги қарори; 1996 йил 25 апрелдаги 218 – 1 сонли Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» ги Қонун; 1997 йил 19 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада вексел муомалаларини тартибга солиш чоралари тўғрисида» ги Фармони; 1997 йил 31 мартдаги VII – 1740 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республика фондлар бозорида хорижий инвесторларни қатнашишини кенгайтириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида» ги Фармони; 1998 йил 4 мартдаги VII – 1939 сонли

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш ва давлат мулки асосида ташкил этилган акционер жамиятларни қўллаб – қувватлаш чоралари тўғрисида» ги Фармони.

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда қимматли қоғозларни тасарруф этувчиларни алмашишга олиб келувчи, уларни олди – сотди ва бошқа харажатлари тушунилади. Қимматли қоғозларни ҳар қандай корхона, акционер жамияти (АЖ) ва кредит муассасалари чиқариш ҳуқуқига эга. Қимматли қоғозлар чиқариш ва муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинадиган акционер жамиятларнинг акциялари, облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар ва бошқалар киради.

Уларнинг ҳар бирининг хусусиятларини алоҳида кўриб чиқамиз.

**Акция** – акционер жамиятини бошқаришда, жамиятнинг фойдасида ва жамият тугатилганда мулк қолдигини тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акционер жамиятининг устав капитали (фонди) га қўшилган маблағни тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Акция ҳаракат муддатига эга эмас ва у акционер жамиятининг фаолияти давомида ҳаракатда бўлади.

Давлат корхоналари асосида ташкил қилинган очиқ типдаги акционер жамиятларининг акцияларини рўйхатга олиш ва муомалага чиқариш тартибига биноан (Ўз. Р. ВМ 1994 йил 8 июндаги 285-сонли қарорининг 1 иловаси; 1995 йил 14 февралдаги 351 – сонли Ўз. Р. ВМ қарори билан киритилган ўзгаришлар), ҳужжат сифатида акция қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак: акционер жамиятининг номи ва жойлашган жойи, қимматли қоғознинг номи – «акция», унинг тури (оддий ёки имтиёзли), тартиб номери, чиқарилган сана, номинал қиймати, чиқариладиган акцияларнинг миқдори, рўйхатга оладиган орган томонидан берилган акциянинг коди, дивидендларни тўлаш муддати, акционер жамияти бошқарувининг раиси ва бош бухгалтерининг имзолари, акцияларни чиқариш кунига бўлган устав капиталининг ҳажми.

Сотиб олинган акциялар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан пул миллий ва хорижий валюталарда, шунингдек асосий воситалар, номоддий ва бошқа активларни қўшиш йўли билан тўланиши мумкин.

Шахсини белгилаш усулига қараб исми ёзилган ва кўрсатувчига берилган акцияларга бўлинади. Исми ёзилган акцияларда мулкдорнинг махсус дафтарида рўйхатга олинади. Бу ўз навбатида кимда қанча ва қандай акциялар борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Кўрсатувчига берилган акцияларда мулкдорнинг исми кўрсатилмайди, натижада жамият ўзининг пайчилари тўғрисида ахборотга эга бўлмайди. Муомала нуқтаи назаридан кўрсатувчига берилган акция афзалроқдир.

Акция эгаларига берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб акциялар оддий ва имтиёзлига бўлинади.

Оддий акциялар акционер жамиятини бошқаришда қатнашиш, ҳисобот даври тугаганда акционерлар мажлиси томонидан аниқланадиган миқдорда дивиденд олиш ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ҳуқуқини беради. (Дивиденд бу ҳар бир акцияга тўғри келадиган ва акционерлар орасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмидир).

Имтиёзли акциялар акционер жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди, лекин корхона ўз фаолиятини фойда билан яқунламаганда ҳам биринчи навбатда қатъий белгиланган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда корхона резерв фондидаги маблағлардан фойдаланади.

Имтиёзли акцияларни чиқариш акционер жамиятига ўз маблағларини жалб қилиш йўли билан устав капиталини қупайтириш имкониятини беради.

**Облигация** – уни сақловчиларга қатъий белгиланган фоиз билан бирга номинал қийматини тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоздир.

Облигацияни тасарруф этувчи облигация чиқарган акционер жамияти ёки корхонанинг, давлат ёки маҳаллий ҳукуматнинг кредитори бўлиб ҳисобланади.

Шахсини белгилаш усули ва бошқа хусусиятларига қараб исми ёзилган ва кўрсатувчига берилган, фоизли ва фоизсиз, эркин муомалада бўладиган ва муомала доираси чекланган облигацияларга бўлинади.

Облигацияларни ҳар қандай мулк шаклига эга бўлган корхона чиқариши мумкин. Уларни сотишдан олинган пул фақат корхонани ривожлантириш учун фойдаланиши мумкин.

Ички давлат облигациялари ва маҳаллий заёмлар банк муассасалари орқали тарқатилади; уларни сотишдан олинган маблағлар тегишли республика ёки маҳаллий бюджетга ўтказилади. Булар фақат кўрсатувчига берилган облигациялардир.

Облигациялар бўйича фоизлар уларнинг ҳаракат муддати ичида даврий бериб борилиши ёки облигациянинг ҳаракат муддати тугагандан кейин бир йўла берилиши мумкин.

**Омонат сертификатлари** – кредит муассасаларининг пул маблағларини депонентлангани тўғрисидаги гувоҳномасидир. Бу гувоҳномани тасарруф этувчи омонат сертификати муддати ўтгандан сўнг депозит суммани ва унинг фоизини олиш ҳуқуқига эга. Омонат сертификатларини давлат ва тижорат банклари беради. Омонат сертификатлари шахси ёзилган ва кўрсатувчига берилган бўлади. Кўрсатувчига берилган сертификатлар муомалада бўлиши мумкин, исми ёзилган сертификат эса олди – сотди муомаласида қатнашмайди. Кўрсатувчига берилган сертификат дебетор ва кредиторлар ўртасида ҳисоб – китоб вазифасини бажариши мумкин. Сертификатлар бўйича фоизлар фақат депозит муддати тугагандан кейин тўланади.

**Вексел** – қайси муддатга ёзилган бўлса, шу муддат тугагач, унда кўрсатилган суммани тўлашни сўзсиз талаб қилиш нафақат ҳисоб китобнинг қулай шакли, балки тижорат кредитининг бир тури ҳамдир, чунки векселда кўрсатилган пул шу вақтнинг ўзида тўланмайди, балки маълум бир вақт ўтгандан сўнг тўланади. Бу вақт ичида векселда кўрсатилган сумма вексел берувчининг тасарруфида бўлади.

Вексел қарз мажбуриятларнинг бир тури бўлиб, у қатъий белгиланган шаклда тузилади. Ўз мазмунига қараб вексел, биринчидан, сўзсиз пул мажбуриятлари деб таърифланса, иккинчидан, у мавҳум мажбуриятдир.

Сўзсиз пул мажбуриятлиги шундан иборатки, унинг тўланиши қандайдир шартлар билан чегараланмайди, ёки бошқача айтганда, бевосита векселни тўлашга тегишли тартиб билан боғлиқ бўлмаган бегона шароитларга боғланмайди. Вексел бўйича мажбуриятнинг мавҳумлиги шундан иборатки, унинг текстида қандай асосга биноан берилганлиги кўрсатилмайди. Вексел мажбуриятининг мақсади фақат пул бўлиб ҳисобланади. Векселларнинг шакллари турлича.

**Молиявий вексел** – корхона томонидан буш маблағлари ҳисобидан бошқа корхоналарга ссуда беришдир. Молиявий векселларга корхонанинг муддатида қайтарилмаган кредитор қарзларини расмийлаштирадиган векселларни киритиш мумкин.

Товар (ёки тижорат) вексели сотувчи билан олувчи ўртасидаги маҳсулот жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш битимларида фойдаланилади.

Векселнинг икки тури мавжуд: оддий ва ўтказма.

Оддий вексел (соло вексел) қарздор томонидан тўлдирилиб имзоланади ва кредиторга маълум суммани белгиланган муддатда сўзсиз тўланиши кўрсатилади, яъни

оддий вексел билан расмийлаштирилган қарз мажбуриятида даслаб икки шахс қатнашади: бир томондан кредитор (вексел сақловчи), иккинчи томондан қарздор (вексел берувчи) ва шу билан бирга тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Ўтказма вексел оддий векселдан тубдан фракланади.

Ўтказма вексел (тратта) кредитор (трассант) томонидан тўлдирилиб имзоланади. Унда векселда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда учинчи шахс (ремитент) га тўлаш тўғрисида қарздор (трассат) га берилган буйруқ мавжуд. Бу ҳолда тескари вазият вужудга келади: вексел қарздор томонидан ёзилмасдан ҳақ талаб қилиб оладиган шахс томонидан ёзилади. Шундай қилиб вексел берувчи кредитор ҳисобланади. Қарздор эса вексел сақловчи эмас, фақат тўловчи бўлиб ҳисобланади. Одатда ўтказма векселни ушловчи бўлиб учинчи шахс ҳисобланади. Векселда кўрсатилган суммани қарздор тўловчи учинчи шахсга тўлаши керак. Бунда нима учун вексел берувчи векселда кўрсатилган суммани ремитентга тўланиши, улар ўзаро қандай муносабатда эканлиги, бирининг иккинчиси олдида қандай мажбуриятлари борлиги тўловчини қизиқтирмайди. Қарздорнинг тўлаш мажбурияти фақат вексел берувчи олдидаги қарз мажбурияти билан боғлиқ бўлиб, ҳеч қандай кейинги векселлар уни ўзгартирмайди. Шу муносабат билан вексел берувчи ўтказма векселни ўзи ўзига ҳам ёзиб бериши мумкин, ва дастлаб ўтказувчи бўйича мажбуриятда ҳам (оддий векселга ўхшаб) фақат иккита шахс қатнашади: Бир томондан – қарздор тўловчи иккинчи томондан эса – бир вақтнинг ўзида ҳам вексел берувчи ҳам вексел сақловчи бўлган кредитор. Кейинчалик вексел сақловчи ўз ҳуқуқини индоссамент тартибида учинчи шахсга ўтказиб бериши мумкин. Ўтказма вексел тўловчи (трассат) томонидан акцептланиши керак, ва фақат шундагина юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистонда вексел муомалалари қўйидаги норматив ҳужжатларига асосан амалга оширилган эди:

- 1995 йил 2 июндаги 204 – сонли «Халқ хўжалигида векселни қўллаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори;

- 1995 йил 31 майдаги 147 – сонли қарори билан Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган МБ ва МВ томонидан ишлаб чиқилган «Оддий ва ўзгарувчи вексел тўғрисида» ги низоми;

- 1995 йил 31 майдаги 148 – сонли қарори билан Ўз Р Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Вексел билан бўладиган муомалаларни банк томонидан ўтказилиш қоидалари».

Лекин ҳозирча Ўзбекистонда вексел муомалалари амалга оширилмаётир.

### **8.3. МОЛИЯВИЙ ҚҶЙИЛМАЛАР (ИНВЕСТИЦИЯЛАР) ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ҲИСОБИ**

Молиявий қўйилма бу корхонанинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун қилган харажатлари, яъни пул маблағларини қўшма корхоналар, акционер жамиятлари, ширкатларнинг асосий воситалари, номоддий ва бошқа активларига қўшиш шунингдек бошқа корхона ва ташкилотларга қарз бериш тарзида берилган дебитор қарзлардир.

Муддатига қараб молиявий қўйилмалар қисқа муддатли (бир йилгача муддатга қўйилган) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган) бўлади. Бундан ташқари, молиявий қўйилмаларни у ёки бу категорияга ўтказиш қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадига боғлиқ. Масалан, бир йил ичида ундан фойда олиш ва қайтадан сотиш мақсадида сотиб олинган, қайтариш муддати бир йилдан ортиқ бўлган, акция ёки облигациялар қисқа муддатли қўйилмаларга киради.

Молиявий қўйилмалар содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, амалга оширилган қўйилмалар суммасига берилган гувоҳномалар, қарз бериш бўйича шартномалар ҳисобланади. Корхонанинг амалга оширган қўйилмаларига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари олинмаган молиявий қўйилмалар маблағлари алоҳида ҳисобга олинади. Қимматли қоғозлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга облигациялар ва берилган қарзларни қайтарилганини тасдиқловчи олди – сотди далолатномаси, тўлов топшириқлари киради.

Молиявий қўйилмалар ҳисоби 58 – «Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби» ва 06 – «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби» счетларида юритилади.

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисобини кўриб чиқамиз. 06 – «Узоқ муддатли инвестициялар» смети актив, пулли, дебет сальдосига эга бўлиб, у ой бошига бўлган молиявий қўйилмалар суммасини кўрсатади. Бу смети дебетида: қимматли қоғозларни сотиб олиш, бошқа корхоналарга қилинган қўйилмалар, берилган қарзлар суммаси бўйича содир бўлган муомалалар акс эттирилади. Кредити бўйича – қимматли қоғозларни қайтариш, сотиш, қайтарилган қарз суммалар бўйича содир бўлган муомалалар акс эттирилади.

06 – «Узоқ муддатли инвестициялар» смети бўйича қуйидаги счетлар очилиши мумкин:

- 0610 «Қимматли қоғозлар»
- 0620 «Шуъба корхоналарига инвестициялар»
- 0630 «Қўшма корхоналарга инвестициялар»
- 0640 «Уюшган корхоналарга инвестициялар»
- 0650 «Қарам жамиятларга инвестициялар»
- 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»

Активларни инвестицияларга ўтказиш тартиби ва уларнинг турлари:

12 – «Молиявий инвестициялар ҳисоби», 8 – Консолидаллашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» ва 14 – «Қўшма фаолиятда қатнашиш улушини молиявий ҳисоботда акс эттириш» бухгалтерия ҳисоби Миллий андазалари билан тартибга солинади.

0610 «Қимматли қоғозлар» сметида давлат ва маҳаллий фойзли заём облигациялари ва шунга ўхшаган қимматли қоғозларга қўйилган мавжуд узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар) ҳаракати ҳисобга олинади.

0620 «Шуъба корхоналарига инвестициялар»,

0630 «Қўшма корхоналарга инвестициялар», 0640 «Уюшган корхоналарга инвестициялар» ва 0650 «Қарам корхоналарга инвестициялар» счетларида шуъба, қўшма, уюшган ва қарам корхоналарга қўйилган мавжуд узоқ муддатли қўйилмалар ва уларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» сметида келажакда фойда олиш мақсадида давлат корхоналари ёки хайрия, экологик жамиятларига қўйилган узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

Бу счетларнинг дебети 5110 «Ҳисоб – китоб смети» 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари» ва қимматли қоғозлар сотиб олиш, бошқа корхоналарга қўйилган инвестиция, берилган қарзлар қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилишига қараб, бошқа счетларнинг кредити билан корреспондентланади.

Юқорида келтирилган счетлар бўйича аналитик ҳисоб дастлабки ҳужжатларга асосан қўйилмалар, қимматли қоғозлар турлари, қарздор корхоналар бўйича юритилади.

Қимматли қоғозлар бозорининг мавжудлиги, фонд биржаларида қимматли қоғозларни олди – сотди муомалаларини амалга оширилиши акция облигацияларни номинал қийматидан ортқ ёки кам баҳоларда сотиб олинишини назарда тутлади. Акциялар уларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар суммасида қабул қилинади ва ҳисобга олинади. Фонд биржасида акциялар курсини ошиши ва камайишига ва акциялар бўйича олиндиган дивидендга қараб акцияларни сотиш қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқ ёки потенциал фойда олишга ёки зарар қилишга олиб келади.

Қисқа муддатли молиявий қўйилмаларни ҳисобга олиш учун 58 – «Қисқа муддатли инвестициялар» сметида фойдаланилади. Бу счет актив бўлиб, дебет қолдиғи ой бошига қолган бир йилгача муддатга сотиб олинган қимматли қоғозлар ёки берилган қарзлар суммасини акс эттиради. Дебет обороти

ҳисобот ойда сотиб олинган қимматли қоғозлар, берилган қисқа муддатли кредитлар ва депозитга берилган суммани кўрсатади. Кредит оборотида сотилган акциялар, қайтарилган облигациялар ёки заёмлар ва депозит суммалар акс эттирилади. Кўрсатиб ўтилган қўйилмалар ҳисоби қўйилмалар турлари бўйича қуйидаги счетларда юритилади:

5810 «Қимматли қоғозлар»

5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»

5890 «Бошқа жорий инвестициялар»

Бу счетлар бўйича муомалалар ҳужжатлари узоқ муддатли молиявий қўйилмаларга ўхшаган, уларнинг аналитик ҳисобининг тузилиши ва юритилиши ҳам шундай.

Бошқа корхоналарга асосий воситаларни қўйиш йўли билан узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар қилинса, 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» смети кредитланади, агар номоддий ва бошқа активлар қўйилма қилинса, 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» смети кредитланади. Акциялар сотиб олинса, бошқа корхоналарнинг устав капиталига молиявий қўйилмалар ўтказилса 5110, 5210 – счетлари кредитланиб 06 ва 58 – счетларнинг тегишли счетлари дебетланади. Сотилган ёки қайтарилган ва ўтказиб берилган қимматли қоғозларнинг баланс қийматига 9220 – счет дебетланиб 06 ва 58 – счетларнинг тегишли счетлари кредитланади. Депозит қўйилмалар ва берилган қарзларнинг қайтарилиши 5110 ва 5210 – счетларнинг дебети ва 06 ва 58– счетларнинг тегишли счетларини кредитида акс эттирилади.

Акциялар бўйича олинадиган дивидендлар ҳисобланганда 4830 «Олинадиган дивидендлар» смети дебетланиб 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» смети кредитланади. Облигациялар бўйича фоизлар ҳисобланса, 4820 «Олинадиган фоизлар» смети дебетланиб 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» смети кредитланади. Ушбу дивиденд ва фоизлар олинса, 5110 «Ҳисоб-китоб смети» дебетланиб 4830 ва 4820 – счетлари кредитланади.

### Мисоллар.

1. Корхона акционер жамиятидан ҳар бири 50000 сўм турадиган 5 дона акциялар сотиб олди – 250000 с

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – 250000 с

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб смети» – 250000 с

2. Акционер жамияти шубҳа корхонадан ҳар бири 10000 сўмлик 50 дона акциялар сотиб олди. Сотиб олинган акциялар учун корхона қуйидагиларни ўтказди:

а) ердан фойдаланиш ҳуқуқи – 300000 с

б) ҳисоб – китоб сметида пул маблағлари – 200000 с

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – 500000 с

К-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	- 300000 с
К-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети»	- 200000 с
3. Корхона Ўзбек – корейс қўшма корхонасига таъсис бадалини ўтказиб берди	- 170000 с
Д-т 0630 «Қўшма корхоналарга инвестициялар»	- 170000 с
К-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети»	- 170000 с
4. Корхона ўз филиалига бир йил муддатга фоизсиз қарз беради	- 100000 с
Д-т 5820 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»	- 100000 с
К-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети»	- 100000 с

Ушбу қарз қайтарилса, тескари проводка берилади:  
Д-т 5110, К-т 5820.

Корхонанинг активдаги акционер жамиятларидан сотиб олинган акция ва облигациялари турли сабабларга кўра сотилиши мумкин: акциялар режадаги фойдани келтирмаслиги; акция ва облигацияларни фақат узоқ вақт ичида фойда олиш учун эмас, балки уларни кейинчалик сотиш йўли билан фойда олиш мақсадида сотиб олинishi.

Қимматли қоғозларни сотиш ва сотишдан олинган натижани аниқлаш учун 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счетидан фойдаланилади. Бу счетга хужалик муомалаларини ёзиш номоддий активларни сотиш ҳисобига ўхшаган.

Сотилган ёки қайтарилган (қопланган) қимматли қоғозларнинг баланс қийматига 9220 – счети дебетланиб 06 ва 58 – счетларнинг тегишли счетлари кредитланади. Ушбу қийматликларни сотишдан фойда олинса, 9220 – счети дебетланиб 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа турли чиқимидан олинган фойда» счети кредитланади. Зарар қилинса – 9432 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими бўйича зарарлар» счети дебетланиб, 9220 – счети кредитланади. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушумга 5110 ёки 5210 – счети дебетланиб 9220 – счети кредитланади.

#### **Мисоллар.**

1. Кейинчалик сотиш мақсадида фонд биржасидан 20 дона 200000 сўмлик акциялар сотиб олинди.
 

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар»	- 200000 с
К-т 5110 «Ҳисоб - китоб счети»	- 200000 с
2. Олдин сотиб олинган 20 дона ациялар фонд биржасида сотилди
 

Д-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети»	- 250000 с
К-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	- 250000 с
3. Сотилган акцияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди
 

	- 200000 с
--	------------

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	- 200000 с
К-т 5810 «Қимматли қоғозлар»	- 200000 с
4. Ушбу муомалани акс эттиришдан бўлган молиявий натижа - 50000 с (250000 - 200000)	
Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»	- 50000 с
К-т 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа турли чиқимидан олинган фойда»	- 50000 с

Облигацияларни сотиб олишдан мақсад уларнинг номинал қийматига қараб фоиз олиш, шунингдек қайтарилгандан сўнг облигацияларнинг номинал қийматини олишдир. Шу боисдан облигациянинг ҳақиқий қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқ шундай амортизацияланиши керакки, қайтарилиш (қопланиш) вақтида ҳақиқий қиймати облигациянинг номинал қийматига тенг бўлсин. Бунда икки вариант мавжуд:

- облигацияни номинал қийматидан ортиқ суммага сотиб олиниши. Бундай ҳолларда облигациялар бўйича фоизлар сотиб олинган вақтда олинган даромад ҳисобидан уларнинг қийматлари орасидаги фарқини қисман ҳисобдан чиқариш йўли билан ҳақиқий қиймати номинал қийматига етказиб қўйилади;

- облигацияни номинал қийматидан кам суммага сотиб олиниши. Бундай ҳолларда облигациядан фойдаланиш муддати ичида ундан олинадиган фоиз даромадини кўпайтириш йўли билан облигацияни қайтариш муддатигача унинг сотиб олиш нархи номинал қийматига етказиб қўйилади.

Облигацияларни ҳақиқий сотиб олиш қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқи, уларнинг муомалада бўлиш муддати ичида бир текисда (ҳар ойда) ҳўжалик фаолиятининг натижасига ўтказиб борилади. Бунда икки вариант мавжуд:

- облигация номинал қийматидан ортиқ суммага сотиб олиниши. Бундай ҳолларда облигациянинг ҳақиқий қиймати ҳар ойда қийматлар орасидаги фарқини зарарга ўтказиш йўли билан номинал қийматига етказиб қўйилади;

- облигацияни номинал қийматидан кам суммага сотиб олиниши. Бундай ҳолларда облигацияни қайтариш муддати ичида фарқини бир қисмини ҳар ойда ҳисоблаб, фирманинг фойдасига ўтказиш йўли билан номинал қийматига етказиб қўйилади.

Қисқа муддатли облигациялар ва шунга ўхшаган қимматли қоғозлар бўйича фоиз суммасини пули олингунга қадар фойдага ўтказса бўлади. Узоқ муддатли облигациялар бўйича фоиз ҳисоблаш мўмкин эмас, чўнки моддийлаштирилмаган фойда ҳосил бўлади. Эҳтиёткорлик принципига биноан молиявий натижаларни акс эттиришда узоқ муддатли облигациялар муомалалари бўйича содир бўлган

зарарларни Фойда ёки Зарарлар сче­тига ўтказиш мумкин, лекин ҳисоботда, бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги Низом талаб қилганидек, бу демак, олинган фойда миқдорини бузиб кўрсатишдир.

### Мисоллар.

1. Корхона номинал қиймати 230000 сўм бўлган 5 дона облигацияларни 250000 сўмга сотиб олди. Облигацияларни қайтариш муддати – 10 ой.

Облигацияларнинг ҳақиқий қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқ 20000 сўм (250000 - 230000). Бу фарқ сумма 10 ой ичида қайтарилиши керак. Ҳар ойда ҳисобдан чиқариладиган сумма 2000 сўм (20000:10). Шу суммага ҳар ойда қуйидагича ёзув берилади:

Д-т 9650 «Қимматли қоғозлар қийматини камайтиришдан зарарлар» – 2000 с

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» – 2000 с

Шундай қилиб, облигацияни қайтариш муддатига бориб унинг ҳақиқий қиймати номинал қийматига етказилади.

2. Корхона номинал қиймати 250000 сўм бўлган 10 дона облигацияларни 230000 сўмга сотиб олди. Облигацияларни қайтариш муддати 10 ой. Бундай ҳолларда облигацияларнинг фарқ суммасига ҳар ойда қуйидагича ёзув берилади:

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар» – 2000 с

К-т 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» – 2000 с

3. Номинал қиймати 500000 сўм бўлган облигациялар 438000 сўмга сотиб олинди. Ўртада турган даллоларга туланган сумма 2000 сўм. Облигацияларни қайтариш муддати 20 ой. Фоизлар бўйича оралиқ туловлар назарда тутилмаган. Демак фоиз сифатида ҳар ойда бир текисда 3000 сўмдан (500000 - 438000 - 2000) : 20 = 3000 ҳисоблаш зарур.

Облигацияларни сотиб олишда:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – 438000 с

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб сче­ти» – 438000 с

Даллолик харажатлари ту­ланди:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – 2000 с

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб сче­ти» – 2000 с

Ҳар ойда фоиз суммаси фойдага ўтказилади. 20 йилдан сўнг фойдага умуман 60000 сўм ўтказилган бўлади, облигацияларни сотиб олиш қиймати эса номинал қийматига етказилган бўлади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – 3000 с

К-т 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» – 3000 с

Облигациялар қайтарилганда:

Д-т 5110 «Ҳисоб – китоб сче­ти» – 500000 с

К-т 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» – 500000 с

Қайтарилган облигацияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9220 - 500000 с  
К-т 0610 - 500000 с

Шу билан 9220 - счет ёпилди. Унда облигацияларни қайтаришидан фойда ҳам зарар аниқланмади, аслида корхонанинг ҳисоб - китоб счётига облигацияларнинг номинал қиймати келиб тушган кунига у облигацияларни сотиб олишга сарфланган пулдан 60000 сўм қўп пул олди. Бу фойда аслида 20 ойдан кейин келиб тушган бўлса ҳам, у ўтган 20 ой давомида корхонанинг молиявий натижаларида ўз аксини топиб келган. Муомалаларни шундай акс эттиришни очиқдан - очиқ тавсия қилган бу усул тузатишга муҳтож.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган принциплар бўйича бу муомалаларни счётларда қуйидагича акс эттириш керак эди.

Облигациялар бўйича ҳар ойда фоизлар ҳисобланади. 20 ойдан сўнг облигациялар қиймати номинал қийматига етказилади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 3000 с  
К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - 3000 с  
20 ойдан сўнг облигацияларни қайтариш бўйича 500000

сўм келиб тушди.

Д-т 5110 «Ҳисоб - китоб счёти» - 500000 с  
К-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли

чиқими»

- 500000 с

Қайтарилган облигацияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли

чиқими»

- 500000 с

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 500000 с

Ҳисобланган фоиз суммалари ҳисобот даврининг молиявий натижаларига ўтказилди:

Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - 60000 с

К-т 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» - 60000 с

Қайтарилган облигацияларни сотишдан олинган фойдани корхона қачон олган бўлса, бухгалтерия ҳисоботида шу даврда акс эттирилиши керак.

Узоқ муддатли облигацияларни сотиб олиш харажатлари уларнинг номинал қийматидан ортиқ бўлса, узоқ муддатли облигациялар муомалалари бўйича зарарлар облигацияларни муомалада бўлиш муддати ичида ҳар ойда тенг қисмда корхонанинг зарарига ўтказиб борилади. Лекин бундай муомалаларнинг фойдаси йўқ, шунинг учун ҳам уларга йўл қўймаслик керак.

Узоқ муддатли облигациялар қўпинча қирқиб олинадиган талонлари (купонлари) билан чиқарилиб, облигацияларни муомалада бўлган даври ичида вақти - вақти билан улар

бўйича фоизлар тўланади. Бундай ҳолларда облигацияларни сотиб олиш қиймати билан номинал қиймати орасидага фарқи ҳар гал корхонага даромад (фоиз) ҳисоблаганда ҳисобдан чиқариб борилади. Агар облигацияларни сотиб олиш қиймати уларнинг номинал қийматидан ортиқ бўлса, ҳар гал фоиз ҳисобланганда облигацияларнинг номинал қийматидан ортиқ сумманинг бир қисмига ҳақиқий даромад камайтириб борилади. Счетларда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 4820 «Олинадиган фоизлар» – облигациялар бўйича олишга тегишли бўлган фоизлар суммасига,

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – облигацияларнинг номинал қийматидан олинган ҳақиқий қийматининг бир қисмига, 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счети – олишга тегишли фоизнинг қолган қисмига, яъни 4820 ва 0610 – счетларга ўтказилган суммалар орасидаги фаркига.

#### **Мисоллар.**

1. Корхона бошқа корхонадан номинал қиймати 40000 сўм бўлган облигацияларни 42800 сўмга сотиб олди. Қирқиб олинадиган купон билан бир йилда икки марта (ҳар 6 ойда) йилига 16 фоиздан тўланади. Облигацияларни қайтариш муддати 5 йил.

Облигацияларни сотиб олишда:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – 42800 с

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети» – 42800 с

Ярим йилдан кейин облигациялардан корхонага 16% ставканинг ярми, яъни 40000 сўмдан 8% миқдориди 3200 сўм даромад ҳисобланди. Шу билан бирга облигацияларнинг ҳақиқий қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқни амортизациялаш керак (ярим йиллик амортизация суммаси 280 сўми ташкил этади – 2800 : 10). Шу санага бухгалтерияда қуйидаги провodka берилади:

Д-т 4820 «Олинадиган фоизлар» ёки 5110 «Ҳисоб – китоб» счети Облигацияларнинг ярим йиллик фоиз суммасига – 3200 с

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» – облигацияларнинг сотиб олиш қийматини номинал қийматидан ошган суммасининг ўндан бир қисмига – 280 с

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» – облигациялар бўйича ярим йиллик тушган ҳақиқий фойда суммасига – 2920 с

Шундай қилиб, 0610 – счетдаги облигациялар қиймати ярим йилдан кейин 42520 сўмга баҳоланади, бир йилдан кейин эса 42240 сўмга, 5 йилдан кейин қайтариш муддати келганда эса 40000 сўмга баҳоланади.

Фараз қилайлик, бир йилдан кейин фонд биржасида айланадиган облигациялар курси тўсатдан тушиб кетди. Облигацияларнинг биржадаги курсига биноан корхонанинг облигациялари 41415 сўмга баҳоланди. Ҳисобот санасига облигацияларнинг баланс қиймати уларнинг ҳақиқий биржа

қийматидан 825 сўмга ошди (42240 - 41415). Бу сумма ҳисобот даври охирида қуйидаги проводка билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9630 «Курс фарқларидан зарарлар» - 825 с

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 825 с

Қолган 4 йил ичида ҳисобдан чиқариладиган облигациялар қийматлари орасидаги фарқ суммани қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлади. Энди ҳар ярим йилдан сўнг фоизлардан даромадни камайтиришга 176 сўм 87 тийин ўтказиш керак (41415 - 40000:8).

Фонд биржасида айланадиган облигациялар курси кўтарилган ҳолларда, уларнинг баланс қийматидан ортиши, янги ортган қиймати бўйича янгидан баҳоланмайди. Облигациялар курсини кўтарилишидан олинadиган фойда бухгалтерия ҳисобида фақат баланс қийматидан ортиқча баҳода сотилганда акс эттирилади.

2. Биржада 220500 сўмлик баланс қийматига эга бўлган узоқ муддатли облигациялар 285400 сўмга сотилди. Брокерга тўланган коммиссион харажатлар 5708 сўм.

1) Облигациялар 285400 сўмга сотилди:

Д-т 5110 «Ҳисоб китоб счёти» - 285400 с

К-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» - 285400 с

2) Брокерга тўланган коммиссион суммага:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» - 5708 с

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар» - 5708 с

3) Сотилган облигацияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» - 220500 с

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 220500 с

4) «Облигацияларни сотишдан олинган молиявий натижа - 59192 с

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» - 59192 с

К-т 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» - 59192 с

Халқаро бухгалтерия ҳисоби андазаси концепцияларига биноан, бошқа активлар каби, инвестициялар ҳам фақат ўзларида мужассамланган фойдани корхона келажакда олишга етарли даражада ишончи бўлсагина бухгалтерия ҳисобида активлар таркибида ҳисобга олиши мумкин. Уларни сотиб олиши учун биргина қилинган харажатлар етарли эмас. Бу харажатлар келажакда иқтисодий манфаат келтириши тўғрисидаги ишончни тасдиқлаш зарур. Башарти бундай ишонч бўлмаса, қилинган сарфлар активлар эмас харажатлар деб ҳисобланади.

#### 8.4. АКТИВЛАРНИ ВАКОЛАТЛИ (ТРАСТЛИ) БОШҚАРИШ

Бозор муносабатларини ривожланиши билан Ўзбекистонда молиявий фаолиятнинг бир йўналиши бўлган активларни ваколатли (трастли) бошқариш тараққий этмоқда.

Мисол келтирамиз.

«А» корхонаси «Б» корхонасига трастли бошқариш учун ўзини пул маблағлари кўринишидаги 100 миллион сўмлик активини 6 ой муддатига берди. Шартнома муддати тугагач «Б» корхонаси кўрсатилган активни ва плюс олинган активдан йиллик 20% ни қўшиб қайтариш мажбуриятини олган. «Б» корхонасининг фойдаси бўлиб белгиланган 20 фоиздан ортиқ олинган даромад ҳисобланади.

I. Муомалаларни (активларни ўтказиб берган) «А» корхонасидаги ҳисоби.

1. Активларни ваколатли бошқаришга берилиши:

Д-т 5820 - 100,0

К-т 5110 - 100,0

2. Олишга тегишли фоиз ҳисобланди:

Д-т 4820 - 10,0

К-т 9530 - 10,0

Шуни айтиш керакки, кафолатланган даромаднинг умумий суммасидан ҳисобланган фоизнинг олтидан бир қисми ҳар ойда даромадга ўтказиб турилади.

3. Фоизлар олинганда:

Д-т 5110 - 10,0

К-т 4820 - 10,0

4. Шартнома муддати ўтгач активлар қайтарилганда:

Д-т 5110 - 100,0

К-т 5820 - 100,0

II. Муомалаларни (активларни бошқаришга) олган «Б» корхонадаги ҳисоби.

1. Активлар бошқаришга олганда:

Д-т 5110 - 100,0

К-т 7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» 100,0

2. Шартнома шартини бажариш мақсадида олинган пул маблағларига давлат хазина мажбуриятлари сотиб олинди:

Д-т 5810 - 100,0

К-т 5110 - 100,0

3. Тулашга тегишли фоиз ҳисобланди:

Д-т 9610 - 10,0

К-т 6820 - 10,0

4. Фоиз туланганда:

Д-т 6820 - 10,0

К-т 5110 - 10,0

5. Давлат хазина мажбуриятлари қайтарилганда (сотилганда):

Д-т 9220 – 100,0

К-т 5810 – 100,0

6. Давлат хазина мажбуриятларини қайтариш (сотиш) дан пул маблағлари олинди:

Д-т 5110 – 115,0

К-т – 9220 – 115,0

7. Давлат хазина мажбуриятларини қайтариш (сотиш) дан олинган фойда суммасига:

Д-т 9220 – 15,0

К-т 9320 – 15,0

8. Ваколатли бошқарувга олинган сумма қайтарилса:

Д-т 7710 – 100,0

К-т 5110 – 100,0

Шундай қилиб, «Б» корхонасининг молиявий фаолиятдан олинган даромад 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» смети билан 9320 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» счетлари бўйича оборотлар сальдоси ҳисобланади – 5,0.

### **8.5. ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ҲИСОБИ**

Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари – бу фаолиятини ўз акцияларини чиқариб аҳоли ўртасида тарқатиш йўли билан маблағлар йиғиб, кейин ўз маблағларини махсус давлат кредитларига, давлат хазина мажбуриятларига инвестиция қилувчи ва қимматли қоғозлар олди сотди битимларини бажарувчи очиқ турдаги акционер жамиятидир.

Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг даромадлари қуйидагилардан иборат:

– хусусийлаштирилган корхоналардан сотиб олинган акциялар бўйича дивидендлар;

– қимматли қоғозлар муомалаларидан олинган даромадлар.

Юқорида келтирилган фаолият хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг махсус фаолиятидир. Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг акциялар ва қимматли қоғозлар билан бўладиган барча муомалалари депозитарияда ҳисобга олинади. Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари активларининг ваколатли бошқаруви фондни бошқариш тўғрисидаги контрактга биноан, ҳақ тўлаш йўли билан Бошқарувчи компанияга топширилади.

Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари фаолиятининг ўзига хослиги – бу муомалаларни бухгалтерия ҳисобида ҳам алоҳида хусусиятни вужудга келтиради. Бу хусусият 1998 йилнинг 4-чорагидан бошлаб амалга тадбиқ

этилган 1998 йил 13 октябрдаги 454-сонли «Хусусийлаштирилган инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида Низом» да акс эттирилган.

Бу Низом билан халқаро бухгалтерия андазалари талабларига жавоб берадиган хусусийлаштирилган инвестиция фондлари счетлар Режаси қабул қилинган. Умумий қабул қилинган счетлар режаси асосида тузилган бўлиб, фақат янги счетлар қўшилган. Бу счетлар хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг активлари капитали, даромад ва харажатлари ҳисобини аналитиклигини (батафсиллигини) оширади.

**Устав капитали (фонди)ни шаклланиш ҳисоби.** Таъсис ҳужжатлари тасдиқлангандан сўнг эълон қилинган Устав капитали суммасининг жамига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 4710 «Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи»

К-т 8511 «Оддий акциялар»

Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг ҳисоб-китоб счетига акционерлардан бадаллар қабул қилинганда

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети»

К-т 4710 «Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи»

Агар барча акциялар сотилмаган бўлса хусусийлаштирилган инвестиция фондлари белгиланган тартибда тарқатилмаган акциялар миқдорига устав капитали ҳажмини қуйидаги праводка билан камайтириши керак:

Д-т 8511 «Оддий акциялар»

К-т 4710 «Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи»

**Қўшилган капитал ва резервлар ҳисоби.** Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг қўшилган капитали акционерлар жамиятининг умумий мажлиси қарори бўйича капиталлашга йўналтириладиган фойданинг бир қисмидан иборат бўлиб 8520 «Қўшилган капитал ҳисоби» сметида ҳисобга олинади.

Резерв капитали акционерларнинг умумий мажлиси қарори бўйича соф фойда ҳисобидан ташкил этилиб 8532 «Резерв капитали» сметида ҳисобга олинади. Резерв капиталининг умумий ҳажми ва уни ташкил этиш тартиби «Акционер жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонуни ва хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг устави билан белгиланади.

**Капитал бўйича фойда ва зарарлар.** Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг портфелидаги қимматли қоғозлар қийматини ўзгариши бу фондларнинг соф активлари қийматини баҳолаш учун бухгалтерия ҳисобида акс этирилиши керак.

Қимматли қоғозларнинг баҳолаш қиймати қуйидаги сабабларга кўра ўзгариши мумкин:

- бозор конъюктурасини ўзгаришлари (қимматли қоғозлар қийматини кўтарилиши ва пасайиши);

- акцияларга дивидендлар, облигациялар бўйича фоизлар ҳисоблаш натижасида (қимматли қоғозлар қийматининг кўпайиш томонига).

Биринчи ҳолда капитал бўйича (амалга ошмаган) фойда ва зарарлар вужудга келади. Булар 6210 «Муддати узайтирилган даромад» сметида ҳисобга олинади. Аналитик ҳисоб даромад турлари бўйича юритилиши мумкин.

Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари томонидан қимматли қоғозлар сотилганда капитал бўйича амалга ошмаган фойда ва зарарлар амалга ошган фойда ва зарарга айланади ва улар фойда ёки зарар шаклида ҳисобга олинади.

Иккинчи ҳолда даромад ҳосил бўлиб, у 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» ёки 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» сметида ёзилади.

**Соф фойда ҳисоби.** Соф фойда хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг барча харажат ва даромадларини баланси бўлиб, у 9900 «Яқуний молиявий натижа» сметида ҳисобга олинади.

Ҳисобот даври (йили) тугаб, счетлар хотималангандан сўнг соф фойда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» сметида ўтказилади.

Акционерларнинг Умумий мажлиси қарори бўйича (амалдаги қонунчилик ва хусусийлаштирилган инвестиция фондлари Уставига биноан) резерв капитали сметида белгиланган сумма ташкил этилгандан сўнг соф фойда қисман ёки тўлиқ капиталлаштиришга йўналтирилиши ёки акционерлар ўртасида тақсимланиши мумкин. Резерв капиталидан акционерларнинг умумий мажлиси қарори бўйича қопланмаган зарарларни қоплашга йўналтирилиши мумкин.

Дивидендлар тўлашга йўналтирилган соф фойда 6610 «Тўланадиган дивидендлар» сметида ҳисобга олинади.

Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг даромад ва харажатларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ ва тўғри акс эттириш учун ҳар бир даромад ва харажат турлари бўйича счетлар очиш керак.

**Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари даромадларини ҳисоби.** Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг даромадлари асосан қимматли қоғозларга эгаллик қилиш ва уларни сотишдан олинган сумма ҳисобига ташкил бўлади.

Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг даромадлари қуйидагилардан иборат:

- капитал бўйича фойдалар;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- давлат хазина облигациялари бўйича ҳисобланган ва олинган фоизлар;
- хусусийлаштирилган корхоналар акциялари бўйича олинган дивидендлар;
- даъво қилиш муддати ичида олинмаган дивидендлар.

**Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари харажатларини ҳисоби.** Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг харажатлари қуйидагилардан иборат:

- давлат кредити бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;
- хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;
- молиявий ва бошқа харажатлар.

**Дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш ҳисоби.** Дивидендлар соф фойданинг бир қисми бўлиб акционерларнинг Умумий мажлиси қарорига биноан акционерлар ўртасида тақсимланади.

Дивидендлар ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

К-т 6610 «Тўланадиган дивидендлар».

Дивидендларни ҳисоблаш тартиби ва мунтазамлиги хусусийлаштирилган инвестиция фондлари Устави ва Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик билан белгиланади.

Дивидендлар тўланганда 6610- смети дебетланиб 5110- смети кредитланади.

**Қимматли қоғозлар ҳисоби.** 0610 «Қимматли қоғозлар» сметида юритилади. Бу счеда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- хусусийлаштирилган корхоналар акциялари;
- фоизли облигациялар;
- дисконтли облигациялар;
- ҳисобланган фоизлар;
- акциялар ва облигацияларни баҳоларидаги фарқларни ҳисобга олиш.

Аналитик ҳисоб бир тип, элементлар ва бир чиқарилган қимматли қоғозлар жами (давлат хазина мажбуриятлари учун ҳар бир серияси) бўйича юритилади.

Қимматли қоғозларнинг ҳисоб баҳоси уларнинг турлари бўйича ўртача тортилган баҳода баҳоланади.

Қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳосида ҳисобга олинади. Махсус давлат кредитидан фойдаланиб хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари сотиб олинса, қуйидаги проводка берилади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - битим суммасининг 1/6 қисмига

К-т 7610 «Тўланадиган облигациялар» счёти - битим суммасининг 5/6 қисмига

Башарти хусусийлаштирилган корхонанинг акциялари фақат ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинса, битимнинг тўлиқ суммасига 5110 «Ҳисоб - китоб счёти» кредитланади.

Агар сотиб олинган қимматли қоғозларни киримга олиш санаси билан уларнинг қийматини тўлаш санаси орасида вақт оралиғи вужудга келса, 5110 - счётининг ўрнига 6920 «Тўланадиган облигациялар - банкдан ташқари» счёти кредитланади.

Қимматли қоғозларни сотишдан олинadиган даромад уларни сотиб олиш нархи билан сотиш нархи орасидаги фарқдан иборат. Бу фарқи капитал бўйича амалга оширилган фойда 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счётининг кредитида акс эттирилади. Ҳисобланган фоизлар эса даромад сифатида бу даромадни вужудга келиш пайтида, яъни фоизлар ҳисобланганда 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счётида акс эттирилади. 9220- счётининг кредитидаги сумма 9320- счёти орқали 9900 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига ўтказилади.

#### **Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб - китоблар.**

Дебиторлардан олинadиган ёки кредиторларга тўланадиган барча суммалар уларнинг вужудга келиш вақти билан қайтариш вақти оралиғида қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

- дебиторлар - 48 «Турли дебиторларнинг қарзлари» счётида;

- кредиторлар - 68 «Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар» счётида.

Дивиденд ёки фоиз шаклида олинadиган суммалар 4820 «Олинadиган фоизлар» ва 4830 «Олинadиган дивидендлар» счётларида ҳисобга олинади. Олишга тегишли дивидендлар бухгалтерия ҳисобида эмитент томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисида акционерларнинг Умумий мажлиси қарори эълон қилингандан сўнг дарҳол ёки эмитентнинг акционерлари умумий мажлиси қароридан кўчирма олингандан сўнг акс эттирилади.

**ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ****9.1. ҲИСОБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлиб тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар – бу мазкур корхонада қайтадан ишлашни талаб қилмайдиган, стандартлар ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, техник назорат бўлими (ТНБ) ёки махсус комиссия томонидан қабул қилинган ва корхона омборига топширилган ёки буюртмачи томонидан қабул қилинган буюм ва маҳсулотлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бозор талабини ўрганган ҳолда тузилган шартномаларга, ассортимент, сон ва сифат режа топшириқларига биноан, доимо ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишга эътибор бериб маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Бозор муносабатлари шароитида асосий эътибор мол юбориш – шартномалари бўйича мол сотишга қаратилади, чунки бу корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг ҳисоб – китоб счега пул тушган ва тушмаганлигидан қатъи назар барча юкланган ва жўнатилган маҳсулотлар реализация ҳажмига қўшилиши мумкин.

Шундай қилиб, сотиш жараёни корхона ҳўжалик маблағларининг доиравий айланишини яқунлайди. Бу ўз навбатида корхонага давлат бюджети, ссудалар бўйича банклар, ишчи ва хизматчилар, мол юборувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятини беради. Реализация режасини бажармаслик айланма маблағлар айланишини секинлашига, харидорлар олдида шартнома вазифаларини бажармаганлиги учун жарима тўлашга, тўловларни кечикишига, корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади.

Корхона реализация ҳажми билан бир қаторда фойда суммасини (ҳажмини) ҳам режалаштиради. Чунки, маҳсулотнинг сотиш (шартнома) нархи белгиланганда унинг таркибига маълум суммада ёки фоизда фойда (даромад) суммаси ҳам киритилади. Агар шартнома (режа) бўйича сотишга тегишли маҳсулотлар миқдорини шартнома баҳосига кўпайтирса режа бўйича уларни сотиш қиймати келиб чиқади, фойда фоизига қараб эса режа фойда суммаси ҳисоблаб чиқилади. Бу бюджетга фойдадан бўнак ажратмасини тўлаш учун база бўлиб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» сче­тида юритилиб, у мавжуд тайёр маҳсулотлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу сче­тнинг дебет­ида омборга тушган маҳсулотлар, кредитида эса омбордан жўнати­лган маҳсулотлар акс эттирилади.

Агар маҳсулотлар ҳаракатининг жорий ҳисоби режа таннархида юритилса, 2810 сче­тнинг дебет­ида иккита кўрсаткич режа таннархи ва режа таннархидан оғишиш суммаси ҳисобга олинади. Агар жорий ҳисобда корхонанинг улгуржи баҳолари қўлланилса, 2810 сче­тнинг дебет­ида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади: ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг корхона улгуржи баҳоси ва улгуржи баҳо қиймати билан ҳақиқий таннархи орасидаги фарқи.

Маҳсулот, иш ва хизматлар сотиш ҳисоби 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар» ва 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» сче­тларида юритилади. Мазкур сче­тлар транзит бўлиб пассив сче­тларга мансубдир. Бу сче­тлар тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш жараёни тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу сче­тларнинг кредит қолдиқлари молиявий натижани аниқлаш мақса­дида ҳар ойнинг охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» сче­тига ўтказилиб борилади.

Шунинг учун корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулотлар уларни юк­лаш ва сотиш ҳисоби алоҳида ўрин тутиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг заҳиралари ҳолати ва омборларда сақланиши, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар устидан узлуксиз назорат қилиш;

- юк­ланган ва жўнати­лган маҳсулот (иш, хизмат) ларни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш, харидорлар билан олиб бориладиган ҳисоб – китобларни аниқ ташкил этиш;

- сотилган маҳсулотларнинг ҳажми ва ассортименти бўйича мол жўнатиш шартнома режасини бажарилиши устидан назорат қилиш;

- сотилган маҳсулот учун олинган суммани маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳақиқий харажатларни, фойда суммасини ўз вақтида ва аниқ ҳисоблаб чиқиш.

Бу вазифаларни бажарилиши корхонанинг бир текисда ишлаши, сотиш ва омбор хўжалигини тўғри ташкил қилиш, хўжалик муомалаларини ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштиришга боғлиқ.

## 9.2. ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ НОМЕНКЛАТУРАСИ

4- сонли БҲМА нинг 7- бандига биноан корхона айланма маблағининг таркибий қисми ҳисобланган тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархида ёки соф сотилиш қийматида.

Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисобот даври (ой, чорак, йил) тугагандан сўнг аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ҳаракати ҳар куни содир бўлади (қабул қилиш, жўнатиш, юклаш, сотиш), шунинг учун жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг кундалик ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархида, ёки корxonанинг шартнома баҳоларида, ёки ҳисоб баҳоси деб номланадиган чакана жўнатиш баҳоларида юригилади.

Чунончи, маҳсулот бирлигининг режа таннархи корхонада ишлаб чиқилади. У ой охирида тайёр маҳсулотларнинг гуруҳлари бўйича оғишиш суммасини ёки фоизини ҳисоблаш йўли билан ҳақиқий таннархга етказиб қўйилади. Оғишиш суммаси ва фоизи маҳсулотнинг ой бошига қолдиғи ва унинг ой давомидаги киримиға қараб ҳисоблаб чиқилади. Оғишиши тежалганлигини ёки корхона томонидан ортиқча харажатга йўл қўйилганлигини кўрсатади ва шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнидаги унинг иш натижаларини таърифлайди. Тайёр маҳсулотлар қайси счетларда ҳисобга олинган бўлса, оғишишлар ҳам шу счетларда тежалган бўлса қизил сиёҳда сторно қилиб, ортиқча харажат бўлса - оддий сиёҳда акс эттирилади. Оғишиш фоизи ва жўнатилган маҳсулотнинг режа таннархи сотилган ва омордаги ой охирига қолган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз:

сўм

	Режа таннархи бўйича	Ҳақиқий таннархи бўйича	Фарқи (+, -)
Ой бошига маҳсулот қолдиғи	42000	38500	-3500
Ой давомида ишлаб чиқаришдан қабул қилинди	262000	250300	-11700
<b>Ҳами</b>	<b>304000</b>	<b>288800</b>	<b>-15200</b>
Ҳақиқий таннархнинг режа таннархига фоиздаги нисбати		95	
Ой давомида жўнатилиди	270000	256500	-13500
Маҳсулотнинг ой охирига қолдиғи	34000	32300	-1700

Ҳисоблаш қуйидагича бўлган:

1. Тайёр маҳсулотнинг ой бошига бўлган ҳақиқий таннархи ва ой давомида ишлаб чиқаришдан келиб тушганининг шу маҳсулотлар режа таннархига бўлган нисбати 95 % (288800 x 100 : 304000), яъни 5 фоизга тежалган.

2. Ҳисоблаб топилган фоиз бўйича жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 256500 сўмни ташкил қилади (270000 x 95 : 100).

3. Ой охирига қолган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 256500 сўмни айириш йўли билан топилади. Бизнинг мисолимизда у 32300 сўмга тенг. Ой охирига қолган маҳсулотнинг режа таннархи ҳам шу йўл билан топилади (304000-270000=3400).

Жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини шу маҳсулотнинг режа таннархи билан ҳақиқий таннархи суммалари орасидаги фарқи нисбатидан топилган фоиз бўйича ҳам аниқлаш мумкин: 5% 15200 x 100 : 304000. Шу фоизга тегишли равишда жўнатилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 265500 сўмни ташкил қилади (270000 x 5 : 100). Натижа ўшанинг ўзи.

Бухгалтерия ҳисобининг сўмларида бу суммалар қуйидагича акс эттирилади (95-бетга қаралсин).

Ҳисобда тайёр маҳсулотларни бошқа баҳолари (шартнома, улгуржи ёки чакана баҳо) қўлланилса ҳам очишиш суммаси ва фоизи шу тартибда ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил этишда уларнинг номенклатураларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Маҳсулотлар номенклатураси — бу мазкур корхона томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар турлари номларининг рўйхати. Маҳсулотлар номенклатурасини тузишда бир буюмни иккинчисидан ажратиб олиш имкониятини берадиган тайёр маҳсулотларни маълум белгиларига (модел, аниқлик классификацияси, фасон, артикул, марка, нав) қараб қилинган тасниф асос бўлади. Номенклатура номери турли миқдордаги рақамлар билан белгиланиши мумкин.

Корхонада номенклатурадан қуйидаги хизматлар фойдаланиши мумкин:

- диспетчерлар — маҳсулот ишлаб чиқариш графиги бажарилишини назорат қилиш учун;

- цехлар — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини назорат қилиш учун ва тайёр маҳсулотларни оморга топширишда накладнойлар ёзиш учун;

- маркетинг бўлими — маҳсулот жўнатиш шартномасини бажариш имконияти устидан назорат қилиш учун;

- бухгалтерия — аналитик ҳисоб, сводкалар ва ҳисоботлар тузиш учун.

2010 - счeт		2810 - счeт		9110 - счeт	
Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т
		С: 38500 (42000-3500)			
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг режа таннарни 262000		262000		Жунатилган маҳсулотнинг режа таннарни 270000	270000 -13500
Режа нархдан оғишиши -11700		-11700		Режа нархдан оғишиши -13500	
(Езув қизил «сторно» усулида)					
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннарни 250300		250300		Жами жунатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннарни 256500	256500
		С: 32300 (288800-256500)			

### **9.3. МАҲСУЛОТЛАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА СОТИШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ**

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ўтиш жараёни қуйидаги дастлабки ҳужжатларда акс эттирилади: қабул қилиш – топшириш накладнойлари, далолатномалар, режалар, карталар ва б.

Қуйида қабул қилиш-топшириш накладнойнинг шакли келтирилади (97-бетга қаралсин).

Тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш ўз ичига иккита ҳужжатни – омборга буйруқ ва жўнатиш учун накладнойни қамраб оладиган буйруқ – накладной билан расмийлаштирилади. Омборга буйруқни харидорлар билан тузилган шарнома шартларига асосан мол олувчининг номини, унинг кодини, маҳсулотнинг миқдори ва ассортименти, жўнатиш муддатини кўрсатиб тегишли хизмат бўлими ёзиб беради.

Қуйида бу ҳужжатнинг шаклини келтирамиз (98-бетга қаралсин).

Бу ҳужжат тегишли хизмат бошлиғи, омборчи ва экспедитор томонидан имзоланади. Буйруқ – накладной икки нусхада тузилиб, биринчиси товар – транспорт накладнойга биноан жўнатилган ўрин миқдорини, юкнинг оғирлигини ва мол олувчининг бекатигача маҳсулотни етказиб бериш бўйича тўланган темир йўл тарифи суммасини кўрсатиш учун экспедиторга берилади, иккинчи нусхаси молни жўнатганлиги тўғрисида асос бўлиб омборчида қолади. Унга биноан омбор ҳисоби карточкасининг «чиқим» графасига жўнатилган маҳсулотнинг миқдорини ёзиб қўяди ва ҳужжат бухгалтерияга топширилади. Экспедитор маҳсулотни транспорт ташкилотига топшириб ундан юкни қабул қилиб олганлиги тўғрисида квитанция олади. Маҳсулот жўнатилгандан кейинги кўни экспедитор буйруқ – накладнойни ва транспорт ташкилотининг квитанциясини мол олувчининг номига тўлов талабнома – топшириқ ёки бошқа ҳужжат ёзиш учун бухгалтерияга топшириши шарт. Шу билан бир вақтда счет – фактура ҳам ёзилади.

Тўлов талабномасида жўнатилган товарнинг assortименти, миқдори, сотиш (шартнома) баҳоси ва қиймати кўрсатилади (бундай ҳолда счет фактура тўлов талабномасига албатта илова қилиниши керак).

Қуйида счет – фактурани шаклини келтирамиз (99-бетга қаралсин).

Тўлов талабномаси мол олувчининг ҳисоб – китоб счтетидан счет – фактурага асосан юклаб юборилган маҳсулот қийматини ўтказиб бериши тўғрисида мол юборувчининг банка берган буйруғи бўлиб ҳисобланади. Счет – фактура ёки тўлов талабномасинининг алоҳида қаторида мол олувчилар томонидан

Сельхозмашзавод  
корхона

Топширувчи цех	Омбор	Олувчи
02	44	

30-сонли ҚАБУЛ ҚИЛИШ – ТОПШИРИШ накладной  
200\_\_йил 03-05 март буйича

Буюмнинг номи, номенклатура №	Металл қирқувчи станок		Кесувчи қайчилар		Эгувчи машиналар		Масъулиятли шахсларнинг имзоси		
	012		013		014		назоратчи ТНБ	топши- рувчи	қабул қилиб олувчи
	сана	сон, дона	сана	сон, дона	сана	сон, дона			
	03	1	03	1	03	1			
	05	2	05	1	05	2			

Жами

3

2

3

Режа нархи

12100

4200

3100

Сумма

36300

8400

9300

Топширувчи цех

Қабул қилиб олувчи омбор

ТНБ

44	1101	200 йил 04.03.	330541 – сонли Буйруқ-накладной			2305	200_й. 14.03.			
Омбор	Счет №	Счетнинг санаси	Кимга – Узбексельмашга шартнома - № 5, 200 й 05.02. дан			Харидорнинг коди	Шартнома баҳосида			
Товарнинг номи			номен- клату- ра №	ўлчов бирлиги	миқдори		чакана баҳода	нархи	сумма	
					режалаштирилди	жўнатилди				нархи
Металл қирқувчи станок			012	дона	6	6	-	-	30000	180000
Кесувчи қайчилар			013	дона	4	4	-	-	6000	24000
Эгувчи машиналар			014	дона	4	4	-	-	5000	20000
Жами тайёр маҳсулот учун										224000
Буйруқ буйича жами										224000

Жўнатишга рухсат берилди	Жўнатилди	Ўрин миқдори	Масса, кг	Ўраб жойлаш тури (упаковка)
Рустамов	Мўминов	14	24000	
Мол сотиш бўлими бошлиғи сана				Омбор мудири имзо

Қабул қилиб олдим экспедитор Вахабов  
Буюмлар\_\_\_ номерли автомашинада олиб кетилди

СЧЕТ -ФАКТУРА №512

200\_й « 4 » март

200\_й 2 мартдаги сонли товар жунатиш хужжатларига

Мол юборувчи - Сельмашзавод  
 Манзили Тошкент, Бериуий, 28

Телефон 44-35-46  
 Хисоб-китоб счети 24010000019258300172  
 Пахтабанкда  
шаҳар Тошкент  
 мол юборувчининг идентификациялашган  
 номери (ИНН) 003455631

Олувчи Трансформотор заводи  
 Манзили Андижон, Бобур, 41

Телефон 35-619  
 Хисоб-китоб счети 24415240100000192583  
 Пахтабанкда  
Андижон шаҳари  
 Мол олувчининг идентификациялашган номери  
 (ИНН) 002349901

Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Жунатилган молни қиймати	ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олганда жунатилган молни қиймати
					ставка	сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8
Металл қиркувчи станок	дона	6	30000	180000	20	36000	216000
Кесувчи қайчилар	дона	4	6000	24000	20	4800	28800
Эгувчи машиналар	дона	4	5000	20000	20	4000	24000
Темир йул тарифи				5000	20	1000	6000
Жами тулашга тегишли							274800

Раҳбар Юсупов \_\_\_\_\_  
 Бош бухгалтер Жолмурадова \_\_\_\_\_

П.У.

Товарни жунатдим Бекмурадов \_\_\_\_\_  
 (мол юборувчининг масъулиятли шахсини имзоси)

Қабул қилдим \_\_\_\_\_  
 (харилор ёки унинг вакилини имзоси)  
 \_\_\_\_\_ сонли ишончгоғоз  
 200\_й «\_\_» \_\_\_\_\_

(олувчининг Ф.И.О.)

тўланадиган идиш ва ўрама қиймати, ҳамда темир йўл тарифи кўрсатилади. Айрим ҳолларда мол юборувчининг тўлайдиган темир йўл тарифи тўланмалар суммасига қўшилиши мумкин, ҚҚС суммаси алоҳида қаторда кўрсатилади.

Мол юборувчи билан мол олувчи ўртасида тузиладиган шартномада мол юборувчи маҳсулотни қайси жой (франко – жой) гача етказиб бериш харажатларини ўз ҳисобига олиши тўғрисида келишиб олинади.

Франко – жойни қуйидаги турлари мавжуд:

- мол юборувчининг франко – омбори – бунда мол юборувчи корхона маҳсулот юбориш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (омбордаги, темир йўл бекатидаги, юклаш – тушириш ишлар қиймати, ташиш қиймати ва темир йўл тарифи) тўлов – талабномасига қўшилади;

- франко – юклаб жўнатиш бекати – бунда мол юборувчи тўлов – талабномага темир йўл тарифини ва маҳсулотни вагонга юклаш харажатлари суммасини қўшади;

- франко – вагон тайинланиш бекати – бунда мол юборувчи тўлов – талабномага фақат темир йўл (ёки бошқа транспорт) тарифи суммасини қўшади;

- франко – тайинланиш бекати – бунда темир йўл тарифи қўшилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни мол юборувчи тўлайди;

- франко – мол олувчининг омбори – бунда юқорида кўрсатилган харажатлар билан бир қаторда мол юборувчи мол олувчининг бекатидаги ва унинг омборидаги тушириш – юклаш ишлари, унинг омборига олиб бориш ва бошқа ишлар қийматини тўлайди.

Ўзбекистонда тўловнинг кенг тарқалган тури бўлиб франко – вагон тайинланиш бекати ҳисобланади.

#### **9.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ СИНТЕТИК ҲИСОБИ ВА УЛАРНИ ОМБОРДАГИ ҲИСОБИ**

Маҳсулотларни бир меъёردа ишлаб чиқариш харидорларга маҳсулот жўнатиш шартнома мажбуриятларини, маҳсулотни ўз вақтида сотиш, барча ҳисоб – китоб ва тўловларни бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳисоби корхона бухгалтериясининг узлуксиз назорати остида туради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳужжатлари ҳар куни бухгалтерияга тушади ва бу ерда уларнинг турлари бўйича миқдор натура ҳисоби юритилади. Ой тугагандан сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами режа, сотиш нархи бўйича ва ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи билан режа таннархини

таққослаб тежалганми ёки ортиқча харажат қилинганми, шунга қараб корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иш натижасига баҳо берилади. Шу ернинг ўзида маҳсулотлар жўнатиш (сотиш, шартнома) нархида ҳам баҳоланади, бу эса маҳсулотлар сотилгандан сўнг олинishi мумкин бўлган тушум ва фойдани аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 10/1 журнал – ордерининг 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счетини дебети ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетини кредити бўйича акс эттирилади. 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счети актив инвентар счети бўлиб, унинг сальдоси корхонанинг омбордаги маҳсулотлар қолдигининг ҳақиқий таннархини кўрсатади; дебет обороти – асосий ишлаб чиқаришдан қабул қилинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини, шунингдек мол олувчилар томонидан қайтарилган маҳсулотлар қийматини, кредит обороти ҳисобот ойида юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини кўрсатади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатини пул курсаткичадаги ҳисоби 16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» ведомостида юритилади. Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади (102-бетга қаралсин).

16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» ведомостининг I бўлимидан 2810 счетнинг тулиқ маълумотлари таърифини икки баҳода – ҳақиқий ва ҳисоб баҳода оламиз.

Бу ой охирига бўлган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажмидаги ҳақиқий харажатлар салмоғини (ой бошига қолдиқ плюс маҳсулотнинг киримини уларнинг ҳисоб баҳосига нисбати) топиш учун зарур. Агар шу фоиз 100 га тенг бўлса, демак, ҳақиқий харажатлар режага тенг экан; агар фоизи 100 дан кам бўлса, корхона маҳсулот таннархини пасайтиргани бўлади, натижада ушбу маҳсулотни сотишдан у режадан ортиқ фойда олади; агар шу фоизи 100 дан ортиқ бўлса, корхона калькуляция моддалари бўйича нормага нисбатан ортиқча харажатларга йўл қўйган бўлади ва бу, ўз навбатида, фойдани камайтиради.

Шу жами маҳсулотларни ҳақиқий таннархини уларнинг ҳисоб (режа) таннархига бўлган фоиз нисбати бухгалтерия томонидан ҳисобот ойида юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан қайтарилган ва ой охирига қолган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Ой охирига қолган маҳсулотлар ҳақиқий таннархини аниқлашнинг зарурияти шундаки, уни Бош дафтар билан таққослаш мумкин, омборлардаги қолдиқларни ҳисобга олиш дафтари билан эса ҳисоб баҳосидаги қолдиқ таққосланади.

Селхозмашзавод  
корхона

16 - ВЕДОМОСТДАН КЎЧИРМА  
200\_\_ йил март ой учун

сўм

Тарт №	Кўрсаткичлар	Ҳисоб баҳоси буйича	Ҳақиқий таннархи буйича	Ёзув учун асос
1	2	3	4	5
1.	Ой бошига қолдиқ	80000	76116	Олдинги ойнинг 16-ведомости
2.	Ишлаб чиқаришдан олинди	434200	430269	Ҳисобот оғи буйича тайёр маҳсулот ведомости
3.	Қолдиғи билан жами тушум	514200	506385	Ҳисоблаш йўли билан
4.	Ҳақиқий таннархни учет баҳосига нисбати, %		98,48	Гр.3 : гр.2 = 506385 x 100 : 514200 = 98,48
5.	Ҳисобот оғида жунатилди	439480	432800	Ҳисобот даври буйича 16-ведомостнинг 2-бўлими
6.	Ой охирига қолдиқ	74720	73585	Ҳисоблаш йўли билан 3-қатор - 5-қатор

Тайёр маҳсулотларнинг омбордаги ҳисоби оператив – бухгалтерия усулида юритилади, яъни маҳсулотларнинг ҳар бир номенклатура номерига материалларнинг омбор карточка ҳисоби (17-М шакли) очилади. Тайёр маҳсулотларни кирими ва чиқимига қараб омборчи ҳужжатларга асосан карточкаларга қийматликлар миқдорини (кирим, чиқим) ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиғи чиқарилади.

Ўтган сутка ичида омборда йиғилиб қолган ҳужжатлар (қабул қилиш – топшириш накладнойлари, буйруқ – накладнойлар, товар – транспорт накладнойлари) ни бухгалтер ҳар куни қабул қилиши шарт.

Омбор ҳисобини тўғри юритилиши бухгалтернинг омбор ҳисоби карточкасига қўйилган имзоси билан тасдиқланади.

Моддий – жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкаларига асосан ҳар ойда тайёр маҳсулотлар номенклатуралари, ўлчов бирлиги, миқдорини кўрсатиб тайёр маҳсулотлар қолдиғини ҳисобга олиш ведомостини тўлдиради ва уни бухгалтерияга топширади. Бухгалтерияда ҳисоб баҳоси бўйича таксировка қилинади ва бухгалтерия маълумотлари (16- ведомостнинг I- бўлими) билан солиштирилади.

### **9.5. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА СОТИШНИ АНАЛИТИК ҲИСОБИ**

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар – булар маҳсулот ва хизматлар учун тўлов ҳужжатлари, мол юборувчилар томонидан банкка топширилган, лекин харидорлар томонидан тўланмаган сумма. Ой охирида юклаб жўнатилган, лекин тўлов ҳужжатлари банкка топширилмаган маҳсулотлар балансида омбордаги тайёр маҳсулотлар билан бирга акс эттирилади ва корхонанинг айланма маблағлари таркибида кўрсатилади.

1998 йилнинг 1 январидан бошлаб маҳсулотлар юклаб жўнатган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган сана сотилган вақти ҳисобланади (ҳисоблаш усули).

Ҳисоблаш усулида мол олувчиларга маҳсулот юклаб юборилганда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

1. Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннарига

Д-т 9110 «Сотилган маҳсулотнинг таннархи» смети

К-т 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» смети

2. Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг шартнома (сотиш) қийматига

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўтлар» смети

К-т 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» смети

## 16 - ВЕДОМОСТ

## II. Маҳсулот ва материалларни юклар жўнатиш 200\_\_ й. Март ойи бўйича

Тар. №	Счетининг саноиси	Туловта лабона	Буйруқнакладной	Буюртмачи, харидор	Жўнатилган маҳсулот бўйича буюмларнинг номлари ёки гуруҳлари ёки бошқа айрим маълумотлари бўйича миқдори				Тўлов ҳужжатлари бўйича суммалари					Тўланганлаги тўғрисида белги			
					металл қирқувчи	кесувчи қайчи-лар	эгувчи машиналар	бошқа машиналар	тайёр маҳсулот бўйича	транспорт харажатлари	жами	ҚҚС	ҳаммаси	сана	ҳисоб-китоб счети	бошқа счелар	векселлар
	А	Б	В		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	30	935	935	Андижон заводи	1	1	1	-	4100	400	41400	11592	52992	02-04	52992	-	-
2				Ангреншахт-строй	1	2	3	27400	84400	600	85000	23800	108800	05	108800	-	-
Жами жўнатиш баҳосида					2	3	4	27400	125400	1000	126400	35392	161792	-	161792	-	-
Ҳақиқий таннари бўйича									98000	1000	99000	-	-	-	-	-	-
Мартда жўнатилди																	
3		1101	1101	Навой заводи	6	4	4	-	224000	5000	229000	64120	293120	08-10	293120	-	-
4				Ургенч заводи	2	6	-	34900	130900	2000	132900	37212	170112	11-31	170112	-	-
5				АО «Баракат»	2		5	-	85000	1600	86600	24248	110848	11-31	110848	-	-
6				«Металлист» концерни	2	2	6	8600	110600	1380	111980	31354	143334	(тўлаш муддати келмади)			

## Давоми

	А	Б	В		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами жунатилди					12	12	15	43500	550500	9980	560480	156934	717414	-	-	-	-
Жунатиш баҳоси буйича					360000	72000	75000	-	550500	-	-	-	-	-	-	-	-
Ҳақиқий таннарх буйича					-	-	-	-	432800	9980	442780	-	-	-	-	-	-
Март ойида сотилди					12	13	13	62300	565300	9600	574900	160972	735872	-	735872	-	-
Жунатиш баҳоси буйича					360000	78000	65000	62300	565300	9600	574900	160972	735872	-	-	-	-
Ҳақиқий таннарх буйича					-	-	-	-	440108	9600	449708	-	-	-	-	-	-
Ой охирига қолдик					2	2	6	8	110600	1380	111980	31954	143334	-	-	-	-
Ҳақиқий таннархи буйича					-	-	-	-	90692	1380	-	-	92072	-	-	-	-

Юклар жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-ведомостнинг II- бўлимида юритилади.

Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади (104, 105-бетларга қаралсин).

Бу ведомостнинг иккинчи бўлимида жўнатилган, сотилган маҳсулотлар, материал қийматликлар, хизматлар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби бирлашган. Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар аналитик ҳисоби уларнинг натурал кўринишдаги турлари бўйича ёки тўлов ҳужжатлари бўйича икки баҳода – ҳақиқий таннархда ва сотиш нархида ташкил этилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ой бошига ва ой охирига тўланмай қолган, ҳисобот ойда жўнатилган, харидорлар томонидан қайтарилган ва сотилган маҳсулотларнинг умумий миқдори ҳам ҳисобга олинади. Ведомостнинг II- бўлимини тўлдириш учун олдинги ойнинг ведомости (тўланмаган маҳсулотнинг ой бошига қолдиғи), тўлов ҳужжатлари, ҳисобот ойда жўнатилган маҳсулотларга буйруқ – накладнойлар, шунингдек корхонанинг ҳисоб – китоб счеҗидан олинган банкнинг кучирмалари асос бўлиб ҳисобланади. Мол олувчи ҳисобидан чек билан тўланган темир йўл тарифи ведомостда алоҳида кўрсатилади, чунки у маҳсулот сотиш ҳажмига киритилмайди.

Мазкур ведомостнинг II- бўлимидан қуйидаги маълумотларни олиш мумкин: ой давомида оибордан юклар жўнатилган маҳсулотларнинг ассортименти ва қиймати бўйича миқдори; транспорт харажатлари суммаси; ҚҚС суммаси; счеҗ – тўлов ҳужжатлари бўйича олишга тегишли сумма; харидорлар билан ҳисоб – китоблар ҳолати; маҳсулот учун ҳисобот ойда тушган суммалар тўғрисидаги маълумотлар ва транспорт харажатларини қопланиши ва х. к. Ведомостнинг кўрсаткичлари катта оператив (тезкорлик) аҳамиятига эга, чунки ҳар куни юклар жўнатилган, сотилган маҳсулотлар ҳажми тўғрисида маълумотларга эга бўлади. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳам назорат қилинади.

16- ведомостнинг III- бўлимида тўланган, ҳисобдан чиқарилган, тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар тўғрисидаги йиғма маълумотлар акс эттирилади. Қуйида бу бўлимнинг шакли келтирилади.

III. Тўланган, ҳисобдан чиқарилган, тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар бўйича йиғма маълумотлар.

А. Корреспондентланувчи счетлар бўйича тўланиши ва ҳисобдан чиқарилиши

Дебет-ланувчи счет	Кредитланувчи ва дебетланувчи счетлар	сўм	
		Жами	Жами
		жорий ой учун ведомост бўйича	ўтган ой учун ведомост бўйича
5110 -	2810-счетовнинг кредитидан (маҳсулот сотиш бўйича оборот шаклида акс эттирилмаган сумма) қуйидаги счетовларнинг дебетига: «Ҳисоб-китоб счёти»	9600	
4010 -	9010-счетовнинг кредитидан қуйидаги счетовларнинг дебетига: «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар»	726272	
	Жами	735872	

Б. Маҳсулотни қайтариллиши билан боғлиқ бўлган тақдим этилган суммаларни камайтириш тартибидаги ҳисобдан чиқаришлар.

В. Ҳисоб гуруҳлари бўйича тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаганлар.

Ҳисоб гуруҳлари	Тайёр маҳсулот учун	Транспорт харажатлари
Тўланмади:		
Жорий ой учун ведомост бўйича	110600	1380
Олдинги ой учун ведомост бўйича		
Шу жумладан:		
Маҳсулот харидорнинг масъулиятли сақлашида қолганлиги учун ҳисобдан чиқарилмади:		
Жорий ой учун ведомост бўйича		
Олдинги ой учун ведомост бўйича		
Жорий ой учун 3 - жадвал бўйича жами 847852		

Ведомостнинг III- бўлими тақдим этилган счетовлар бўйича умумий суммасини кўрсатиб ой охирида тўлдирилади ва у уч қисмдан иборатдир:

А- тўланиши ва ҳисобдан чиқарилиши;

Б- маҳсулот қайтарилганлиги учун ҳисобдан чиқарилиши;

В- тўланмаган, ҳисобдан чиқарилмаган. Бу бўлим 2810 ва 9010 счетовларнинг кредит оборотларини II- журнал - ордерида тўлиқ акс эттирилганлиги ва 2810 счет бўйича кейинги ойга қолган қолдиқни тўғри ҳисоблаб чиқилганини назорати учун хизмат қилади.

## **9.6. ТИЖОРАТ (НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ) ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ**

Маҳсулотларни сотиш бирқанча харажатларни келтириб чиқаради. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан фарқли ўлароқ маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тижорат харажатлари дейилади. Тижорат харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

мол юборувчи корхона ҳисобидан прејскурантларга ёки шартнома шартига биноан қилинган идиш ва жойлаш (қадоқлаш ва ўраш), (ўраш қоғозлари, тахтачалар, каноплар) харажатлари;

улгуржи баҳо франко – юклаб жўнатиш бекати усулида (юклаш, етказиб бериш, тушириш) белгиланган ҳолларда мол юборувчи ҳисобидан маҳсулот сотиш бўйича қилинадиган транспорт харажатлари;

корхонанинг молиявий режасида назарда тутилган маҳсулот сотиш бўйича бошқа (комиссион йиғим, маҳсулотни таҳлил қилиш бўйича) харажатлар.

Тайёр маҳсулотлар оморга қабул қилингандан кейин қадоқланган ва ўралган (упаковка) ҳолларда, идиш харажатлари тижорат харажатларига киритилади.

Агар қадоқлаш цехларда маҳсулотларни оморга топширишга қадар бажарилган бўлса, идишлар қиймати маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» га биноан бу харажатлар 9410 «Сотиш харажатлари» счегида ҳисобга олинади. Бу счег транзит бўлиб актив счегларга мансуб, ой бошига унда қолдиқ бўлмайди; дебет обороти маҳсулотни жўнатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни кўрсатади, кредит обороти эса ҳисобот оида фойдани камайтиришга ўтказилган суммаларни кўрсатади. 9410- счеги бўйича очилган счеглarning аналитик ҳисоби дебет ва кредит оборотлари бўйича ҳисобот ои ва йил бошидан жамланиб келувчи харажат суммаларини моддалари бўйича кўрсатган ҳолда 15- ведомоста юритилади Бу, ўз навбатида, маҳсулот сотиш харажатларини таҳлил қилиш ва ҳисобот тузишни осонлаштиради. Бу счеглarning дебет оборот суммалари 1, 2, 7, 10/1- журнал – ордерларда акс эттирилади, кредит оборот суммалари эса – 11- журнал – ордерда.

Ноишлаб чиқариш харажатлар ҳар ойда тўлиқ суммада қуйидаги ёзув билан молиявий натижаларга ўтказилади:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9410- счег бўйича очилган тегишли счеглар

Қуйида сотиш харажатларини счегларда акс эттириш схемасини келтирамыз.

Д-т	Корреспондентланувчи счетлар	К-т
Счетларнинг кредити		Счетларнинг дебети
10 -	Юклаб жунатилган маҳсулотни қадоқлаш ва ўраш учун сарфланган материаллар қиймати	Ой охирида сотиш харажатларини ҳисобдан чиқариш
44 -	Маҳсулотни юклаб жунатиш бўйича ҳисобдор шахслар томонидан туланган сумма	-9900
6010 -	Юклаб жунатилган маҳсулотни ташиш қиймати	
6710 -	Юклаш ва тушириш бўйича ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи	
8910 -	Юкловчиларнинг иш ҳақларига ҳисобланган таътил ҳақи резерви	
6520 -	Юкловчиларнинг иш ҳақларидан ижтимоий суғурта органларига ҳисоблаш	

### 9.7. МАҲСУЛОТ СОТИШНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИ

Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларининг мажмуи сотиш жараёни дейилади. Маҳсулот сотиш жараёнини режалаштириш корхонани буюртма билан таъминлашдан бошланади. Унга биноан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш асоси бўлган номенклатура бўйича режа тузилади. Буюртмаларда маҳсулотларнинг ассортименти, юклаб жунатиш муддати, миқдори ва сифати, нархи, ҳисоблашиш шакллари кўрсатилган бўлиб буюртмачи ва мол юборувчилар билан келишиб олинади.

Маҳсулот учун пул харидорлардан ҳисоб – китоб счега келиб тушган санада сотилди деб ҳисобланади (касса усули) ёки юклаб жунатилган, топширилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун ҳужжатлар банкка топширилган санада сотилди деб ҳисобланади (ҳисоблаш усули). Иккала усулда ҳам сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарлар сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетларида ҳисобга олинади. Сотилган товарларни қайтарилиши ва харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши» ва 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» - счетларида ҳисобга олинади. Бу счетларнинг хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг дебети ва кредитида бир ҳажмда (миқдорда) ги сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бир хил суммада акс эттирилади.

9010, 9020 ва 9030 счетларнинг кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счетлар» счега билан корреспондентлашган ҳолда маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан тушадиган соф тушум акс эттирилади. Бу счетларда харидорларга жунатилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар бўйича ҳисобланган акциз солиғи ва ҚҚС суммалари акс эттирилмайди,

балки қуйидаги проводка билан 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» счетида акс эттирилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» жўнатилган маҳсулотлар учун, акциз солиги ва ҚҚС суммаси қўшилган ҳолда, харидорлардан олинadиган жами суммага.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобланган акциз солиги ва ҚҚС суммасига.

К-т 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромад» маҳсулот сотишдан тушадиган соф тушумга.

9010, 9020 ва 9030 счетларнинг кредитида акс эттирилган сумма ой охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счети билан корреспондентланган ҳолда ёпилади.

Ҳисоблаш усулида, яъни маҳсулотни топшириш (юклаб жўнатиш), иш ва хизматларни бажариш факти сотилди деб ҳисобланганда 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» счети қўлланилади. Бу счет актив бўлиб, унинг сальдоси буюртмачига топширилган маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг тўланмаган сотиш қийматини кўрсатади; дебет обороти ҳисобот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг сотиш қийматини, кредит обороти эса ҳисобот ойида харидорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади. Қуйида маҳсулот сотиш муомалаларини счетларда акс эттириш схемаси келтирилади.

Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби бўйича счетлар корреспонденцияси (9000)

Д-т	К-т	Корреспондентланувчи счетлар	
		Счетларнинг кредити	Счетларнинг дебети
4010,	Кредитга	Юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун тўланадиган сумма	- 4010, 4110
4110-	сотилган		
	товарларнинг қайтарилиши (дебет 9040)	Маҳсулот, иш ва хизматлар нақд пулга сотилганда	
4010,	Сотилишидан	Қисқа ва узоқ муддатли инвестиция тарзида бошқа ташкилотларга ўтказиб берилган маҳсулотлар суммасига	
4110-	ва нархидан берилган		
	чегирмалар (дебет 9050)	Ўз капитал қурилиши учун кўрсатилган хизматлар суммасига	
9900-	Ой охирида	Ички хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар суммасига Меҳнат ҳақи юзасидан ходимларга берилган маҳсулот ва хизматлар суммасига Маҳсулот билан тўланган дивидендлар суммасига Ҳисобот даври охирида 9040 ва 9050 – счетларнинг ёпилиши	
	сотишдан		
	олинган соф		
	тушумнинг		
	ҳисобдан чиқарилиши		

Юклаб жунатилган ва сотилган маҳсулотларнинг сметлари буйича синтетик ҳисоби 11- журнал – ордерида юритилади. Бу журнал ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 - сметларнинг кредит оборотларини ва 9010, 9020, 9030 - сметларининг аналитик маълумотларини ёзиш учун тайинланган. 11 - журнал-ордер 15 ва 16 - ведомостларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади. Қуйида 11-журнал-ордерининг шакли келтирилади.

11 – журнал-ордер  
200\_\_ йил март ойи учун  
Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи буйича

	сум					
Сметлар кредити	2810	9410	9010	9020	6410	Ҷами
Сметлар дебети						
2810 «Юкланган товарлар»	432800					432800
4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сметлар»		2832	440108			442940
5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»			9600	565300	160972	735872
жами	432800	2832	449708	565300	160972	161612

Юклаб жунатилган маҳсулотлар ҳажмидаги йил бошидан жамланувчи оборотлари ҳақиқий таннархни тақдим этилган сметлар суммасига бўлган фоиз нисбатини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Бу нисбат 100% дан кам бўлиши керак, чунки у корхонанинг маҳсулот сотишдан тушган тушумидаги ҳақиқий харажатлар улушини кўрсатади. Қолган қисми фойда улушини кўрсатади. Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи буйича фоиз нисбати  $82,0 (2520000 \times 100 : 3068000)$ , (115-бетга қаралсин).

Демак, сотишдан тушган тушумнинг қарийб 18% ини фойда ташкил этади. Ушбу кўрсаткич нафақат режа бажарилишини таҳлил қилишда, балки ой охирига қолган юклаб жунатилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун барча сметлар буйича ой охирига тўланмаган сотиш қийматидаги суммани фоиз нисбатига кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида ҳақиқий таннарх буйича қолдиқ  $90692$  сумга тенг ( $110600 \times 82,0 : 100$ ).

11 - журнал-ордернинг аналитик маълумотлари буйича фойда суммасига бухгалтерияда 15 - журнал-ордерга ёзиш учун қуйидаги корреспондентланувчи сметларни кўрсатиб маълумотнома (справка) тузади:

Д-т 9010, 9020, 9030- сметлар

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

Орқа томони

Маҳсулот ва материал қийматликларни сотиш тартибида юклар жўнатиш бўйича  
2810, 9010, 9210 ва 9220- сўчетларнинг аналитик маълумотлари\*

Қа- тор №	Кўрсаткичлар номи	Кенг истеъ- мол молла- ри ва чи- қиндисиз тайёр маҳ- сулотлар	Номо- дий актив- лар	Асосий восита- лар	Харидор ҳисобидан транспорт ва бошқа харажат- лар	Жами	ҚҚС	Ҳам- маси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
A	2810 сўчетга							
1	Ой бошига қолдиқ							
a)	маҳсулот ва материалларнинг ҳақиқий таннархи ва харидорлар ҳисобидан қилинган харажатлар	98000			1000	99000		99000
b)	Тақдим этилган сўчетлар ёки уларни ўрнини босадиган ҳужжатлар бўйича суммалар	125400			1000	126400	35392	161792
3	Қайтарилган маҳсулот ва материалсиз ҳисобот оғи бўйича («а» ва «б»), қайтарилгансиз туланганга қадар ва тулангандан кейин; «в» бўйича тулангандан сўнг қайтаришсиз							
a)	Маҳсулот ва материал қийматликларнинг ўчет баҳосидаги қиймати	439480				439480		439480

1	2	3	4	5	6	7	8	9
б)	Маҳсулот ва материалларнинг ҳақиқий таннархи ва харидорлар ҳисобидан қилинган харажатлар	432800			9980	442780		442780
в)	Тақдим этилган счетлар (ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар) бўйича суммалар	550500			9980	560480	112096	672576
6	Йил бошидан (қайтарилгандан ташқари)							
а)	Маҳсулот ва материалларнинг ҳақиқий таннархи	2520000						
б)	Тақдим этилган счетлар (ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар) бўйича суммалар	3068000						
в)	Ҳақиқий таннархи тақдим этилган счетлар суммасига фоиз нисбати	82,0						
9	Ой охирига қолдиқ				1380	92072		
а)	Маҳсулот ва материалларнинг ҳақиқий таннархи ва харидорлар ҳисобидан қилинган харажатлар	90692						
	Шу жумладан харидорларнинг масъулиятли сақлашида турганлар	9266						
б)	Тақдим этилган счетлар ёки уларни ўрнини босадиган ҳужжатлар бўйича суммалар	110600			1380	111980	31354	143334

1	2	3	4	5	6	7	8	9
Б.	9010 сўҳатга							
12	Ҳисобот оғи бўйича (1 қатор + 4 қатор - 9 қатор; 2 қатор + 5 қатор - 11 қатор)							
а)	Сотилган маҳсулот ва материал қийматликларнинг ҳақиқий таннархи	440108			9600	449708		449708
б)	Сотишдан олинган, ҳисобдан чиқарилган суммалар	565300			9600	574900	114980	689880
в)	Сотилган товар маҳсулотининг режа таннархи	456080				462869		462869
16г)	Ноишлаб чиқариш харажатлари	2832				2832		
17д)	Ҳисобот оғи фойдаси	122360				122360		
18	Йил бошидан							
а)	Сотилган маҳсулот ва материалларнинг ҳақиқий таннархи	2508000				2508000		
19б)	Сотилган маҳсулотнинг режа таннархи	2675000				2675000		
20в)	ҚҚС						904000	
21г)	Сотишдан олинган, ҳисобдан чиқарилган суммалар	4134600				4134600		4134600
22д)	Фойда	715600				708600		
е)	Зарар							
* Жадвал қисқартирилган ҳолда келтирилган								

Мол юборувчи корхоналар юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлари учун ҳисоблаш усулида ҳисоб – китоб олиб борганда, харидорлардан олдиндан маълум (жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг қийматидан камида 15 фоиз) миқдоридан аванс (бўнак) суммасини олиши мумкин.

Олинган бўнакларнинг синтетик ҳисоби 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида юритилади. Бу счёт моддий қийматликларни етказиб бериш учун ёки бажарилган ишлар учун олинган аванслар бўйича, шунингдек буюртмачилар учун бажарилган қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишларни тўлаш бўйича олиб бориладиган ҳисоб – китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Олинган бўнаклар суммаси, шунингдек қисман тайёр бўлган ишлар ва хизматлар учун олинган тўланмалар, пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар (5010, 5110, 5210) нинг дебети ва 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Тўла тайёр буюмлар, материаллар ва бажарилган ишлар учун мол олувчи (буюртмачи)ларга счётлар тақдим этилганда, ушлаб қолинадиган (зачёт қилинадиган) олинган бўнак суммалари ва қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишлар бўйича олинган тўланмалар 6310 - счётнинг дебетида ва 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» счётининг кредитида акс эттирилади. 6310 - счёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича юритилади.

### **9.8. ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БҲЙИЧА РЕЗЕРВ ҲИСОБИ**

Ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилиши (юклаб жўнатилиши) билан маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотилди деган усулни ҳисоб сиёсатида қабул қилган корхоналар сотилган маҳсулотнинг пули харидорлар ва буюртмачилар томонидан тўланмаган тақдирда ўзини ўзи молиялашга муҳтож бўлади. Бундай ҳолларда «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом» га биноан корхонанинг баланс фойдаси ҳисобидан айланма маблағларни тўлдириш манбаи тарзида резерв ташкил этиш тартиби қабул қилинган.

Шартномада кўрсатилган муддат ичида тўланмаган, тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебитор қарзлар даргумон қарзлар деб тан олинади.

Даргумон қарзлар резерви ҳар йили йиллик ҳисоботни тузишдан олдин ўтказиладиган дебитор қарзлар инвентаризацияси бўйича инвентаризация комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилган ва корхона раҳбари

томонидан тасдиқланган қарорига асосан ташкил этилади. Қарзларни ундириб олиш муддатини ўтишига ёки ҳаридорни тўлаш қобилиятига эга эмаслигини тан олиш (ёки даъвони рад этиш) тўғрисида арбитраж ва суд органларининг қарорига қараб маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Бундай муомалаларни ҳисобга олиш учун 4910 «Даргумон қарзлар резерви» счтетидан фойдаланилади. Бу счтет контрактив бўлиб пассив счтетига мансуб, унинг кредитида резервни ташкил этиш муомалалари акс эттирилса, дебетида – ундан фойдаланилиши кўрсатилади. Муомалалар ҳисоби 11, 12, 15- журнал – ордерларда ва 16- ведомостда юритилади.

4910 «Даргумон қарзлар резерви» счтетининг аналитик ҳисоби резерв ташкил қилинган ҳар бир даргумон қарз бўйича юритилади.

Балансдан чиқарилган (Д-т 4910, К-т 4310, 4010, 4890 ва б.) ундириб олинмаган қарзларни корхона ҳисобдан чиқарган санадан бошлаб 5 йил ичида, қарздорларнинг мулкый ҳолати ўзгарган тақдирда қарзни ундириб олиш имконияти устидан назорат олиб бориш учун, балансдан ташқаридаги 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи» счтетига ҳисобга олиб борилади.

Башарти олдин ҳисобдан чиқарилган даргумон қарзлар ундириб олинса, корхона қабул қилинган суммани операцион даромадлар ва тушумлар таркибига қабул қилади (Д-т 50, 51, 52- счтетлар К-т 9390- счсети). Шу билан бирга балансдан ташқаридаги 007- счтетдан ҳам чиқарилади.

4910 «Даргумон қарзлар резерви» счтетининг счтетлар корреспонденцияси

Муомалалар мазмуни	Счтетлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
1	2	3
Қуйидаги счтетларнинг дебетидан 4910-счтетнинг кредити бўйича:		
Дебитор қарзларни инвентаризациясига асосан аниқланган даргумон қарзларни қоплаш учун резерв ташкил этилди	9434	4910
Қуйидаги счтетларнинг кредитидан 4910-счтетнинг дебети бўйича:		
ҳисобот йилда даъво қилиш муддати ўтганлиги натижасида дебитор қарзларни ташкил этилган резерв ҳисобидан чиқариш:	4910	4010
харидор ва буюртмачилар	4910	4310
берилган бунақлар бўйича	4910	48
турли дебиторлар	4910	46
етказилган моддий зарарлар	4910	4210
даъво суммалари		
ҳисобот йилида фойдаланилмаган даргумон қарзлар резерви келгуси йил фойдасига ўтказилди	4910	9390

### **9.9. ТОВАРАЛМАШИШ (БАРТЕР) МУОМАЛАЛАРИНИ ҲИСОБИ**

Маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар сотишдан ташқари бартер муомалалари ҳам содир бўлиши мумкин.

Охириги йиллари корхоналар ўртасида товаралмашиш ёки бартер асосида амалга ошириладиган муомалалар таъқиқланган. Лекин, бизнинг фикримизча, бу муомалаларни қандай амалга оширишни бухгалтерлар билишлари керак. Товаралмашиш муомалалари ҳам товар – материал қийматликларини олди – сотди шаклининг бири бўлиб ҳисобланади. Бу муомалаларни амалга оширишда нархлар ўртача бозор ёки қайд этилган баҳолардан кам бўлиши мумкин эмас.

Бартер асосида амалга ошириладиган муомалалар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1994 йил 14-июлдаги 75- сонли хати билан тартибга солинади.

Товаралмашиш муомалалари ҳисобини ташкил этиш маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан тушган пулни аниқлаш, яъни касса усули ёки ҳисоблаш усулига боғлиқ.

Тўланишига қараб маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган пулни аниқлашда товаралмашиш муомалалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади: товаралмашиш муомалалари бўйича корхонага келиб тушган материал қийматлик (иш ва хизмат) лар ишлаб чиқариш заҳиралари, товарлар ёки бошқа счетларнинг дебети ва 6010, 6890- «Бошқа мажбуриятлар» счетларнинг кредитида акс эттирилади.

Олинган материаллар ўрнига жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат) лар қийматига 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети дебетланади 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» смети кредитланади, шу билан бирга 6010 ёки 6890- счет дебетланиб 9010- счет (ёки 9210, 9220- счетлар) кредитланади. Юклар жўнатилган маҳсулотнинг таннархи ёки алмашиш тартибида берилган бошқа буюмлар қиймати 9110-сметининг дебетига ёзилади.

Бу муомалалар бўйича аниқланган молиявий натижалар 9900 «Якуний молиявий натижа» сметиға ўтказилади.

Ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилиши (юклар жўнатилиши) билан маҳсулот (иш, хизмат) лар сотилди деган (ҳисоблаш) усулида товаралмашиш муомалалари ҳисобидан юклар юборилган товарлар ва бошқа мулклар 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» ёки 48 «Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олиш счетлари» счетларининг дебетига ва маҳсулот сотиш (9010, 9210, 9220) счетларининг кредитида акс эттирилади. Шу билан бирга 9110-9130 - счетларининг дебетига корхона томонидан жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар, товарлар ва бошқа мулкларнинг таннархи ёзилиб, шу қийматликларни ҳисобга оладиган счетлар кредитланади.

Товаралмашиш бўйича молиявий натижа, одатдагидек, маҳсулот сотиш счетларидан 9900 «Якуний молиявий натижа» счегига ўтказилади.

Товаралмашиш муомалалари бўйича келиб тушган материал қийматликлар, товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш заҳиралари, товарлар ва бошқа счетларнинг дебетига ва 6010 ёки 6890- счетнинг кредитига ёзилади ва шу билан бирга 6010 ёки 6890- счет дебетланиб, 4010 ёки 48- счет кредитланади.

Товаралмашиш муомалалари билан боғлиқ бўлган харажатлар (устама, тижорат харажатлари, божхона тўловлари ва бошқалар), шунингдек ҚҚС, акцизлар нақд пулга ва нақд пулсиз маҳсулот сотиш учун белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

### **9.10. КОНСИГНАЦИЯ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ**

Маҳсулот, бажарилган иш, хизматлар сотиш ва товаралмашишдан ташқари, консигнация асосида ҳам муомалалар содир бўлиши мумкин.

Консигнация – бу бир томон (консигнат) нинг бошқа томон (консигнатор) га ўзини номидан консигнатнинг хориждаги омборидан товарларни сотиш тўғрисидаги буйруғидир. Бундай хизматларни бажарганлиги учун консигнатор маълум миқдорда ҳақ олади. Товарнинг мулкдори бўлмаган, лекин ўз зиммасига консигнация савдоси буйруғи вазифасини оладиган шахсга бериладиган ҳақнинг миқдори ва тўлаш тартиби консигнация шартномаси билан ёки сотиладиган товарлар қийматидан маълум фоиз кўринишида, ёки (шартномада кўрсатилган) минимал баҳо билан сотиш баҳоси орасидаги фарқ кўринишида белгиланиши мумкин.

Консигнация шартномаси бўйича хориждан импорт қилинган товарлар бухгалтерия ҳисоби молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси макроэкономика ва статистика Вазирлиги, Марказий банк томонидан 2001 йил 7 ноябрда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботда хорижий валюта муомалаларини акс эттириш тартиби тўғрисида «Низом» билан тартибга солинади.

Бунда ялпи даромадидан ягона солиқ тўловчи савдо корхоналари солиқлар маълумотларини ҳисоблаб чиқишда даромадлик даражасини ва солиққа тортиш объектини аниқлашда ҳам божхона тўловлари, акцизлар ва ҚҚС суммаларини ялпи даромаддан чиқариб ташлайди.

Консигнатор томонидан товарларни сотиш учун қабул қилиб олганда товарлар қиймати балансдан ташқари 004- «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счегига кириш қилинади.

Асосий код фаолияти бўйича даромад (фойда) дан ажратма ва ҚҚС тўловчи корхоналарда консигнация асосида амалга ошириладиган муомалалар ҳисоби ялпи даромаддан ва ягона солиқ тўловчи корхоналар ҳисобидан бирмунча фарқланади.

Асосий код фаолияти бўйича даромад (фойда) дан ажратма ва ҚҚС тўловчи консигнатор корхоналар балансида консигнация товарларини сотиш ҳисоби қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

1. Консигнация товарлари келиб тушганда ҳисобланган ҚҚС суммасига.

Д-т 4510 «Солиқлар бўйича бунақ тўловлар» смети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

2. Туланган ҚҚС суммасига.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

К-т 5110- «Ҳисоб - китоб» смети

3. Ҳисобланган божхона тўловлари ва акциз солиғи.

Д-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар» смети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

4. Туланган божхона тўловлари ва акциз солиқлари.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

К-т 5110- «Ҳисоб - китоб» смети

5. Шартнома баҳосида сотилган товарлар суммасига.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети

К-т 9020 «Товарлар сотишдан олинadиган даромадлар» смети

6. Сотилган санасига булган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича товар инвойси ва ЮБД бўйича консигнация товарлари қийматига ва консигнантнинг даромадига (агар бу шартнома шартида назарда тутилган бўлса).

Д-т 9120 «Сотилган товарлар таннархи» смети

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар» смети

Шу билан бирга сотилган консигнация товарлари суммаси 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» балансдан ташқари счетидан чиқарилади.

7. Консигнацион товарларни сотишдан тушган суммани киримга олиш.

Д-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети

8. Консигнаторнинг ялпи фойда суммасига.

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» смети

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа» смети

9. Сотилган маҳсулот ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

10. Божхонада тўланган ҚҚС суммаси ушлаб (зачет) қолинганда.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

К-т 4510 «Солиқлар бўйича бунақ тўловлари» смети

11. Бюджетга ўтказиб берилган ҚҚС суммасига (фарқига).

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

К-т 5110- «Ҳисоб – китоб смети»

12. Давр харажатларини (ҳисобланган божхона харажатлари ва акциз солиқлари) ҳисобдан чиқарилиши.

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа» смети

К-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар» смети

Ялпи даромаддан ва ягона солиқ тўловчи консигнаторлар балансида консигнация товарларини сотиш ҳисоби қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

1. Ҳисобланган ҚҚС, божхона тўловлари ва акциз солиқ суммасига.

Д-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар» смети

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

2. Тўланган ҚҚС, божхона тўловлари ва акциз солиқ суммасига.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» смети

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб смети»

3. Товарларни сотишдан тушган ялпи тушум суммасига.

Д-т 5110 «Ҳисоб – китоб смети»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети

4. Консигнаторнинг комиссия суммаси қўшилган ҳолда консигнация товарлари қийматига.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети

К-т 9020 «Товарлар сотишдан олинadиган даромадлар» смети.

5. Сотиш санасига бўлган Марказий банк курси бўйича консигнаторнинг даромад суммасига ва ЮБД бўйича консигнация товар қийматига:

Д-т 9120 «Сотилган товарлар таннари»

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар»

Шу билан бирга сотилган консигнация товарлар қиймати 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» балансдан ташқари сметида чиқарилади.

6. Консигнаторнинг ялпи даромад суммасига:

Д-т 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар»

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

7. Ялпи даромаддан олинadиган солиқ суммаси ҳисобланганда:

Д-т 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Ушбу ҳисобланган солиқ тўланганда:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети»

8. Давр харажатларини ҳисобдан чиқарилиши:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9439 «Бошқа операцион харажатлар»

## ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБИ

Республика корхоналари 1995 йилдан бошлаб харажатлар ҳисобини 1995 йил январ ойида тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида юрита бошлади.

1999 йилнинг 5 феввалида тасдиқланиб амалга янгиланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» тадбиқ этилди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича амалдаги норматив ҳужжатларни инobatта олган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган харажатларни бир ҳилда белгилашни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Низом харажатларни бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадида доимий фарқларини инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Солиққа тортиладиган база бухгалтерия фойдасидан фарқланади, чунки корхона харажатларининг бир қисми солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиладиган базани камайтирмаслиги керак ва шунинг учун солиққа тортиладиган базани тўғри аниқлаш мақсадида уни бухгалтерия фойдасига қўшиш керак.

Низомга биноан барча харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, лекин 94 «Давр харажатлари» сметига киритилиб ҳисобот даври охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» сметининг дебетида ўтказиладиган харажатлар;

- хўжалик юритувчи субектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлар;

- хўжалик юритувчи субектнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ходисалар ва операциялар натижасида вужудга келадиган фавқулодда зарарлар.

Давр харажатларини ҳисобга олиш учун счетлар Режасида 94 «Давр харажатлари ҳисоби» смети белгиланган бўлиб унда 5 та счет бор:

9410 «Сотиш харажатлари ҳисоби»

9420 «Маъмурий харажатлар ҳисоби»

9430 «Бошқа операцион харажатлар ҳисоби»

9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари (харажат турлари бўйича) ҳисоби»

9450 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисоби»

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган қуйидаги харажатлар тушунилади: маҳсулот сотиш бўйича харажатлар, бошқариш ва умумхўжалик йўналишидаги бошқа харажатлар.

Юқорида санаб ўтилган харажатларнинг барчаси комплекс харажат бўлиб, уларнинг ҳисоби харажат элементлари бўйича ташкил этилади: материаллар, иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, амортизация ва бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари ҳисоби 9410- счегининг қуйидаги счегларида ҳисобга олинади:

9411 «Сақлаш ва ташиш харажатлари»

9412 «Реклама ва сотишга қўмақлашиш харажатлари»

9413 «Ўраш, қайта саралаш ва идиш харажатлари»

9414 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар»

9415 «Меҳнат ҳақи фондидан ажратмалар»

9419 «Бошқа савдо харажатлари»

Юқорида келтирилган счегларда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- темир йўли, ҳаво, автомобил, денгиз, дарё, от — арава транспортларида ташиш харажатлари. Бу харажат моддасига юк ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек бекор туриб қолган транспорт воситалари учун тўланган жарималар ҳам киритилади;

- савдо ва умумовқатланиш корхоналарининг муомала харажатлари, жумладан;

- Низомнинг 1. 2. бандида санаб ўтилган, маъмурий бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақларидан ташқари, маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш билан боғлиқ бўлган меҳнат ҳақи харажатлари;

- меҳнат ҳақи фондидан ажратмалар;

- ижара ҳақлари, савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни асраш ва таъмирлаш харажатлари;

- Низомнинг 1. 4. бандига биноан асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси;

- санитар кийимлари, ошхона дастурхонлари ва сочиқлари, арзон ва тез эскирувчи буюмлари, ошхона идиш — товоқлари ва анжомларининг эскириши;

- газ, ёқилги, электроэнергия харажатлари;

- товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни саралаш харажатлари;

- савдо рекламаси харажатлари;

- ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортиқча йўқотилиши;
  - ураш – жойлаш материаллари харажатлари;
  - мол – мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;
  - меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари;
  - вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуқлар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ураш бўйича (нокапитал характердаги) жорий харажатлар;
  - махсус кийим – бош ва махсус пойафзалнинг эскириши;
  - махсус кийим – бош ва махсус пойафзал ва якка тартибдаги ҳимоянинг бошқа воситалари ювилганлиги, тузатишганлиги ва дезинфекция қилинганлиги учун кир ювувчилар, тузатувчилар ва бошқа юридик шахсларга ҳақ тўлаш;
  - махсус кийим – бош ва пойафзални ювиш ва тузатишга сарфланган материаллар қиймати;
  - умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўриқдан утказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш;
  - касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;
  - умумий овқатланиш корчоналарида қоғоз – салфеткалар, қоғоз – дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати;
  - сотиш бозорларини ўрганиш бўйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар);
  - юқорида санаб ўтилмаган бошқа сотиш харажатлари.
- Маъмурий харажатлар ҳисоби 9420- сўннинг қуйидаги сўнларида юритилади:
- 9421 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар»
  - 9422 «Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар»
  - 9423 «Умуммаъмурий асосий воситаларининг амортизацияси бўйича харажатлар»
  - 9424 «Умуммаъмурий асосий воситаларининг ижараси бўйича харажатлар»
  - 9425 «Умуммаъмурий асосий воситаларини суғурта харажатлари»
  - 9426 «Умуммаъмурий номоддий активларининг амортизацияси бўйича харажатлар»
  - 9427 «Юқори ташкилотларни асраш харажатлари»
  - 9429 «Бошқа маъмурий харажатлар»
- Юқорида келтирилган сўнларда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- Низомнинг 1. 2. бандида санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
  - Низомнинг 1. 3. бандида санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
  - хизмат енгил автотранспортга ва хизмат микроавтобусини асраш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;
  - ҳўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари;
  - бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини асраш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;
  - ижара хизматлар кўрсатилганлиги учун алоқа узелларига ҳақ тўлаш (АТС, уяли, йўлдош, пейжинг алоқа);
  - шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун белгиланган нормативлар доирасида ва улардан ортиқча ҳақ тўлаш;
  - маъмурий – бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш;
  - маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни асраш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш (амортизация) харажатлари;
  - юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар;
  - ходимларни ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мол – мулкни мажбурий суғурта қилиш;
  - бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар;
  - белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча миқдордаги вакиллик харажатлари;
  - умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари;
  - бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан йўл қўйиладиган нормалар доирасида ва улардан ортиқча ифлослантирувчи моддаларнинг атроф муҳитга чиқарилганлиги (ташланганлиги) учун тўловлар.
- Бошқа операцион харажатлар ҳисоби 9430- сўтнинг қуйидаги сўтларида юритилади:

9431 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими бўйича зарарлар»

9432 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими буйича зарарлар»

9433 «Моддий бойликларнинг камомоди ва бузилиши буйича харажатлар»

9434 «Даргумон қарзлар буйича харажатлар»

9435 «ТМЗ лар қийматини камайтиришдан зарарлар»

9436 «Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар қийматини камайтиришдан зарарлар»

9439 «Бошқа операцион харажатлар»

Юқорида келтирилган счетларда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун нормалар доирасида ва улардан ортиқча кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно;

- лойиҳа ва қурилиш – монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя, нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб – ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бўлган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар куриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади;

- маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;

- аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг қатнашчиларидан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси буйича ўтказиладиган аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;

- ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан зарарлар;

- саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларининг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар) ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари;

- компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;

- бирйўла тўланидиган мукофотлар ва тақдирлашлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига кўра кун, йиллик хизмати учун ҳақ тўлаш (натурадаги тўловлар ҳам шу жумлага киради), шунингдек, улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказилган суммалар;

- қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланидиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

- вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ;

- асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш;

- икки ва ундан кўп болалари ёки ўн олти ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга қонунчиликка мувофиқ қўшимча меҳнат таътили ҳақини тўлаш;

- ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

- ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўлланмалари, спорт секцияларида, тўғарақларда, клублардаги машғулоти, маданий - кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш;

- иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар;

- қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар;

- пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланидиган нафақалар;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар;

- ходимларга тўланидиган моддий ёрдам;

- соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва

харажатлари ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат хокимияти органлари томонидан белгиланган нормативлар доирасидаги ва улардан кўпроқ харажатлар;

- вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

- банк ва депозитарий хизматларига тўловлар;

- экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;

- бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланадиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига қўшиладиган махсус бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар.

9440 – «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» сметида ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайдиган, лекин, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун қилинган харажатлардан режалаштирилган самарага эришилган ҳолда, келгуси ҳисобот даврларида солиққа тортиладиган базадан камайтириладиган харажатлар ҳисобга олинади.

Ҳисобот даврида 9440 – сметида дебетида йиғилган харажатлар шу давр охирида (ой, чорак, йил) 9900 «Якуний молиявий натижа» сметида дебетида утказилади. 9440 – сметида дебетида ҳисобга олинган харажатлар балансдан ташқари 010 – «Вақтли тафовутлар бўйича харажатлар» сметида йиғиб борилади. Содир бўлган муомалалар суммасига 9440 – сметида дебетида ёзилиши билан бир вақтнинг ўзида 010 – балансдан ташқари сметида киримида ҳам ёзиб борилади. 010 балансдан ташқари сметида қиқимида ҳисобга олинган харажатлар бу тадбир учун сарфланган харажат ва ундан олинган самара муддатига қараб тузилган махсус расчега асосан ҳисобдан чиқарилганда ёзилади.

Бу муддат 10 йилдан ошмаслиги керак.

9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» балансли сметида ва 010 «Вақтли тафовутлар бўйича харажатлар» балансдан ташқари сметида қўйидагилар ҳисобга олинади:

- хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштириш харажатлари;

- машина ва механизмларнинг айрим турларини яқка тартибда синаб қўриш ҳамда барча турдаги асбоб – ускуналар ва техника қўрилмаларини уларнинг ўрнатилиши сифатини

текшириб кўриш мақсадида (ишлатилаётган ҳолатда) комплекс синаб кўриш;

- асбоб - ускуналарни ишлаб чиқарган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган корхоналар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж;

- қурилаётган корхона дирекциясининг, дирекцияси бўлмаган тақдирда - техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

- янги ишга тушириладиган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар таёрлаш харажатлари;

- янги технологияларни яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек илмий тадқиқотлар, тажриба - конструкторлик ишларини ўтказиш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар;

- бошқарув тизимлари ва воситаларни яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар;

- серияли ва кенг қўламда чиқариладиган маҳсулотлар янги турларини ишлаб чиқаришни ҳамда технология жараёнларини тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари;

- қонунчиликка мувофиқ ишчи кучларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар;

- ихтирочилар ва ишлаб чиқариш тусидаги рационализаторликка, тажриба - синов ишларини ўтказиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлар бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаб кўриш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриклар, танловлар, сертификатлашни ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлик мукофотларини тўлаш ҳамда бошқа харажатлар;

- қазилмаларни қазиб олиш соҳаларидаги тайёргарлик ишлари харажатлари, агар улар капитал харажатларга таалуқли бўлмаса (яъни асосий фондлар сифатида сармоя билан таъминланмаса);

- хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

Маълумки, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом давлатнинг солиққа тортиш тартиб ва қоидаларни бекор қилмайди. Лекин бу Низом корxonанинг харажатлари, таркибида барча харажатларни нормадан ортиқ сафар, вакиллик, реклама, мукофотлар, нафақалар, узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳақ харажатлари,

жарима, боқиманда, неустойка, дебитор қарзларни ҳисобдан чиқариш, нораціонал харажатлар, камомад, ўғриликлардан бўлган йўқотишлар ва шу кабиларни ҳисобга олишни талаб қилади. Шунинг учун солиққа тортиладиган базани аниқлаш мақсадида шу ва шунга ўхшаш харажатларни бухгалтерия проводкасида баланс фойдасига қўшиш зарурияти туғилади. Эслатиб ўтамиз, баланс фойда бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар минус молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар ва плюс фавқултда вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади.

Солиққа тортиладиган база қуйидаги тартибда ҳисобланади: даромад (фойда) солиғи тўлангунгача бўлган даромад (фойда) ёки зарар суммаси плюс 1 - иловада келтирилган бухгалтерия (баланс) фойда билан солиқ солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар плюс ёки минус 2 - иловада келтирилган сарфланган харажатларни солиқ олинadиган базадан чегириб ташлаш вақтидаги тафовутлар.

Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун бухгалтерия фойдасидан қандай харажатларни чиқариб олиб қўшимча солиққа тортилиши Низомнинг 1 - «Солиқ солинадиган базага киритилadиган харажатлар моддалари (чегирилмайdиган харажатлар ёки доимий тафовутлар)» иловасида келтирилган.

Ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун бухгалтерия фойдасидан қандай харажатларни чиқариб олиб қўшимча солиққа тортилиши Низомнинг 2- «Ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайdиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилadиган харажатлар (вақтлар бўйича тафовутлар)» иловасида келтирилган.

9450 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисоби» сметида маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонанинг асосий фаолияти доирасидаги ишларни бажариш ва хизматлар билан боғлиқ бўлмаган сарфлар ҳисобга олинади. Уларга соғлиқни сақлаш объектларини, болалар боғчаларини, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини, спорт ва маданият объектлари, каби корхона балансида турувчи объектларни асраш ва улардан фойдаланиш сарфлари киради.

Ҳисобот даврида 9450 - сметида дебитида йиғилган харажатлар шу давр охирида (ой, чорак, йил) 9900 «Якуний молиявий натижа» сметида дебитида ўтказилади.

**ФОНДЛАР ВА КРЕДИТЛАР ҲИСОБИ****11.1. УСТАВ КАПИТАЛИ ВА ТАЪСИСЧИЛАР БИЛАН  
ҲИСОБ - КИТОБЛАР ҲИСОБИ**

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўз молиявий ресурсларини мустақил шакллантиришлари мумкин. Корхона молиявий ресурсларинининг асосий манбалари бўлиб фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, акционерлар юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари, шунингдек кредитлар ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобланади.

Корxonанинг ўз маблағларини шакллантириш асосий манбаи бўлиб унинг мулкдорлари томонидан корхонага қўйилган маблағлар мажмуи бўлган устав капитали ҳисобланади. Устав капиталини шакллантириш тартиби қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Чунончи, давлат корхоналарининг устав фонди корхона фойдаланишга топширилган вақтида ўз фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан (бюджет ҳисобидан) ажратилган маблағлар (қурилиш, монтаж, соzлаш ишлари харajatлари, асбоб - ускуналар, айланма маблағлар ва пул маблағлари қиймати) ни акс эттиради.

Нодавлат тижорат структураларининг устав капитали акционерлар (таъсисчилар) томонидан қўйилган (пул, моддий ва бошқа) маблағлар ҳисобидан шакллантирилади, ва шунинг учун ҳам бир неча юридик ва жисмоний шахслар - акционер жамиятини, ширкат ва бошқа ташкилий - ҳуқуқий шаклдаги жамоат мулкани ташкил этади.

Юридик шахснинг кенг тарқалган тури булиб акционер жамиятлари ҳисобланади ва шунинг учун акционер жамиятларининг устав капитали ҳисобини кўриб чиқамиз.

Акционер жамияти деб махсус ном билан таъсис этиладиган, маълум миқдорда тенг қисмларга бўлинган (акциялар) асосий (устав) капиталига эга бўлган, ва мажбуриятлари бўйича фақат ўзининг мулки билан жавоб берадиган юридик шахслар тушунилади. Бу таъсисчиларнинг тенглик принципига асосланган ихтиёрий бирлашмадир. Асосий шarti - фаолиятига ўз капиталини қўйиш, яъни акционер жамияти (АЖ) - бу капиталнинг бирлашиши демакдир. Акционер жамиятининг фаолияти устав билан белгиланади. Акционер жамиятининг мажбуриятлари бўйича акционерлар мулклари билан тула масъулиятли эмас, уларнинг масъулиятлари фақат устав капиталига қўйилма билан чекланади.

Акционер жамиятлари очик ва ёпиқ типда бўлиши мумкин. Очик типдаги акционер жамияти ўз акцияларини очик тарқатади; унинг акциялари бир шахсдан иккинчи шахсга бемалол ўтиши мумкин, яъни қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи муомалада бўлиши мумкин.

Ёпиқ типдаги жамиятлар акцияларини бозорга чиқармайдилар (сотилмайди). Пай тасарруфчиси қолган акционерларнинг розилигисиз ўз пайини бошқа қўлга ўтказиб беролмайди.

Акционер жамиятининг устав капиталини ҳажми унинг уставада кўрсатилади ва унинг ўзгариши уставини ўзгариши учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Устав капитали миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарор, агар корхонанинг устав капиталини янги миқдори рўйхатдан ўтказилган бўлса, умумий мажлис қабул қилган кундан бошлаб кучга киради.

Жамият таъсис этилган пайтдаги устав капитали бир хилда номинал қийматга эга бўлган олдиндан белгиланган миқдордаги бир қанча оддий акциялардан иборат бўлиши керак. Акционер жамиятлари фақат номи кўрсатилган акциялар чиқаради ва улар албатта тегишли ресстрларда рўйхатдан ўтказилиши керак. Акцияларни тўлаш мулклар, иншоотлар, номоддий активлар ва бошқа моддий қийматликларни, сўмдаги ва хорижий валютадаги пул маблағларини ўтказиш йўли билан бўлиши мумкин.

Устав (фонди) капиталининг ҳисоби 8510 «Устав капитали (фонди)» счетида юритилади. Бу счел пассив бўлиб қуйидаги счелларга бўлинади:

8511 «Оддий акциялар»

8512 «Имтиёзли акциялар»

8513 «Пай ва қўйилмалар»

Юқорида келтирилган счеллар давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг устав фондиди ва акционер жамиятлари ва ширкатларнинг устав капиталини ҳисобга олиш учун тайинлаган.

Бу счелларда рўйхатдан ўтказилган миқдор доирасидаги ҳақиқий устав капитали, ёки тўланган акцияларни номинал қиймати акс эттирилади. Устав капиталининг миқдори уставда рўйхатдан ўтказилган суммадан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Таъсисчиларга қайтарилган улуши устав капитални камайтирмайди, балки акционер жамияти томонидан ўз акцияларини сотиб олингандек расмийлаштирилиб 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли» счелларнинг дебетида акс эттирилади.

Бу счелларнинг дебет оборотлари устав капиталини камайишини, кредит обороти эса қонунчиликка биноан турли сабабларга кўра устав капиталини кўпайишини кўрсатади.

8511, 8512 ва 8513 – счeтларда акс эттириладиган муомалаларнинг ҳисоби 12 – журнал – ордeрда юритилади.

Акционер жамиятларининг таъсисчилари (акционерлар) билан олиб бoриладиган ҳисоб – китоблар тартибини кўриб чиқамиз.

Акционер жамият рўйхатдан ўтгандан сўнг рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига жамият олдида акционерларнинг қарзи вужудга келади. Таъсисчилар билан олиб бoриладиган ҳисоб – китобларнинг ҳисоби 4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счeтида олиб бoрилади.

Рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига 4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счeти дебетлаиб 8511 «Оддий акциялар», 8512 «Имтиёзли акциялар» ва 8513 «Пай ва қўйилмалар» счeтлари кредитланади.

4710 – счeти актив бўлиб, дебет сальдоси ой бошига қолган таъсисчиларнинг қарзларини кўрсатади. Дебет обороти ҳисобот ойда вужудга келган таъсисчиларнинг қарзларини акс эттирса, кредит обороти дебитор қарзларни камайишини, яъни таъсисчилар томонидан ўтказиб берилган пул маблағлари, материал қийматликлар ва мулклар қийматини кўрсатади.

Қуйида, устав капитали маблағларини ҳаракати бўйича муомалаларни акс эттириш чизмаси келтирилади.

8511 «Оддий акциялар»  
8512 «Имтиёзли акциялар»  
8513 «Пай ва қўйилмалар» счeтлари

Д-т	Корреспондентланувчи счeтлар	К-т
	Счeтларнинг кредити	Счeтларнинг дебети
6620 –	Устав капиталининг камайиши	Рўйхатдан ўтиш вақтида устав капиталини ташкил этилиши
8610,	Сотиб олиниб бeкор қилинган акцияларни ҳисобдан чиқарилиши	-4710
8620 –	Акционер жамиятининг зарарини қоплаш учун устав капитали суммасини йуналтирилиши	Тақсимланмаган фойда ҳисобига устав капиталини кўпайиши
8710 –		-8710

Жамиятнинг акционерлари махсус реестрда рўйхатга олинади. Қўйилмалар бўйича акционерлар билан олиб бoриладиган ҳисоб – китобнинг аналитик ҳисоби акционерларнинг ҳар бири бўйича карточкаларда ёки ведомостларда устав капиталига қўйилмалар бўйича қарзлари, қарзларни қайтариш муддати, қарзни қайтариш ҳисобига топширилган активлар суммаси кўрсатилган ҳолда юритилади. Сотиб олинган акциялар суммасини таъсисчилар асосий воситалар, номоддий активлар, сўмда ва хорижий валюта пул

маблағлари ва бошқа материал қийматликлари билан тўлаш мумкин.

Қуйида таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб – китоблар бўйича муомалаларни акс эттириш чизмаси келтирилади.

4710 «Устав капитали (фонди) га улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счети

Д-т		Корреспондентланувчи счотлар		К-т	
Счотларнинг кредити		Счотларнинг дебети			
8511,	Устав	Таъсисчилар қарзларининг			
8512,	капиталига	тўланиши:			
8513-	улушлар бўйича таъсисчилар қарзларини ташкил этилиши	Асосий воситалар билан	-0111-0190		
		Номоддий активлар билан	-0410-0490		
		Пул маблағлари билан	-5010, 5110, 5210		
		Бошқа активлар билан	-10, 12, 2910		

Аналитик ҳисоб юритиш учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари, асосий воситалар ва номоддий активларни қабул қилиш – топшириш далолатномалари, кирим касса ордерлари ва бошқалар ҳисобланади.

Акционер жаамиятларининг ҳужалик фаолияти амалдаги қонунчилик асосида олиб борилса, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва молия – ҳужалик фаолиятининг ҳисоби 1999 йили 5 февралда тасдиқланган харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан юритилади. Чунончи, жаамият томонидан олинган баланс фойдага харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1 ва 2 – иловаларига биноан ҳисобот даврида сотилган маҳсулот таннархига, ёки давр харажатларига, ёки фойдани камайтиришга киритилган харажатлар қўшилади. Натижада солиққа тортиладиган база аниқланиб, ундан фойда (даромад) дан ажратма солиғи суммаси ҳисобланади.

Фойданинг қолган суммаси (солиққа тортилганга қадар умумий молиявий натижа минус фойдадан ажратма солиғи суммаси) соф фойда ҳисобланиб, у акционерлар мажлисининг қарорига биноан тақсимланади. Меҳнат жамоасининг тасарруфида, қолган соф фойда, одатда, икки мақсадга фойдаланилади: дивиденд тўлашга ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳам ижтимоий эҳтиёжлар учун. Дивиденд ҳар чоракда ёки бир йилда бир марта тўланиши мумкин. Оралиқ дивиденд директорлар кенгаши томонидан эълон қилиниб қатъий белгиланган миқдорда бўлади. Йиллик дивидендлар миқдори акционерларнинг умумий мажлиси томонидан йиллик иш натижаси бўйича белгиланади. Йиллик дивидендларга оралиқ ҳисобланган дивидендлар қўшилмайди. Дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш Молия Вазирлиги ва Давлатмулкқўмитаси томонидан 1999 йил 26 ноябрда қабул қилинган «Акционерлар

жамиятлари томонидан дивидендлар ҳисоблаш, тўлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом» га асосан расмийлаштирилади.

Имтиёзли акциялар бўйича олдиндан белгиланган дивиденд уларни муомалага чиқарган пайтда кўрсатилади. Бундай акциялар бўйича дивидендлар олинган фойда миқдоридан қатъий назар биринчи навбатда ҳисобланади ва тўланади. Башарти имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш учун олинган фойда етарли бўлмаса, махсус ташкил этилган резерв капитали ёки бошқа манбалардан фойдаланилади. Муомалага чиқарилмаган акциялар бўйича дивиденд ҳисобланмайди. Агар АЖ уставида назарда тутилган бўлса, дивидендлар акциялар, облигациялар, товарлар билан тўланиши мумкин. Жамият солиқни ҳисобга олмаган ҳолда дивиденд эълон қилади. Дивиденд фақат қўшилган улушга ёки сотиб олинган акциялар учун тўланган суммага мутаносиб равишда берилади. Дивиденд тарзида олинган даромаддан солиқ дивидендларни тўлаш манбаида, яъни акционер жамиятида ушлаб қолинади.

Акционерлар билан даромадлар бўйича олиб бориладиган ҳисоб 6610 «Тўланадиган дивидендлар» сче­тида юритилади. Бу сче­т пас­сив бўлиб, унинг кредит қол­ди­ғи АЖ нинг акционерлар олдидаги қарзини кўрсатади, дебет обороти ушланган солиқ ва тўланган дивидендлар суммасини акс эттиради. Акционер жамиятида ишлаётган ходимларга дивидендлар ҳисобланса, 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб – китоблар» сче­тидан фойдаланилади.

Дивидендлар акционерларнинг умумий мажлиси протоколи ва қарорига биноан ҳам ушланган солиқлар тўғрисидаги бухгалтериянинг справ­ка­си бўйича ҳисобланади. Дивидендларни нақд пул ва нақд пулсиз тўланиши касса чиқим ордери ва тўлов топшириғи билан расмийлаштирилади.

Юридик ва jisмоний шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган (Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 29 ва 56 бандлари) ставкаларда тўлаш манбаида солиққа тортилади.

Акционер жамиятидан чиқиб кетаётган таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб – китоблар ҳисоби 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» сче­тида юритилади. Бу сче­т пас­сив бўлиб кредитида чиқиб кетаётган таъсисчиларга тўланадиган сумма акс эттирилса, дебетиде уларга тўланган сумма кўрсатилади.

Чиқиб кетаётган таъсисчилардан акциялар сотиб олинса, 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий» ёки 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар – имтиёзли» сче­тлари

дебетланиб 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлари» смети кредитланади.

Сотиб олинган акциялар бўйича пули тўланганда 6620-смет дебетланиб 5010, 5110-сметлари кредитланади. 6610 «Тўланадиган дивидендлар» ва 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» сметлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир акционер бўйича 7-ведомостда юритилади. Синтетик ҳисоб эса 8-журнал – ордерда акс этирилади.

**Таъсисчиларга қарзлар ҳисоби (66) смети бўйича  
сметлар корреспонденцияси**

№	Ҳужалик муомалаларининг мазмуни	Сметлар корреспонденцияси		Езувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Акционерларга дивидендлар ҳисобланди	8710	6610	Мажлис баённомасидан кучирма, дивидендлар ҳисоби
2	Ҳисобланган дивидендларни тўлаш	6610	5010, 5110	Касса ҳисоботи банкнинг кучирмаси
3	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар ҳисобланди	8620	6620	Мажлиснинг баённомасидан кучирма, раҳбарнинг буйруғи
4	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзларни тўланиши	6620	5010, 5110	Касса ҳисоботи, банкнинг кучирмаси
5	Акционерлардан даромад солиғи ушланди	6610,	6410	Бухгалтерия расчети

**11.2. ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ ҲИСОБИ**

Акционер жамиятларида қўшилган капиталнинг бухгалтерия ҳисоби 8520 «Қўшилган капитал ҳисоби сметлари» нинг қуйидаги сметларида ҳисобга олинади:

8521 «Эмиссион даромад»

8522 «Устав капитални шакллантиришда курсдаги фарқлар»

8523 «Бепул олинган мулк»

Юқоридаги сметлар оддий ва имтиёзли акциялар бўйича номинал қийматидан ортиқ олинган, шунингдек бепул олинган мулкларни мавжуд суммаларини ва уларнинг ҳаракатини умумлаштириш учун тайинланган.

8521 «Эмиссион даромад» сметида акцияларни таъсисчиларга бирламчи сотишда номинал қийматидан ортиқча тушган сумма ҳисобга олинади. Бу вақтда 5010, 5110, 5210 – сметлар дебетланиб 8521 «Эмиссион даромад» смети кредитланади. Бу сметнинг дебетида ўз акцияларини сотиб

олиши ва бекор қилишда ташкил бўлган салбий фарқ суммаларини қопланиши акс эттирилади. Бу вақтда 8521 «Эмиссион даромад» смети дебетланиб 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар – имтиёзли» сметлари кредитланади.

8521 «Эмиссион даромад» смети бўйича аналитик ҳисоб оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида юритилади.

8522 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» смети устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курсдаги фарқларни ҳисобга олиш учун тайинланган.

Устав фондини шаклланишида валюта ва валюта қийматликлари устав фондига бадал қўйилган вақтдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликлари ва бошқа мулкларнинг баҳоси таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш пайтидаги баҳосидан фарқланиши мумкин. Бу вақтда вужудга келадиган курсдаги фарқи 8522 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» сметида ҳисобга олинади.

Баҳолар орасидаги ижобий фарқ суммасига мулк, валюта ва валюта қийматликларини ҳисобга оладиган сметлар дебетланиб, 8522 «Устав фондини шакллантиришда курсдаги фарқлар» смети кредитланади, салбий фарқи эса аксинча проводкалар билан расмийлаштирилади. Баҳолардаги фарқларни шу тартибда ҳисобдан чиқариш таъсис ҳужжатларида келишилган таъсисчиларнинг устав капиталидаги улушини ўзгартирмаслик имкониятини беради.

Устав капиталини шакллантиришда вужудга келадиган курс фарқларининг аналитик ҳисоби, очик турдаги акционер жамиятининг акционерлари билан олиб бориладиган ҳисоб – китоблар ҳисобидан ташқари, ҳар бир таъсисчилар бўйича юритилади.

8523 «Бепул олинган мулк» смети қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол – мулкларни ҳисобга олиш учун тайинланган.

Мол – мулклар бепул олинганда, олинган мол – мулкларни ҳисобга оладиган смет дебетланиб 8523 «Бепул олинган мулк» смети кредитланади. Бепул олинган мол – мулклар қиймати фойда (даромад) дан ажратма солиғига тортилади. Бепул олинган мол – мулкни солиққа тортиш тартиби Ўз. Р Солиқ Кодекси билан белгиланади.

Қўшилган капитал ҳисоби бўйича счетлар  
корреспонденцияси (8520)

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Ёзувни тасдиқловчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	2	3	4	5
1	Акцияларнинг номинал қиймати билан эмиссион қиймати орасидаги фарқ суммаси қабул қилиш	5110 5010 5020 5210	8521	Кирим касса ордери, банкнинг кучирмаси
2	Сотиб олинган ўз акцияларини ижтисомчи сотишдан пул тушди	5110 5010 5020 5210	8610 8620	Кирим касса ордери, банкнинг кучирмаси
3	Сотиб олинган акцияларини қайта сотишда сотиб олган нархдан кам сотилганлиги учун фарқи эмиссион даромад ҳисобидан қопланди	8521	8610 8620	Таъсисчилар қарори, банкнинг кучирмаси
4	Сотиб олинган акцияларни бекор қилишда акцияларни номинал қиймати билан сотиб олиш баҳоси орасидаги салбий фарқи эмиссион даромад ҳисобидан қопланди	8521	8610 8620	Таъсисчилар қарори
5	Устав капиталини шаклланишида капитални тулаш пайтида вужудга келган ижобий курс фарқи	4710 4890	8522	Таъсисчилар қарори, банкнинг кучирмаси
6	Устав капиталини шаклланишида капитални тулаш пайтида вужудга келган салбий курс фарқи	8522	4710 4890	Таъсис хужжатлари, бухгалтерия расчети
7	Қимматли қоғозлар бепул олинди	0610 5810	8523	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладной
8	Асосий воситалар бепул олинди	0110- 0192	8523	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладной
9	Жорий ижара бўйича қайтарилган асосий воситаларга ижарачи томонидан қилинган капитал қўйилмалар қийматига ижарага берувчи асосий воситалари қийматини кўпайтириши	0110- 0199	8523	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия расчети

Очиқ типдаги акционер жамиятлари умумий мажлис қарори бўйича акцияларни номинал қийматини кўпайтириш ёки қўшимча акциялар чиқариш йўли билан устав капиталини кўпайтиришлари мумкин. Содир бўлган зарарларни қоплаш учун устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди. Акционерларнинг умумий мажлиси устав капиталини камайтириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилиши мумкин. Устав капиталини камайтириш акцияларни номинал қийматини камайтириш йўли билан ёки акцияларни умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан бўлиши мумкин. Очиқ типдаги акционер жамиятининг устав капиталини камайтириш жамиятнинг барча кредиторларини огоҳлантиргандан сўнг амалга оширилади.

### **11.3. РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИНГ ҲИСОБИ**

Амалдаги қонунчиликка биноан ҳужалик юритувчи субъектлар ўзларининг соф фойдасидан таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда резерв капитали ташкил этиши мумкин. Резерв капиталига ҳар йили уставда белгиланган миқдоргача ажратилади.

Башарти амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, бошқа тижорат ташкилотлари ҳам резерв капиталини ташкил этишлари мумкин.

Резерв капиталининг тайинланиши – содир бўладиган корхонанинг баланс зарари ва бошқа тўловларини қоплашдир.

Очиқ типдаги акционер жамиятларида резерв капиталидан, фойда етарли бўлмаган ёки йўқ бўлган ҳолларда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун ҳам фойдаланилади.

Резерв фондини тўлдириш учун асосий воситаларнинг индексация фонди суммаси ҳам йўналтирилади.

Резерв фонди ҳаракатининг ҳисоби 8530 «Резерв капитали» сечининг сечларида ҳисобга олинади:

8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

8532 «Резерв капитали»

8535 «Ҳисоботни консолидация қилишда содир бўладиган курсдаги фарқлар»

8531 – сечетида активларни қайтадан баҳолаш натижасида уларнинг қийматини ортиши ҳисобга олинади. Бу сечт пассив бўлиб активларни қайта баҳолаш натижасида резерв капиталини ташкил этилиши ва тўлдирилиши 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сечининг кредитида акс эттирилиб, тегишли қиймати кўпайтирилган активларни ҳисобга оладиган сечтлар дебетланади.

Башарти қайтадан баҳолаш натижасида активларнинг қиймати камайтирилса, худди шу актив тури бўйича қайтадан

баҳолаш натижасида ортган қиймати тугагунча 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» смети дебетланиб тегишли активларни ҳисобга оладиган счетлар кредитланади. Ундан ортигига 9439 «Бошқа операцион харажатлар» смети дебетланиб тегишли активларни ҳисобга оладиган счетлар кредитланади.

8531-сметнинг қолдиги балансида «Резерв капитали» моддаси бўйича кўрсатилади.

8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сметининг дебетига қуйидаги ҳолларда ёзилади:

- қайтадан баҳолаш натижасида мулклар қийматини камайиши;

- қайтадан баҳолаш натижасида инвестиция қийматини камайишини қоплаш;

- корхонанинг тугатилишида таъсисчилар орасида тақсимланмаган сумма. Бунда 8531-смет дебетланиб 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» смети кредитланади.

8532 «Резерв капитали» сметида ҳужалик юритувчи субъектлар ўзларининг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда резерв капитали ташкил этилганда ёки тўлдирилганда акс эттирилади. Бу вақтда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» смети дебетланиб 8532 «Резерв капитали» смети кредитланади.

Резерв капиталидан фойдаланилиши 8532 «Резерв капитали» сметининг дебетига акс эттирилади. Масалан, акционер жамиятининг дивиденд тўлаш учун фойдаси йўқ бўлса, ёки етмаса резерв капитали ҳисобидан дивидендлар ҳисоблаш бўйича қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8532 «Резерв капитали»

К-т 6610 «Тўланадиган дивидендлар»

8535-смети хорижий деб таснифланувчи ўзбек корхоналари ва уларнинг шуъба компаниялари ёки вакилликлари ҳисоботларини консолидация қилишда содир бўладиган курслар фарқларини ҳисобга олиш учун тайинланган.

Қуйида резерв капитали бўйича (8530) счетлар корреспонденциясини келтирамыз.

№	Муомалалар мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Езувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	2	3	4	5
1	Активларни қўшимча баҳолаш натижасида резерв капиталининг қўпайиши	0110- 0199 0610- 0690	8531	Қўшимча баҳолаш қарори бухгалтерия расчети

1	2	3	4	5
2	Олдинги қўшимча баҳолаш қиймати доирасида активлар қийматини камайтирилиши натижасида резерв капиталининг камайиши; Олдинги қўшамча баҳолаш қийматидан ортиқча активлар қийматини камайиши	8531  9439	0110- 0199 0610- 0690 0110- 0199 0610- 0690	Қийматини камайтириш тўғрисида қарор, бухгалтерия расчети
3	Қимматли қоғозларни сотиш натижасида резерв капиталини камайиши. Бу қимматли қоғозлар бозор баҳосида олдин қайтадан баҳоланиб қўшимча баҳоланган сумма қимматли қоғозларга қўйилган маблағлар бўйича тузатиш счетиға ўтказилган эди	8531	9560	Банкнинг кучирмаси, бухгалтерия расчети
4	Ҳукумат қарори билан асосий воситалар, тугалланмаган курилишларни қўшимча баҳолаш	0810- 0820 0111- 0199 0310, 0710- 0720	8531	Қўшимча баҳолаш қарори. Бухгалтерия расчети
5	Қуйидаги сабабларга кўра эскириш суммасини индексациялаш: - қўшимча баҳолаш - баҳосини камайтириш	8531 0211- 0290	0211- 0290 8531	Қайта баҳолаш тўғрисида қарор, бухгалтерия расчети
6	Резерв капиталини ташкил этилиши	8710	8532	Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия расчети
7	Ижарачилар томонидан ижарага олинган асосий воситаларга сарфланган капитал қўйилмалар суммасига ижарага берувчининг балансида	-110- 0190	8523	Таъсисчилар қарори, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бухгалтерия расчети
8	Корхонани тугатилишида турли дебиторларнинг қарзларини ҳисобдан чиқариш ҳисобига резерв капиталини камайиши	8532	Турли дебиторлар счети	Тугатиш комиссиясининг қарори, бухгалтерия расчети
9	Корхонани тугатишда резерв капитали ҳисобидан таъсисчиларга даромад (дивидендлар) ҳисобланди	8532	6610, 6620	Дивиденд ҳисоблаш ведомости
10	Ҳисобот йилида дивидендлар тўлаш учун корхонанинг фойдаси бўлмаган ёки кам бўлган ҳолларда резерв капитали ҳисобидан дивиденд ҳисобланди	8532	6610	Таъсисчилар қарори, бухгалтерия расчети

## 11.4. МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАР, СУБСИДИЯ ВА ГРАНТЛАР ҲИСОБИ

Мақсадли молиялаш ва тушумлар бу маълум бир мақсадли тадбирларни молиялаш учун тайинланган маблағдир. Буларга бошқа корхоналардан тушган маблағлар, давлат органларининг субсидиялари, фарзандлари мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида тарбияланганлиги учун ота-оналардан тушадиган пул маблағлари киради. Шунингдек консервация қилинган объектларни асраш харажатларини қоплаш бўйича махсус молиялаш (башарти бундай молиялаш назарда тутилмаса, бу харажатлар Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.3.11. бандига биноан 9439 «Бошқа операцион харажатлар» счегининг дебетида ҳисобга олинади).

Юқорида кўрсатилган маблағлар 7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счегтида ҳисобга олинади. Бу счегт пассив бўлиб, кредитида мақсадли тайинланиши бўйича олинган маблағлар, дебетида бу маблағларнинг фойдаланилиши ва қайтарилиши акс эттирилади. 7710- счегти бўйича содир бўлган муомалаларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби 12- журнал - ордерда юритилади. Бу журнал - ордерга ёзиш учун асос бўлиб бухгалтериянинг маълумотномаси, банкнинг ҳисоб - китоб счегтидан берган кўчирмаси, кассирнинг ҳисоботи ва бошқалар ҳисобланади.

Қуйида 7710- счегти билан корреспондентланадиган счегтлар чизмасини келтирамыз.

### 7710 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар»

Д-т	Корреспондентланувчи счегтлар	К-т
Счегтларнинг кредити	Счегтларнинг дебети	
	С: Мақсадли маблағларнинг фойдаланилмаган суммаси	
	Молиялаштиришни ташкил этилиши:	
	Бошқа	
10,12 - Моддий қийматликларнинг сотиб олинлиши	корхоналардан	-5110,
08 - Мақсадли молиялаш ҳисобидан асосий воситаларни сотиб олиш	олинган маблағлар	5210
6710 - Мақсадли молиялаш ҳисобидан ҳисобланган меҳнат ҳақи	Фарзандлари	
6520 - Ижтимоий суғурта ажратмалари	болалар	
5110 - Мол юборувчилар счегтини тулаш ва б.	муассасаларда тарбиялангани учун ота-оналардан олинган ва олинадиган пул	-5010
	маблағлари	4890

Бу счeтнинг дeбeтидa кўрсaтилгaн счeтлaрнинг oбoрoтлaри oлдиндaн турли журнaл - oрдeрлaрдaн йиғиб oлиниб рaсшифрoвкa вaрaқaлaридa aкc эттириб бoрилaди.

1984 йил 1 янвaрдaн aмaл қилaётгaн Хaлқaрo мoлиaвий ҳисoбoтнинг 20- сoнли «Хукумaт субсидиялaрини ҳисoби вa хукумaт ёрдaми тўғрисидaги aхбoрoтлaрни тушунтириш» вa 562- рaқaм билaн 1998 йил 3 дeкaбрдa Адлия Вaзирлиғи тoмoнидaн рўйхaтдaн ўткaзилгaн Миллий бухгaлтeрия ҳисoбининг 10- «Дaвлaт субсидиялaрини ҳисoби вa дaвлaт ёрдaмини тушунтириш» тўғрисидaги aндaзaлaри мaқсaдли тушумлaр ҳисoбини тaшкил этиш билaн бeвoситa aлoқaдoр.

Юқoридa кeлтирилгaн aндaзaлaр бўйичa ҳисoб юритиш қoидaлaри қуйидaги ҳoллaрдa aмaл қилмaйди:

- нaрхлaрни ўзгaришигa тeғишли хукумaт субсидиялaрини ҳисoбгa oлиш;

- хукумaт тoмoнидaн кoрхoнaгa фoйдaдaн aжрaтмa сoлиғи бўйичa бeрилгaн eнгилликлaр ёки фoйдaдaн aжрaтмa сoлиғидaн вaқтинчaлик oзoд қилиш вa ш.к.

- кoрхoнaни тaсaрруф этишдa дaвлaтнинг қaтнaшиши.

Дaвлaт субсидиялaри - бу кoмпaния тoмoнидaн ўтгaн дaврдa ёки кeлaжaқдa унинг oпeрaцион фaoлияти билaн бoғлиқ бўлгaн мaълум шaртлaрни бaжaргaни ёки бaжaриши eвaзигa рeсурслaрни ўтaзиб бeриш шaклидaги хукумaт ёрдaмидир. Aсoсли рaвишдa бaҳoлaб бўлмaйдигaн, шунингдeк кoмпaниянинг oдaтдaги сaвдo муoмaлaлaридaн aжрaтиб бўлмaйдигaн хукумaт билaн oлиб бoрилaдигaн oпeрaциялaр дaвлaт субсидиялaригa киритилмaйди.

Aктивгa ўткaзилaдигaн субсидиялaрнинг aсoсий шaрти шуки, кoмпaния тoмoнидaн узoқ муддaтли aктивлaр сoтиб oлиниши ёки қурилиши лoзим. Бу шaртдa қaндaй aктивлaр сoтиб oлиниши, уларнинг жoйлaшaдигaн жoйи ёки уларнинг сoтиб oлиш ёки тaсaрруф этиш муддaти кўрсaтилaди.

Дaрoмaдгa ўткaзилaдигaн субсидиялaр - булaр aктивлaргa ўткaзилмaйдигaн дaвлaт субсидиялaридир.

Шaртли қaйтaрилмaйдигaн қaрзлaр - булaр шундaй қaрзлaрки, oлдиндaн кўрсaтилгaн мaълум шaртлaр бaжaрилгaндaн сўнг крeдитoр ўз қaрзини қaйтaриб oлмaйди.

Дaвлaт субсидиялaри, жумлaдaн нaрхдaги пулсиз субсидиялaр, кoмпaния қўйилгaн шaртлaргa мoс кeлмaгунчa вa субсидиялaр oлинмaгунчa, тaн oлинмaйди.

Aдoлaтли қиймaт - бу хaбaрдoр хaридорлaр вa сoтувчи ўртaсидa aктивлaр тeз oрaдa aлмaшиши мумкин бўлгaн қиймaт.

Субсидиялaрни oлиш тaртиби уларни ҳисoбгa oлиш тaртибигa тaъсир қилмaйди. Дeмaк, субсидиялaр пул шaклидa oлинaдими ёки дaвлaт oлдидaги мaжбуриятни кaмaйтириш шaклидa oлинaдими, бир хилдa ҳисoбгa oлинaди.

Субсидиялар, ҳисобидан қилинган харажатлар қайси даврга туғри келса давлат субсидиялари уша даврнинг даромади деб тан олинади. Улар бевосита капитал счега кредитланмайди.

Амортизацияланувчи активларга тегишли субсидиялар одатда мазкур объектларга амортизация ҳисоблаш даври ичида ҳисобланган амортизация миқдорида даромад деб тан олинади.

Амортизацияланмайдиган активларга тегишли субсидиялар маълум мажбуриятларни бажаришни талаб қилиши мумкин ва шу мажбуриятларни бажариш бўйича харажатлар содир бўлган давр ичида даромадга ўтказилади. Масалан, ер участкасини ажратиб бериш тарзидаги субсидия унда бино қуриш шarti билан чекланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда субсидия бинонинг хизмат муддати ичида даромад сифатида тан олинishi мумкин.

Содир бўлган харажатлар ёки зарарларни қоплаш, ёки келажакда ҳеч қандай харажатлар қилмаслик шarti билан компанияга зудлик билан кўрсатиладиган молиявий ёрдам тарзида берилган давлат субсидияси олинган даврда даромад деб тан олинади.

Активларга тегишли субсидиялар, жумладан адолатли қиймати бўйича пулсиз субсидиялар ҳам, балансда ёки келгуси давр даромади тарзида ёки активнинг баланс қийматини топиш учун уни айириб ташлаб кўрсатилади.

Қайтаришга тегишли давлат субсидиялари учёт баҳосини қайтадан кўриб чиқишдек ҳисобга олинishi керак. Даромадга тегишли қайтариладиган субсидия муддати узайтирилган амортизацияланмай қолган суммадан чиқарилиши керак. Бундай муддати узайтирилган тушумлардан қайтариладиган сумма ортиқ бўлса, ёки муддати узайтирилган тушум бўлмаса, субсидияларнинг қайтарилиши зудлик билан давр харажатлари деб тан олинади. Активларга тегишли субсидияларнинг қайтарилиши активларнинг баланс қийматини кўпайтириш ёки келгуси давр даромадлар қолдигини камайтириш йўли билан ҳисобга олинishi керак. Йиғиб борилган қўшимча амортизация суммаси зудлик билан харажат деб тан олинishi керак.

Молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборотлар тушунтирилиши керак:

- давлат субсидиялари учун қабул қилинган ҳисоб сиесати, жумладан молиявий ҳисоботда қабул қилинган топшириш усуллари;

- молиявий ҳисоботда тан олинадиган давлат субсидияларининг хусусиятлари ва миқдори, шунингдек давлат ёрдамининг бошқа шакллари кўрсатиб ўтиш;

- тан олиниши мумкин бўлган давлат ёрдами билан боғлиқ бўлган бажарилмаган шартлари ва бошқа шартли воқеалар.

Корхона фаолиятини молиялаш манбайларидан бири бўлиб грантлар ҳисобланади.

Корхона иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида, маълум шартлар бажарилгандан сўнг, бериладиган давлат ёрдами (субсидияси) дан ташқари субсидия ва грантлар нодавлат органлари томонидан ҳам берилиши мумкин.

Турли Нодавлат, халқаро ташкилотлар ва фондлар маълум бир дастурни бажариш учун корхоналарга субсидия ва грантлар бериши мумкин.

Субсидия ва грантларни хусусий капитал сифатида акс эттиришнинг шартлари қуйидагилар:

- маълум шартлари бажарилганда қайтариб бермаслик;
- субсидия ва грантларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қилинмайди, демак (мувофиқлик принципига биноан) улар даромад эмас.

Субсидия ва грантлар ҳисоби 8810 «Грантлар ва субсидиялар (капитал)» сче­тида ҳисобга олинади. Бу сче­т пас­сив бўлиб, кредитида ажратилган субсидия ва грантлар суммаси ҳисобга олинади, де­бетида эса бу ажратилган суммаларни устав капиталига ўтказилиши акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ажратилган субсидия ва грантлар ва уларнинг манбалари бўйича юри­тилади.

Қуйида 8810 «Грантлар ва субсидиялар» сче­ти билан кор­респондентланидиган сче­тларни келтира­миз.

№	Ҳужалик муомалаларининг мазмуни	Сче­тлар кор­респон­денцияси		Ўзувни тасдиқловчи ҳужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	2	3	4	5
1	Грант ва субсидиялар ажратилганлиги тўғрисида хабарнома олинди	4890	8810 9390	Грант ажратиш тўғрисида қарор
2	Ажратилган грант ва субсидиялар бўйича маблағлар олинди	5110, 5210, 5220	4890	Банкнинг кучирмаси
3	Олдин олинган грант ва субсидиялар суммаси устав капиталини кўпайишига ўтказилди	8810	8511, 8512, 8513, 8523	Устав капиталини кўпайтириш тўғрисида қарор
4	Олдин олинган грант ва субсидиялар суммаси резерв капиталини кўпайишига ўтказилди	8810	8532	Резерв капиталини кўпайтириш тўғрисида қарор

## **11.5. БАНКЛАР КРЕДИТЛАРИ ВА ҚАРЗГА ОЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИ**

Бозор иқтисодиёти шароитида банк кредити (ссудаси) корхоналарнинг қарзга оладиган маблағларининг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бозор муносабатларини тартибга солувчи қонунлар таъсирида кўп тармоқли давлат ва тижорат банклари шаклланиб, улар корхоналарнинг ташкилий – ҳуқуқий шаклларида қатъий назар ҳисоб – китоб, касса муомалаларини амалга ошириш бўйича хизмат қилади.

Корхоналарнинг банклар билан олиб бориладиган кредит – ҳисоблашиш муносабатлари ихтиёрий асосда бўлиб, иккила томонларнинг манфаатдорлиги асосида тузилади.

Ссудалар ҳужалик ҳисобида турган, мустақил баланси ва ўз айланма маблағларига эга бўлган корхоналарга, одатда, йириклаштирилган кредит объектлари (моддий заҳиралар ва ишлаб чиқариш харажатлари ва б.) учун берилади.

Ҳисоб – китоб муносабатлари принциплари ва талабларини инобатга олган ҳолда объектлар учун кредит беришдан субъектга, аниқ юридик (жисмоний) шахсга ёки иқтисодий ва ижтимоий дастурлар мажмуини кредитлашга ўтиш амалга оширилмоқда.

Банклар амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ва томонлар билан келишилган ҳолда кредитни қайтариб бериш, муддатлилик, тўловлик ва таъминланганлик принципларига қатъий амал қилиб беради.

Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асосини «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (25 апрел 1996 й), «Марказий банк тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатлар ташкил этади.

Кредит бериш ва уни қайтариш билан боғлиқ бўлган барча масалалар банк қоидалари ва банк билан кредит олувчи корхоналар ўртасида тузилган шартномалар асосида тартибга солинади. Тузилган кредит шартномаларда қуйидагилар келишиб олинади: кредит бериш объекти ва кредитнинг муддати, кредит бериш шarti, уни бериш ва қайтариш тартиби, мажбуриятларни таъминлаш шarti, фоиз ставкалари, уларни тўлаш тартиби, кредит бериш ва қайтариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва масъулияти, ҳужжатлар рўйхати ва уларни топшириш муддатлари ва бошқа шартлар.

Кредит олишда корхоналар банкка асосланган ариза ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилиб кредитни

қайтарилишини таъминланишини тасдиқловчи таъсис ва бошқа (устав, гувоҳнома, патент, бухгалтерия ва статистика ҳисоботи ва б.) ҳужжатлар топширади.

Шартнома тузилмасдан банк корхонанинг тулаш қобилитини синчиклаб текширади. Бунинг учун банк корхонадан олган ҳужжатлардан ва ҳисоботлардан фойдаланади, керак бўлса жойларда олдиндан текширув ўтказилади. Агар бу ҳужжатларнинг барчаси талабга жавоб берса, банк ходимлари корхонага кредит беришга қарор қилади. Кейинчалик, хўжалик юритувчи субъект кредит олгандан сўнг кредитни тулиқ қайтаргунга қадар кредит шартномасида кўрсатилган тартиб ва муддатларда банкка бухгалтерия ҳисоботи (баланс) ва корхонанинг хўжалик - молиявий фаолияти устидан назорат қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни топшириб туради.

Муддатига қараб банк кредитлари қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади. Кредитнинг муддатлилиги унинг қайтариш муддати (санаси) билан белгиланади. Чунончи, қисқа муддатли кредит бир йилдан кам муддатга берилади, масалан, юкланган товарлар учун бериладиган кредит муддати ҳақиқий товарайланиш муддатига тенг, лекин 30 кундан ошмаслиги керак.

Узоқ муддатли кредитлар бир йилдан ортиқ муддатга, одатда, янги техникани тадбиқ этишга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, унинг қайтадан тикланишига, қиммат асбоб - ускуналарни сотиб олишга ва бошқа мақсадли дастурларни амалга оширишга олинади.

Банк кредитларини олиш билан боғлиқ бўлган муомалалар ҳисоби 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счетларида акс этирилади. Бу счетлар пассив бўлиб, уларнинг сальдолари ҳисобот даври бошига қайтарилмаган қарзлар суммасини кўрсатади, дебет обороти - кредитни қайтарилишини, кредит обороти эса олинган кредит суммасини акс этиради.

Кредитлар олинганда 6910 ва 7510 счетлар кредитланиб қуйидаги счетлар дебетланади:

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - нақд пул билан олинган кредит суммасига;

5110 «Ҳисоб - китоб счети» - ҳисоб-китоб счетиға ўтказиш йўли билан олинган суммаға;

5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетилари» - хорижий валюталарда олинган кредит суммасига;

5510 «Аккредитивлар» - аккредитивлар очиш учун олинган кредит суммасига;

6010 «Мол етказиб берувчиларга туланадиган счетлар» - мол юборувчи ва пудратчилардан булган қарзни тулаб юбориш йўли билан олинган кредит суммасига.

6910 ва 7510- счетларнинг дебетида кредитларни қисман ёки тулиқ қайтарилиши акс эттирилиб 5110, 5210 ва 5510-счетов билан корреспондентланади.

Харажатлар таркиби туғрисидаги Низомга биноан қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитдан фойдаланганлиги учун (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ёки ундан ортиқ ставкадаги) туланадиган фоиз суммаси молиявий фаолият бўйича харажатга ўтказилади. Демак кредитдан фойдаланганлиги учун ҳисобланган фоиз суммасига 9610 «Фоиз қуринишидаги харажатлар» счети дебетланиб 6820 «Туланадиган фоизлар» счети кредитланади. Фоиз суммаси банк муассасаларига ўтказиб берилганда 6820 «Туланадиган фоизлар» счети дебетланиб 5110 «Ҳисоб - китоб» счети кредитланади.

Банк кредитларининг аналитик ҳисоби кредит турлари ва кредит берган банклар ва алоҳида муддатида қайтарилмаган кредитлар бўйича юритилади. Банк кредитларининг ҳисоби 4-журнал - ордерда юритилади.

Ҳозирги вақтда ишчи ва хизматчиларга якка уй - жой қуриш, далабоғ уйларини қуриш ва ишчи ва хизматчиларга кредитга сотилган товарлар бўйича савдо ташкилотлари билан ҳисоб - китоб қилиш учун банклардан кредит олиш кенг ривожланмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган ссудалар ҳам қайтариш муддатига қараб 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счетоварида ҳисобга олинади. Бу муомалалар бўйича ходимлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар 4610 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» ва 4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счетоварида юритилади. Бу счетовлар актив бўлиб, дебетида ходимларга берилган қарзлар, кредитида ушбу қарзларнинг қайтарилиши акс эттирилади.

6910 ва 7510- счетовлар бўйича кредит турларига қараб қуйидаги учта счетовлар очилиши мумкин:

1. «Кредитга сотилган товарлар бўйича»
2. «Якка уй - жой қурилишига»
3. «Далабоғ уйлари қурилишига»

Бу муомалалар қуйидаги проводкалар билан расмийлаштирилади:

1. Кредитга сотилган товарлар бўйича топшириқ - мажбуриятни тўлаш учун банкдан кредит олинди.

Д-т 4610 «Кредитга олинган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари»

К-т 6910 ёки 7510

2. Ишчи ва хизматчилар кредитга олинган товарлар бўйича ўз қарзларини қайтарганда

Д-т 5010 ёки 6710

К-т 4610

3. Кредитга сотилган товарлар бўйича банклардан олинган қарз қайтарилганда

Д-т 6910 ёки 7510

К-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети»

4. Ишчи ва хизматчиларга уй-жой қурилиши, далабоғ қурилиши учун банклардан кредит олинганда

Д-т 5010 ёки 5110

К-т 6910 ёки 7510

5. Ишчи ва хизматчиларга уй-жой қурилиши ва далабоғ уйлари қуриш учун кредит берилганда

Д-т 4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимнинг қарзи»

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб смети»

6. Ушбу қарзлар қайтарилганда

Д-т 5010 ёки 6710

К-т 4620

7. Банкдан олинган қарз тўланганда

Д-т 6910 ёки 7510

К-т 5110

Юқорида айтиб ўтилган ссудалардан ташқари, ишчи ва хизматчилар (ёш оилалар) га фоизсиз ссудалар ҳам берилиши мумкин. Бу ссудалар қурилиш, капитал таъмирлаш, уй-жойларини кенгайтириш уй-рўзгорлари билан таъминланиш учун корхонанинг бўш маблағлари ҳисобидан берилади.

Бундай ссудалар берилганда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 4690 «Ходимнинг бошқа қарзи»

К-т 50 ёки 51

Ушбу ссудалар қайтарилганда аксинча проводка берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бошқа корхона ва ташкилотлардан кредит (қарз) олиши мумкин. Қайтариш

муддатига қараб бу кредитлар қисқа муддатли (бир йилгача муддатга) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга) бўлиши мумкин. Корхонанинг қарз берувчилар билан бўладиган ҳисоб-китоб муомалалари 6940 «Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар», 6990 «Бошқа кредитлар ва қарзлар» ва 7690 «Бошқа узоқ муддатли туланадиган счетлар» счетларида ҳисобга олинади.

Бу счетлар пассив бўлиб, мамлакат ичидаги ва хориждаги қарз берувчилардан (банклардан ташқари) давлат ва хорижий валюталарда олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Бундай қарзлар олинган вақтда 5110, 5210- счетлар дебетланиб 6940, 6990 ва 7690 счетлари кредитланади. Бундай қарзлар қайтарилганда аксинча проводкалар берилади. Корхона томонидан қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар, хусусан акциялар, облигациялар чиқариб сотиш йули билан четдан маблағлар жалб қилиш, шунингдек берилган векселлар бўйича қарзлар билан боғлиқ булган муомалалар 6920 «Туланадиган облигациялар - банкдан ташқари», 6930 «Туланадиган векселлар - банкдан ташқари», 7610 «Туланадиган облигациялар» ва 7620 «Туланадиган векселлар» счетларида ҳисобга олинади.

Бу счетлар пассив бўлиб қисқа муддатли қимматли қоғозлар чиқариб сотилса ёки векселлар берилса, пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар дебетланиб 6920 ёки 6930- счетлар кредитланади. Қимматли қоғозлар сотиб олинса ёки берилган векселлар суммаси туланса, аксинча проводкалар берилади. Узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг сотилиши ёки векселларнинг берилиши ва уларнинг сотиб олиниши ёки векселлар суммасининг туланиши 7610 ва 7620- счетларини қўллаган ҳолда шундай проводкалар билан расмийлаштирилади.

Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» смети дебетланиб, 6820 «Ҳисобланган фоизлар» смети кредитланади. Ушбу фоизлар туланса 6820- смети дебетланиб 5010, 5110- счетлари кредитланади.

Юқорида келтирилган счетларнинг аналитик ҳисоби олинган қарзларнинг шакллари (облигация, вексель ва бошқалар), қарз берувчилар ва кредитни қайтариш муддатлари бўйича юритилади. Қисқа муддатли қарзлар кўпинча қарз мажбуриятлари бўйича олинган тижорат кредит характерида эга.

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

## 12.1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

Корхона фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи синтетик кўрсаткич бўлиб баланс (ялпи) фойда ва зарари ҳисобланади.

1995 йил 1 январдан бошлаб «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» ни қабул қилиниши фойдани шакллантириш тартибини ўзгартирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» нинг янги қайтадан ишлаб чиқилгани тасдиқланиб 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга тадбиқ этилди.

Ушбу Низомнинг аҳамияти беҳад катта бўлиб у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счегида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради; фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисоботнинг аҳамиятини оширади.

Харажатлар таркиби тўғрисида Низом бир томонидан корхоналарга ҳисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб топшириш имкониятини яратади. Бунда давлат ўз ваколатли (солиқ) органлари орқали солиқ ҳисоботини тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга.

Агар солиқ қонунчилиги корхона фойдаси ва рентабеллигини аниқлашда тадбиркорлик – барча даромадлардан барча харажатларни чиқариб ташлаш – қонунига амал қилганда осон бўлар эди.

Лекин давлатнинг солиқ сиёсати фақат солиқ ҳисоблаш ва уни бюджетга ўтказиб олишнигина инobatга олмайди, балки солиқ сиёсати рағбатлантирувчи характерга эга, хўжалик юртишнинг рационал усулини рағбатлантиради ва ресурслардан қонунсиз фойдаланишни жазолайди. Солиқ сиёсати маълум ижтимоий мақсадни ҳам кўзлайди, янги худудларни ўзлаштиришга ундайди ва ҳ. к.

Демак, корхона ўз хўжалик фаолиятини самарадорлигини аниқлаш ва келгуси даврга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳисобот даврида даромад ва харажатларни

ҳисоблаб чиқиш имкониятини берадиган ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш тизимига эга бўлиши керак. Корхона — бу ҳисобларни солиқ факторини инобатга олмасдан бажаради.

Корхонанинг баланс фойдасини аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан олиб ташланадиган харажатлар рўйхати харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг асосий матнида келтирилган.

Бундан кейин корхона бухгалтерия ҳисоби счетларида кўрсатилган фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатиб (корректировка қилиб) солиққа тортиладиган базани аниқлайди. Бухгалтерия ҳисоби счетларидаги фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатишга мисол сифатида нормадан ортиқ сарфланган сафар харажатлари, ёки нормадан ортиқ реклама харажатлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Демак, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш учун бу харажатлар (1 ва 2-иловаларга биноан) ни солиққа тортиладиган фойдага қайтадан қўшиш керак. Бунинг натажасида корхона қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

- қанча ва корхонанинг қайси бўлинмаларидан ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида фойда олинди;

- корхонанинг якуний фаолиятига давлатнинг солиқ сиёсати қанчалик таъсир қилганлиги;

- пировард натижада корхона бюджетга қанча пул утказиб бериши.

Шундай қилиб, корхона ахборотларни йиғиш босқичида ҳужалик фаолияти натижаларига таъсир этувчи ташқи (солиқ) ва ички омилларга бўлиш имкониятини берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимига эга бўлади. Демак, бу омилларга жавобан асосланган сиёсат ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш-ҳужалик фаолияти натижасида корхона томонидан даромад қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс эттирилади:

- сотишдан олинган соф тушум;

- асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);

- молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар;

- фавқулодда фойдалар.

Бундай бўлимларнинг киритилиши корхонанинг турли фаолиятдан олинadиган даромадларини ажратиб кўрсатиш билан изоҳланади: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда муомалалардан. Даромадларнинг бундай бўлиниши барча қизиқувчи томонларга корхона фаолиятига объектив баҳо бериш имкониятини беради.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши счетлар режасининг 9- бўлимидаги қуйидаги синтетик счетларда ҳисобга олинади:

- 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар»
- 91 «Сотилган маҳсулотларнинг таннархи»
- 93 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»
- 94 «Давр харажатлари»
- 95 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар»
- 96 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар»
- 97 «Фавқулодда фойда (зарар) лар»
- 99 «Якуний молиявий натижа»

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга «Сотишдан олинган соф тушум» тушунчаси киритилган. Сотишдан олинган соф тушум янги счетлар режаси бўйича 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счетининг кредитидан олинади. Унга товарларни қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Экспорт фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар даромад (фойда) ни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқадилар.

Бухгалтерия ҳисоби миллий андазаси 1- сонининг 16- бандига мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушум товар (бажарилган иш ва хизматлар) ни юклаб жўнатилишига ва харидор (бююртмачи) га ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилишига қараб (ҳисоблаш учун) аниқланади.

Тақдим этилган ҳисоблашиш ҳужжатларига қараб молиявий натижаларни аниқлаш услуги бозор иқтисодиётидаги мамлакатларга хос. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андазалари молиявий натижаларни айнан шундай тартибда шакллантиришни талаб қилади.

Тақдим этилган счетлар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш қўшилган қиймат солиғи, бюджетга фойдадан ажратма солиғини тўлашда корхоналарни мураккаб шароитда қолдириши мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналар жўнатиладиган маҳсулоти, бажариладиган иш ва хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлаш усулидан фойдаланиши керак.

## **12.2. МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) СОТИШДАН ОЛИНГАН ЯЛПИ ФОЙДА (ЗАРАР) ВА ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ**

Маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) ҳисобот даври охирида сотишдан тушган соф тушум билан сотилган маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи орасидаги фарқи миқдоридан аниқланади.

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар, олинган даромадлар, шунингдек

сотилган товарларнинг қайтарилиши, сотиш нархларидан чегирмалар туғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда акс эттирилади:

- 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад»
- 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»
- 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар»
- 9040 «Сотилган товарларни қайтарилиши»
- 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

Юқорида келтирилган 9010, 9020 ва 9030- счетлар транзит счетлар ҳисобланиб, қупайиши кредитида, камайиши дебитида акс этирилади. 9040 ва 9050 счетлари контрпассив счет булиб 9010, 9020 ва 9030- счетлар суммасини коррективировка қилиб (тузатиб) туради.

Юқорида келтирилган счетларда қуйидагиларни сотишдан тушган соф тушум акс этирилади:

- саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ва ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот;

- саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;  
- саноат тусига эга бўлмаган ишлар ва хизматлар;  
- сотиб олинган буюмлар (бутлаш учун сотиб олинган);  
- қурилиш монтаж, лойиҳа-қидирув, геология-қидирув, илмий тадқиқот ва бошқа шунга ўхшаган ишлар;

- савдо, таъминот корхоналарининг товарлари;  
- транспорт ташкилотларининг юк ва одамлар ташиш бўйича хизматлари;

- енгил автомашиналарни ижарага бериш ва автомашиналарни хайдаб олиб бориб бериш хизматлари;

- транспорт - экспедицион ва юклаш - тушириш операциялари;

- алоқа корхоналари хизматлари ва ш. қ.

9010, 9020 ва 9030- счетларининг кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счетлар» ва 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинган счетлар» счетларининг дебити билан корреспондентланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлар (тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотиш) акс этирилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган олдинги даврда олинган даромадлар (аванс) суммасига пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар дебетланиб 6210 «Муддати узайтирилган даромад» ёки 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванс (бўнак) лар» счетлари кредитланади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари мол юборувчи ва буюртмачиларга юклаб юборилган маҳсулот, бажарилган иш

ва хизматлар бўйича тақдим этилган ҳисоб ҳужжатлари суммасига (ҚҚС, акциз ва бошқа ажратмалардан ташқари) 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети дебетланиб 9010, 9020 ва 9030 - счетлар кредитланади.

Келгусида юклаб жўнатилган маҳсулот, кўрсатиладиган хизмат ва бажариладиган ишлар учун олдиндан олинган бўнақлар суммаси ушлаб қолинганда 6210 ва 6310 счетлари дебетланиб 4010 - смети кредитланади. Юборилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун пул маблағлари тушганда пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар дебетланиб 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети кредитланади.

Қурилиш ташкилотларида пудрат ва субпудрат шартномалари бўйича (ҚҚС ва акциз солиқларидан ташқари) 4010 - смети дебетланиб 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» смети кредитланади.

Геология - қидирув ташкилотларида 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» скетининг кредитида 4010 - смети билан корреспондентланган ҳолда буюртмачиларга ҳисоб ҳужжатлари (ҚҚС, акциз солиқларидан ташқари) топширилган ишларнинг шартнома қиймати акс эттирилади.

Лойиҳа ва қидирув ташкилотларида 4030- скетининг кредити бўйича 4010- смети билан корреспондентланган ҳолда тулиқ бажарилган ва буюртмачиларга топширилган лойиҳа - смета ҳужжатларининг (ҚҚС ва акциз солиқларидан ташқари) шартнома (смета) қиймати акс эттирилади.

Илмий тадқиқот ташкилотларида 9030- скетининг кредити бўйича 4010- смети билан корреспондентланган ҳолда буюртмачиларга топширилган илмий - тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини (ҚҚС, акциз солиқларидан ташқари) шартнома (смета) қиймати акс эттирилади.

Савдо ва таъминот корхоналарида 9020 «Товарни сотишдан олинган даромадлар» скетининг кредитида 4010- смети билан корреспондентланган ҳолда (ҚҚС, акциз солиғидан ташқари) сотилган товарнинг шартнома қиймати акс эттирилади.

Транспорт ва алоқа ташкилотларида 9030 - скетининг кредитида 4010 - смети билан корреспондентланган ҳолда (ҚҚС, акциз солиғидан ташқари) кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган суммалар акс эттирилади.

Корхонанинги якуний баланс фойдаси (зарари) ҳисобот даврининг охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» сметида аниқланади.

9010, 9020 ва 9030- счетларнинг кредит қолдиқлари ҳисобот даври охирида қуйидаги проводкалар билан 9900-сметига ўтказилади:

Д-т 9010, 9020, 9030 - счетлар

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

9040 ва 9050- счетларда сотилган товарларни қайтарилиши, шартнома шартларига биноан сотишдан чегирма, шунингдек сотилган маҳсулотдан брак аниқланиши натижасида нархидан чегирма ва шу кабиларни ҳисобга олиш учун белгиланган. Бу счет контрпассив бўлиб, унинг дебет обороти Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботнинг ялпи сотилган маҳсулотдан тушган тушум суммасидан чиқариб ташланади.

9040 - счетнинг дебетида муомалалар қуйидаги ҳолларда акс эттирилади:

- буюртмачи ва харидорларга ушбу товарлар қиймати қайтарилганда:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтарилиши»

К-т 5010, 5110, 5210- счетлари

- кредитга сотилган товарлар қайтариб олинганда:

Д-т 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» ёки 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар».

Қайтариб оморга қабул қилинган маҳсулот ва товарларнинг таннархига қизил сторно усулида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9110, 9120, 9130- счетлар

К-т 2810, 2910, 2920- счетлар

Қайтариб олинган маҳсулот ва товарлар бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410 «Бюджетга туловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети» ёки 4010 ёки 4110- смети

Ҳисобот даврининг охирида 9040 «Сотилган товарларни қайтарилиши» сметининг дебет сальдоси қуйидаги проводка билан якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши»

Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга оладиган (9010, 9020, 9030, 9040, 9050) счетлар бўйича аналитик ҳисоб сотилган маҳсулот (товар), бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади. Бундан ташқари, бу счетлар бўйича аналитик ҳисоб ишлаб чиқаришни бошқариш мақсадида сотилиш жуғрофий сегментлари (худудлари) ва бошқа сегментлари бўйича юритилиши мумкин.

Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда акс эттирилади:

9110 «Сотилган маҳсулот таннархи»

9120 «Сотилган товарлар таннархи»

9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи»

Бу счетлар транзит ҳисобланиб актив счетларга мансуб. Уларнинг дебети кўпайишини, кредити эса камайишини кўрсатади. Бу счетларда ҳисобот даврининг бошига қолдиқ қолмайди.

Саноат корхоналарида мол харид қилувчи (букюртмачи) ларга жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилишига қараб жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий (агар ҳақиқий таннархи аниқланмаган бўлса - режа) таннархига 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» смети кредитланиб, 9110 Сотилган тайёр «маҳсулотлар таннархи» ёки 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» смети дебетланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи фақат календар йилининг охирида бир марта аниқланганлиги учун 9110 ва 9130- счетларнинг дебетиде йил давомида сотилган маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг режа таннархи акс эттирилади. Йил охирида (саноат корхоналарида ой охирида) маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи билан режа таннархи орасидаги фарқи тегишли счетларга ўтказилади. Бунда қуйидагича проводкалар берилади:

Д-т 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» ёки 2820 «Кўрғазмадаги тайёр маҳсулот» - омбордаги ёки кўрғазмадаги тайёр маҳсулотга тегишли оғишиш суммасига,

Д-т 9110 «Сотилган маҳсулот таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» - сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларга тегишли оғишиш суммасига.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2320 «Бошқа ишлаб чиқаришлар».

Агар бу оғишиш суммаси ортиқча қилинган харажатни кўрсатса, юқоридаги проводкалар оддий сиёҳда, аксинча, тежалган суммани кўрсатса - қизил сиёҳда сторно қилиб режа таннархи ҳақиқий таннархга етказиб қўйилади.

Қурилиш ташкилотларида 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» смети дебетида топширилган ишларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади. Бунда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи»

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Лойиҳа ва қидирув ташкилотларида - буюртмачиларга топширилган тўлиқ бажарилган лойиҳалар ва иш турлари бўйича лойиҳа - смета ҳужжатларининг ҳақиқий таннархига, геология - қидирув ташкилотларида - геология ва қидирув ишларининг ҳақиқий таннархига, илмий тадқиқот ташкилотларида - илмий тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг ҳақиқий таннархига ҳам юқоридагидек проводка берилади.

Савдо ва таъминот корхоналарида 9120 «Сотилган товарлар таннархи» сметида сотилган товарларнинг дастлабки қиймати акс эттирилади. Сотилган товарларнинг дастлабки қийматига қуйидагилар киради: счет фактура ва накладнойларда кўрсатилган товарларни сотиб олиш қиймати (муддатидан олдин туланганлиги учун бериладиган чегирма, шунингдек сотиб олинган товарларнинг қайтарилиши ва нархини пасайтирилиши чиқариб ташланади). Сотиб олинган товарларни олиб келиш билан боғлиқ бўлган транспорт харажатларини тулаш, товарларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар (товарларни идишлардан бушатиб олиш, таксировка қилиш қиймати).

Савдо ва таъминот корхоналарида сотилган товарларни таннархи ҳисобдан чиқарилганда 9120 «Сотилган товарлар таннархи» смети дебетланиб 2910 - 2990- счетлар кредитланади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» сметида транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади. Бундай харажатлар ҳисобдан чиқарилганда 9130- смети дебетланиб 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» смети кредитланади.

Ҳисобот даври охирида 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи», 9120 «Сотилган товарлар таннархи» ва 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи» счетларининг дебет оборотлари якуний молиявий натижа сметига ўтказиш йўли билан ҳисобдан чиқарилади. Бунда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9110, 9120 ва 9130 счетлари

Шундай қилиб, 9900 «Якуний молиявий натижа» скетининг дебетида ҳисобот даврида сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг ҳақиқий таннархи, кредитида эса маҳсулот, ишлар ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум акс эттирилади. Ушбу муомалалар бўйича 9900 «Якуний молиявий натижа» скетининг дебет ва кредит оборотларини таққослаш натижасида ҳисобот давридаги маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) аниқланади.

Олдинги бобларда айтилганидек, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар давр харажатлари таркибида ҳисобга олинади. Бундай харажатларга тижорат харажатлари, бошқарув харажатлари ва илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик харажатлари ҳам қўшилган ҳолда бошқа умумхўжалик йўналишидаги харажатлар киради.

Бу хил харажатлар ой давомида 94 - сўтнинг тегишли сўтларида ҳисобга олиниб ой охирида қуйидаги провodka билан якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9410 «Сўтиш харажатлари» сўти,

К-т 9420 «Маъмурий харажатлар» сўти,

К-т 9430 «Бошқа операция харажатлар» сўти,

К-т 9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари».

### **12.3. АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ**

Корхоналарда маҳсулот, ишлар ва хизматлар сўтишдан олинган ялпи фойдадан ташқари асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай даромадлар келиб тушиш манбаларига қараб қуйидаги сўтларда ҳисобга олинади:

9310 «Асосий воситаларнинг сўтилиши ва турли чиқимидан олинган фойда»

9320 «Бошқа активларни сўтиш ва турли чиқимидан олинган фойда»

9330 «Ўндирилган боқиманда, жарима ва бурчсизликлар»

9340 «Ўтган йиллар фойдалари»

9350 «Оператив лизингдан олинган даромад»

9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар»

9370 «ТМЗ ларни қўшимча баҳолаш»

9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»

9390 «Бошқа операция даромадлар»

Булар транзит сўтлар бўлиб, пассив сўтларга мансуб. Юқоридаги сўтларнинг кредит обороти тегишли манбалар ҳисобидан фойда (даромад) нинг кўпайиши, дебет обороти эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини кўрсатади ва ҳисобот даври бошига қолдиги қолмайди.

Асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадларнинг шаклланиши 2- «Асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган даромадлар» Миллий бухгалтерия ҳисоби андазаси билан тартибга келтирилади.

9310 «Асосий воситаларнинг сўтилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» сўтида асосий воситаларни сўтиш

ва бошқа кўринишдаги ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда ҳисобга олинади. Бу вақтда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

К-т 9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда»

9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» сметида номоддий активлар, қимматли қоғозлар ва шунга ўхшаган бошқа активларни сотишдан олинган фойда суммаси қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»

К-т 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда»

9330 «Ундирилган боқиманда, жарима ва бурчсизликлар» сметида шартнома шартларини бузганлиги учун ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, боқимандалар, вақтида туланмаган қарзлар ва бошқа ҳил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар акс эттирилади.

Бундай жарима ва боқимандалар ундириб олинса 5110 ёки пул маблағларини ҳисобга оладиган бошқа счетлар дебетланиб, 9330 «Ундирилган боқиманда, жарима ва бурчсизликлар» смети кредитланади. Лекин бундай жарима ва боқимандалар айбдор томонидан тан олиниб ҳали пули ўтказиб берилмаган бўлса, 4210 «Даъволар бўйича олинadиган счетлар» смети дебетланиб 9330- счет кредитланади.

9340 «Ўтган йиллар фойдалари» сметида ҳисобот йилида аниқланган олдинги йилларга тегишли фойда акс эттирилади. Бунга хусусан, олдинги йилларда олиниб сарфлаб юборилган материаллар бўйича қайтадан ҳисоблаш натижасида мол юборувчилардан олинган сумма, харидорларга олдинги йилларда жўнатилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар бўйича қайтадан ҳисоблаш натижасида ҳисобот йилида олинган сумма ва шунга ўхшаганлар киради.

Бундай фойда ўтказиб берилса, пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар дебетланиб, 9340 «Ўтган йиллар фойдалари» смети кредитланади. Агар бундай фойда ҳали ўтказиб берилмаган бўлса, 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счетлар» смети дебетланиб 9340 «Ўтган йиллар фойдалари» смети кредитланади.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар ва шунга ўхшаган бошқа даромадлар 9390- счетда ҳисобга олинади. Бу счетда идиш муомалаларидан олинган қуйидаги

даромадлар акс этирилади: янги идишларнинг прејскурант баҳоси билан харидорлардан қайтариб олинган идишларнинг топшириш баҳоси орасидаги фарқи; маҳсулот юборувчи томонидан идишларни қабул қилиб олишда гаров қиймати билан ҳақиқий таннархи (ёки идишларни харидорлардан қайтариб олишда қопланган қиймати) орасидаги фарқи; идишлар йиғиб олувчи ташкилотларга идиш ва идишбоп материалларини топширишда идишлар қийматидаги фарқи (сотиб олиш нархидан ортиқ нархи бўйича); кўп марта айланувчи идишларнинг таъмири ва эскириши билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини маҳсулот юборувчиларга қайтарилиши.

Бундай тушумлар киримга олинганда 9390 «Бошқа операцион даромадлар» смети кредитланиб қуйидаги снетлар дебетланади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» - тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ортиқча чиққан материаллар қийматига (камомаддан ортган суммага); 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» - умумишлаб чиқариш омборларида ортиқча чиққан материаллар қийматига;

9450 «Ёрдамчи хўжаликлар» смети - коммунал хўжалигидан олинган фойда суммасига;

1070 «Идиш ва идишбоп материаллари» смети - идиш ва идишбоп материаллари бўйича олинган фойда суммасига.

1010 - 1090 (материалларни ҳисобга оладиган) снетлар - инвентаризация натижасида ортиқча чиққан материаллар киримга олинса;

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» смети инвентаризация натижасида кассада ортиқча чиққан пул маблағлари киримга олинса.

9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар» сметида даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар ҳисобга олинади.

Бундай тушумлар киримга олинганда 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар» смети кредитланиб қуйидаги снетлар дебетланади:

6720 «Депонентланган меҳнат ҳақи» смети - даъво билдириш муддати ўтган депонентлик қарзлари ҳисобдан чиқарилса;

6890 «Бошқа мажбуриятлар» смети - даъво билдириш муддати ўтган алимент қарзлари ҳисобдан чиқарилса;

6860 «Даъволар бўйича туланидиган снетлар» смети - ундириб олиш муддати ўтган даъволар бўйича туланидиган қарзлар суммаси ҳисобдан чиқарилса;

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5110 «Ҳисоб - китоб смети», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта

сметлари» сметлари - зарарга ўтказилган тулашга қобилиятсиз дебитор қарзлар суммаси ундириб олинса. Шу билан бирга баланسدан ташқари 007 «Тулашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи» сметидан чиқарилади.

9350 «Оператив лизингдан олинган даромад» сметида оператив ижарага берилган мулкдан олинган даромад ҳисобга олинади.

9370 «ТМЗ ларни қўшимча баҳолаш» сметида қуйидагилар ҳисобга олинади: моддий қийматликлар ва тайёр маҳсулотларни қайтадан баҳолашдан олинган даромадлар, нархлар шаклланишини тартибга солиш натижасида ташкил бўлган йўқотишлар қопламаси, шунингдек бюджетдан корхонанинг сметига ўтказилган йўқотишлар қопламаси. Бундай маблағлар корхона сметига келиб тушганда моддий қийматликлар, пул маблағлари ва ҳисоб китобларни ҳисобга оладиган сметлар дебетланиб, 9370 «ТМЗларни қўшимча баҳолаш» смети кредитланади.

Бундан ташқари, қуйидаги муомалаларни ҳисобга олишда 9370- смети кредитланади:

Омбордаги товарлар қиймати қўшимча баҳоланса -

Д-т 2910 «Омбордаги товарлар» смети;

Идишлар қиймати қўшимча баҳоланса -

Д-т 2950 «Товар билан банд бўлган ва буш идишлар» смети;

Камомад бўйича моддий жавобгар шахсга ўтказилган моддий қийматликларни қўшимча баҳолаш натижасида (мазкур ҳисобот даврида) вужудга келган фарқ корхона фойдасига ўтказилса -

Д-т 4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» смети.

9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» сметида пул маблағлари ва пул эквивалентлари тарзида қайтариб бермаслик шарти билан олинган даромадлар ҳисобга олинади. Бундай пул маблағлари киримга олинганда 5110 «Ҳисоб - китоб смети» ва 5210 «Мамлакат ичидаги валюта сметлари» дебетланиб, 9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» смети кредитланади.

Бошқа операцион фаолиятдан олинган даромадлар 9390 «Бошқа операцион даромадлар» сметида ҳисобга олинади. Бундай тушумлар киримга олинганда 9390 «Бошқа операцион даромадлар» смети кредитланиб қуйидаги сметлар дебетланади:

- 6510 «Мулккий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» смети - мулккий суғурта органларидан тушган суғурта тўловлари суммасига;

- 4910 «Даргумон қарзлар резерви» смети - ташкил этилган йилдан кейинги йилгача фойдаланилмаган даргумон қарзлар резерви суммасига;

- 6210 «Муддати узайтирилган даромад» смети - камомад суммаси айбдорлардан ундириб олингандан сўнг етишмаган моддий қийматликларнинг баланс қиймати билан айбдорлардан ундирб олинган қиймати орасидаги фарқи ҳисобдан чиқарилса;

- 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот», 2910 «Омбордаги товарлар» счетлари - инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча маҳсулот ва товарларни киримга олиниши;

- 1010-1090 - материал қийматликларини ҳисобга оладиган счетлар - инвентаризация натижасида ортиқча чиққан ва бепул олинган материал қийматликлар суммасига;

- 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» смети - ўз вақтида буюртмачи ва харидорлардан талаб қилиб олинмаган бўнак суммасини ҳисобдан чиқарилиши.

Бу хил даромадлар ҳисобот даври охирида қуйидаги проводкалар билан якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9310 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда»

Д-т 9320 «Бошқа активларни сотиш ва турли чиқимидан олинган фойда»

Д-т 9330 «Ундирилган боқиманда, жарима ва бурчсизликлар»

Д-т 9340 «Ўтган йиллар фойдаси»

Д-т 9350 «Оператив лизингдан олинган даромад»

Д-т 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар»

Д-т 9370 «ТМЗ ларни қўшимча баҳолаш»

Д-т 9380 «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»

Д-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа».

#### **12.4. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА ҲИСОБИ**

Молиявий фаолиятдан олинадиган фойда ва зарарлар алоҳида даромад ва харажатлар гуруҳига киритилади. Бу фойда ва зарарлар корxonанинг асосий фаолияти билан бевосита боғлиқ эмас.

Бухгалтерия ҳисобида молиявий фаолиятдан олинадиган фойда алоҳида, зарар алоҳида счетларда ҳисобга олинади.

Молиявий фаолиятдан олинадиган фойда (даромад) қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

9510 «Роялтидан олинган даромадлар»

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»

9530 «Фоиш кўринишидаги даромадлар»

9540 «Курс фарқлари (ижобий) дан олинган даромадлар»

9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»

9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»

9590 «Молиявий фаолият буйича бошқа даромадлар»

Булар транзит счетлар бўлиб пасив счетларига мансуб. Юқоридаги счетларнинг кредит оборотлари тегишли манбалар ҳисобидан молиявий фойданинг кўпайишини, дебет обороти эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини курсатади ва ҳисобот даври бошига қолдиғи қолмайди.

Молиявий фаолиятдан олинadиган фойданинг шаклланиши 2- «Асосий хужалик фаолиятдан даромадлар»; 6- «Лизинг ҳисоби»; 12- «Молиявий инвестициялар ҳисоби» Миллий бухгалтерия ҳисоби андазалари билан тартибга солинади.

9510 «Роялтидан олинган даромадлар» сметида пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар билан корреспондентланган ҳолда роялти ва капиталнинг трансфертидан олинган даромадлар ҳисобга олинади.

Роялти - бу сотувчига (лицензияларга) лицензия шартнома буюмдан фойдаланиш ҳуқуқи учун вақти - вақти билан ажратиб туриладиган сумма.

Олишга тегишли бўлган роялти ва гонорарлар суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4840 «Роялти ва гонорарлар буйича олишга тегишли счетлар»

К-т 9510 «Роялтидан олинган даромадлар».

Ушбу олишга тегишли сумма олинса, пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар дебетланиб 4840- счет кредитланади.

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» сметида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда улуш қўшиш йўли билан бошқа корхоналар фаолиятида қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар буйича дивидендлар, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар буйича даромадлар акс эттирилади.

Бундай даромадлар ҳисобланганда 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» смети кредитланиб қуйидаги счетлар дебетланади:

5110 «Ҳисоб - китоб смети», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари»- корxonанинг ҳисоб - китоб сметидаги пул маблағларидан фойдаланганлиги учун банк томонидан ўтказиб берилган суммага;

4830 «Олинadиган дивидендлар» смети - корхона томонидан сотиб олинган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар буйича ҳисобланган дивидендлар суммасига. Ушбу дивидендлар ҳисоб - китоб сметида ўтказиб берилса, 5110 «Ҳисоб - китоб смети» дебетланиб 4830- счет кредитланади.

9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» сметида узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Фоизлар ҳисобланганда 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» смети кредитланиб қуйидаги счетлар дебетланади:

4820 «Олинадиган фоизлар» смети - лизинг муомалалари бўйича олишга тегишли фоизлар суммасига; берилган кредитлар бўйича мижозлардан олинадиган фоизлар суммасига. Фоизлар суммаси олинганда пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар дебетланиб 4820- смети кредитланади.

9540 «Курс фарқлари (ижобий) дан олинган даромадлар» сметида валюта счетлари, шунингдек хорижий валюта муомалалари бўйича ижобий курс фарқларидан олинган даромадлар ҳисобга олинади.

Валюта счетлари ва хорижий валюта муомалалари бўйича курс фарқларидан даромад олинганда 9540 «Курс фарқлари (ижобий) дан олинган даромадлар» смети кредитланиб қуйидаги счетлар дебетланади:

5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари» - валюта сметидаги маблағ бўйича ижобий курс фарқига;

0610 «Қимматли қоғозлар», 5810 «Қимматли қоғозлар» счетлари - узоқ ва қисқа муддатли қимматли қоғозлар бўйича хорижий валюталарнинг ижобий курс фарқи суммасига;

4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари» смети - ходимларга хорижий валютада берилган қарзларнинг ижобий курс фарқи суммасига;

4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар» - филиал ва ваколатхоналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича валюта курсининг ижобий фарқи суммасига;

6210 «Муддати узайтирилган даромад» смети - муддати узайтирилган қарз бўйича валюта курсининг ижобий фарқи суммасига.

9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар» сметида мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромад акс эттирилиб қуйидаги проводкалар билан расмийлаштирилади:

- Молияланадиган лизинг бўйича жорий йилда олинадиган даромад суммасига

Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - жорий қисми

К-т 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»;

- Молиявий лизинг бўйича асосий воситаларни ижарага беришдан олинган даромад суммасига

Д-т 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»

К-т 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар».

9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар» счетида қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ҳисобга олинади.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан ортиқ баҳоланган фарқ суммасига 0610 «Қимматли қоғозлар» ва 5810 «Қимматли қоғозлар» счетлари дебетланиб 9560 «Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар» счети кредитланади.

9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар» счетида юқоридаги счетларда акс эттирилмаган муомалалардан олинган фойда акс эттирилади.

Масалан, узоқ муддатли қимматли қоғозлар аукционидан аукцион (конкурс) мувафаққиятли ўтказилгандан сўнг гаров суммаси қолдирилса 0610 «Қимматли қоғозлар» счети дебетланиб 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар» счети кредитланади.

Ҳисобот даври охирида юқоридаги счетларнинг кредит оборотлари қўйидаги провоткалар билан якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9510 «Роялтидан олинган даромадлар»

Д-т 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»

Д-т 9530 «Фоишлар кўринишидаги даромадлар»

Д-т 9540 «Курс фарқлари (ижобий) дан олинган даромадлар»

Д-т 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»

Д-т 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»

Д-т 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар»

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

## **12.5. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ФОЙДАНИ ИШЛАТИЛИШИ**

Корхонанинг асосий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган молиявий харажатлар қўйидаги счетларда ҳисобга олинади:

9610 «Роялти бўйича харажатлар»

9620 «Фоишлар кўринишидаги харажатлар»

9630 «Курс фарқларидан зарарлар»

9640 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»

9650 «Қимматли қоғозлар қийматини камайтиришдан зарарлар»

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

Булар транзит счетлар бўлиб актив счетларига мансуб. Юқоридаги счетларнинг дебет оборотлари тегишли

йўналишдаги содир бўлган молиявий харажатларни, кредит оборотлари эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини кўрсатади ва ҳисобот даври бошига қолдиқ қолмайди.

Молиявий фаолиятдан содир бўладиган харажатларни ҳисоби 6 - «Лизинг ҳисоби», 12 - «Молиявий инвестициялар ҳисоби» Бухгалтерия ҳисоби Миллий андалари билан тартибга солинади.

9610 «Роялти бўйича харажатлар» счётида капиталнинг роялти ва трансферти бўйича тўланган суммалар акс эттирилади. Бу вақтда 9610 - счёти дебетланиб пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар кредитланади.

9620 «Ғоизлар кўринишидаги харажатлар» счётида банк кредитлари, мол юборувчиларга ва қарзлар бўйича тўланадиган ғоиз харажатлари ҳисобга олинади. Бундай ғоизлар ҳисобланганда 9620 «Ғоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти дебетланиб қўйидаги счётлар кредитланади:

- 6820 «Тўланадиган ғоизлар» счёти - қисқа ва узоқ муддатли банк кредитлари бўйича ҳисобланган ғоиз суммасига;

- 6820 «Тўланадиган ғоизлар» - асосий воситаларни узоқ муддатли лизинг шартномаси бўйича тўлашга тегишли ғоиз суммасига;

- 6820 «Тўланадиган ғоизлар» счёти - муддатида қайтарилмаган кредитлари бўйича ҳисобланган ғоиз суммасига.

Ушбу ҳисобланган ғоизлар тайинланиши бўйича ўтказиб берилса, 6820 счёти дебетланиб пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар кредитланади.

9630 «Курс фарқларидан зарарлар» счётида Хорижий валюталарни курсидаги салбий фарқи ва хорижий валюта муомалалари бўйича зарарлар ҳисобга олинади.

Бундай хорижий валюта курсидаги салбий фарқлар содир бўлганда 9630 «Курс фарқларидан зарарлар» счёти дебетланиб қўйидаги счётлар кредитланади:

- 6910 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счёти - хорижий валютада олинган қисқа муддатли кредит бўйича валюта курсининг салбий фарқи суммасига;

- 7510 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти - хорижий валютада олинган узоқ муддатли кредит бўйича валюта курсининг салбий фарқи суммасига;

6920 «Тўланадиган облигациялар - банкдан ташқари» счёти - хорижий валютада олинган қисқа муддатли қарзлар бўйича валюта курсининг салбий фарқи суммасига;

0610 - 0690 Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга оладиган счётлар - хорижий валютадаги узоқ муддатли инвестиция муомалалари бўйича йил давомида валюта курсидаги салбий фарқ суммани акс эттирилиши;

4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счетлар» смети - филиаллар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар бўйича вужудга келган курснинг салбий фарқига;

5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари» - валюта сметидаги хорижий валюталар курсидаги салбий фарқ суммасига;

0610 «Қимматли қоғозлар» смети - қимматли қоғозларни номинал қиймати билан сотиб олиш баҳоси орасидаги фарқни (сотиб олиш баҳоси юқори) йил охирида акс эттирилиши;

6410 «Бюджетга туловлар бўйича қарздорлик» смети - хорижий валюталарда солиқ ва солиқсиз туловлар бўйича курсларнинг салбий фарқини акс эттирилиши ва ҳ. к.

9640 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» сметида қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади.

Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини хизмат курсатган ташкилотларга ўтказиб бериш ҳисобланганда 9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» смети дебетланиб 6890 «Бошқа мажбуриятлар» смети кредитланади. Ушбу сумма ўтказиб берилганда 6890- смети дебетланиб пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар кредитланади.

9650- сметида қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайтадан баҳолаш билан боғлиқ бўлган зарарлар инвестициялар ва ҳисоб - китобларни ҳисобга оладиган счетлар билан корреспонденцияланган ҳолда ҳисобга олинади.

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» сметида молиявий қўйилмалар, пул маблағлари ва ҳисоб - китобларни ҳисобга оладиган счетлар билан корреспондентланган ҳолда қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва шу кабиларга қўйилган маблағларни қайтадан баҳолашдан курилган зарарлар ва молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Бундай зарарлар содир бўлганда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» смети дебетланиб қуйидаги счетлар кредитланади:

8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий», 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли» счетлари - сотиб олинган хусусий акцияларни иккиламчи сотишда сотиб олиш баҳоси билан сотиш баҳоси орасидаги салбий фарқ суммасига;

8610, 8620 счетлари - номинал қийматидан ортиқ суммага сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда номинал қиймати билан сотиб олиш баҳоси орасидаги фарқ суммага;

0610 - 0690, 5810 - 5890 - счетлар - узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ш. қ.) га қўйилган маблағларни қайтадан баҳолашдан курилган зарарлар суммасига.

Ҳисобот даври охирида юқоридаги счетларнинг дебет оборотлари қуйидаги проводкалар билан якуний молиявий натижага ўтказилади:

- Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа» счети
- К-т 9610 «Роялти бўйича харажатлар» счети
- К-т 9620 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счети
- К-т 9630 «Курс фарқларидан зарарлар» счети
- К-т 9640 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» счети
- К-т 9650 «Қимматли қоғозлар қийматини камайтиришдан зарарлар» счети
- К-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счети.

Фойда корхоналар томонидан йил давомида бюджет олдидagi фойда (даромад) дан ажратма бўйича мажбуриятларни бажариш учун ишлатилади.

Йил давомида бюджетга даромад (фойда) дан ажратма бўйича бунак тўланмалар ва ҳақиқий фойдадан қайтадан ҳисоблаш бўйича тўланмалар қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

- 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»
- 9820 «Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича харажатлар»
- 9890 «Бошқа ажратмалар бўйича харажатлар»

Булар транзит счетлар бўлиб контрпассив счетларига мансуб. Юқоридаги счетларнинг дебет оборотлари йил давомида даромад (фойда) дан бюджетга ажратма бўйича тўланмалар суммасини кўрсатади. Ҳисобот даври охирида йиллик ҳисоботини тузишда бу счетлар ёпилади ва уларда йил бошига қолдиқ қолмайди.

Фойда (даромад) дан ажратиладиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Йил давомида бюджетга фойдадан ажратма, йиғим ва бошқа ажратмалар ҳисобланганда 9810, 9820 ва 9890 счетлари дебетланиб 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети кредитланади. Ушбу фойдадан ажратма, йиғим ва бошқа ажратмалар бюджетга ўтказиб берилганда 6410- счети дебетланиб пул маблағларини ҳисобга оладиган счетлар кредитланади.

Ҳисобот йили охирида қуйидаги проводка билан бу счети ёпилади:

- Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»
- К-т 9810, 9820, 9890- счеллар.

Фойдадан ажратма, йиғим ва бошқа ажратмаларни ҳисобга оладиган 9810, 9820 ва 9890 - счелларнинг синтетик ва аналитик ҳисоблари банкнинг ҳисоб - китоб счелтидан берилган кўчирмасига ва бошқа ҳужжатларга асосан 15 - журнал - ордерда юритилади.

## 12.6. ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИ

Фавқулодда фойда ва зарарлар - бу корхонанинг хўжалик фаолиятида ниҳоятда кам содир бўладиган, унинг учун одат бўлмаган ва корхонада бошқарув қарорларини қабул қилиш натижаси билан боғлиқ бўлмаган воқеалардан олинадиган даромад ва харажатлардир.

У ёки бу моддани фавқулодда даромад ва харажат тарзида акс эттирилиши учун қуйидаги учта талабларга жавоб бериши керак:

1. Ўз характери бўйича одатдагидек эмас (корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига тегишли эмас);

2. Бирнеча йиллар давомида такрорланмайди;

3. Корхонанинг бошқарув ходимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмас.

Шундай қилиб, тегишли модда бир вақтнинг ўзида одатдагидек эмаслик, олдиндан кўрабилмаслик ва такрорланмаслик талабларига мос келиши керак.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятида шундай воқеалар содир бўлиши мумкинки, улар фақат одатдагидек эмас ёки фақат олдиндан кўрабилмайдиган воқеа. Масалан, хорижий валюта муомалаларидан олинган фойда ёки зарарларни олдиндан кўриб бўлмайди, лекин бу фавқулодда эмас, чунки валюта курсининг барқарор эмаслик шароитида бу одатдаги фойда ва зарар ҳисобланади.

Демак, қуйидаги моддалар фавқулодда фойда ва зарарларга киритилмайди: дарғумон дебитор қарзларни ҳисобдан чиқарилиши ёки шу мақсад учун ташкил қилинган резерв; валюта муомалаларидан ёки курслар фарқидан олинган даромад ёки йўқотишлар; нархлардаги тузатишлар; активлар қийматини қайтадан баҳолашдан олинган натижа, солиқ суммалари бўйича тузатишлар; олдинги йиллар фойдаси ёки зарари.

Хорижий амалиётда фавқулодда зарарларга қуйидагилар киритилади: табиий офатлардан кўрилган йирик йўқотишлар; сиёсий воқеалар, масалан, уруш, инқилоблар натижасида йўқотишлар; мазкур давлатнинг қонуниятчилигидаги ўзгаришлар, национализация қилиш, маълум бир фаолиятни тақиқлаш ва бошқалар натижасидаги йўқотишлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, тегишли модда фавқулодда ҳолатга тўғри келиши ва келмаслигига корхона фаолият кўрсатаётган ташқи муҳит ҳам таъсир қилади. Масалан, ғўзани қатор орасига ишлов берадиган пайтда совуқдан нобуд бўлиш ҳолати жанубий вилоятлар учун фавқулодда ҳолат, чунки у ерларда апрел - май ойларида ғўзани совуқ уриб кетиши яқин орада такрорланмайдиган фавқулодда ҳолат бўлса, шимолий вилоятлар учун буни одатдаги ҳолат деб таърифлаш мумкин.

Фойда ва зарарлар суммасининг ҳажми фавқулодда воқеаларга ўтказиш ва ўтказмаслик учун сабаб бўлолмайди.

Фавқулодда фойда ва зарарларни алоҳида ажратиб ҳисобга олишдан мақсад ҳисобот даври ичида корхона фаолияти натижасини объектив акс эттиришдир.

Фавқулодда воқеалар содир бўлганда бу воқеалардан олинган фойда ва зарарлар қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

9710 «Фавқулоддаги фойда»

9720 «Фавқулоддаги зарар»

Булар транзит счетлар бўлиб 9710- пассив, 9720- актив счетларига мансубдир.

Фавқулодда воқеалардан олинган даромадлар суммасига 9710 «Фавқулоддаги фойда» смети кредитланиб турли счетлар дебетланади. Содир бўлган зарар суммасига эса 9720 «Фавқулоддаги зарар» смети дебетланиб турли счетлар кредитланади.

Бу счетларнинг дебет ва кредит оборотлари ҳисобот даври охирида қуйидаги проводкалар билан якуний молиявий натижага ўтказилади:

Фавқулодда воқеалардан олинган фойда суммасига-

Д-т 9710 «Фавқулоддаги фойда»

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа».

Фавқулодда воқеалардан содир бўлган зарар суммасига-

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9720 «Фавқулоддаги зарар».

### **12.7. ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ВА ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР) ҲИСОБИ**

Одатда корхона фаолиятининг якуний молиявий натижаси йил охирида аниқланади. Бунинг учун корхона бухгалтериясида 9900 «Якуний молиявий натижа» смети очилади. Бу счет ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний молиявий натижасини шаклланиши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) қуйидагича аниқланади: асосий фаолиятдан олинган молиявий натижа (фойда) га молиявий фаолиятдан олинган даромад ва фавқулоддаги фойда суммаси қўшилади ва шу фаолиятлардан содир бўлган зарар (харажат) лар олиб ташланади.

9900 «Якуний молиявий натижа» смети транзит бўлиб актив - пассив счетларга мансуб. Дебети бўйича зарар (харажат) лар, кредити бўйича - корхонанинг фойдаси акс эттирилади. Бу счетнинг дебет обороти билан кредит оборотини солиштириш йўли билан ҳисобот давридаги якуний молиявий натижа аниқланади.

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счетининг дебет ва кредит томонлари кўрсаткичлари жамлашиб бу счетнинг умумий сальдоси ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисоблаб топилган сальдо ҳисобот даврида солиққа тортилгунга қадар бўлган умумий баланс фойдаси (ёки зарари) ни кўрсатади.

Ҳисобот йилининг охирида 9810 «Даромад (фойда) солиғини тўлаш», 9820 «Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар» ва 9890 «Бошқа ажратмалар» счетларида фойда (даромад) дан ҳисобланган умумий сумма акс эттирилади. Йиллик ҳисоботни тузишда хотима проводкалар билан ҳисобланган солиқ ва йиғимлар суммаси, илгари айтилганидек, қуйидаги проводка билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»

К-т 9820 «Йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича харажатлар»

К-т 9890 «Бошқа ажратмалар бўйича харажатлар»

9900 «Якуний молиявий натижа» счетида қолган соф фойда (ёки зарар) суммаси қуйидаги проводка билан тақсимланмаган фойдага ўтказилади:

Соф фойда суммасига - Д-т 9900 «Якуний молиявий натижа», К-т 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)». Зарар суммасига - Д-т 8710

К-т 9900 «Якуний молиявий натижа» смети.

Корхона фаолиятининг бошидан йиғиб келинган ва ҳисобот даврида содир бўлган мавжуд тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммасининг ҳаракати туғрисидаги ахборотлар қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)».

Бу счетлар назарий жиҳатдан пасивдир, лекин амалиётда 8710- счет дебет сальдога ҳам эга бўлиши мумкин, яъни корхона ҳисобот даврини зарар билан якунлаши ҳам мумкин.

Жамғарилган фойда - бу ҳар қандай зарарлар, дивидендлар ва мулкдорлар қарори бўйича хусусий капиталга реинвестиция қилинган суммалар чиқарилиб ташлангандан қолган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бошидан бошлаб олган соф фойдасидир.

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счетида корхонанинг ҳисобот йили бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади.

Дивидендлар ва мулкдорлар қарорига биноан бошқа ажратмалар қилингандан сўнг ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счетида 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счетиға ўтказилади.

Илгари айтганимиздек, 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счети, агар ҳужалик фаолиятдан олинган фойдасидан зарарлари ва тўланган дивидендлари кўп бўлса, дебет сальдога ҳам эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда зарар суммаси қуйидаги проводка билан жамғарилган фойдани камайтиришга ўтказилади:

Д-т 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»

К-т 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)».

Тақсимланмаган фойдадан резерв капиталини шакллантириш учун ажратилади. Бунда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

К-т 8532 «Резерв капитали».

Тақсимланган фойдадан дивидендлар ҳисобланса 8710-счет дебетланиб 6610- «Тўланадиган дивидендлар» счети кредитланади.

Дивидендлар тўланганда 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счети дебетланиб қуйидаги счетлар кредитланади:

5010, 5110, 5210- счетлар - пул маблағлари билан тўланса;

9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счети - сотиш баҳосида ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўланса. Шу билан бирга натура шаклида тўланган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархига 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счети дебетланиб 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счети кредитланади.

4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счети - дивидендлар акциялар билан тўланса.

9900 «Якуний молиявий натижа» счетининг синтетик ва аналитик ҳисоби 15-журнал - ордерида юритилади. Бу журнал - ордерга ёзиш учун асос бўлиб бухгалтериянинг маълумотномаси, банкнинг ҳисоб - китоб счети ва бошқа счетлардан берган кўчирмаси ва бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Чорак ва ҳисобот йили охирида журнал - ордер кўрсаткичлари чорак ва йиллик ҳисобот шаклларини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

## **12.8. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ КЎРСАТМАЛАР**

### **А. Умумий кўрсатмалар**

Молиявий ҳисобот корхона фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корxonанинг ички ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисоби билан танишиш имкониятига эга бўлмаган акционерлар ва бошқа инвесторларга ўхшаган бир қанча ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот ахборот олишнинг ягона манбаидир. Шунинг учун у компания инвесторларига барча зарур ахборотларни берадиган бўлиши керак.

Ҳисоботнинг асосий шакллари бўлиб корxonанинг баланси ва фойдаси (2-шакл молиявий натижалар) тўғрисидаги ҳисоботи ҳисобланади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан узвий боғланган бўлиб, молиявий натижалар тўғрисидаги олдинги ҳисоботнинг моҳияти ва тузилишини жиддий ўзгаришига олиб келади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шаклини олдингисига (1995 йилгача) қараганда ўзгаришини қуйидагилар тақазо этади: бозор шароитида молиявий ҳисоботдан янги фойдаланувчилар, даставвал акционерлар, шунингдек бошқа инвесторларнинг вужудга келиши, корхона менежерларининг янги ахборотларга бўлган талабларини вужудга келиши; молия бозорларининг асосий талаблари ва хўжаликни бошқариш эҳтиёжларига жавоб берадиган фойда тўғрисидаги ҳисобот тузилмасини ишлаб чиқиш зарурияти ва шу кабилар.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги янги ҳисобот шаклини амалга тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- бундан буёққа сотилган маҳсулот таннархига фақат мазкур ҳисобот даврида сотилган маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш тоифасидаги харажатлар қўшилади. Қолган харажатлар операцион харажат моддалари бўйича давр харажатларига қўшилади;

- илгари корхона тасарруфида қолган фойда ҳисобидан қопланадиган моддалар ҳозир харажат моддалари ҳисобланади, лекин корxonанинг солиққа тортиладиган базасидан чегирилмайди.

### **Б. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан ташқи ва ички фойдаланувчиларнинг талаблари.**

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари билан маҳкам боғланган бўлиб унинг ички ва ташқи фойдаланувчилар учун фойдалилигига бевосита таъсир қилади. Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом корxonанинг иш фаолияти самарадорлигини таърифловчи бир

қанча асосий кўрсаткичларни ҳисоблашга услубий ёндашишни таъминлайди.

Бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1. Ялпи (ёки соф) фойда (ЯФ);
2. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (ИТ);
3. Сотишдан олинган ялпи фойда (СЯФ);
4. Давр харажатлари (ДХ);
5. Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) (операцион фойда ёки операцион зарар) (ОФ);
6. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар (МФ);
7. Одатдаги хўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) (ОФФ);
8. Фавқулодда фойда ва зарарлар (ФФ);
9. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (зарар) (СТФ);
10. Солиқ тўлангандан кейинги соф фойда (соф зарар) (СФ).

Бозор шароитида ташқи фойдаланувчилар ва менежерларни айнан шу ахборотлар қизиқтиради.

Фойда тўғрисидаги ҳисоботдан ички фойдаланувчи корхона менежерларининг талаблари бири - бирига боғлиқ икки асосий гуруҳ омиллари билан белгиланади: бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш вазифалари ва ташқи фойдаланувчилар талаблари.

Ташқи фойдаланувчиларни асосан маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш самарадорлиги, активларнинг самарадорлиги, хусусий капиталнинг самарадорлиги ва бир акциянинг самарадорлиги қизиқтиради.

Шунингдек умумий кўрсаткичлар ичида давр харажатларининг салмоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар ташқи фойдаланувчиларга корхонани молия бозорида рақобатдошлик ва унинг молия - хўжалик сиёсатини рационал олиб бораётганлигини баҳолаш имкониятини беради. Молиявий ҳисоботнинг юқорида айтиб ўтилган ва бошқа кўрсаткичлари ташқи инвесторлар учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунган корхона менежерлари бошқарув қарорларини қабул қилишда бу кўрсаткичларни юқори даражада ушлаб ташқи инвесторлар ва бошқа қизиқувчи (харидорлар ва мол юборувчи) томонлар учун ўз корхонасининг кўркам қиёфасини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Ички бошқарув қарорларини қабул қилишда менежерлар даромад ва харажатларнинг аниқ таснифини билиши ва бу ахборотларни таҳлил қилиш учун уларни қулай шаклда тезкор олиши керак.

Даромад ва харажатларнинг аниқ таснифи шунинг учун зарурки:

биринчидан, давр ичида даромаднинг асосий қисми қайси манбадан олинганлигини аниқлаш учун;

иккинчидан, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини давр харажатларидан ажратиб олиш учун;  
учинчидан, доимий ва ўзгарувчан харажатларини ажратиб олиш учун.

### **В. Самарадорлик кўрсаткичларини таҳлили**

Мутлоқ кўрсаткичлардан ташқари, фойда туғрисидаги ҳисобот ҳисоботдан фойдаланувчилар ва молиявий бозорлар учун зарур бўлган қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш имкониятини беради. Буларга, хусусан, самарадорлик кўрсаткичлари кирази.

Самарадорлик коэффициентлари компания фаолиятини қанчалик фойдалилигини кўрсатади. Бу коэффициентлар олинган фойдани сарфланган маблағларга бўлган нисбатини, ёки олинган фойдани сотилган маҳсулот ҳажмига бўлган нисбатини ҳисоблаш йўли билан топилади. Модомики, корхоналар ҳисоботида фойданинг бир қанча кўрсаткичлари акс эттилар экан, ундан фойдаланувчилар таҳлил қилиш мақсадларига қараб самарадорликнинг турли жабҳаларини ҳисоблаб чиқишлари мумкин.

Кўпроқ фойдаланиладиган кўрсаткич бўлиб корxonанинг барча активларини самарадорлиги, маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш самарадорлиги, хусусий капиталининг самарадорлиги, акциянинг фойдалилиги ҳисобланади.

Барча активларнинг самарадорлиги (АС) соф фойдани (СФ) корхона активларининг (А) ўртача йиллик қийматига бўлиш йўли билан типилади.  $АС = СФ : А$ . Бу коэффициент 1 сўм фойда олиш учун фирмага неча сўм зарур бўлганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич корxonанинг рақобатдошлигини асосий индикаторларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Рақобатдошлик даражаси таҳлил қилинаётган корxonанинг барча активлари самарадорлигини ўртача тармоқ коэффициентига таққослаш йўли билан аниқланади.

Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш самарадорлиги (СС) фойдани сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар ҳажмига бўлиш йўли билан топилади.

Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш самарадорлигини икки асосий кўрсаткичлари мавжуд: сотишдан олинган ялпи фойда бўйича ҳисоблаш (СЯФ) х  $СС = СЯФ : СЯТ$ , бу ерда фойда СЯТ - сотишдан олинган ялпи тушум ва соф фойда (СФ) бўйича ҳисоблаш  $СС (с) = СФ : СЯТ$ .

Биринчи кўрсаткич корxonанинг нарх шаклланиш сиёсатидаги ўзгаришни, сотилган маҳсулот таннархини назорат қилиш қобилиятини акс эттиради.

Коэффициентнинг динамикаси нархларни қайтадан кўриб чиқиш ёки материал - ишлаб чиқариш заҳираларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш зарурлигидан

далолат беради. Бу кўрсаткични таҳлил қилиш жараёнида унинг даражасига материал ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олиш усулини жиддий таъсир этишини инобатга олиш керак.

Молиявий ахборотларни таҳлил қилишнинг бу қисмида аҳамиятлироқ бўлиб соф фойданинг маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушумга бўлган нисбати ҳисобланади. Бу коэффициент маҳсулот сотишдан тушган ҳар бир сўм неча сўм соф фойда берганини кўрсатади.

Хусусий капитал самарадорлиги (ХКС) соф фойдани (СФ) хусусий капиталнинг (ХК) ўртача йиллик суммасига бўлган нисбати билан аниқланади.  $ХКС = СФ : ХК$ . Хусусий капитал устав капитали, қўшимча капитал, резерв капитали ва жамғарилган фойда йиғиндисидан иборат. Хусусий капиталнинг самарадорлик кўрсаткичи мулкдорлар томонидан инвестиция қилинган капиталдан фойдаланиш самарасини аниқлаш, ва бу маблағни бошқа қимматли қозғоларга қўйганда қанча даромад олишини таққослаш имкониятини беради.

Бозор фаоллиги коэффициентлари компания акцияларини қиймати ва даромадлигини таърифловчи бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу гуруҳда асосий кўрсаткичлар бўлиб бир акцияга тўғри келадиган фойда, бир акциянинг баланс қиймати, бир акциянинг даромадлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Бир акциянинг самарадорлик кўрсаткичи соф фойда суммасини муомаладаги оддий акцияларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. Муомаладаги акциялар миқдори жами чиқарилган акциялар миқдоридан партфелдаги акциялар миқдорини олиб ташлаш йўли билан аниқланади. Башарти компанияда имтиёзли акциялар бўлса, олдин соф фойда суммасидан имтиёзли акцияларга тўланадиган дивидендлар суммаси чиқариб ташланади.

Шундай қилиб бир акцияга тўғри келадиган фойда қуйидаги шаклда аниқланади:

Бир акцияга тўғри келадиган фойда (АФ) = соф фойда - имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар: муомаладаги оддий акциялар миқдори.

### **Г. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби**

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 3 - Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Андазаси «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тавсия этилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг шакли келтирилади.

Корхона  
Тармоқ  
Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот  
200 йил дан гача

Курсаткичлар номи	Қа- тор	Олдинги йилнинг тегишли даврида		Ҳисобот даврида	
		даромад (фойда)	хара- жат (зарар)	даро- мад (фой- да)	хара- жат (зарар)
Сотишдан олинган соф тушум	010		х		х
Сотилган маҳсулот, товар (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннари	020	х		х	
Сотишдан олинган ялпи молиявий натижа (010-020)	030		х		х
Давр харажатлари (041+042+043) шу жумладан:	040	х		х	
Сотиш харажатлари	041	х		х	
Маъмурий харажатлар	042	х		х	
Бошқа операцион харажат ва даромадлар	043			х	
Асосий фаолиятдан фойда (зарар) (030-040)	050				
Молиявий фаолият натижалари (061+062+067) шу жумладан:	060				
Шуъба ва уюшган хужалик субъектларидан олинган дивидендлар	061		х		х
Бошқа олинган дивидендлар	062				
Шуъба ва уюшган хужалик юритувчи субъектлардан олинган ва берилган қарзлар буйича фоисалар	063				
Бошқа туланган ва олинган фоизлар	064				
Валютанинг курс фарқлари (ижобий, салбий)	065				
Мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг) га беришдан олинган даромадлар	066		х		х
Молиявий фаолиятдан олинган бошқа фойда ва зарарлар	067				
Умумхўжалик (одатдаги) фаолиятдан фойда (зарар) (050+060)	070				
Фавқулдда фойда (зарарлар) (081+082+083) шу жумладан:	080				
Тўхтатилган фаолиятдан	081				
Ғайриоддий воқеалардан	082				
Бошқа фавқулдда фойда (зарар)	083				
Фойда (зарар) дан солиқ тулагунча умумий молиявий натижа (070+080)	090				
Даромад (фойда) дан солиқ	100	х		х	
Соф фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва ажратмалар	110	х		х	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (090-100-110)	120				
Қончиликка биноан резерв капиталига ажратма	130	х		х	
Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (зарар) (120-130)	140				

Ҳисоботнинг 010 - қатори 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счтетининг тегишли (9010 - 9030) счтетларидан олинади. Бу счтетларнинг суммасидан 9040 - «Сотилган товарларни қайтарилиши» ва 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счтетининг суммаси чиқариб ташланади.

020 - қатор суммаси 91 - «Сотилган маҳсулотлар таннархи» счтетининг тегишли счтетлари (9110 - 9130) дан олинади.

030 - қатор суммасини топиш учун 010 - қатор суммасидан 020 - қатор суммасини айириб ташлаш керак.

040 - 043 - қаторлар суммаси 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Маъмурий харажатлар», 9430 «Бошқа операцион харажатлар», ҳамда 9440 «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» счтетларининг тегишли маълумотларидан олинади. 043 - қаторнинг «даромад» деган хонасига ёзиш учун маълумотларни 93 - «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счтетининг тегишли счтетларидан олинади.

050 «Асосий фаолиятдан фойда (зарар)» қаторининг суммасини топиш учун 030 - қатор суммасидан 040 - қатор суммасини айириш керак.

060 - 067 - қаторларнинг даромад қисми

95 - «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар» счтетининг тегишли счтетларидан олинади, харажатлар қисми эса 96 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар» счтетининг тегишли счтетларидан олинади.

070 - «Умумхўжалик (одатдаги) фаолиятдан фойда (зарар)» қаторининг суммасини топиш учун 050 - қатор суммасига 060 - қатор суммасини қўшиш (даромад бўлса) ёки айириш (харажат бўлса) керак.

080 - 083 - қаторларнинг даромад қисми 9710 «Фавқулоддаги фойда» - счтетдан, харажатлар қисми эса 9720 «Фавқулоддаги харажатлар» счтетидан олинади.

3 - Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Андазасининг 11-моддасида таъкидланишича тўхтатилган фаолият натижалари, одатда, хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган даромад ёки харажат таркибига киритилади. Лекин хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик (одатдаги) фаолиятдан мутлақо фарқланадиган (ёки тез орада такрорланмайдиган) воқеалар натижасида тўхтатилган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар фавқулодда фойда ёки зарар деб ҳисобланиши мумкин.

090 - «Фойда (зарар) дан солиқ тўлагунча умумий молиявий натижа» қаторининг суммасини топиш учун 070 - қатор суммасига 080 - қатор суммасини (даромад бўлса) қўшиб ёки (харажат бўлса) айириш керак. Бу маълумот 9900 «Якуний молиявий натижа» счтетининг суммасига тенг бўлиши керак.

#### Д. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш тартиби

Корхона ҳисобот давридаги барча даромад ва харажатларини ҳисоблаб чиқиб солиққа тортилгунча бўлган фойдасини аниқлангандан сўнг олинган натижага солиқ қонунчилигига биноан тузатиш киритиши керак.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомни қабул қилиш муносабати билан солиққа тортиладиган фойда (даромад) фақат ҳисоблаш йули билан аниқланиши мумкин.

Бунда «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл) нинг 130 - қаторида келтирилган фойдадан солиқ тўлагунча умумий молиявий натижа асос қилиб олинади.

Солиққа тортиладиган базани аниқлаш схемасининг умумий кўриниши қуйидагича:

$$\begin{array}{|l|} \hline \text{Солиққа тортилгунча} \\ \text{бўлган фойда ёки зарар} \\ \hline \end{array} + \begin{array}{|l|} \hline \text{Доимий тафовутлар} \\ \text{(1- илова)} \\ \hline \end{array} \pm$$
$$\pm \begin{array}{|l|} \hline \text{Вақтлар бўйича} \\ \text{тафовутлар (2- илова)} \\ \hline \end{array} = \begin{array}{|l|} \hline \text{Солиққа} \\ \text{тортиладиган база} \\ \hline \end{array}$$

Демак, солиққа тортиладиган фойда (даромад)ни топиш учун 130 - (фойдадан солиқ тўлагунча умумий молиявий натижа) қатор суммасига 1 ва 2 - иловлага асосан тузатиш киритиш керак. Қўшимча солиққа тортиладиган харажат моддалари харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1 ва 2 - иловаларида батафсил берилган. Бу иловалар бўйича солиққа тортиладиган харажатлар 20, 23, 25, 94 - счетларнинг тегишли счетларида ҳисобга олиниши муносабати билан, уларни алоҳида ведомостда гуруҳлаш зарур.

200\_ йил 1 - январдан \_\_\_\_\_ 200\_ йил \_\_\_\_\_ гача солиққа тортиладиган базага қўшимча киритиладиган харажатлар ведомости

Тартиб №	Харажат моддаларининг номи ва коди	Асос (илованинг номери ва коди)	Ушбу модда акс эттирилган бухгалтерия ҳисоби смети	Сумма, сўм
----------	------------------------------------	---------------------------------	--	------------

010 - балансдан ташқари счет

Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатларига эга бўлган корхоналар, бундай харажатлар ҳисобини 010 «Вақтли тафовутлар буйича харажатлар» балансдан ташқари сметида юритади. Бундай ҳисоб у ёки бу харажатларни келажакда солиққа тортиладиган базадан камайтириш ёддан кўтарилмаслиги ва солиқ хизматчилари учун бундай солиққа тортиладиган базадан чегирмани қонунийлигини исботлаш учун зарур.

010- с/чет буйича аналитик ҳисобни тегишли регистрларда шундай ташкил этиш керакки, у солиққа тортиладиган базадан чегириладиган харажат моддалари, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан ҳисоблаб чиқилган суммаси ва уларнинг солиққа тортиладиган базадан чегириш муддатлари тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлансин.

Солиққа тортиладиган базани аниқлаш ҳисоби қуйидаги шаклда тузилади.

\_\_\_\_\_ 200 \_\_ йил учун фойда (даромад) солиғини ҳисоби  
минг сум

Тар- тб №	Кўрсаткичлар	Қатор №	Сумма
1	2	3	4
1.	Солиққа тортилгунча бўлган молиявий натижа (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 090- қатори)	010	
2.	Солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1- иловасига биноан)	020	
3.	Мазкур ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайдиган харажатлар (9440- с/четида ҳисобга олинган харажатлар, 2- иловасига биноан)	030	
4.	Мазкур ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган олдин қилинган харажатлар (010- балансдан ташқари с/чет буйича махсус ҳисоб-к/тиб)	040	
5.	Солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (030 қатор - 040 қатор)	050	
6.	Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар буйича дивидендлар (фоизлар), шунингдек бошқа корхоналар фаолиятида улуш қўшиб қатнашишдан олинган даромадлар	060	
7.	Солиққа тортиладиган база (010+020+050-060- қаторлар)	070	
8.	Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиладиган базанинг камайиши (енгиллик буйича маълумот келтирилади)	080	
9.	Солиққа тортиладиган фойда (даромад) (070-080- қаторлар)	090	
10.	Фойда (даромад)дан ажратиладиган солиқ ставкаси	100	
11.	Фойда (даромад) дан ажратма солиғи ставкасини тузатилиши	110	
12.	Бюджетга тўлашга тегишли фойда (даромад) дан ажратма солиғи суммаси: (090- қатор x 110- қатор : 100%)	120	
13.	Бюджетга ҳисобланди	130	
14.	Муддати буйича қўшимча ҳисоблаш	140	
15.	Камайтирилиши	150	

Корхона (ташкilot) раҳбари \_\_\_\_\_ (имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

(имзо)

## КОРХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ

### 13. 1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

Хусусийлаштириш – давлат тасарруфидан чиқариш, яъни маълум миқдорда ҳақ олиш ёки маълум шартларни бажариш мақсадида давлат мулкани хусусий шахсларга, жамоаларга, акционерларга бериш. Улар корхона ходимлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар (сотиб олувчи қатнашчилари) бўлиши мумкин.

Давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби»га биноан амалга оширилади.

Давлат мулки давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалдаги қонунчиликка биноан давлат дастурлари, ҳукумат қонунларига асосан амалга оширилади.

Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастуридан ташқари меҳнат жамоалари, Ўзбекистон Республикаси, Ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан давлат мулкани, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки ижарага олиш тўғрисидаги аризаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқоролари, нодавлат юридик шахслар ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари, меҳнат жамоалари ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкчилик қўмитаси мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш асосида ташкил этиладиган акционер жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятлар, бошқа ҳужалик жамиятлари ва ширкатлар таъсисчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчилик қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек ўз маблағларининг улушга қўйиш ва акциялар сотиб олишни хоҳловчи нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- давлат корхоналарини ҳужалик жамиятига ва ширкатларига айлантириш;

- давлат корхоналарини кейинчалик сотиб олиш имконияти билан ижара мулкига айлантириш;

- конкурс бўйича ва аукционга қўйиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа шаклда давлат мулкани нодавлат юридик ва жисмоний шахсларга сотиш. Бунда тавсия этиладиган мулк шаклини танлаб олиш Давлат мулк қўмитаси томонидан ишлаб чиқариш, тармоқнинг хусусиятлари, ишловчилар сони, асосий фондлар қиймати, ишлаб чиқариш жараёнини кооперациялаштириш ва меҳнат тақсимотини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

Қайта ташкил этилаётган корхонанинг маъмурияти томонидан қонуларни ва норматив ҳужжатларини тушунтириш, ошкорликни тулиқ таъминлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш, меҳнат жамоасини умумий мажлиси (конференцияси)ни ўтказиш, давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасига мулкчилик шаклини ўзгартириш бўйича ҳужжатлар пакетини ўз вақтида топширганлиги устидан назорат қилиш йўли билан тайёргарчилик ишларини ташкил этади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг корхона ёки ташкилот барча зарур ишларни бажариш бўйича комиссия тузади. Комиссия таркиби корхона ёки ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Корхона комиссияси белгиланган шаклда давлат тасарруфидан чиқаришда қатнашаётган субъектлари учун, шунингдек жамоатчилик учун корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисидаги зарур бўлган ахборотларни тайёрлайди.

Ташкил этилган комиссия Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган дастурий график бўйича белгиланган муддат ичида қуйидагиларни ўз ичига оладиган давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига топширади:

- объектни давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришни муддатлари;

- объектнинг қиймати;

- башарти амалдаги тартиби ва объектни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларидан фойдаланиш шартлари сақланиб қоладиган бўлса, корхонани қайтадан ташкил этиш лойиҳаси;

- тавсия этиладиган шакли ва ҳисоблашиш муддатлари;

- енгилликлар, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган мулкнинг бир қисмини бепул бериш имконияти;

- инвентаризация ўтказиши ва корхона балансида турган мулкнинг баланс қиймати аниқланади, зарур бўлса бухгалтерия ҳисоботида белгиланган тартибда ўзгаришлар киритилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришни бошланиш санасига тузилиб солиқ инспекцияси ва юқори орган томонидан тасдиқланган корхона баланси маълумотларига асосан инвентаризация ва мулкларни баҳолаш йўғма далолатномаси, хусусийлаштириш номуновий режасига биноан хусусийлаштириш режаси ва бошқа ҳисоблаш ҳужжатлари расмийлаштирилади; ташкил этилаётган корхонанинг устав капитали белгиланади; хусусий устав ва бизнес - режасининг лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар пакети Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасида ёки унинг ҳудудий бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатга олинади ва давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш комплексини идора қилувчи Давлат мулк қўмитаси раисининг ёрдамчиси (ҳудудий бошқарув бошлиғи)га топширилади. У ўз навбатида бу ҳужжатларни 1 - 15 сонли иловада кўрсатилган тартибга мослигини текшириш ва корхонани қайта тузиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш учун комплекс тармоқ бошқармаси (бўлими) га юборилади.

Корхона ёки унинг структуравий бўлимини давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисидаги буйруқ лойиҳасини кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига берилади.

Эксперт комиссияси барча ҳужжатларни кўриб чиқади ва ўз мулоҳаза ва таклифлари билан ҳужжатлар пакетини тармоқлар бошқарма (бўлими) га қайтарилади. Бошқарма (бўлим) ҳужжатларга тегишли ўзгаришларни киритиб эксперт комиссияси ва юридик бўлими билан келишиб олингандан сўнг буйруқ лойиҳасини имзолашга топширади.

Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи раҳбарияти томонидан буйруқ тасдиқлангандан сўнг янги мулк эгасига мулкчилик ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилади.

Қайта ташкил этилган корхона қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Янги ташкил этилган (этиладиган) корхона зиммасида тулашга тегишли бўлган (банк ссудалари, бюджетга, пенсия фондига, ходимларга, мол юборувчи ва бошқаларга) қарз мажбуриятлари сақланиб қолади.

Хусусийлаштириш жараёни ҳисобининг бошланиши бўлиб корхона мулк қийматларини инвентаризацияси ҳисобланади. Бу қийматликлар сотиб олишга тегишли давлат мулки бўлиб ҳисобланади.

Инвентаризация натижалари мулкни баҳолаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Қуйида бу далолатноманинг шакли келтирилади.

Корхона мулкни баҳолаш йиғма далолатномаси  
200 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига

Кўрсаткичлар номи	Минг сўм
1. Корхонанинг баланси бўйича активлар жами шу жумладан:	31186
қолдиқ қиймати бўйича асосий воситалар	25050
қолдиқ қиймати бўйича номоддий активлар	310
капитал қўйилмалар	592
узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	512
ишлаб чиқариш заҳиралари	2264
пул маблағлари ва бошқа активлар	2458
2. Актив қийматидан чегириладиган баланснинг пасив моддалари суммаси – жами	4208
3. Мулк қийматидан яна чегирилади – жами шу жумладан:	8792
қонунчилик билан махсус хусусийлаштириш режими белгиланган мулк қиймати	5912
Давлат муниципал мулкчилигида қолган бошқа объектлар қиймати	2880
Жами устав капиталининг миқдори (1-2-3 қаторлар)	18186

### **13. 2. УСТАВ КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ**

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришнинг бошланиш санасига тузилиб солиқ инспекцияси ва юқори орган томонидан тасдиқланган корхона баланси, мулкни инвентаризацияси ва баҳолаш йиғма далолатнома маълумотларига биноан вужудга келган корхонани устав капитали аниқланади. Ташкил этилган корхонанинг устав капитали унинг асосий фондлари, актив ва пасивлари, ижтимоий инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш объектлари қийматини баҳолашга асосан аниқланади. Корхона балансидаги асосий фондлар қиймати қуйидагича баҳоланади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги 307 – сонли муомалага миллий валютани киритиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган «Қийматликларни қайта баҳолаш ва юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботида ўзгаришлар киритиш тартиби»га биноан сотиб олган санага бўлган қийматини 1994 йил 1 июлга бўлган 1000 сўм – купонни 1 сўм нисбати билан қайта баҳолаш;

- 293 сонли 1992 йил 18 июндаги, 261 - сонли 1993 йил 1- июндаги 572 - сонли 1994 йил 28 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан асосий фондлар қийматини қайтадан баҳолаш йўли билан. Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасини ва унинг ҳудудий бошқармалари мулк қийматини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан чоп этилган нархлар инфляцияси индекслари бюллетенларини қўллаши мумкин.

Корхона балансида турган актив ва пасивлар қийматини баҳолаш қуйидаги қийматликларни суммаси бўйича аниқланади:

- номоддий активлар;
- инвентаризация далолатномаси ва тугалланмаган қурилиш баҳоси бўйича қабул қилинадиган ўрнатилмаган ускуналар;

- узоқ муддатли молиявий қўйилмалар;
- таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар;
- бошқа оборотсиз активлар;
- заҳира ва харажатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаси томонидан меҳнат жамоасига, қайта ташкил этилаётган корxonанинг устав капиталига қўшган улущига мутаносиб, бепул бериладиган бошқа узоқ муддатли пасивлар, соф фойда чегириб ташланган ҳолда пул маблағлари, ҳисоб - китоблар ва бошқа активлар.

Корxonанинг асосий фондлари активлари ва пасивлари қийматининг баҳолари тўғрисидаги маълумотларга асосан корхона мулкнинг баланс қиймати аниқланади.

Акционер жамияти, бошқа ҳўжалик жамияти ва ширкат тасарруфига идора қилиш ҳуқуқисиз инфратузилма ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш объектлари берилиши мумкин. Лекин бу объектлар қиймати жамиятнинг устав капиталига киритилмайди. Айрим объектлар мазкур корхона меҳнат жамоаси, хорижий юридик ва жисмоний шахслар қўшилган ҳолда, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан хусусийлаштирилиши мумкин.

Устав капиталига киритилмаган ижтимоий инфратузилма объектлари Давлат мулк қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан корxonанинг розилиги билан аукцион, биржалар ёки биржасиз савдо орқали бошқа юридик ёки жисмоний шахсга сотилиши ёки ҳокимиятнинг муниципал органлари балансига ўтказиб берилиши мумкин.

Қуйида хусусийлаштирилган корхона балансини келтираимиз.

200 йил \_\_\_\_\_ га бўлган корхона баланси, минг сўм

Актив		Пассив	
1. Узоқ муддатли активлар		1. Хусусий маблағлар манбаи	
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)	25050	Устав капитали	222345
Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)	310	Резерв капитали	054
Капитал қўйилмалар	592	Мақсадли молиялаш ва тушумлар	476
Узоқ муддатли инвестициялар	512	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	240
1-бўлимнинг жами		Келгуси давр даромадлари	138
2. Айланма активлар	26464	Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви	114
Ишлаб чиқариш захиралари	2264	1-бўлимнинг жами	28256
Дебиторлар	958	2.Мажбуриятлар	
Аванс тўловлари	166	Банкларнинг узоқ муддатли кредити	1080
Қисқа муддатли инвестициялар	192	Банкларнинг қисқа муддатли кредити	282
Пул маблағлари	1142	Қисқа муддатли қарзлар	64
2-бўлимнинг жами	4722	Кредиторлар	1186
Баланс	31186	Олинган аванслар	318
		2-бўлимнинг жами	2930
		Баланс	31186

Устав капиталини шакллантириш мақсадида балансга асосан бухгалтерияда қуйидаги муомалар амалга оширилади:

- ўтган йиллар зарарлари тақсимланмаган фойда ҳисобидан, агар у етарли бўлмаса, «Резерв капитали» ҳисобидан қопланади.

Хусусийлаштирилган корхона мулки таркибида хусусийлаштирилмасдан давлат мулки бўлиб қоладиган объектлар бўлиши мумкин. Бу мулкнинг қийматига устав капитали суммаси камайтиради, лекин резерв капитали таркибига ўтказиш йўли билан акционер жамиятининг тасарруфида қолдирилади. Бунда қуйидагича проводка берилади: Д-т 8510 – сечининг тегишли сечлари, К-т 8530 – сечининг тегишли сечлари.

### **13.3 ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ АСОСИДА, ШУНИНГДЕК ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АКЦИОНЕР ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ**

Қимматли қоғозларнинг бозор механизми бўйича қуйидаги норматив ҳужжатлардан фойдаланилади:

23.09.92 й. 443 – сонли ва 29.03.94. й. 171 – сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг қарори;

12.06.95 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат корхоналарини акционерлаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони;

15. 06. 95 йилдаги 221 - сонли Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналарини очиқ типдаги акционер жамиятларига айлантиришни ташкилий чоралари тўғрисида» ги Қарори;

07. 09. 95 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида» ги Фармони;

22. 12. 95 йилда қабул қилиниб 13. 06. 96 йилда амалга тадбиқ этилган Ўзбекистон Республикасининг «Акционер жамиятлари ва акционер ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни;

22. 12. 95 йилда қабул қилиниб 12. 06. 96 йилда амалга тадбиқ этилган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорини ишлаш механизми тўғрисида» ги қонуни.

Қимматли қоғозлар - бу молиявий ресурсларни аккумуляция қилиш, децентраллашган усулда қайта тақсимлаш ва фойдалироқ, ишлаб чиқаришга қилинган инвестицияни самаралироқ фойдаланадиган соҳага йўналтириш. Хўжалик ташкилотлари учун қимматли қоғозлар молиялаш ва кредит олишнинг алтернатив манбаи бўлиб, корхоналар, банклар ва бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг буш маблағларини хўжалик оборотига жалб қилади. Қимматли қоғозлар доимо олди - сотди объекти ва бир текисда ёки бир йўла олинадиган даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар такрорий ишлаб чиқариш жараёнида материал, пул ва бошқа қийматликлар ҳаракатини акс эттиради. Улар икки гуруҳга бўлинади:

- акциялар ва пайлар;
- облигациялар, векселлар, депозитлар ва инвестиция сертификатлари, ипотекалар.

Асосий қимматли қоғоз бўлиб акциялар ҳисобланади.

Акциялар қуйидагиларга бўлинади:

- кўрсатувчига берилган акциялар;
- номи кўрсатилган акциялар;
- имтиёзли акциялар;
- оддий акциялар.

Акциянинг таърифи 8 - бобда берилган. Дивиденд - бу акция эгасига туланидиган даромад.

Акционер жамиятининг таърифи 11 - бобда берилган.

Акциялар номинал ва бозор қийматига эга.

Акцияда кўрсатилган баҳо акциянинг номинал қиймати бўлиб ҳисобланади.

Акциянинг реал сотиб олинадиган баҳоси бозор баҳоси ёки акциянинг курс қиймати (акциянинг курси) дейилади. Акциянинг курси олинадиган дивиденд миқдорига тўғри мутаносибда ва (банкнинг) ссуда фоизига тескари мутаносибда бўлади.

$$\text{Дивиденд} = \frac{\text{Фойда (Ф)}}{\text{Туланган акциялар суммаси (акциялар миқдори x акцияларнинг номинали)}} \times 100\%$$

$$\text{Акциялар курси} = \frac{\text{Дивиденд}}{\text{Ссуда фоизи}} \times 100\%$$

$$\text{Акциянинг бозор қиймати} = \frac{\text{Номинал қиймати x акция курси}}{100} \times 100\%$$

Реал келтирадиган даромадига қараб акция баҳосини белгилаш жараёни даромадни капиталлаштириш дейилиб, қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари орқали амалга оширилади.

Ёпиқ типдаги акционер жамиятларда акциянинг курс ёки бозор баҳоси жамиятнинг соф активлари қийматини туланган акциялар миқдорига бўлиш йўли билан топилади, яъни битта туланган акцияга тўғри келадиган жамиятнинг соф активлари қиймати ва у акциянинг баланс қиймати (Б) дейилиб қуйидаги шаклда топилади:

$$Б = \frac{\text{Соф активлар (С)}}{\text{Туланган акциялар миқдори (ТАМ)}}$$

Акциялар бозор қийматини (АБҚ) ҳам соф фойда ҳажмига қараб аниқлаш мумкин.

$$\text{АБҚ} = \frac{\text{Фойда (Ф)}}{\text{Туланган акциялар миқдори (ТАМ)} \times \text{Марказий банкнинг ссуда ставкаси (С)}} \times 100\%$$

#### 1 - мисол

Фойда (Ф)	-	150 000
Туланган акциялар миқдори (ТАМ)	-	100
Акциянинг номинал қиймати (Н)	-	1 000
Йиллик (банк) ссудасининг фойизи	-	84
Активлар (А)	-	350 000
Қарзлар	-	170 000
Соф активлар (350 000 - 170 000)	-	180 000

Соф активларни топиш учун активлар суммасидан қарзлар (кредиторлар, қарзга олинган маблағлар ва шу кабилар) суммасини олиб ташлаш керак.

$$\text{Акцияларга тўғри келадиган даромад} = \frac{\text{Акцияларнинг номинали x дивиденд}}{100 \%}$$

$$\text{Дивиденд} = \frac{150000}{100 \times 100} \times 100\% = 150\%$$

$$\text{Акция курси} = \frac{150}{84} \times 100\% = 178,57\%$$

1)

$$\text{Акциянинг бозор (курс) қиймати} = \frac{1000 \times 178,57}{100} = 1758,7 \text{ сўм}$$

ёки:

2)

$$\text{Акциянинг бозор (курс) қиймати} = \frac{150000}{100 \times 84} = 1758,7 \text{ сўм}$$

$$\text{Акциянинг баланс қиймати} = \frac{180000}{100} = 1800 \text{ сўм}$$

$$\text{Акцияга тўғри келадиган даромад} = \frac{1000 \times 150}{100} = 1500 \text{ сўм}$$

$$\text{Пулни депозитда сақлаган қолдаги даромад} = \frac{1000 \times 84}{100} = 840 \text{ сўм}$$

### **Акционер жамиятини (АЖ) ташкил этиш.**

Таъсис мажлисида таъсисчилар билан бир қаторда акция олишга ёзилган барча юридик ва жисмоний шахслар қатнашади. Таъсис мажлисини ўтказиш бўйича баённома расмийлаштирилади. Таъсис мажлисида олдиндан тайёрланган АЖ Уставининг лойиҳаси тасдиқланади — бу таъсис мажлисининг мутлоқ ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

Акционерларнинг умумий мажлиси — бу акционер жамиятининг юқори органи. Имтиёзли акциялар овоз ҳуқуқига эга эмас. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акционерларнинг 2/3 қисми қатнашиши керак. Умумий мажлисда қатнашувчиларнинг рўйхати мажлиснинг Раиси ва котиби томонидан тасдиқланади.

Акционер жамиятининг бошқармаси — бу акционер жамиятининг ижро органидир. У акционер жамиятининг барча молия — хўжалик фаолиятини бошқаради. Бошқарма аъзоларининг сонини бошқарма раисининг тақдим этиши бўйича Умумий мажлис белгилайди. Бошқарма фаолиятини акционерларнинг Умумий мажлиси томонидан сайланадиган бошқарма Раиси ёки Президент бошқариб боради. Акционерлар

жамиятининг умумий мажлиси ҳал қиладиган масалалардан бошқа барча масалаларни Раис ёки Президент ҳал этади. Бошқарманинг ҳуқуқи акционерлар жамиятининг умумий мажлиси томонидан тасдиқланади. Акционер жамияти бошқармасининг иш тартиби «АЖ бошқармаси тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

Назорат кенгаши АЖ бошқармаси фаолияти устидан назорат юритади. Назорат кенгашининг миқдори ва таркиби, шунингдек унинг иш тартиби акционерларнинг умумий мажлиси томонидан тасдиқланади.

Акционер жамияти фаолиятининг ички аудити тафтиш комиссияси, ташқи аудити эса шартнома бўйича аудиторлик фирмалари томонидан бажарилади ва АЖ фаолияти ва унинг Бошқармаси фаолияти тўғрисидаги ташқи аудиторнинг ҳисоботи акционерларнинг йиллик Умумий мажлисига тақдим этилади.

Акционер жамиятлари янгидан ташкил этилиши ва хусусийлаштирилиши, яъни давлат корхоналарини қайтадан ташкил этиш натижасида вужудга келиши мумкин.

Давлат мулк қўмитасидан корxonани хусусийлаштирилганлиги тўғрисида давлат ордери олингандан сўнг, агар хусусийлаштириш бўйича комиссия устав капитали, айланма маблағларини бозор баҳоси даражасига етказиб қайтадан баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, бухгалтерия ҳисоботига тегишли ўзгаришлар киритилади.

Хусусийлаштириш комиссияси томонидан тузилган далолатнома бўйича баҳоланган мулк баҳоси билан бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган баҳо ўртасидаги фарқ асосий воситалар қийматига хусусийлаштириш вақтида бозор баҳоси даражасини ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентини қўллаганда вужудга келади. Шунингдек 18. 06. 92 йилдаги 293 – сонли, 01. 06. 93 йилдаги 261 – сонли, 20. 06. 94 йилдаги 307 – сонли ва 28. 11. 94 йилдаги 572 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги Қарорлари бўйича асосий воситаларни қайтадан баҳолаш инobatга олинади.

Асосий воситаларни қайтадан баҳолаш бўйича фарқига 01 – счетни тегишли счетлари дебетланиб, 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» смети кредитланади.

#### **Мисоллар:**

1. Хусусийлаштирилган корxonанинг давлат мулкани сотиб олиш.

Меҳнат жамоасига қиймати 1000 сўмдан бўлган 100 дона акциялар берилди. Бу акцияларни сотиб олиш учун пул кассага қабул қилинади ва меҳнат жамоасининг аризаси бўйича иш ҳақидан ушлаб қолинди. Кассага қабул қилинган пул АЖ нинг

ҳисоб – китоб счетиға ўтказилади. Акцияларни соғишдан олинган маблағ Давлат мулк қўмитаси счетиға ўтказилади.

Акционер жамиятининг ҳисоб – китоб счетиға ташқи харидорлар томонидан 50 дона акцияларни сотиб олганлиги учун 50000 сўм пул тушди.

а) кассаға қабул қилинган нақд пулға

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 50000

К-т 4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» - 50000

б) иш ҳақидан ушлаб қолинган суммаға

Д-т 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб – китоблар» - 50000

К-т 4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» - 50000

в) банкдаги ҳисоб – китоб счетиға топширилган суммаға

Д-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети» - 50000

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 50000

г) ташқи харидорлардан ҳисоб – китоб счетиға тушган

сумма

Д-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети» - 50000

К-т 4710 «Устав капиталига бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» - 50000

д) сотилган акциялар бўйича тушган пул давлат мулк

қўмитасига ўтказилди

Д-т 4710 «Устав капиталига бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» ёки 6290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счети - 150000

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб счети» - 150000

2. Давлат корхонасини хусусийлаштиришда устав капиталини шаклланиши ва унинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби.

Хусусийлаштирилган корхонанинг устав капиталини шаклланишида ижтимоий инфратузилма объектларининг 1500 минг сўмлик қолдиқ қийматига устав капитали камайтирилган.

Мулкнинг асосий воситалар ва капитал қўйилмалар қисми 1700 минг сўмга қўшимча баҳоланган ва шу билан бирга ҳисобланган эскириш 230 минг сўмга қўшимча баҳоланган Устав капиталини кўпайтиришга 110 минг сўмлик махсус фондлар маблағлари, 300 минг сўмлик резерв фонди, 590 минг сўмлик тақсимланмаган фойда йўналтирилган.

а) ижтимоий инфратузилма объектлари қийматига Устав капитали камайтирилди

Д-т 8510 «Устав капитали (фонди)» - 1500 минг

К-т 8532 «Резерв капитали» - 1500 минг

б) баҳолаш ва инвентаризация далолатномасига биноан мулк қўшимча баҳоланди

Д-т 01, 03, 07, 08 – счеллар - 1700 минг

К-т 8531 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» - 1700 минг

Ҳисобланган эскиришни қўшимча баҳолаш

Д-т 8510 «Устав капитали» счeтининг тегишли счeтлари  
– 230 минг

К-т 02 – счeтининг тегишли счeтлари – 230 минг

в) йўналтирилган маблағлар ҳисобига устав капиталини  
қупайтирилиши:

Махсус фондлар Д-т 8530, К-т 8510 – 110 минг

Резерв капитали Д-т 8530, К-т 8510 – 300 минг

Тақсимланмаган фойда Д-т 8710, К-т 8510 – 590 минг

3. Янгидан ташкил этилган акционер жамиятида  
бериладиган бухгалтерия проводкалари.

Регистрациядан ўтиш вақтидаги акционер жамиятининг  
устав капиталига:

Д-т 4710, К-т 8510 – 9590 минг

Юридик ва жисмоний шахсларнинг акциялар учун  
тулаган туланмаларига

а) пул маблағлари

Д-т 5010, 5110, 5210 – 2000 минг сўм

К-т 4710 – 2000 минг сўм

б) усқуналар ва тугалланмаган капитал қўйилма объекти

Д-т 01, 07, 08 – счeтлар – 5900 минг сўм

К-т 4710 – 5900 минг сўм

в) материаллар ва турли товарлар

Д-т 10, 12, 29 – счeтлар – 860 минг сўм

К-т 4710 – 860 минг сўм

г) қимматли қоғозлар, узоқ ва қисқа муддатли молиявий  
қўйилмалар

Д-т 0610, 5810 – 470 минг сўм

К-т 4710 – 470 минг сўм

д) номоддий активлар

Д-т 04 – счeт – 360 минг сўм

К-т 4710 – 360 минг сўм

4. Акционерларнинг умумий мажлиси қарорига биноан  
устав капиталининг ўзгариши бўйича бериладиган бухгалтерия  
ёзувлари:

а) фонд биржалари орқали ўз акциялари сотиб олинди  
240 минг сўм

Д-т 8610, 8620 – 240 минг сўм

К-т 5110, 5210 – 240 минг сўм

Агар нақд пулга сотиб олинса

Д-т 8610, 8620 – 30 минг

К-т 5010 – 30 минг

Агар номинал қиймати 270 минг сўмлик акцияларни 200  
минг сўмга сотиб олинса ва шу акцияларни бекор қилиш  
туғрисида акционер жамиятининг Умумий мажлиси қарор  
қабул қилган бўлса:

Д-т 8510 – счeтининг тегишли счeтлари – 270 минг

К-т 8610, 8620 – 270 минг

Шу билан бирга	
Д-т 8610, 8620	- 70 минг сўм
К-т 8520 счeтининг тегишли счeтлари	- 70 минг сўм
Агар сотиб олинган акцияларнинг номинал қиймати 270 минг сўм бўлиб, сотиб олиш қиймати 300 минг сўм бўлса, қуйидагича проводка берилади:	
Д-т 8510 - счeтининг тегишли счeтлари	- 270 минг
К-т 8610, 8620	- 270 минг
Шу билан бирга	
Д-т 8520 - счeтининг тегишли счeтлари	- 30 минг
К-т 8610, 8620	- 30 минг
б) Акционер жамиятининг номинал қиймати 250 минг сўм бўлган акциялари 312 сўмга сотиб олинди	
Д-т 8610, 8620	- 312 минг
К-т 5010, 5110, 5210	- 312 минг
Акционерларнинг умумий мажлиси сотиб олинган акцияларни бекор қилиш туғрисида қарор қабул қилди.	
Д-т 8510 - счeтининг тегишли счeтлари	- 250 минг
К-т 8610, 8620	- 250 минг
Шу билан бирга	
Д-т 8520 - счeтининг тегишли счeтлари	- 62 минг
К-т 8610, 8620	- 62 минг
Агар акцияларнинг номинал қиймати 312 минг сўм бўлиб курс (бозор) қиймати 250 минг сўм бўлса:	
Д-т 8510 - счeтининг тегишли счeтлари	- 312 минг
К-т 8610, 8620	- 312 минг
Шу билан бирга	
Д-т 8610, 8620	- 62 минг
К-т 8520 - счeтининг тегишли счeтлари	- 62 минг
5. а) Акцияларнинг номинал қийматини 700 минг сўмга ошириш йўли билан устав капитали кўпайтирилган:	
Д-т 4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчилар қарзлари»	- 700 минг
К-т 8510 счeтининг тегишли счeтлари	- 700 минг
Шу билан бирга	
Д-т 5010, 5110, 8710	- 700 минг
К-т 4710	- 700 минг
б) Акцияларнинг номинал қийматини 500 минг сўмга пасайтириш йўли билан устав капитали камайтирилган	
Д-т 8510 - счeтининг тегишли счeтлари	- 500 минг
К-т 4710	- 500 минг
Шу билан бирга	
Д-т 4710	- 500 минг
К-т 5010, 5110	- 500 минг
6. Номинал қиймати 1600 минг сўм бўлган акциялар 2000 минг сўмга сотилиб пули қабул қилинган	
Д-т 4710	- 1600 минг
К-т 8510 - счeтининг тегишли счeтлари	- 1600 минг

Шу билан бирга	
Д-т 5010, 5110, 5210	- 200 минг
К-т 4710	- 200 минг
Д-т 4710	- 400 минг
К-т 8521 - «Эмиссион даромад»	- 400 минг
7. Тақсимланмаган фойда ҳисобига устав капитали	
купайтирилган - 100 минг сўм	
Д-т 8710	- 100 минг
К-т 8510 - счѳтининг тегишли счѳтлари	- 100 минг
8. Шуъба корхоналари билан олиб бориладиган	
муомалалар:	
а) шуъба корхоналарга 50 минг сўмлик акциялар берилди	
Д-т 8510 - счѳтининг тегишли счѳтлари	- 50 минг
К-т 6110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга	
туланадиган счѳтлар»	- 50 минг
б) шуъба корхоналардан акциялар олинди	- 70 минг сўм
Д-т 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан	
олинадиган счѳтлар»	- 70 минг
К-т 8510 счѳтининг тегишли счѳтлари	- 70 минг
9. а) Акцияларни номинал қийматидан ортиқ суммага	
сотиш.	
Номинал қиймати 290 минг сўм бўлган акциялар 420 минг	
сўмга сотилди.	
Номинал қиймати:	
Д-т 5010, 5110, 5210	- 290 минг
К-т 4710	- 290 минг
Акцияларни номинал қиймати билан сотиш қиймати	
орасидаги фарқ сумма (эмиссион даромад) га:	
Д-т 5010, 5110, 5210	- 130 минг
К-т 8521	- 130 минг
Бунга шундай проводка бериш ҳам мумкин:	
Д-т 5010, 5110, 5210	- 420 минг
К-т 4710	- 420 минг
Шу билан бирга	
Д-т 4710	- 130 минг
К-т 8521	- 130 минг
б) Акцияларни номинал қийматидан кам суммага сотиш.	
Номинал қиймати 420 минг сўм бўлган акциялар 290 минг	
сўмга сотилди	
Д-т 5010, 5110, 5210	- 290 минг
К-т 4710	- 290 минг
Шу билан бирга	
Д-т 8521	- 130 минг
К-т 4710	- 130 минг
10. Тақсимланмаган фойда ҳисобидан меҳнат жамоа	
аъзоларига акциялар бепул берилди - 500 минг сўм	
Д-т 8710	- 500 минг
К-т 4710	- 500 минг

11. а) Пенсионерлардан бозор баҳосида 550 минг сўмга сотиб олинган акциялар акционер жамияти ходимларига номинал қиймати бўйича 400 минг сўмга сотилди.

Пенсионерлардан акцияларни сотиб олишда

Д-т 8610, 8620 - 550 минг

К-т 5010, 5110 - 550 минг

АЖ ходимларига акциялар сотилганда:

Д-т 5010, 4620 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлар» - 400 минг

К-т 8610, 8620 - 400 минг

Шу билан бирга

Д-т 8521 - 150 минг

К-т 8610, 8620 - 150 минг

б) Пенсионерлардан бозор баҳосида 400 минг сўмга сотиб олинган акциялар акционер жамияти ходимларига номинал қийматида 550 минг сўмга сотилди.

Пенсионерлардан акцияларни сотиб олишда

Д-т 8610, 8620 - 400 минг

К-т 5010, 5110 - 400 минг

АЖ ходимларига акциялар сотилганда

Д-т 5010, 5110, 4620 - 550 минг

К-т 8610, 8620 - 550 минг

Шу билан бирга

Д-т 8610, 8620 - 150 минг

К-т 8521 - 150 минг

12. Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар туланди 34 минг сўм

Д-т 9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» - 34 минг

К-т 5110 - 34 минг

13. Узоқ муддатли қимматли қоғозлар сотиб олинди - 110 минг сўм

Д-т 0610 - 110 минг

К-т 5010, 5110, 5210 - 110 минг

14. Қисқа муддатли қимматли қоғозлар сотиб олинди - 140 минг сўм

Д-т 5810 - 140 минг

К-т 5010, 5110, 5210 - 140 минг

15. Қимматли қоғозлар қийматини тўлаш мақсадида асосий воситаларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди. Ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар объектининг баланс қиймати - 635 минг сўм, эскириши - 135 минг сўм

Д-т 9210 - 635 минг

К-т 01 - сечининг тегишли сечлари - 635 минг

Шу билан бирга

Д-т 02 сечининг тегишли сечлари - 135 минг

К-т 9210 - 135 минг

Д-т 0610, 5810 - 500 минг

К-т 9210 - 500 минг

16. Қимматли қоғозлар қийматини тўлаш мақсадида материаллар, АТБ, тайёр маҳсулотлар, товарларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди - 329 минг сўм, (АТБ нинг эскириши 25 минг сўм)

Д-т 9220	- 329 минг
К-т 10, 12 счетларнинг тегишли счетлари, 2810, 2910	- 329 минг
Шу билан бирга	
Д-т 1310	- 25 минг
К-т 9220	- 25 минг
Д-т 0610, 5810	- 304 минг
К-т 9220	- 304 минг

17. Қимматли қоғозлар совға шаклида бепул олинди. Эксперт баҳоси 100 минг сўм

Д-т 0610, 5810, К-т 8523	- 100 минг сўм
--------------------------	----------------

18. Тугатилган акционер жамияти акциялари ҳисобдан чиқарилди - 500 минг сўм

Д-т 9220, К-т 0610, 5810	- 500 минг сўм
--------------------------	----------------

Пули олинди:

Д-т 5110, К-т 9220	- 500 минг сўм
--------------------	----------------

### **13.4. ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИДОРЛАР ХАРАЖАТИНИНГ ҲИСОБИ**

Маълумки хусусийлаштирилган корхонани сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Юридик шахслар корхонани тўлиқ ёки қисман, яъни акциялар пакетини сотиб олган кундан бошлаб бу харажатларини узоқ муддатли қўйилма деб ҳисоблайди. Тўланган суммага бухгалтерияда қуйидаги ёзувлар берилади:

Дастлабки баҳога тенг бўлган тўлов суммасига

Д-т 06 - счетнинг тегишли счетлари

К-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети»

Агар тўланган сумма дастлабки баҳосидан кам бўлса (бутун объектни сотиб олган тақдирда)

Д-т 06 - счетининг тегишли счетлари - дастлабки баҳо суммасида

К-т 51 «Ҳисоб - китоб смети» тўланган суммага

К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - мулкни сотиб олиш ва дастлабки (баҳоланган) қиймати орасидаги фарқига.

6210 «Муддати узайтирилган даромад» счетининг кредит обороти, белгиланган муддатига биноан корхона фойдасини тўлдиришга ўтказилади.

Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад»

К-т 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар»

Агар муддатидан кейинроқ тўланадиган бўлса, харидор балансида кредитор қарз вужудга келади:

Д-т 06 – с/снинг тегишли с/слари – дастлабки баҳосига

К-т 5110 – тўланган қисмига

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар» – қарз суммасига

Олдиндан тўлаб қўйилса,

Д-т 3190 «Бошқа олинган тўланган харажатлар»

К-т 5110 «Ҳисоб – китоб с/с»

Олди - сотди муомалаларини содир бўлишига қараб дебитор қарзлар ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 06 – с/снинг тегишли с/слари

К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар»

Башарти хусусийлаштирилган объект аукцион орқали дастлабки баҳосидан қимматга сотилса, устав капитали тўланган суммада рўйхатга олинади, объектнинг сотиш нархи билан дастлабки баҳоси орасидаги фарқи эса 0490 «Бошқа номоддий активлар» с/сига ёзилиб 5 йил ичида номоддий активларнинг амортизацияси орқали корхона харажатларига ўтказилади.

### **13.5. ЛИЗИНГ МУОМАЛАЛАРИНИ ҲИСОБИ**

Лизинг инглизча «lease» сўздан олинган бўлиб ижара демакдир. Лизинг – бу шартнома бўйича келишилган муддат ичида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини лизинг ҳақини олиш йўли билан лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига беришдир.

Молиявий инструмент тарзида лизинг капитал қўйилмаларни юқори даражада сақлаб туриш имкониятини беради.

6 – БҲМА нинг 5 – бандига биноан лизинг молиявий ва жорий (оператив) лизингларга бўлинади.

Молиявий лизинг ижаранинг шундай турики, унда лизинг берувчи объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча таваккалчилик ва рағбатланишни лизинг олувчига ўтказиб беради.

Лизинг қуйидаги шартларнинг бирортасига жавоб берса, у молиявий лизинг дейилади:

- лизинг муддати 12 ойдан ортиқ бўлиши керак;

- лизинг муддати активнинг хизмат муддатидан саксон фоиздан камни ташкил этмаса;

- лизинг олувчи активни қатъий белгиланган нархда ёки лизинг муддатидан сўнг аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

- лизинг муддати тугагач лизинг активларининг қолдиқ қиймати лизинг муддати бошига бўлган дастлабки қийматига нисбатан йигирма фоиздан кам бўлса;

- лизинг давридаги лизинг тўловлари суммаси лизинг активлари қийматидан тўқсон фоиздан ортиқ бўлса.

Оператив лизингнинг муддати мулкнинг хизмат қилиш норматив муддатига нисбатан қисқа (бир йилдан кам), ва лизинг тўловлари лизинг берувчининг барча харажатларини қопламайди. Бунда ижарага берилган активнинг қиймати ва мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида қолади.

**Оператив лизинг ҳисоби.** Шартнома асосида асосий воситалар объекти қисқа муддатли ижарага берилганда ижарага берувчи олинadиган ижара ҳақи суммасини 4811-«Оператив лизинг бўйича олинadиган тўловлар» сче­тида ҳисобга олади. Бу сче­т актив бўлиб унинг дебетида оператив ижара бўйича ижарачилардан олинadиган сумма, кредитида эса пул маблағларини ҳисобга оладиган сче­тлар билан корреспондентланган ҳолда олинган ижара ҳақи суммаси акс эттирилади.

Қисқа муддатли ижарага беришдан олинган даромад 9350 «Оператив лизингдан олинган даромад» сче­тининг кредитида акс эттирилади.

Шундай қилиб, қисқа муддатли ижарага берувчининг балансида ижара муомалалари қуйидагича акс эттирилади:

а) олишга тегишли ижара ҳақи суммасига

Д-т 4811 «Оператив лизинг бўйича олинadиган тўловлар» сче­ти

К-т 9350 «Оператив лизингдан олинган даромад» сче­ти;

б) ҳисоб-китоб сче­тига қабул қилинган ижара ҳақи суммасига

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб сче­ти»

К-т 4811 «Оператив лизинг бўйича олинadиган тўловлар»

Объектни қисқа муддатли ижарага олувчи ижарага олинган объектни­нг баланс қийматини балансдан ташқари 001 «Оператив лизинги бўйича олинган асосий воситалар» сче­тига кирим қилади ва тўлашга тегишли ижара ҳақи суммасини ижарага олинган объектни фойдаланиш мақсадига қараб тегишли харажатларни (2010, 2310, 2510, 94) ҳисобга оладиган сче­тларни дебетлаб 6811 «Тўланadиган оператив лизинг» сче­тини кредитига ёзади. Ушбу ижара ҳақи суммаси тўланганда 6811-сче­ти дебетланиб 5110сче­ти кредитланади.

Қисқа муддатли (оператив) ижара муддати тугагач ижарага олинган объектни­нг баланс қиймати балансдан ташқари 001 «Оператив лизинги бўйича олинган асосий воситалар» сче­тидан чиқим қилинади.

**Молияланадиган лизинг ҳисоби.** Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида молияланадиган лизинг ривож топмоқда.

2000 йил 2 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Лизинг шартлари бўйича қишлоқни, қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чоралари тўғрисида» ги Қарори билан «Ўзқишлоқхўжалик лизинг» компанияси ташкил этилиб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини лизинг асосида замонвий техника билан таъминлаш вазифаси юкланди.

Лизинг - бу вақтинчалик бўш турган маблағларни инвестицияга йўналтириш ёки молиявий маблағларни жалб этишга қаратилган тадбиркорликнинг бир туридир. Бунда молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича ижарага берувчи (лизинг берувчи) маълум мол сотувчидан шартномада белгиланган мулкни ўзига сотиб олиб, бу мулкни ижарага олувчи (лизинг олувчи) га тадбиркорлик мақсадида вақтинчалик фойдаланиш учун пулга беради.

Лизинг субъектлари бўлиб лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулкни сотувчи ҳисобланади.

Лизинг муомалаларини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 756 - 1 сонли 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатлари билан тартибга келтирилади.

Лизинг муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг 6- «Лизинг ҳисоби» Миллий андазасига асосан юритилади.

**Лизинг берувчи компания балансидаги бухгалтерия ҳисоби.** Лизинг мулкни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар капитал қўйилмалар деб ҳисобланиб 08- счетнинг тегишли счетларида акс эттирилади.

Лизинг мулкни сотиб олиш лизинг компаниясининг ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Лизинг шартномаларининг асосий талабларидан бири бўлиб шундай шарти ҳисобланадигани, унга асосан лизинг мулкни сотувчидан фақат лизинг олувчига лизинг мулки берилсагина сотиб олинади

1. Лизинг берувчи компания лизинг мулкни мол юборувчилардан сотиб олди:

Д-т 08- счетининг тегишли смети

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»

2. Сотиб олинган асосий воситалар қиймати тўланса:

Д-т 6010

К-т 5110

3. Лизинг мулкнинг инвентар қиймати аниқлангандан сўнг асосий воситалар таркибига қабул қилинса:

Д-т 01- счетнинг тегишли счетлари

К-т 08- счетнинг тегишли счетлари

Лизинг муомалаларини амалга оширишда лизинг берувчи компанияда қуйидаги счетлар қўлланилади:

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар»

4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар»

- 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»
- 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар»
- 6210 «Муддати узайтирилган даромад»
- 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»
- 4820 «Олинадиган фоизлар»
- 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик».

Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича асосий воситалар объекти ижарага берилганда лизинг берувчи бу объектнинг шартнома қийматига қуйидагича проводка беради:

а) лизинг суммасининг жорий йилда олинадиган қисмига

Д-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар»

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

б) ижара муддатининг келгуси йилларида олинадиган қисмига

Д-т 0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар»

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

Молиявий лизинг бўйича ижарага берилган объектнинг баланс (инвентар) қиймати ҳисобдан чиқарилганда қуйидагича проводка беради:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

К-т 01 «Асосий воситаларни ҳисобга оладиган счетлар»нинг тегишли счети

Ҳисобланган ҚҚС суммасига 9210-счети дебетланиб 6410-счети кредитланади.

Молиявий лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати, одатда бу объектнинг баланс (инвентар) қийматидан ортиқ бўлади. Бу фарқ сумма 9210-счетининг кредитида сальдо бўлиб қолади.

9210-счетининг кредит қолдиғи даромад ҳисобланиб у ҳисобдан чиқарилганда қуйидагича проводкалар берилади:

а) жорий йилда даромадга ўтказиладиган қисмига

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» – жорий қисми.

б) Ижара муддатининг келгуси йилларида даромадга ўтказиладиган қисмига

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

К-т 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»

Ижара ҳақи олинганда 5110 «Ҳисоб-китоб счети» дебетланиб 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети кредитланади.

Ижара ҳақи олингандан сўнг молияланадиган лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати, ва унинг баланс қиймати орасидаги фарқ сумманинг тегишли қисми (жорий қисми) қуйидаги проводка билан даромадга ўтказилади:

Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» – жорий қисми

К-т 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»

Лизинг берувчи ва олувчи компаниялар қуйидаги шаклда ҳар йилги қайтариладиган асосий тўланма ва тўланадиган фоизлар суммасини аниқлаб оладилар ва унга асосан ҳар йилги тўлов муомалалари амалга оширилади.

Фоизлар қўшилган ҳолда лизинг бўйича тўланадиган сумма

Йил-лар	Асо-сий қарз	Фоиз став-каси	Тулаш муддати ичида тўланадиган фоиз суммаси	Муддати бўйича тўланадиган асосий қарз	Фоизлар билан бирга тўланадиган асосий қарз суммаси

Ҳар доим йил бошида лизинг берувчи жорий йилда олинадиган лизинг тўловлари суммасига қуйидагича проводка беради:

а) олинадиган ижара ҳақи суммасига:

Д-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар»

К-т 0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар»

б) жорий йилда даромадга ўтказиладиган қисмига:

Д-т 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»

К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» – жорий қисми.

Ижара ҳақи олинганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

К-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Шу билан бирга молияланадиган лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати ва унинг баланс қиймати орасидаги фарқ сумманинг тегишли (жорий) қисмига 6210 «Муддати узайтирилган даромад» – жорий қисми счети дебетланиб

9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар» счети кредитланади.

Шундай қилиб, ҳар йилги олинадиган ижара ҳақлари юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилиб борилади ва ижара муддати охирида 0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар», 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар», 6210 «Муддати узайтирилган даромад» – жорий қисми ва 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счетида қолдиқ қолмайди.

Молиявий лизинг шартномаларига биноан лизинг олувчилар ижарага бериладиган мулкнинг қийматидан маълум (15%) миқдориди ўз маблағлари ҳисобидан бўнак (аванс) тўлашлари мумкин.

Лизинг берувчининг балансида олинган бўнак (аванс) суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети»

К-т 6390 «Бошқа олинган бўнақлар»

Ушбу олинган бўнак суммаси лизинг шартномасида қайси муддатларда ва қанчадан ушлаб қолиниши кўрсатилади.

Бўнак суммаси тўланадиган ижара ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» смети дебетланиб 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» смети кредитланади.

#### Мисол.

1. Лизинг шартномаси бўйича бериладиган объект қийматининг 15 % миқдориди бўнак олинди - 20000 с.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети» - 20000 с.

К-т 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» - 20000 с.

2. Ҳисобот даврида олинадиган ижара ҳақи суммаси 30000 с. шундан олинган бўнак суммаси ушлаб қолинди, қолган сумма ҳисоб-китоб сметиға ўтказиб берилди:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети» - 10000 с.

Д-т 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» - 20000 с.

К-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» - 30000 с.

Молияланадиган лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар суммасиға 4820 «Олинадиган фоизлар» смети дебетланиб 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» смети кредитланади. Ушбу фоиз суммаси ҳисоб-китоб сметиға ўтказиб олинганда 5110 «Ҳисоб-китоб смети» дебетланиб 4820 «Олинадиган фоизлар» смети кредитланади.

0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар» смети бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси бўйича юритилади.

#### Мисол.

Лизинг компанияси 5 йил муддатиға «КЭЙС» тракторини кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ширкат хўжалиги (лизинг олувчи) га берди:

Тракторнинг баланс қиймати - 500000 с

Лизинг бўйича шартнома баҳоси - 800000 с

Ҳар йили сотиш баҳосидан тўланадиган фоиз 5%

Тракторнинг хизмат муддати - 10 йил

Ҳисобланган ҚҚС суммаси 50000 с

Лизинг компанияси тракторнинг шартнома қийматидан 15% - 120000 сўм бўнак олган.

Шартнома шарти бўйича бу бўнак биринчи йилги тўланадиган ижара ҳақи суммасидан ушлаб қолинади.

Ушбу муомалалар лизинг берувчи компаниянинг балансида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади.

1. Лизинг компанияси «КЭЙС» тракторини мол юборувчилардан сотиб олди. Тракторнинг қиймати ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар - 500000 с

Д-т 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» - 500000 с

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счетлар» - 500000 с

2. Сотиб олинган асосий воситалар қиймати туланди - 500000 с

Д-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счетлар» - 500000 с

К-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети» - 500000 с

3. «КЭЙС» тракторининг инвентар қиймати аниқлангандан сўнг асосий воситалар таркибига қабул қилинди - 500000 с

Д-т 0130 «Машина ва ускуналар» - 500000 с

К-т 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» - 500000 с

4. «КЭЙС» тракторининг шартнома баҳосидан 15% - 120000 сўм бўнак олинди

Д-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети» - 120000 с

К-т 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» - 120000 с

5. «КЭЙС» трактори шартнома бўйича 5 йил муддатига ижара (лизинг) га берилди. Биринчи йили қайтариладиган ижара ҳақи суммаси 160000 сўм. Қолган 4 йил ичида қайтариладиган ижара ҳақи суммаси - 640000 сўм:

а) лизинг суммасининг жорий йилда олинадиган қисмига:

Д-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий туловлар» - 160000 с

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» - 160000 с

б) ижара муддатининг қолган тўрт йил ичида олинадиган қисмига:

Д-т 0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган туловлар» - 640000 с

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» - 640000 с

(мураккаб проводка берилганда: Д-т 4810 - 160000 с., Д-т 0920 - 640000с., К-т 9210 - 800000 с.)

6. Молиявий лизинг бўйича ижарага берилган «КЭЙС» тракторининг баланс (инвентар) қиймати ҳисобдан чиқарилди - 500000 с

Д-т 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» - 500000 с

К-т 0130 «Машина ва ускуналар» - 500000 с

7. Ижара (лизинг) га берилган «КЭЙС» тракторининг шартнома баҳосидан ҚҚС ҳисобланди - 50000 с.  
 Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими - 50000 с.  
 К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» - 50000 с.

8. «КЭЙС» тракторини ижарага беришдан олинган даромад суммасига (9210-счетовнинг кредит қолдиғи):

а) жорий йил даромадига ўтказиладиган суммага (250000:5) 50000 с.

Д-т 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» - 50000 с.

К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - жорий қисми - 50000 с.

б) ижара муддатининг келгуси тўрт йил ичида даромадга ўтказиладиган қисмига - 200000 с.

Д-т 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» - 200000 с.

К-т 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» - 200000 с.

( мураккаб проводка берилганда: Д-т 9210-250000 с., К-т 6210-50000 с., К-т 7290-200000 с. )

9. ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилса.

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» - 50000с.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - 50000 с.

Фоишлар қўшилган ҳолда лизинг бўйича ҳар йили туланадиган сумма қуйидагича ҳисоблаб топилади

Йил-лар	Асосий қарз	Фоиш ставкаси	Тулов муддати ичида туланадиган фоиш сумма	Муддати бўйича туланадиган асосий қарз суммаси	Фоишлар билан бирга туланадиган асосий қарз суммаси
1	800000	5	40000	160000	200000
2	800000	5	40000	160000	200000
3	800000	5	40000	160000	200000
4	800000	5	40000	160000	200000
5	800000	5	40000	160000	200000
Жами			200000	800000	1000000

Юқорида келтирилган жадвалга асосан ижара муддатининг иккинчи йилидан бошлаб йил бошида жорий йилда олинадиган лизинг тўловлари суммасига молияланадиган лизинг бўйича узоқ муддатли олинадиган тўловлар суммаси қуйидаги проводка билан камайтириб борилади: Д-т 4810, К-т 0920. Шу билан бирга лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисмига 7290-счёти дебетланиб 6210-счёт кредитланади.

10. Ҳисобот даврида олинадиган ижара ҳақи суммаси 160000 сўм, шундан олинган бўнак суммаси 120000 сўм ушлаб қолинди. Қолган 40000 с. ( 160000-120000 ) ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилди.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб» - 40000 с.

Д-т 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» - 120000 с.

К-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган туловлар» - жорий қисми - 160000 с.

Шу билан бирга лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисми - 50000 сўм фойдага ўтказилди

Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - жорий

қисми

- 50000 с.

К-т 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»

- 50000 с.

11. Молиявий лизинг бўйича ҳисобланган йиллик фоиз суммасига - 40000 с.

Д-т 4820 «Олинадиган фоизлар» - 40000 с.

К-т 9520 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 40000 с.

12. Ушбу фоиз суммаси ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилди - 40000 с.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» - 40000 с.

К-т 4820 «Олинадиган фоизлар» - 40000 с.

Юқоридаги муомалалар ( бўнак суммасидан ташқари ) лизинг муддатини охиригача ҳар йили такрорланади.

Шундай қилиб, лизинг шартномасига биноан 5 йил муддатига ижарага берилган «КЭИС» трактори бўйича биринчи йилдан сўнг 0920-счётида кейинги 4 йил ичида олинадиган асосий қарз суммаси 640000 сўмни ташкил этади.

Қолган 4 йил ичида ҳар йили 160000 сўмдан олиб турилса, ижара, муддати охирига 0920-счётида қолдиқ қолмайди.

Лизинг берувчининг балансида юқоридаги мисол асосида иккинчи йили содир бўладиган муомалаларни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштиришни кўриб чиқамиз:

1. Ижара муддатининг иккинчи йил бошида жорий йилда олинадиган лизинг туловлари суммасига молияланадиган лизинг бўйича узоқ муддатли олинадиган туловлар суммаси камайтирилди - 160000 с.

Д-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган туловлар» - жорий қисми - 160000 с.

К-т 0920 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган туловлар» - узоқ муддатли қисми - 160000 с.

2. Лизинг муомаласидан олинадиган даромаднинг бешдан бир қисми фойдага ўтказилди - 50000

Д-т 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар»

- 50000 с.

К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - жорий

қисми

- 50000 с.

3. Ҳисобот даврида олинадиган ижара ҳақи суммаси  
 ҳисоб-китоб сметиға ўтказилди - 160000 с.  
 Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети» - 160000 с.  
 К-т 4810 «Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган  
 тўловлар» - жорий қисми - 160000 с.  
 Шу билан бирга лизинг муомаласидан олинган  
 даромаднинг бешдан бир қисми - 50000 сўм жорий йил  
 фойдасига ўтказилди.  
 Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - жорий  
 қисми - 50000 с.  
 К-т 9550 «Молияланадиган лизингдан даромадлар»  
 - 50000 с.

4. Молиявий лизинг бўйича иккинчи йил учун  
 ҳисобланган фойз суммасига - 40000 с.

Д-т 4820 «Олинадиган фойзлар» - 40000 с.  
 К-т 9520 «Фойзлар кўринишидаги даромадлар» - 40000 с.

5. Ушбу фойз суммаси ҳисоб-китоб сметиға ўтказиб  
 берилди - 40000 с.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети» - 40000 с.  
 К-т 4820 «Олинадиган фойзлар» - 40000 с.

Шундай қилиб, учинчи йил бошига 0920 - сметида  
 молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар 480000  
 сўмни, 7290 - сметида даромадга ўтказиладиган сумма 150000  
 сўмни ташкил этади.

**Лизинг муомалаларини лизинг олувчи балансидаги  
 ҳисоби.** Лизинг олувчи хўжаликнинг балансида лизинг  
 муомалаларини ҳисобга олиш бўйича қуйидаги сметилар  
 қўлланилади:

0310 «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича  
 олинган асосий воситалар»

7630 «Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ  
 муддатли қисми

6810 «Тўланадиган молияланадиган лизинг» - жорий  
 қисми

6820 «Тўланадиган фойзлар»

Юқорида келтирилган мисолни лизинг олувчи ширкат  
 хўжалигининг балансида расмийлаштирилишни кўриб чиқамиз.

1. «КЭЙС» тракторининг шартнома баҳосидан 15% -  
 120000 сўм бўнак ўтказиб берилди:

Д-т 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва  
 пудратчиларга берилган бўнақлар» - 120000 с.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб смети» - 120000 с.

2. Ширкат хўжалиги кейинчалик сотиб олиш шarti билан  
 «КЭЙС» тракторини 5 йил муддатига ижара (лизинг)га олди.  
 Тракторнинг шартнома баҳоси - 800000 сўм.

Д-т 0310 «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича  
 олинган асосий воситалар» - 800000 с.

К-т 7630 «Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ  
 муддатли қисми - 800000 с.

3. Йил бошида жорий йилда туланадиган лизинг туловлари суммасига - 160000 сумга қуйидагича проводка берилади:

Д-т 7630 «Туланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми - 160000 с.

К-т 6810 «Туланадиган молияланадиган лизинг» - жорий қисми - 160000 с.

4. Лизинг шартномаси бўйича олинган «КЭЙС» тракторининг биринчи йилги асосий туланмаси суммасидан олдин берилган 120000 сум бунак суммаси ушланиб қолиб қолган 40000 сум ҳисоб-китоб сечитидан ўтказиб берилди.

Д-т 6810 «Туланадиган молияланадиган лизинг» - жорий қисми - 160000 с.

К-т 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунаклар» - 120000 с.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб сечети» - 40000 с.

5. Лизинг шартномаси бўйича олинган «КЭЙС» тракторининг қийматидан биринчи йили туланадиган фоиз ҳисобланди - 40000 с.

Д-т 9620 «Фоизлар кўранишидаги харажатлар» - 40000 с.

К-т 6820 «Туланадиган фоизлар» - 40000 с.

6. Лизинг объекти бўйича ҳисобланган фоиз ҳисоб-китоб сечитидан ўтказиб берилди - 40000 с.

Д-т 6820 «Туланадиган фоизлар» - 40000 с.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб сечети» - 40000 с.

7. Ширкат хўжалигида лизинг шартномаси бўйича олинган «КЭЙС» трактори бўйича биринчи йили тула тиклаш учун амортизация ҳисобланди - 80000 сум (80000 с. : 10 йил)

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 80000 с.

К-т 0299 «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» - 80000 с.

Шундай қилиб лизинг шартномасига биноан 5 йил муддатига ижарага олинган «КЭЙС» трактори бўйича биринчи йилдан сўнг 7630 «Туланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми» сечитида кейинги 4 йил ичида туланадиган асосий қарз суммаси 640000 сумни ташкил этади. Қолган 4 йил ичида ҳар йили 160000 сумдан пул ўтказиб турилса, 7630 - сечетда қолдик (қарз) қолмайди.

«КЭЙС» тракторини узоқ муддатли ижарага олган ширкат хўжалиги беш йил ичида шартномада кўрсатилган асосий суммани ва унинг фоизларини тулиқ тулагандан сўнг «КЭЙС» трактори сотиб олинди деб ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан ўз асосий воситалари таркибига қабул қилади:

Д-т 0130 «Машина ва ускуналар» - 800000 с.

К-т 0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» - 800000 с.

Шу билан бирга «КЭЙС» трактори буйича беш йил давомида ҳисобланган эскириш суммаси ҳам киримга олинади – 400000 с. (80000 х 5)

Д-т 0299 «Молияланадиган лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар эскириши» – 400000 с.

К-т –0230 «Машина ва ускуналарнинг эскириши»

**Монтаж талаб қиладиган ускуналар буйича лизинг олувчи корхонадаги лизинг муомалаларининг ҳисоби.** Монтаж талаб қиладиган ускуналар буйича лизинг олувчи корхона балансида лизинг муомалалари қуйидаги проводкалар билан расмийлаштирилади:

1. Лизинг шартномаси буйича олинган миллий ўрнатиладиган ускуналар суммасига:

Д-т 0710 «Ўрнатиладиган ускуналар - мамлакат ичида ишлаб чиқарилган»

К-т 7630 «Туланадиган молияланадиган лизинг - узоқ муддатли қисми»

2. Ускуналарни монтажлаш ва ўрнатиш харажатларига:

Д-т 0810 «Тугалланмаган қурилиш»

К-т 6010 «Мол -етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»

3. Ускуналар монтажлаш учун берилганда:

Д-т 0810 «Тугалланмаган қурилиш»

К-т 0710 «Ўрнатиладиган ускуналар - мамлакат ичида ишлаб чиқарилган»

4. Монтаж ишлари тугагандан сўнг лизинг шартнома муддати тугагунча:

Д-т 0710 «Молияланадиган лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар»

К-т 0810 «Тугалланмаган қурилиш»

5. Лизинг шартномаси тугагандан сўнг ускуналар киримга олинса:

Д-т 0130 «Машина ва ускуналар»

К-т 0310 «Молияланадиган лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар»

**Лизинг объектини сотувчи корхонадаги бухгалтерия ҳисоби.** Лизинг объектини сотувчи корхона лизинг компанияси билан олиб бориладиган ҳисоб - китобни қуйидагича расмийлаштиради:

1. Лизинг компаниясидан жўнатиладиган лизинг объектлари қийматидан олдиндан бўнак олинди – 135000 с

Д-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети» – 135000 с

К-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» – 135000 с

2. Лизинг объекти лизинг компаниясига жўнатилганда:

а) шартнома баҳоси – 450000 с

б) ҚҚС суммаси – 50000 с

Д-т 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган сметлар»	- 500000 с
К-т 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар»	- 450000 с
К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»	- 50000 с
- 400000 Лизинг компаниясидан юборилган лизинг объектлари учун пул келиб тушганда - 365000 с	
Д-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети»	- 365000 с
К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сметлар»	- 365000 с

4. Бюджетга ҚҚС суммаси ўтказиб берилганда:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»	- 50000 с
К-т 5110 «Ҳисоб - китоб смети»	- 50000 с

5. Олдиндан олинган бўнақ суммаси қопланганда:

Д-т 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»	- 135000 с
К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сметлар»	- 135000 с

**Лизинг тўловларини лизинг олувчи балансда маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига ўтказиш.** Лизинг тўловларининг умумий суммаси қуйидагилардан иборат:

- қайтариладиган лизинг объектнинг тўлиқ суммасидан; лизинг шартномасига биноан сотиб олинган мулк учун олинган кредит ресурслар бўйича тўланма;
- лизинг берувчига тўланадиган комиссия тўланма;
- агар лизинг берувчи лизинг объектини суғурта қилган бўлса, суғурта тўловлари;
- лизинг шартномасида назарда тутилган лизинг берувчининг бошқа харажатлари.

Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритилади, чунки лизинг шартномасини шаклан ижара шартномасининг бир тури деб ҳисоблаш мумкин.

Банк ва бошқа кредит муассасаларининг кредитлари бўйича тўланадиган фоизлар 9620 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» сметида ўтказилади.

Лизинг шартномаси олдида қўйилган асосий талабларнинг бири шуки, лизинг бўйича олинган мулк фақат тадбиркорлик мақсадида ишлатилиши керак.

**Лизинг мулкidan фойдаланиш, техник хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини лизинг олувчи балансда маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига ўтказиш.** Лизинг олувчи лизинг мулкани асраш, лизинг берувчи олдидаги ўз мажбуриятини суғуртаси қўшилган ҳолда, объектнинг суғуртаси, шунингдек, агар шартномада бошқа ҳоллар назарда

тутилмаган бўлса, бу мулкдан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ҳисобидан қилади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаб туриш (техник қаров, парвариш қилиш; жорий, ўрта ва капитал таъмирлаш) харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритилади.

Бундай харажатларни таннархга ўтказишнинг асосий белгиси бўлиб асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш хусусияти ҳисобланади.

Башарти ижара жорхонаси асосида очиқ типдаги акционер жамияти ташкил этилса, унинг устав капитали қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

Ижара мажбуриятларининг қолдиғи.

Д-т 7630 «Тўланадиган молияланадиган лизинг - узоқ муддатли қисми»

К-т 8510 «Устав капитали (фонди)» счегининг тегишли счеглари

Давлат фонди ҳисобидан капитал қурилиши учун олинган молиялаштирилган суммага:

Д-т 77 «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар»

К-т 8510- счегининг тегишли счеглари

Шу билан бирга мулккий қийматликларини инвентаризация далолатномасига биноан хусусийлаштирилмайдиган мулклар қиймати суммасига устав капитали камайтиради:

Д-т 8510- счегининг тегишли счеглари

К-т 8530 «Резерв капитали» счегининг тегишли счеглари.

### **13.6. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НАТИЖАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АКЦИОНЕР ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ ВАРИАНТЛАРИ**

Хусусийлаштириш натижасида янги ташкил этилган акционер жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартиби уларнинг статусига боғлиқ.

Башарти хусусийлаштириш натижасида корхона статуси ўзгарса ва у, жамоа ва бошқа жисмоний ва юридик шахслар, инвестиция фондлари мулкига ўтиб, яъни юридик шахс бўлиб қолиб, ўз фаолиятини давом этгирса, унда бухгалтерия ҳисобининг асоси қилиб ўтказиб бериш балансининг бош маълумотлари олинади, ва корхона ўз фаолиятини давом эттиради.

Агар харидор корхонани тўлиқ сотиб олса, сотиб олувчи унга юридик шахс статусини бериши ёки ўз балансига қўшиб олиб бухгалтерия ҳисобини ўзининг ҳисобот тизимида юритиши мумкин.

Шунинг учун сотиб олинган мулк ҳисобининг икки варианты учрайди:

- корхона юридик шахс статусини олмай сотиб олувчи корхонанинг умумий йиғма балансига қўшилган ҳолда, мустақил балансга ажратилади;

- сотиб олинган мулк ҳаракатдаги корхонанинг таркибига қабул қилинади.

Биринчи вариантда янги сотиб олинган корхона билан ҳаракатдаги сотиб олувчи корхона уртасида ўзаро ҳисоб - китоблар вужудга келади. Иккала балансдаги бухгалтерия ҳисобида ҳам 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинadиган счетлар» актив смети ва 6110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўлanaдиган счетлар» пасcив сметиdan фойдаланиш зарурияти вужудга келади, лекин йиғма баланcда уларнинг миқдори ўзаро қопланган ҳолда кўрсатилади. Демак, ўтказиб бериш баланси ёки инвентаризация далoлатномасига биноан актив қисмидаги счетлар дебетланиб 6110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўлanaдиган счетлар» смети кредитланади, пасcив қисмидаги счетлар бўйича, агар мажбуриятни қоплашни янги ташкил этилган субъект ўз зиммасига олса, 4110 «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинadиган счетлар» смети дебетланиб пасcив қисмидаги счетлар кредитланади.

Иккинчи вариантда баланcнинг актив ва пасcив қисмлари кўпайтирилади, демак счетларнинг қолдиқлари ҳам кўпайтирилади.

Пировардида айтиш керакки, ташкил этилиши ва тузилиши бўйича бухгалтерия ҳисоби хусусийлаштирилган ва давлат корхоналарида бирдек, лекин хусусийлаштиришда бухгалтернинг иш ҳажми кўпаяди.

Бу давлат корхонаcини очиқ ёки ёпиқ типдаги акционер жамиятига айлантириш билан боғлиқ. Акцияларни дастлабки тарқатиш ва уларнинг иккиламчи муомаласини бошқариш, акцияларга ёзилиш даврида пул тўлашни ҳисобга олиш, акционерлар рўйхатини юриштиш, акциялар ҳаракатини ҳисоби, дивидендларни тақсимлаш ва шу кабилар зарурияти вужудга келади. Шунинг учун бухгалтер хусусийлаштириш туғрисидаги қонунчиликдан, янги ташкил этилган акционер жамиятининг таъсис ҳужжатлари мазмунидан ва устави хусусиятларидан хабардор бўлиши керак. Бу вазиятларни билиш объектив ахборотларни яратиш ва олиш имкониятини беради. Бу, ўз навбатида, улар асосида корхона фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, уларни муваффақиятли бошқариш ва фойда олишни таъминлайди.

## ҲИСОБОТ

**14.1. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАРКИБИ**

Ҳисобот — корхона, бирлашма, уюшма, концерн, корпорация, акционер жамияти ва шу кабиларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, у хўжалик фаолиятини таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида тегишли субъектларга топширилади. Ҳисобот ахборотлари сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари, хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил бўлиш манбалари, ишларнинг молиявий натижалари, солиққа тортиш ва дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ҳисоботнинг асосий вазифаси маҳсулотнинг сифати ва ассортиментини ошириш, «Ноу — Хау» ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобига корхона фаолиятини ўсиш ва ривожланиш резервларини қидириб топиш ва бозорда ўзбарқарорлигини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Ҳисобот маълумотлари бўйича корхона раҳбари мулкдорлар ва таъсисчилар, ва бошқа бошқарув ва назорат тизими (банклар, молиявий органлар), юқори ва ҳукумат расмий ва бошқарув органлари олдида ҳисобот беради.

Биринчи навбатда шуни айтиш жоизки, корхоналар (хорижий инвестицияли корхоналардан ташқари) мажбурий тартибда қуйидаги фойдаланувчиларга чорак ва йиллик ҳисоботини топширади:

- таъсис ҳужжатларига биноан мулкдорлар (мулкни бошқариш бўйича ваколатли органлар, таъсисчилар) га;
- давлат солиқ инспекциясига (бир нусха);
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан корхона фаолиятининг айрим томонларини текшириш ва тегишли ҳисоботни олиш вазифалари юклатилган бошқа давлат органларига.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан:

1. Барча корхона ва муассасалар учун ҳисобот йили 1-январдан 31- декабргача бўлган давр ҳисобланади.

2. Янги ташкил этилган корхона ва муассасалар учун биринчи ҳисобот йили бўлиб улар юридик ҳуқуққа эга бўлган санадан шу йилнинг 31- декабригача бўлган давр ҳисобланади. 1- октябрдан кейин ташкил этилган (тугатилган, қайтадан ташкил этилган корхоналар ва уларнинг структуровий бўлинмалари асосида ташкил этилганлардан ташқари) корхоналар учун уларнинг юридик ҳуқуққа эга бўлган санадан кейинги йилнинг 31- декабригача бўлган даврни биринчи ҳисобот йили деб ҳисоблашга рухсат берилади.

3. Корхоналар чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда топширадilar.

Ҳисобот раҳбар, бош бухгалтер, башарти корхонанинг бухгалтерия ҳисоби шартнома асосида ихтисослашган ташкилот ёки мутахассис томонидан юритилса, ҳисоб юритувчи шахс томонидан имзоланади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, корхонанинг хўжалик фаолияти натижалари, мулкый ва молиявий ҳолати тўғрисидаги йиллик бухгалтерия ҳисоботи фойдаланувчилар (биржа, харидор, мол юборувчи ва бошқалар) учун очиқ бўлиб матбулотда эълон этилиши мумкин. Эълон қилинганган ҳисоботнинг тўғрилиги мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Корхонанинг йиллик бухгалтерия ҳисоботи тегишли ташкилотларга топширилишидан олдин таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни билан йиллик ҳисоботнинг қуйидаги шакллари тузиш назарда тутилган:

- 1- «Корхона баланси»
- 2- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»
- 3- «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»
- 4- «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»
- 5- «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот»

Юқоридаги ҳисобот шаклларига изоҳлар, ҳисоб – китоблар ва тушунтиришлар илова қилинади.

Баланс чорак ва йиллик ҳисобот таркибига киритилади. Бу «нетто» номли баланс бўлиб, фойдаланувчиларга корхонанинг соф қийматининг ҳажми тўғрисида ахборот беради, чунки мулкнинг қиймати жами кўрсаткичга қуйидаги моддалар бўйича эскиришини чиқариб ташлаб кўрсатилади: асосий воситалар, номоддий активлар, АТБ ва бошқалар, фойда суммаси эса, жамига фақат ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда ҳажмига кўшилади. Лекин хўжалик фаолиятини таҳлил этиш мақсадида балансда қуйидаги кўрсаткичлар сақланиб қолган: дастлабки қиймат ва уларнинг эскириши, олинган фойда.

Шуъба корхоналари, филиаллар ва вакилликларига эга бўлган корхоналар консолидалашган (бирлашган) молиявий ҳисобот тузади.

Шуъба корхоналарга қўйилган қўйилмалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўзларининг филиаллари, вакилликлари ва бошқа структуровий бўлинмаларини мустақил балансга ажратиши мумкин, лекин уларнинг баланси ва бошқа ҳисобот шакллари тегишли юридик шахснинг консолидаллашган ҳисоботига албатта қўшилади.

Консолидаллашган ҳисоботга бош корхонанинг молиявий ҳисоботи илова қилинади.

Консолидаллашган ҳисобот 8 - бухгалтерия ҳисоби Миллий андазасига биноан тузилади. Лекин вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотлари бўйича тузиладиган йўғма молиявий ҳисоботлар бундан мустасно.

Молиявий ҳисобот йил бошидан йиғилиб борувчи жами билан ҳар чоракда топширилади.

Бюджет муассасалари чорак ва йиллик ҳисоботларини юқори органга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда топширади.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан молиявий ҳисобот топшириш бўйича бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи қизиқувчи банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун очиқ ҳисобланади.

Очиқ типдаги акционер жамиятлар, суғурта компаниялар, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий муассасалар, ҳисоботда келтирилган маълумотлар тўғрилигини аудиторлар томонидан тасдиқлангандан сўнг, йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майигача албатта матбуотда эълон қилиниши керак.

Хўжалик юритувчи субъект тугатилганда хотима молиявий ҳисобот тузилади.

Корхонани тугатилиши бўйича муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби, тугатиш баланси ва ҳисоботини тузиш, активлар қийматини аниқлаш ишлари тугатиш комиссиясига юклатилади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига қўшилмайди.

Тугатиш балансида мажбуриятлар уларнинг қайтариш вақтига ҳисобланган фоизлар билан бирга акс эттирилади.

## **14.2. ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ**

Инвентаризация – бу маълум бир вақтга маблағ ва уларнинг манбаларини ҳақиқий мавжудлигини, инвентаризация қилинаётган объектни натура шаклида санаш, яъни

қолдиқларини ҳисоблаш ёки ҳисоб ёзувларини текшириш йўли билан ҳақиқий қилинган харажатларни белгилаш.

Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулларида бири бўлиб унинг ёрдамида жорий ҳисоб маълумотларини тўғрилиги текширилади, ҳисобда йўл қўйилган хатолар аниқланади: ҳисобга олинмаган хўжалик муомалалари ҳисобга олинади, моддий жавобгар шахсларнинг қарамоғидаги у ёки бу хўжалик маблағларини бутлиги назорат қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар инвентаризация ўтказишда ЎзР Адлия вазирлигининг 833- сонли буйруғи билан 1999 й 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилган 19-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий андазаси «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» га тўлиқ амал қиладилар.

Қўйидаги ҳолларда инвентаризация ўтказилиши шарт:

- мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек давлат корхонаси қайта ташкил этилганда (давлат тасарруфидан чиқарилганда);

- молиявий ҳисобот тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация қилинган мулк бундан мустаснодир.

Бухгалтерия ҳисоби миллий андазасининг 4 - сони «Товар – материали захиралари» га биноан товар – материал захиралар инвентаризацияси камида бир йилда бир марта ўтказилади. Бухгалтерия ҳисоби миллий андазасининг 5 - сони «Асосий воситалар»га биноан асосий воситалар инвентаризацияси камида икки йилда бир марта ўтказилади, кутубхона фонди эса беш йилда бир марта инвентаризация қилинади.

Пул маблағлари, пулли ҳужжатлар, қийматликлар ва қатъий ҳисобот бланкалари бир ойда бир марта, ёнилғи ва мойлаш материаллари, озиқ – овқат маҳсулотлари ҳар чоракда инвентаризация қилинади. Қимматли металллар тармоқ йўриқномаларида кўрсатилган муддатларда инвентаризация қилинади.

Бундан ташқари, қўйидаги ҳолларда ҳам моддий қийматликлар инвентаризация қилинади:

- асосий воситалар ва товар материал қийматликларни қайтадан баҳолашда;

- моддий жавобгар шахслар алмаштирилганда (ишларни қабул қилиш – топшириш кунига);

- ўғирлик ва бошқа нопок вақеалар, шунингдек қийматликларнинг бузилиши содир бўлганда;

- табиий офат, ёнғин, авария ёки ҳодисалар билан боғлиқ бўлган бошқа фавқулотда ҳолатларда;

- хўжалик юритувчи субъектлари тугатилган (қайта ташкил этилган) да тугатиш (бўлиш) балансини тузишдан олдин ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Инвентаризация ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектларда қуйидаги таркибда доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

- корхона раҳбари ёки унинг ёрдамчиси (комиссия раиси);
- бош бухгалтер;
- бошқа мутахассислар (муҳандис, иқтисодчи ва ш. қ.);
- ички аудит вакили.

Агар иш ҳажми кўп бўлса, мулклар ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтнинг ўзига ўтказиш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан қуйидаги таркибда ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

инвентаризация ўтказишни тайинланган хўжалик юритувчи субъектнинг вакили (комиссия раиси);  
мутахассислар: товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтерия ходими ва б.

Доимий ҳаракатдаги комиссия қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қийматликлар бутлигини таъминлаш бўйича профилактика ишларини олиб боради;

- инвентаризация ўтказишни ташкил этади, ишчи инвентаризация комиссия аъзоларига маслаҳатлар беради;

- инвентаризация натижаларининг тўғрилигини текширади;

- зарур бўлган (инвентаризация қоидалари бузилган) ҳолларда корхона раҳбарининг кўрсатмаси билан қайта тўлиқ инвентаризация ўтказади;

- камомад ва нобудгарчиликка шунингдек бошқа камчиликларга йўл қўйган шахслардан олинган тушинтириш хатларини кўриб чиқади ва аниқланган камомад ва нобудгарчиликлар тўғрисида таклифлар беради.

Ўз навбатида ишчи инвентаризация комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қийматликлар ва пул маблағлари сақлаш ва ишлатиш жойларида инвентаризация ўтказади;

- хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси билан бирга инвентаризация натижасини аниқлашда қатнашади ва камомадни ортиқчаси билан қоплаш, шунингдек табиий камайиш нормаси доирасидаги камомадни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- товар – моддий қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш, уларнинг бутлиги ҳисоби ва назоратини яхшилаш, шунингдек нормадан ортиқ ва фойдаланилмайдиган материал қийматликларини сотиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиясига қуйидаги масъулиятлар юклатилади:

а) хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғига биноан инвентаризацияни ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказиш;

б) текширилган асосий воситалар, товар – моддий қийматликлар, пул маблағлари ва ҳисоб – китоблардаги маблағларни ҳақиқий қолдиқ рўйхатига тўлиқ ва аниқ ёзиш;

в) товар – материал қийматликлар нархини аниқлайдиган белгилари (тип, нав, марка, размер, прейскурант бўйича тартиб номери, артикул ва шу кабилар) ни рўйхатда тўғри кўрсатиш;

г) белгиланган тартибга биноан инвентаризация материалларини тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш.

Инвентаризация комиссияси инвентаризация бошланиш вақтига бўлган охириги кирим ва чиқим ҳужжатлари ёки материал ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши лозим.

Инвентаризация комиссиясининг раиси «инвентаризациягача \_\_\_\_\_ (сана)» белгисини қўйиб ҳисоботга илова қилинган барча кирим ва чиқим ҳужжатларини имзолайди. Бу, ўз навбатида, ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризация бошланиш вақтига қолган мулклар қолдиғини аниқлаш учун асос бўлади.

Инвентаризация бошланиш вақтига мулклар бўйича барча кирим ва чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилганлиги ёки комиссияга берилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат берадилар.

Инвентаризация бошланишдан олдин комиссия аъзоларига инвентаризацияни қачон бошлаб қачон тугатиш тўғрисидаги буйруқ топширилади, комиссия раисига эса назорат пломбири (муҳри) топширилади.

Башарти мулк инвентаризацияси бир неча кун давом этадиган бўлса, иш куни тугаши билан қийматликлар сақланаётган хонанинг эшиги муҳрланиши керак.

Инвентаризация қилинган қийматликлар ва объектлар ва уларнинг миқдори рўйхатда номенклатураси бўйича ва ҳисобда қабул қилинган ўлчов бирлигида кўрсатилади. Бу рўйхат ишчи инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

Инвентаризация рўйхатининг охирида комиссия томонидан текшириш моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилганлиги, комиссия аъзоларига ҳеч қандай даъво йўқлиги ва рўйхатда келтирилган қийматликларни масъул сақлашга қабул қилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат ёзиб берадилар.

Инвентаризация ўтказишда инвентаризация бўйича тасдиқланган дастлабки ҳисобот ҳужжатлари қўлланилади.

Ишчи инвентаризация комиссияси ҳар бир соҳа (қийматликлар) ни инвентаризацияси тугагач инвентаризация далолатномасини тузади. Масалан, «Юкланган товарлар инвентаризация далолатномаси», «Йўлдаги материаллар ва товарлар инвентаризация далолатномаси», «Асосий воситаларни тугалланмаган таъмирини инвентаризация далолатномаси» ва ш. қ.

Товар – материал қийматликлари ва пул маблағларининг инвентаризациясини тўғри ва ўз вақтида ўтказиш ва текширишни тўсатдан ўтказилишини таъминлаш бўйича маъсулият ҳужжалик юритувчи субъектнинг раҳбарларига юклатилади. Улар инвентаризацияни тўлиқ ва қисқа муддат ичида ўтказиш учун шароит яратиб беришлари керак.

Инвентаризация тугагач ўтказилган инвентаризация тўғрилигини текшириш учун назорат текшируви ўтказилиши мумкин. Бундай текшириш инвентаризация ўтказилган омбор (ёки бошқа жой) очилмасдан туриб инвентаризация комиссияси ва моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилади. Инвентаризацияларни назорат текширишдан ўтказиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва ўтказилган инвентаризацияни тўғрилигини назорат текширишни ҳисобга олиш дафтариди рўйхатга олинади.

Инвентаризация ва бошқа текширишлар натижасида аниқланган мулкларнинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқийси орасидаги фарқи қўйидагича тартибга солинади:

ортиқча чиққан асосий воситалар, материал қийматликлари, пул маблағлари ва бошқа мулклар киримга олиниб, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (93 – сч) кўпайтирилади. Айбдор шахслардан қийматликларнинг ортиқча чиққанлик сабаблари тўғрисида тушинтириш хати олинади;

қийматликларнинг қонунчилик билан белгиланган норма доирасидаги камомоди корхона раҳбарининг буйруғи билан ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар) ни камайитиришга ўтказилади. Табиий камайиш нормалари фақат ҳақиқий камомад аниқлансагина қўлланилади. Табиий камайиш нормалари белгиланмаган бўлса, содир бўлган камомад нормадан ортиқ камомад деб ҳисобланади;

материал қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар камомоди, шунингдек табиий камайиш нормасидан ортиқча нобудгарчиликлар айбдор шахслардан ундириб олинади. Башарти айбдорлар шахслар аниқланмаса ёки айбдор шахслардан ундириб олиш суд орқали рад этилган бўлса,

камомад ва нобудгарчиликдан курилган зарарлар ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар) ни камайтиришга утказилади. Бундай зарарлар келгусида солиққа тортиладиган базага қушилади.

Дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб – китоблар инвентаризациясини утказиш тартибини куриб чиқамиз.

Дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб – китобларни инвентаризацияси тегишли корхона, ташкилот ва алоҳида шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб – китобларни ўзаро текширишдан иборат. Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича у ёки бу дебитордан олинадиган қарзлар суммаси қарздор бўлган корхона (алоҳида шахслар) нинг бухгалтерия ҳисобида ёзилган қарзлар суммаси билан солиштирилади.

Маҳсулот, иш ва хизматларни ҳисоблаш усулида сотиш усулига утган корхоналарда сотилган маҳсулот иш ва хизматлар бўйича ўз вақтида туланмаган қарзларни инвентаризацияси алоҳида урин эгаллайди. Бундай ҳолларда шартномада кўрсатилган муддат ичида туланмаган тулов ҳужжатларининг тулиқ суммаси миқдориди даргумон қарзлар резерви ташкил этилади.

Ҳисоб – китобларни текшириш учун қарздор ташкилотларга бухгалтерия ходимларини сафарга юборилади ёки хат юборилади. Ҳисоб – китобларни текшириш учун юборилган бухгалтерия ходими текшириш якунида далолатнома тузади. Текшириш натижасида дебитор қарзларни ундириб олиш даргумон бўлиб қолиши мумкин: корхона тугатилган бўлиб қарзни кимдан ундирилиши номаълум, дебитор қарзини тан олмаслиги, даъво қилиш муддатини тушириб қолдирилиши ва ҳ. к. Бундай ҳолларда корхона бухгалтериясида умидсиз дебитор қарзлар рўйхати тузилиб ҳар бир дебитор ва кредиторларнинг рўпарасига нима сабабдан қарз реал эмаслиги кўрсатилади.

Бу рўйхат корхонанинг доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясига тақдим этилади. Комиссиянинг хулосасидан сўнг даъво қилиш муддати ўтган, шунингдек суд ундириб олишга қарор қилган, лекин қарздорнинг тулаш қобилияти йўқлиги туфайли ундириб олиш иложи бўлмаган қарзлар даргумон қарзлар резерви ҳисобидан қопланади.

Ундирилмаган дебитор қарзлар даргумон қарзлар резерви билан қопланганда 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» смети дебетланиб дебитор қарзларни ҳисобга олувчи тегишли счетлар кредитланади. Бу бухгалтерия ёзуви 7 – ведомост ва 8 – журнал – ордерда акс эттирилади. Қарздорнинг тулаш қобилияти йўқлиги туфайли дебитор қарзлар ҳисобдан

чиқарилгани билан, улар бекор қилинмайди. Бундай қарзлар 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи» счегининг кирим қисмида беш йил давомида ҳисобга олинади.

Даъво қилиш муддати ичида талаб қилиб олинмаган кредитор қарз суммаси корхонанинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар таркиби (9360 - счег)га ўтказилади.

Инвентаризация натижалари доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссияси томонидан кўриб чиқилиб аниқланган камомад кимнинг ҳисобидан ундириб олиниши ёки қандай харажатларга ўтказилиши, ёки аниқланган ортиқча маблағлар қандай киримга олиниши тўғрисида қарор қабул қилади. Доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади ва у корхона раҳбари ёки корхона раҳбари таклифига биноан юқори орган томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган протоколларга асосан жорий ҳисоб кўрсаткичларини инвентаризация маълумотларига мос келтириш мақсадида бухгалтерия ёзувлари берилади.

#### Мисоллар

1. Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида омборда бир дона сув чиқарадиган насоснинг етишмаслиги аниқланди:

- а) насоснинг дастлабки қиймати — 70000 с.
- б) эскириши — 40000 с.
- насоснинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди — 70000 с.
- Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»
- К-т 0130 «Машина ва ускуналар»
- насоснинг эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди—40000 с.
- Д-т 0230 «Машина ва ускуналарнинг эскириши»
- К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

#### I - вариант

Инвентаризация комиссияси моддий жавобгар шахсдан насосни қолдиқ қийматини ундириб олишга қарор қилди — 30000 с.

- Д-т 4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» — 30000 с.
- К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» — 30000 с.
- ушбу камомад суммаси ундириб олинди:
- а) нақд пул билан — 20000 с
- б) меҳнат ҳақи суммасидан ушлаб қолинди — 10000 с.
- Д-т 5010 — 20000 с.
- Д-т 6710 — 10000 с.
- К-т 4630 — 30000 с.

II — вариант

Инвентаризация комиссияси моддий жавобгар шахсдан насосни қолдиқ қийматидан ортиқ, масалан, 45000 сўм қилиб ундириб олишга қарор қилди.

Д-т 4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» — 45000 с.

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» — 30000 с.

К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» — 15000 с.

- ушбу камомад суммаси ундириб олинди:

а) нақд пул билан — 30000 с.

б) меҳнат ҳақи суммасидан ушлаб қолинди — 15000 с.

Д-т 5010 — 30000 с.

Д-т 6710 — 15000 с.

К-т 4630 — 45000 с.

Шу билан бирга

Д-т 6210 — 15000 с.

К-т 9310 Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли

чиқимидан олинган фойда» — 15000 с.

### **14.3. ҲИСОБОТ ТУЗИШ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Чораклик ёки йиллик ҳисоботларни ўз вақтида тузишни таъминлаш учун бухгалтериянинг барча бўлимлари ишларини бажариш муддатларини кўрсатиб йиғма иш графиги тузилади. Бухгалтерия ҳисоби қўлда юритилса, график билан белгиланган муддатларда журнал - ордерларнинг жами чиқарилади, зарур бўлса бир регистрдаги сумма бошқа регистрларга ўтказилади ва корреспондентланувчи счетлар ўзаро муқобил текширилади. Журнал - ордер шаклида ҳисоб юритилганда ой охирига қолган суммаларини ўтказиш ва ҳисоб регистрларини хотималаш бўйича ҳисоб ишларининг кетма - кетлиги қуйидагича:

- расшифровка - варақаларидан дебет ва кредит оборотлари журнал - ордерлар ва ведомостларга ўтказилади, бунда расшифровка - варақалари ва журнал ордерларда тегишли белгилар қўйилади.

- 5010- счетининг дебети бўйича 1- ведомост ва 5110- счетининг дебети бўйича 2- ведомостларнинг жамлари 3, 10/1, 13- журнал ордерларига ўтказилади;

- 7, 12, 14, 15, 16, 17 ва бошқа ведомостларнинг аналитик ҳисоб жамлари ҳисоблаб чиқарилади, шундан кейин жами маълумотлари тегишли журнал - ордерларда акс эттирилади;

- журнал ордерларнинг кредит оборотлари жами ҳисоблаб чиқилади.

Агар журнал - ордерларда счетлар бўйича аналитик маълумотлар акс эттирилган бўлса, маълумотлар жамлаб чиқилади ва кейинги ой бошига қолдиқ аниқланади,

корреспондентланувчи счетлар бўйича алоқаси бор счетларнинг турли регистрлари жами таққосланади. Масалан, 1- журнал - ордердаги 5010- счегининг жами 2- ведомостдаги 5010- счегини жами билан таққосланади. Бундай кўрсаткичларни таққослаб текшириш барча журнал - ордерлар бўйича бажарилади.

Бундан кейин маълумотлар журнал - ордерлардан бош дафтарга ўтказилади. Ундан кейин ҳар бир синтетик счет бўйича дебет оборотлари чиқарилиб кейинги ойнинг 1- кунига қолдиғи чиқарилади. Бош дафтарга маълумотлар фақат журнал - ордерлардан олиб ёзилади.

Журнал - ордер маълумотларини Бош дафтарга ёзиш мисолини келтирамир (иккита синтетик счетларга ёзиш маълумотлари келтирилган). Журнал - ордерлар маълумотлари Бош дафтарга ўтказилгандан сўнг журнал - ордерларда қуйидагича изоҳ берилади: «Оборотлар суммаси Бош дафтарда акс эттирилди» ва санаси ҳам ижрочи ва бош бухгалтернинг имзолари қўйилади.

#### 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»

Ой	Дебети бўйича обороти қуйидаги счетларнинг кредитидан				Жами		Сальдо	
	5110 (2-ж/о)	5510 (3-ж/о)	4310 (8-ж/о)	ва х.к.	дебети бўйича	кредити бўйича	дебет	кредит
январ								
феврал								
ва х.к.								
ноябр								45400,0
декабр	362302,4	15896	1000		379198,4	433629,0		99830,6

#### 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак»

Ой	Дебети бўйича обороти қуйидаги счетларнинг кредитидан (10- ж/о)					Жами		Сальдо		
	1010	6710	6520	6910	2010	2510	дебети бўйича	кредити бўйича	дебет	кредит
январ										
феврал										
ва х.к.										
ноябр										
декабр	60	200	28	12	272	142	714	714		

Бош дафтарда счетларнинг қолдиғи чиқарилгандан сўнг улар аналитик маълумотлар билан текширилади, журнал - ордер шаклининг регистрлари маълумотлари бўйича баланс ва бошқа ҳисобот жадваллари тузилади.

### **14.4. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ**

Молиявий ҳисобот тизимида баланс марказий ўрин эгаллайди. Йиллик ҳисобот таркибидаги балансда катта ўзгаришлар содир бўлди, чунки халқаро андазалар талабларига

яқинлашди ва бозор муносабатларига қаратилди. Баланснинг актив ва пассив моддаларининг мазмуни ички ва ташқи фойдаланувчилар (акционер, таъсисчи, мол юборувчи, кредиторлар банклар ва бошқалар) га ундан фойдаланиш имкониятини беради. Ички ва ташқи қизиқувчилар учун корхона фаолиятининг молиявий натижалари, унинг молиявий барқарорлиги, кредитор қарзларининг ҳажми, банк ссудалари бўйича қарзлари туғрисидаги маълумотлар зарур.

Корхона ичида балансда келтирилган ахборотлар хужалик фаолиятини таҳлил қилиш, харажатлар ва йўқотишларни қисқартириш резервларини қидириб топиш, корхона ҳисобидан туланадиган жарималар, бурдсизликлар сабабларини бартараф этиш учун кенг қўлланилади.

Йиллик ҳисоботга тушинтириш хати, корхона раҳбарининг фаолиятнинг йўналиши туғрисидаги маърузаси, илова қилинади. Бу корхонанинг асосий аналитик ҳужжатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда асосий курсаткичлар бўйича режа. бажарилишига таъсир этувчи қуйидаги омиллар очиб ташланади: маҳсулот миқдори, ассортимент, сифати, маҳсулот сотиш ҳажми, фойда суммаси, таннархни пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, самарадорлик, илмий - конструкторлик ишларини натижалари ва истиқболлари ва шу кабилар. Тушинтириш хатининг мазмуни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технология хусусиятлари билан белгиланади.

Қуйида ҳозирги вақтда қўлланилаётган баланс шаклини келтирамыз.

### Бухгалтерия баланси

200\_\_ йил

Корхона, ташкилот \_\_\_\_\_

Тармоқ (фаолият тури) \_\_\_\_\_

Давлат мулкани бошқариш органи \_\_\_\_\_

Улчов бирлиги, минг сўм

Манзилгоҳ \_\_\_\_\_

Раҳбар \_\_\_\_\_

ф.и.о.

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

ф.и.о.

Ҳисоб - китоб смети \_\_\_\_\_

тел. № \_\_\_\_\_

Оқуд бўйича 1-шакл

Сана (йил, ой, кун)

ОКПО бўйича

ОКНХ бўйича

ОКПО бўйича

Назоратдаги сумма

Жўнатилган сана

Қабул қилинган сана

Топшириш муддати

Кодлар

0710001

--	--	--

--	--	--

--	--	--

--	--	--

--	--	--

--	--	--

--	--	--

--	--	--

--	--	--

Кўрсаткичлар номи	Қа- тор №	Ҳисобот йилига бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
<b>Актив</b>			
<i>I. Узоқ муддатли активлар</i>			
Асосий воситалар:			
дастлабки қиймати (01,03)	010		
эскириши (02)	011		
қолдиқ қиймати (010-011)	012		
Номоддий активлар:			
дастлабки қиймати (04)	020		
эскириши (05)	021		
қолдиқ қиймати (020-021)	022		
Капитал қўйилмалар (07-08)	030		
Ш.ж. ўрнатиладиган ускуналар (07)	031		
Шуъба корхоналардаги акциялар (06)	040		
Шуъба корхоналарига берилган акциялар (06)	050		
Уюшма корхоналардаги акциялар (06)	060		
Уюшма корхоналарга берилган қарзлар (06)	070		
Узоқ муддатли инвестициялар (06)	080		
Бошқа қарзлар	090		
Бошқа активлар	100		
I- бўлим бўйича жами (012+022+030+040+ 050+060+070+080+090+100)	110		
<i>II- Айланма активлар</i>			
Ишлаб чиқариш захиралари (10, 11, 12, 13, 15, 16)	120		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20, 21, 23)	130		
Тайёр маҳсулот (28)	140		
Сотиш учун олинган товарлар (29)	150		
Келгуси давр харажатлари (31)	160		
Пул маблағлари (51, 55, 56, 57)	170		
Валюта маблағлари (52, 55, 56, 57)	180		
Кассадаги пул маблағлари (50)	190		
Қисқа муддатли қўйилмалар (58)	200		
Сотиб олинган хусусий акциялар (86)	210		
Дебиторлар:			
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (40, 41, 42)	220		
Бунак (аванс) тўловлари (43)	230		
Бюджет билан ҳисоблашишлар (45, 64)	240		
Ходимлар билан ҳисоблашишлар (46)	250		
Шуъба корхоналар билан ҳисоблашишлар (41)	260		
Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар (41)	270		
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (47)	280		
Бошқа дебиторлар (42, 44, 48, 67)	290		

1	2	3	4
II- бўлим буйича жами (120+130+140+150+160+170+180+190+200+210+220+230+240+250+260+270+280+290)	300		
Балансинг активи буйича жами (110+300)	310		
<b>Пассив</b>			
<i>I. Уз маблағларининг манбалари</i>			
Устав капитали (8510)	320		
Қушилган капитал (8520)	330		
Резерв капитали (8530)	340		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350		
Мақсадли тушум ва жамғармалар (77, 88)	360		
Келгуси давр сарфлари ва туловлари резерви (89)	370		
Келгуси давр даромадлари (62, 72)	380		
I. бўлим буйича жами (320+330+340+350+360+370+380)	390		
<i>II. Мажбуриятлар</i>			
Узоқ муддатли қарзлар (71, 76)	400		
Шу жумладан муддати узайтирилган	405		
Узоқ муддатли кредитлар (75)	410		
Шу жумладан муддати узайтирилган	415		
Қисқа муддатли қарзлар (61, 62, 68, 69)	420		
Шу жумладан муддати узайтирилган	425		
Қисқа муддатли кредитлар (69)	430		
Шу жумладан муддати узайтирилган	435		
Харидор ва буюртмачилардан олинган бунак (63, 73)	440		
<i>Кредиторлар:</i>			
Мол етказиб берувчилар (60)	450		
Шу жумладан муддати узайтирилган	455		
Бюджет буйича қарзлар (6410, 72)	460		
Шу жумладан муддати узайтирилган (72)	465		
Меҳнат ҳақи буйича қарзлар (6710, 6720)	470		
Ижтимоий суғурта ва таъминот буйича қарзлар (6520)	480		
Шу жумладан муддати узайтирилган	485		
Мулкий ва шахсий суғурталар буйича қарзлар (6510)	490		
Шу жумладан муддати узайтирилган	495		
Бюджетдан ташқари туловлар буйича қарзлар (6530)	500		
Шу жумладан муддати узайтирилган	505		
Шуъба корхоналарига қарзлар (6110)	510		
Уюшма корхоналарига қарзлар (6110)	520		
Бошқа кредиторлар (66, 68, 71, 74)	530		
II- бўлим буйича жами (400+410+420+430+440+ 450+460+470+480+490+500+510+520+530)	540		
Балансинг ласиви буйича жами (390+540)	550		

Балансга асосан корхонанинг тўлов қобилияти ва бошқа бир қанча сифат кўрсаткичларини ҳисоблаб таҳлил қилиш мумкин.

Баланс маълумотларига асосан корхонанинг мутлоқ тўлов қобилияти қуйидагича аниқланади:

$$\boxed{\text{Корхонанинг мутлоқ тўлов қобилияти}} = \frac{\boxed{\text{Пул маблағлари}}}{\boxed{\text{Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари}}}$$

Бу кўрсаткич 0,2 ёки 20% дан кам бўлмаслиги керак. Шу йўл билан ҳисоблаб чиқилган коэффициент корхонанинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини қанчаси зудлик билан қайтарилишини кўрсатади.

Баланс маълумотлари бўйича корхонанинг соф айланма маблағлари ёки капиталини аниқлаб олиш унинг истиқболдаги ривожланишини таърифлайди.

$$\boxed{\text{Соф айланма маблағлар ёки капитал}} = \boxed{\text{Айланма активлар}} - \boxed{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Соф айланма маблағлар ёки капитал ҳажми корхона томонидан ўз қарзини тўлагандан сўнг унинг потенциал ривожланиш қобилитини таърифлайди. Соф айланма маблағлари ёки капиталининг коэффициенти қуйидагича топилади:

$$\text{Соф айланма капитали коэффициенти} = \frac{\text{Материал ишлаб чиқариш заҳиралари}}{\text{Соф айланма капитали}}$$

Бу коэффициент бир сўмлик соф айланма капиталига неча пуллик ҳали ишлаб чиқаришга сарфланмаган материал заҳиралари тўғри келишини таърифлайди. Бундай маълумотларга асосан корхона менеджерлари корхона ҳолатини ривожлантириш бўйича тегишли қарорларни қабул қилишади.

Баланс маълумотларидан фойдаланадиган ташқи қизиқувчилар учун корхона капиталининг структуровий кўрсаткичлари (ёки тўлов қобилияти, молиявий барқарорлиги) муҳим аҳамиятга эга.

Капиталнинг структуровий кўрсаткичлари корхонага узоқ муддатли қўйилмалар қўйган инвесторлар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини таърифлайди. Улар корхонанинг узоқ муддатли қарзларини тўлаш қобилитини акс эттиради.

Мулк коэффициенти (ёки хусусий капитални концентрациялаш коэффициенти) қуйидагича топилади:

$$M_k = \frac{XK \text{ (хусусий капитал)}}{\text{Активларнинг ўртача йиллик қиймати}}$$

Бу коэффициент бир бирликка тенг ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. У корхона эгаларининг корхонага қўйилган маблағларни умумий суммасидаги улушини кўрсатади. Корхона эгаларининг улуши қанчалик кўп бўлса, шунчалик корхона молиявий барқарор, иқтисодий мустаҳкам бўлади ва ташқи кредиторларга қарам бўлмайди.

Корхонанинг молиявий қарамлик ( $K_{mq}$ ) коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_{mq} = \frac{\text{Қарз капитали (} Q_k \text{)}}{\text{Хусусий капитал (} X_k \text{)}}$$

Ушбу коэффициент 0,5 дан кам бўлиши, лекин кўп бўлса, 1 дан ошмаслиги керак. Бу корхонани ташқи қарз берувчилардан молиявий қарамлигини таърифлайди ва унинг ўсиш динамикаси корхонани молиялаштиришда қарзга олинган маблағлар улушини кўпайиб бораётганини кўрсатади.

Молиявий ҳисоботнинг 2- шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» ни тузиш тартиби, унинг олдига қўйилган талаблар 12- бобнинг 8- параграфида батафсил келтирилган.

#### **14.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

Молиявий ҳисоботдан ички ва ташқи фойдаланувчилар учун корхонанинг асосий воситаларининг таркиби, уларнинг иш ҳолати ва умумий қиймати муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотлар корхоналарнинг молиявий ҳисобот таркибида тузиладиган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» да акс эттирилади. Қуйида бу ҳисоботнинг шаклини келтирамиз (228, 229, 230-бетларга қаралсин).

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот жадвали мазмунидан кўриниб турибдики, унда асосий воситалар ва уларнинг эскириши белгиланган тасниф асосида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича акс эттирилади:

- йил бошига қолдиғи;
- ҳисобот даврида асосий воситаларнинг кирими;
- ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилгани;
- йил охирига қолдиғи.

Ушбу ҳисобот собиқ Совет иттифоқи давридаги (17. 09. 87 №182) асосий фондлар классификатори асосида тузилган бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби Миллий 5 - ва 21 - сонли андазаларига биноан қайта ишлаб чиқилиши мумкин.

Ҳисоботнинг 3 ва 6- хоналарида корхона балансида ҳисобга олинган барча асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

3-шакл

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот  
200\_\_ йил

Корхона, ташкилот \_\_\_\_\_

Тармоқ (фаолият тури) \_\_\_\_\_

Давлат мулкани бошқариш органи  
\_\_\_\_\_Ўлчов бирлиги, минг сўм  
Манзилгоҳ \_\_\_\_\_

Оқуд бўйича 1-шакл  
Сана (йил, ой, кун)  
ОКПО бўйича  
ОКНХ бўйича  
ОКПО бўйича  
Назоратдаги сумма

Жўнатилган сана  
Қабул қилинган сана  
Топшириш муддати

Кодлар
0710001


Кўрсаткичлар номи	Қа- тор №	Бошланғич қиймат				Йиғилган амортизация (эскириш) миқдори				Қолдиқ қиймати	
		йил бошига қолдиқ	ки- рим	ҳисоб- дан чи- қариш	йил охирига қолдиқ	йил бо- шига қолдиқ	кирими бўйича	ҳисобдан чиқарил- гани бўйича	йил охи- рига қолдиқ	йил боши- га	йил охи- рига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Бино	010										
Иншоот	020										
Узатиш мосламалари	030										
Машина ва жиҳозлар	040										





4- хонада ҳисобот даврида, қўшимча баҳолаш қиймати ҳам қўшилган ҳолда қуйидаги манбалардан корхона тасарруфига ўтган асосий воситалар акс эттирилади:

- пулга сотиб олиш ёки янгидан куриш;
- айланма маблағлардан асосий воситага ўтказилиши;
- бошқа корхона ва ташкилотлардан бепул олинishi;
- инвентаризация натижасида ортиқча чиққан асосий воситалар кирими;
- лизинг муомалалари бўйича узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар.

5- хонада қайтадан баҳолаш натижасида нархини пасайтириш ҳам қўшилган ҳолда қуйидаги сабабларга кўра хўжалик тасарруфидаги асосий воситалар таркибидан чиқарилган объектлар қиймати акс эттирилади:

- пулга сотилган кераксиз ва ортиқча асосий воситалар;
- асосий воситалар таркибидан айланма маблағларга ўтказилган объектлар;
- бошқа корхона ва ташкилотларга бепул берилган объектлар;
- эскириши натижасида объектларнинг ҳисобдан чиқарилиши;
- табиий офатлар, авария натижасида ва бошқа сабабларга кўра объектларни ҳисобдан чиқарилиши.

7 ва 10- хоналарда асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳисобот даври бошига ва охирига йиғилган амортизация (эскириш) суммаси акс эттирилади.

8- хонада асосий воситаларни қўшимча баҳолаш натижасида қўшимча ҳисобланган амортизация суммаси ҳам қўшилган ҳолда, ҳисобот даврида барча асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси акс эттирилади.

9- хонада тугатилган, сотилган ва бошқа йўллар билан хўжалик тасарруфидан чиқиб кетган асосий воситалар эскириши кўрсатилади.

11- хонада асосий воситаларнинг йил бошига қолган соф қолдиқ қиймати акс эттирилади. Бу сумма 3- хона билан 7- хона суммалари фарқидан иборат.

12- хонада асосий воситаларнинг ҳисобот даври охирига қолган соф қолдиқ қиймати акс эттирилади. Бу сумма 6- хона билан 10- хона суммалари фарқидан иборат.

Асосий воситаларнинг жами суммасидан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидагиларнинг ҳаракати алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситалар таркибига саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва бошқа моддий ишлаб чиқариш фаолияти соҳасига тегишли объектлар киради.

Ноишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситалар таркибига коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маориф, маданият ва шунга ўхшаганларда фойдаланиладиган объектлар киради.

«Маълумот учун» деган бўлимнинг 150 – 154 қаторларида асосий воситалар қайси манбайлар ҳисобидан сотиб олинганлиги (кирими) акс эттирилади.

Алоҳида 160 ва 170 – қаторларда ижарага берилган ва олинган асосий воситалар ҳаракати акс эттирилади.

#### **14.6. ПУЛ ОҚИМИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот маълум бир ҳисобот даврида корхонанинг пул маблағлари ҳолатига операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти таъсирини акс эттиради ва шу давр ичида пул маблағлари ўзгаришини кўрсатади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

- корхонанинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилиятини, шунингдек шунга ўхшаган пул маблағларидан фойдаланишда корхона эҳтиёжини баҳолаш;

- корхонанинг соф активдаги ўзгаришларни, молиявий структурасини ва унинг ўзгарувчан вазият ва имкониятларга мослашиш мақсадида пул оқимларининг суммалари ва ўз вақтида тушишига таъсир этиш қобилиятини баҳолаш;

- турли корхоналарнинг операцион фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни таққослаш. Чунки бу хўжалик фаолиятининг бир хил муомала ва вақеалари учун бухгалтерия ҳисобининг турли усулларида фойдаланиш оқиботларини бартараф этади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда пул маблағлари оқими қуйидаги фаолиятлар бўйича таснифланади:

- операцион фаолияти
- инвестицион фаолияти
- молиявий фаолияти

Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳажми корхона фаолияти самарасининг ҳал этувчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Чунки у ташқи молиялаш манбаларисиз ссудаларни қайтариш, меҳнат унумдорлик даражасини сақлаш, дивидендлар тўлаш ва янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Операцион фаолиятдан бўлган пул маблағлари ҳаракати биринчи навбатда даромад олиш бўйича асосий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион фаолият – бу пул эквивалентига кирмайдиган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, қайтариладиган кредитларни бериш ва олиш. Буларга бино, асбоб – ускуна, номоддий ва бошқа активларни сотиш ва сотиб олиш, акция ёки

бошқа қарз мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ва бошқа корхоналарнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини сотиб олиш, фьючерс, форвард, опцион ва своп – контрактлар буйича тушумлар ва улар буйича туловлар киради. Фьючерс контракт (муддатли контракт) – бу маълум миқдордаги молиявий инструментларни ёки белгиланган миқдордаги товарни эркин савдо биржасида келишилган нархда олди – сотди тўғрисидаги шартнома.

Форвард контракти – бу товар ёки молиявий инструментларни келажакда жунатиш ва ҳисоб – китоб қилиш буйича олди – сотди тўғрисидаги битим.

Опцион контракт (мукофатли битим) – бу маълум миқдордаги молиявий инструментлар ёки товарларни келишилган муддат ичида белгиланган миқдорда мукофат тулаш эвазига қайд этилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи.

Молиявий фаолият – бу шундай фаолият турики, унинг натижасида корхонанинг хусусий капитали ва қарзлари ҳажми ва структураси (тузилиши) да ўзгариш ҳосил бўлади. Қуйидаги пул маблағларининг ҳаракати бунга мисол бўлади:

Пул маблағларини тушуми	Пул маблағларининг чиқими
Акциялар чиқаришдан олинган тушумлар	Хусусий акцияларни сотиб олиш буйича туланмалар
Қарзга олинган маблағлар тушуми (чиқарилган векселлар, облигациялар ва бошқа узоқ муддатли қарзлар)	Қарзларни қайтарилиши (операцион фаолиятда акс эттириладиган қарзлар буйича фоизлардан ташқари)
	Акционерларга дивидендлар тулаш ва капиталнинг бошқа кўринишдаги тақсимланиши
	Молиялаштириладиган ижара билан боғлиқ булган мажбуриятлар буйича туловлар

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 – январидаги 5 – сон буйруғи билан тасдиқланган пул оқими тўғрисидаги ҳисоботи шаклини келтирамыз.

#### Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот

4 – шакл

Кўрсаткичлар номи	Қатор №	Чи-қим	Ки-рим
<b>Ҳўжалик фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати</b>			
Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари	010		
Мол етказиб берувчиларга туланган пул маблағлари	011		
Ходимларга ва ходимлар номидан туланган пул маблағлари	012		
Бошқа пулли туловлар ва тушумлар	013		
Ҳами. Ҳўжалик фаолиятидан пул маблағларининг соф кирими (чиқим) (010+011+012+013)	014		

Давоми

Курсаткичлар номи	Қатор №	Чи-қим	Ки-рим
<b>Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатиш</b>			
Олинган фоизлар	020		
Туланган фоизлар	021		
Олинган дивидендлар	022		
Туланган дивидендлар	023		
Жами. Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги соф кирим (чиқим) (020+021+022+023)	024		
<b>Солиқланиш</b>			
Даромад (фойда) дан туланган солиқ	030		
Бошқа туланган солиқлар	031		
Жами. Туланган солиқлар (030+031)	032		
<b>Инвестиция фаолияти</b>			
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	040		
Узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш ва сотиш	041		
Харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар	042		
Жами. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими (чиқими) (040+041+042)	043		
Жами. Пул маблағларининг соф кирими (чиқими) (молиялаштиргунга қадар)	044		
<b>Молиявий фаолият</b>			
Акция чиқаришдан капиталга келиб тушган тушум	050		
Узоқ ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши	051		
Ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар	052		
Жами. Молиявий фаолият соф кирими (чиқими) (050+051+052)	053		
	060		
	070		
	080		

**Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумот**

Курсаткичлар номи	Қатор коди	Миқдори, сумма
Иил бошига қолдиқ	090	
Жами тушум	100	
шу жумладан:		
а) сотишдан тушум	101	
б) хорижий валютага алмаштирилган	102	
в) олинган кредит	103	
г) бошқа манбалар	104	
Жами сарфланган	110	
шу жумладан:		
а) ишлаб чиқариш (муомала) сарфларига қўшиладиган харажатлар	111	
б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари	112	
в) мол етказиб берувчиларга туланмалар	113	
г) кредит учун тўловлар, шу жумладан фоизлар		
учун ҳам	114	
д) бошқа мақсадлар учун	115	
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	120	

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

«Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари» деган 010 – қаторда юклаб юборилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун ҳисобот даврида корxonанинг банкдаги ҳисоб – китоб счетиға тушган маблағлар кўрсатилади.

«Мол етказиб берувчиларға туланган пул маблағлари» деган 011 – қаторда материал қийматликлари ва хизматлар (телефон, телеграф, божхона ва б.) учун мол юбуровчи ва хизмат кўрсатувчиларға туланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади. Бу қаторда номоддий активлар ва узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш учун туланган пул маблағлари кўрсатилмайди. Улар 040 – қаторда кўрсатилади.

«Ходимларға ва ходимлар номидан туланган пул маблағлари» деган 012 – қаторда пул маблағларининг қуйидаги мақсадлар учун сарфланиши кўрсатилади: ходимларға туланган меҳнат ҳақи, мукофотлар; пенсия фондига, бандлик фондига, шахсий суғурта фондига туланмалар; бюджетта даромад солиғи тулаш; касаба уюшмасига ажратмалар; алимент туловлари; турар жой фондига туловлар; ходимларға берилган банк кредитлари буйича туловлар ва шунга ўхшаган ходимларға ва ходимлар номидан туланадиган бошқа пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари акс эттирилади.

«Бошқа пулли туловлар ва тушумлар» (013) моддасининг «Чиқим» деган хонасида корxonанинг тулаган, «Кирим» деган хонасида олинган роялти, турли рағбатлантиришлар ва бошқа даромадлар, савдо корxonалари билан тузиладиган битимлар буйича олинган комиссион йиғимлар акс эттирилади.

020 ва 021 – қаторларда корxonанинг банкдаги ҳисоб-китоб счетиға ёки кассасига олинган ёки туланган фоизлар суммаси кўрсатилади. Олинган фоизлар ҳисоби 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счетида, тулангани эса 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счетида юритилади.

«Олинган дивидендлар» (022 – қатор) ва «Туланган дивидендлар» (023 – қатор) моддаларида пул маблағлари ва пул эквивалентлари тарзида олинган ва туланган дивидендлар акс эттирилади.

030 – қаторда фойда (даромад)дан туланган солиқ суммаси акс эттирилади.

031 – қаторда фойда (даромад) солиғидан ташқари барча туланган солиқлар, бож ва унга тенглаштирилган йиғим ва ажратмалар кўрсатилади.

040 ва 041 – қаторларнинг «Чиқим» хонасида сотиб олинган номоддий активлар ва узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш учун мол юбуровчиларға туланган (шу жумладан бунак туловлари ҳам) пул маблағлари ва эквивалентлари акс эттирилади. «Кирим» хонасида эса сотилган номоддий активлар ва узоқ муддатли моддий активлар учун харидорлардан олинган пул маблағлари ва эквивалентлари акс эттирилади.

«Харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар» (042 – қатор) моддасининг «Чиқим» хонасида сотиб олинган қимматли қоғозлар учун туланган пул кўрсатилади. Бу қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича даллолларга туланган сумма ва биржада туланган фоизлар бу ерда акс эттирилмасдан 013 – «Бошқа пулли туловлар ва тушумлар» моддасида кўрсатилади.

042 – қаторнинг «Қирим» хонасида олдин сотиб олинган қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул маблағлари акс эттирилади. Лекин корхонанинг ўзи чиқарган қимматли қоғозларини сотишдан тушган пул маблағлари, шунингдек банк ва бошқа юридик шахслардан олинган қисқа ва узоқ муддатли ссудалар ва қарзлар бу моддада акс эттирилмайди.

Бу моддада тажриба – конструкторлик ишларига капиталлаштирилган харажатлар билан боғлиқ бўлган туловлар акс эттирилади.

050 – «Акция чиқаришдан капиталга келиб тушган тушум» қаторида ҳисобот даврида чиқарилган акциялар бўйича акционерлардан тушган пул маблағлари акс эттирилади.

051 – «Узоқ ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши» қаторининг «Қирим» хонасида ҳисобот даврида кредит ва қарзлар бўйича олинган пул маблағлари кўрсатилади, «Чиқим» хонасида эса – бу қарзлар ва кредитларни тўлаш бўйича сарфланган пул маблағлари кўрсатилади.

«Ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва туловлар (052) моддасининг «Қирим» хонасида ижарага берувчилар томонидан олинган пул маблағлари акс эттирилса, «Чиқим» хонасида ижарага олувчи томонидан туланган пул маблағлари кўрсатилади.

070 – «Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот йили бошига қолдиғи» қаторида пул маблағлари (5010, 5110, 55, 56, 57, 58) счетларида олдинги йилнинг 31 декабрига қолган қолдиқ кўрсатилади.

080 – «Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот даври охирига ҳолати» қаторида пул маблағлари (5010, 5110, 55, 56, 57, 58) счетларида ҳисобот даврининг охириги санасига қолган қолдиғи акс эттирилади. Бу сумма ҳисоблаш йўли билан қуйидагича топилади: барча қаторларнинг «Қирим» хонасидаги суммалар жамига 070 қатор суммасини қўшиб барча қаторларнинг «Чиқим» хонасидаги суммалар жамини олиб ташланади.

«Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумот» бўлимида ҳисобот даврида корхонанинг валюта маблағларини ҳаракати кўрсатилади.

100 – «Йил бошига қолдиқ» қаторида корхонанинг валюта смети ва кассасида ҳисобот даври бошига қолган валюта маблағлари кўрсатилади.

«Жами тушум» деган 110 – қаторда йил бошидан келиб тушган валютанинг умумий суммаси кўрсатилади, «Шу жумладан» деган моддасида валюта маблағларининг келиб тушиш манбалари кўрсатилади.

«Жами сарфланган» деган 110 – қаторда корхона томонидан турли мақсадлар учун сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади. «Шу жумладан» деган моддасида валюта маблағларининг сарфланиш йўналишлари кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охирига қолдиқ деган 120 – қаторда корхонанинг валюта смети ва кассадаги валюта маблағларининг суммаси акс эттирилади. Бу суммани ҳисоблаб топиш учун 090 қатор суммасига 100 – қатор суммасини қўшиб 110 – қатор суммасини олиб ташлаш керак.

#### 14.7. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот жорий бухгалтерия маълумотларига асосан тузилиб унда ташқи ва ички фойдаланувчилар учун муҳим кўрсаткичлар мавжуд.

Қуйида бу ҳисоботнинг шакли келтирилади.

#### Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот

Кўрсаткичлар	Қа- тор	Ус- тав- ка- пи- тали	Қў- шил- ган ка- питал	Ре- зерв капи- тали	Тақсим- ланма- ган фойда	Хусусий капитал билан қопланма- ган зарар	Жа- ми
1	2	3	4	5	6	7	8
Йил бошига қолдиқ	010						
Хусусий капиталнинг ўсиши	020						
Қимматли қоғозлар	030						
Асосий воситаларни қайта баҳоланиши	040						
Резервга ажратма	050						
Жорий йил фойдаси (зарари)	060						
Дивидендлар	070						
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	080						

1	2	3	4	5	6	7	8
Маълумот учун:							
Ҳисобот даври охирида устав капиталига киритилган бадаллар	090						
Чиқарилган акциялар- нинг миқдори, дон	100						
Шу жумладан:							
имтиёзлилари	101						
оддийлари	102						
Акция қиймати	110						
Шу жумладан:							
имтиёзлилари	111						
оддийлари	112						
Муомаладаги акциялар миқдори, дон	120						
Шу жумладан:							
Имтиёзлилари	121						
оддийлари	122						

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига асосан корхонанинг бозор фаоллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин. Бу кўрсаткичлар компаниянинг акцияларини қиймати ва даромадлилигини таърифлайди.

1. Бир акцияга тўғри келадиган фойда (АФ) қуйидагича аниқланади:

$$АФ = \frac{\text{Соф фойда (СФ)} - \text{имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар}}{\text{Муомаладаги оддий акциялар}}$$

Бу кўрсаткич муомаладаги бир оддий акцияга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу бозор иқтисодиёти шароитида энг зарурий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. Акциянинг бозор баҳоси билан бир акцияга тўғри келадиган фойданинг муносабати (БФ) қуйидагича аниқланади:

$$БФ = \frac{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}{АФ}$$

Бу кўрсаткич компаниянинг бир сўм соф фойдасига акционерлар неча сўм тулашга розилигини билдиради. Масалан, «А» компаниясида бу кўрсаткич 10 бўлиб, «Б» компаниясида 8 булса, инвесторлар «А» компаниясининг инвестиция сифатини афзалроқ баҳолайди. Бу кўрсаткич бошқа компанияларнинг бир акцияга тўғри келадиган фойда динамикаси ва умумий бозор динамикаси бўйича баҳоланади.

3. Бир акциянинг баланс қиймати (АБҚ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{АБҚ} = \frac{\text{Акционер капиталининг қиймати} - \text{имтиёзли акциялар}}{\text{Муомаладаги оддий акциялар}}$$

Бир акциянинг баланс қиймати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига биноан бир оддий акцияга тўғри келадиган корхонанинг соф активлари қийматини курсатади.

4. Бир акциянинг бозор қиймати билан баланс қийматининг нисбати унинг баланс қийматига қараганда бозор қиймати қанча эканлигини курсатади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}{\text{Билан баланс қийматининг нисбати}} = \frac{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}{\text{Бир акциянинг баланс қиймати}}$$

5. Дивиденд даромад ёки дивиденд нормаси қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Дивиденд даромад (ҳақиқий фойда нормаси)}}{\text{Бир акциянинг дивиденди}} = \frac{\text{Бир акциянинг дивиденди}}{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}$$

6. Акциянинг даромадлилиги (АД) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$\text{АД} = \frac{\text{Д} + (\text{С}^* - \text{С})}{\text{С}}, \text{ бу ерда}$$

Д – акцияга эгалик қилиш даврида олинган дивиденд суммаси,

С\* – сотиш нархи,

С – сотиб олиш нархи

7. Тўланадиган дивидендлар улуши (ТДУ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{ТДУ} = \frac{\text{Бир акцияга тўғри келадиган дивиденд}}{\text{Бир акцияга тўғри келадиган соф фойда}} = 0 - 90 \%$$

Бу кўрсаткич таҳлилининг хусусияти шундан иборатки, унинг «яхши» ва «ёмон» даражаси бўлмайди. Лекин бунинг умумий кўрсаткичи 1 дан ошмаслиги керак. Бу демак компания дивиденд тўлаш учун етарли даражада фойда олганлигини курсатади. Агар бу кўрсаткич 1 дан ошиб кетса, компания молиявий имкониятидан оқилона фойдаланганмаганлигини ёки резерв капиталидан қарз олганлигини курсатади.

Дивидендлар хусусий капитални камайтиради, чунки улар компания тасарруфида қолган соф фойдадан туланади.

## МУНДАРИЖА

### 7-БОБ

#### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....3**

- 7.1. МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ТАСНИФИ ВА ТАРКИБИ.....3
- 7.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СЧЕТЛАР ТИЗИМИ.....8
- 7.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ АНАЛИТИК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....15
- 7.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ.....19
- 7.5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА САРФЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ.....34
- 7.6. ИШ ҲАҚИ, МУКОФОТЛАР, ТАЪТИЛ ҲАҚИ РЕЗЕРВИНИ ТАҚСИМЛАШ.....42
- 7.7. КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР РЕЗЕРВИ.....44
- 7.8. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА САРФЛАНГАН БОШҚА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА УЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ.....46
- 7.9. ЁРДАМЧИ ВА БОШҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ.....47
- 7.10. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ЖАМЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБИ.....52
- 7.11. АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ АСРАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЖАМЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБИ.....53
- 7.12. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР ҲИСОБИ.....58
- 7.13. ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИ ВА УНИ БАҲОЛАШ.....62

### 8 -БОБ

#### **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЯНГИ ОБЪЕКТЛАРИ.....66**

- 8.1. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ.....66
- 8.2. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗ ТУРЛАРИ.....70
- 8.3. МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР (ИНВЕСТИЦИЯЛАР) ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ҲИСОБИ.....76
- 8.4. АКТИВЛАРНИ ВАКОЛАТЛИ (ТРАСТЛИ) БОШҚАРИШ.....85
- 8.5. ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ҲИСОБИ.....86

## 9-БОБ

### ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ...91

- 9.1. ҲИСОБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ  
ВАЗИФАЛАРИ.....91
- 9.2. ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ  
НОМЕНКЛАТУРАСИ.....93
- 9.3. МАҲСУЛОТЛАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА  
СОТИШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ.....96
- 9.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ  
СИНТЕТИК ҲИСОБИ ВА УЛАРНИ ОМБОРДАГИ  
ҲИСОБИ.....100
- 9.5. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ  
ВА СОТИШНИ АНАЛИТИК ҲИСОБИ.....103
- 9.6. ТИЖОРАТ (НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ)  
ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ.....108
- 9.7. МАҲСУЛОТ СОТИШНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИ.....109
- 9.8. ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА РЕЗЕРВ ҲИСОБИ.....115
- 9.9. ТОВАРАЛМАШИШ (БАРТЕР)  
МУОМАЛАЛАРИНИ ҲИСОБИ.....117
- 9.10. КОНСИГНАЦИЯ АСОСИДА АМАЛГА  
ОШИРИЛАДИГАН МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ.....118

## 10-БОБ

- ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ  
ХАРАЖАТЛАРИНИ  
ҲИСОБИ.....121

## 11-БОБ

- ФОНДЛАР ВА КРЕДИТЛАР ҲИСОБИ.....130
- 11.1. УСТАВ КАПИТАЛ ВА ТАЪСИСЧИЛАР БИЛАН  
ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ.....130
- 11.2. ҚўШИЛГАН КАПИТАЛ ҲИСОБИ.....135
- 11.3. РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИНГ ҲИСОБИ.....138
- 11.4. МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАР, СУБСИДИЯ ВА  
ГРАНТЛАР ҲИСОБИ.....141
- 11.5. БАНКЛАР КРЕДИТЛАРИ ВА ҚАРЗГА ОЛИНГАН  
МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИ.....145

## БОБ

<b>МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ.....</b>	<b>150</b>
12.1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР.....	150
12.2. МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) СОТИШДАН ОЛИНГАН ЯЛПИ ФОЙДА (ЗАРАР) ВА ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ.....	152
12.3. АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ.....	158
12.4. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА ҲИСОБИ.....	162
12.5. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ФОЙДАНИ ИШЛАТИЛИШИ.....	165
12.6. ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИ.....	169
12.7. ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ВА ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР) ҲИСОБИ.....	170
12.8. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ КЎРСАТМАЛАР.....	173

## 13-БОБ

<b>КОРХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ.....</b>	<b>181</b>
13.1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР.....	181
13.2. УСТАВ КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ.....	184
13.3. ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ АСОСИДА, ШУНИНГДЕК ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АКЦИОНЕР ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ.....	187
13.4. ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИДОРЛАР ХАРАЖАТИНИНГ ҲИСОБИ.....	196
13.5. ЛИЗИНГ МУОМАЛАЛАРИНИ ҲИСОБИ.....	197
13.6. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НАТИЖАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АКЦИОНЕР ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ ВАРИАНТЛАРИ.....	210

## 14-БОБ

<b>ҲИСОБОТ.....</b>	<b>212</b>
14.1. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАРКИБИ.....	212
14.2. ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ.....	214
14.3. ҲИСОБОТ ТУЗИШ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	221
14.4. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ.....	222
14.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ.....	227
14.6. ПУЛ ОҚИМИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ.....	232
14.7. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ.....	237

## ЎҚУВ МАРКАЗИ

- Замонавий бухгалтерия ҳисоби
- Бухгалтерлар ва аудиторлар малакасини ошириш курслари (БХМ, янги счетлар режасининг асослари, солиққа тортиш)
- Аудиторлар тайёрлаш курслар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензия олишга)
- Бошқарув ҳисоби бўйича курслар (харажатларни ва маъмурий сарфларни таҳлил қилиш ва бошқариш, бошқаоув ва инвестиция қарорларини қабул қилиш)
- Молиявий ҳисоби курслар
- Офисдаги компьютер (Ms Jffice-2000, Windows...)
- Бухгалтериядаги компьютер (1С-Бухгалтерия)

## АХБОРОТ-НАШРИЁТ МАРКАЗИ

Полиграфия маҳсулотини ишлаб чиқариш лицензиясига эга бўлган Ассоциация қўйидагиларни ишлаб чиқаради ва сотади:

- «Ҳамма нарса бухгалтерлар учун» номли ойлик бюллетен;

- Ўқув, норматив ва методологик адабиётлар

## МАСЛАҲАТ МАРКАЗИЙ

ҚўЙИДАГИЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТ  
БЕРИЛАДИ:

- бухгалтерия ҳисоби
- солиқланиш
- хўжалик ва шартнома ҳуқуқлари
- назорат органлари томонидан молиявий санкцияларни туғри қўллаш бўйича экспертиза

ЧИТАБ: 31 310